

The background of the poster is dark and moody. At the top, two marionettes are shown from behind, their heads and hands visible as they pull strings. Below them, a large, dark silhouette of a person is leaning against a vertical structure, possibly a door or window frame, with their head resting against it. The overall atmosphere is mysterious and dramatic.

САРОБГА
АЛДАНГАНЛАР
ҚИСМАТИ

САРОБГА АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ

**ТОШКЕНТ
“ZAMON-PRESS-INFO NASHRIYOT UYI”
2017 йил**

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7

Ж - 13

Лойиҳа раҳбари:
Фирдавс Абдухолиқов

Тўпловчи ва масъул муҳаррир:
Рустам Жабборов

Ватан – муқаддас, унинг ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек асраш, тараққиёти, келажаги учун хизмат қилиш – барчамиз учун шараф. Аммо, билиб-билмай, саробга алданиб, хоинлар қутқусига учиб, Ватанга хиёнат қилган кимсалар охир-оқибат пушаймонга ботадилар. Мазкур китобда ана шундай юртдошлиаримизнинг надоматга тўла мактублари, уларнинг яқинлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган. Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2635-сонли хуносаси асосида нашрга тайёрланди.

23.2.21/1

СҰЗБОШИ

АЗИЗ КИТОБХОН!

Kүлингиздаги мазкур китоб бүгүнги күннинг эң долзарб муаммоларидан бири — терроризм ва унинг хатарли оқибатларыга бағишиланади. Биламизки, бу иллат юрт, чегара, миллат ва ёш танламайды. Унинг даҳшатли тұлқини каттаю кичикни, ёшу қарини, әркагу аёлни бирдек үз комига тортиши мүмкін. Афсусуки, ана шу балойи азим комига илиниб қолаётганлар орасида ҳамюртларимиз ҳам учраб турибди. Билиб-бilmай, түрли заарарлы оқимлар таъсирига берилиб, залолат гирдобига ботаётган, ғаразли күчлар ноғорасига үйнаётган, күзини зулмат пардаси түсіб, үз халқига, Ватанига хиёнат қилаётганлар охир-оқибат қылған хатоларини англаб, қилмишига мингдан-минг пушаймон бўлиб қолмоқда.

Ана шундай хатти-ҳаракатлари учун қонунга мувофиқ тарзда жавобгарликка тортилаётган ҳамюртларимиз вақтида нотұғри қарор қабул қылгани, үзи қилаётган ишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмәганини сидқидилдан эътироф этишади. Ушбу китоб ана шу афсус ва надоматлар, бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан ҳаққоний муносабатларни үзиди жамлаган.

Мазкур китоб икки қисмни үз ичига олади. Тұпламда қылған хатоси учун жиной жавобгарликка тортилған, жазони ижро этиш муассасасида жазо мүддатини үтәётган ёхуд үтаб қайтған ҳамюртларимизнинг чин дилдан билдирган иқрорлари, надоматлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари, яқинлари, маҳалладошлари томонидан йўлланған мактублари жой олган.

Албатта, ушбу мактубларга таҳририят ходимлари томонидан бади-

ий тил ва услугуб нүқтаи назаридан жузъий ўзгартеришлар киритилган. Бироқ уларнинг мазмунига халал етказадиган даражада таҳрирга йўл қўйилмади. Мактуб муаллифлари айтмоқчи бўлган барча фикр-мулоҳазалар, мақсаду муддаолар ўз шаклини сақлаб қолди. Улар яқин давр ичидаги “Даракчи”, “Суғдиёна”, “Даракчи плюс” газеталарида, Darakchi.uz сайтида чоп этилди. Мактублар матбутотда эълон қилингач, кўплаб муштарийларимиз ўз фикр-мулоҳазалари, муносабатларини таҳририятимизга йўллашди.

Биз кўплаб мухлисларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда бир неча ой ичидаги газеталаримизда чоп этилган мактубларни алоҳида тўплам кўринишида чоп этишга қарор қилдик. Маълум сабабларга кўра, китобдаги айрим исм-фамилиялар ўзгартирildи.

Мазкур мактубларни бизга етказишда ўз ёрдамларини аямаган ҳуқуқ-тартибот идоралари, жазони ижро этиш муассасалари мутасаддиларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Тўплам ўз ўқувчиларини топади, кўпгина ҳамюрларимиз учун оқу қорани, ҳақ билан ноҳақни, пасту баландни, яхшию ёмонни ажратишда мұхим қўлланма бўлади, деган умиддамиз. Китоб юзасидан фикр ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ



ФАФЛАТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Муборак динимизнинг құтлуғ номи – “Ислом” сўзининг истилохий маъноларидан бири “тинчлик”, “саломатлик” деганидир. Динимиз ўн тўрт асрдан бери бутун инсониятни тинчликка, бағрикенглилкка, эзгуликка чорлаб келаётир. Зотан, бугун дунёning турли нұқталарида биродаркүшлик, зулм, хунрезлик, қуролли низолар, можаролар давом этиб турган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик Яратганинг бизга, кўп миллионли Ўзбекистон аҳлига кўрсатаётган чексиз марҳаматидир.

Йигирма беш йилдирки, ҳалқимиз ҳурулкда, истиқлол атальмиш бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлиб яшаб келаётир. Бу дориламон күнларга етишмоқ учун миллатимизнинг не-не асл фарзандлари, мард ва жасур ота-боболаримиз азиз жонларини қўрбон қўлганларини ҳам яхши биламиз. Истибодод тузумининг ҳалқимизни теран илдизлари, тарихий қадриятлари, дин-диёнатидан жудо этишга қаратилган қаттол сиёсатини ҳам кўпчилик яхши эслайди.

Ўтган асрда қанча-қанча юртдошларимиз фарзандининг қулоғига азон айтгани, отасига жаноза ўқитгани учун қаттиқ итобу азобларга дуч келгани ҳам айни ҳақиқат. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотуридий сингари мутафаккирларимизнинг қадамжолари оёқости қилингани, хароб аҳволга келиб қолгани, уйидан араб имлосидаги бир варақ қоғоз чиққани учун “халқ душмани” аталиб, қатағонга учрагани ҳам айни ҳақиқат.

Марҳум Юртбошимиз, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов (қабрлари нурга тўлсин) ташабbusлари билан юртимиз ҳали мустақил деб эълон қилинмаган бир пайтда Рамазон ва Қурbon ҳайитининг биринчи кунини байрам деб эълон қилиш тӯғрисидаги фармонлари имзоланди. Мамлатимиз истиқлолга эришган ilk дамлардан бошлаб, юртимизда энг аввало ҳалқнинг дину иймони, виждан ва эътиқод эркинлигини ҳимоялашга катта эътибор қаратилди.

Истиқлол йилларида барча қадриятларимиз қатори муқаддас динимиз ҳам ҳалқимиз, Ватанимиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Тарихий қадамжолар, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросига бўлган эътибор юксалди. Бугун юртимиз мусулмонлари ўз ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Масжидларимиздаги ободлик, файз, мунаварлик ҳар қандай инсонда ҳайрат уйғотади. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз ҳаж ва умра зиёратларини адо этиб келишмоқда. Давлатимиз томонидан ҳожиларимизга яратилган шарт-шароитларни кўриб, бошқа юртларнинг ҳожилари ҳам ҳавас қилишганини кўп бор кўрганмиз, эшитганмиз.

Бугун ўз истиқлолининг 25 йиллик тўйини нишонлаган Ватанимиз, Яратганга шукрлар бўлсинки, тобора юксалиб, ривожланиб бораётир. Мамлакатимизда ҳукм сурاء́тган тинчлик, осойишталик ҳар биримиз учун беназир, бетимсол неъмат. Ана шу тинчлик туфайли ҳар куни эрталаб ҳар биримиз хотиржамлик билан болаларимизни боғчага, мактабга жўнатамиз, ўзимиз ҳам бемалол ишга отланамиз. Ҳолбуки, бундай тинчлик, хотиржамлик минглаб замондошларимизнинг ушалмас орзусига айланиб турибди.

Яқинда самолётда бир хорижлик спортчи билан ёнма-ён ўтириб келдим. У қирғинбарот авжига минган юртдан экан. Ўн ой ичida ўттиз олти нафар яқин қариндошидан ажралганини кўзда ёш билан айтиб берди. Юртида бирор яқини, қондоши қолмабди.

Бироқ, афсуски, атрофга теран кўз билан қарамайдиган, мана шу тинч, фаровон, осойишта ҳаётилизни кўролмайдиган, юртимизга ҳам нифоқ, хунрезлик, қатлу қирғин уруғини сепишга уринаётган ёвуз кимсалар йўқ эмас. Улар ўз бузғунчи ғоялари билан одамларимизни, хусусан, ёшларимизни ўз

Йўлига оғдириш учун ҳар қандай ҳийлаю найрангларини ишга солишмоқда. Энг ачинарлиси, бундай кимсалар азалдан поклик, эзгулик, меҳр-оқибат дини бўлган Исломни, мусулмончиликни ниқоб қилишган. Улар амалга ошираётган хунрезликлар, ваҳшийликлар туфайли дунё аҳли Ислом ҳақида, мусулмонлар ҳақида мутлақо ноўрин тасаввур ва хуносаларга боришмоқда.

Ҳолбуки, Ҳақ Субҳонаҳу ва таъоло Қуръони каримда:

إِنَّ الدِّينَ عِزْدَادُ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

“Аллоҳнинг наздидаги мақбул дин бу Исломдир” (Оли Имрон, 19-оят), дея марҳамат қиласиди. Ана шу муборак фикрнинг давоми сифатида, бандаларнинг ўзича турли йўл ахтариб, ҳар хил фирмаларга бўлинниб кетишининг олдини олиш мақсадида яна бир ояти каримада **“бу кун сизга динингизни мукаммал қилиб бердик”**, дейилади.

Дарҳақиқат, динимиз ҳар жиҳатдан мукаммал, унинг турли оқимларга, тўдалар ва тўдабошиларга ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ. Бу дин эзгулик, ёруғлик, хотиржамлик, мусаффолик, тинчлик, тенглик, биродарлик, қувонч, хушнудлик динидир.

Бугун турли жарангдор, ялтироқ номлар билан аталаётган гуруҳлар – у хоҳ “Хизбут таҳрир” бўлсин, хоҳ “акромийлар”, хоҳ “салафийлар”, хоҳ “Нур” ёки “жиходчилар” бўлсин, Исломдан ўз чиркин мақсадларига эришиш, ҳокимият, куч-қудрат ва давлатга эга чиқиш учун восита сифатида фойдаланишмоқда, холос.

Ҳақ Субҳонаҳу ва таъоло каломида марҳамат қилиб айтадики:

وَمَا كَانَ رَبُّكَ لِيُهْلِكَ الْقَرَى بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا مُصْلِحُونَ


“(Эй Мұхаммад) Роббингиз аҳолиси ислоҳ қилувчи (обод қилувчи) бўлган юртларни зўлм ила ҳалокатга дучор қилувчи бўлмади” (Ҳуд, 117-оят).

Бугун юртимизнинг тинчлиги, осойишталигига, кексаларимиз юзидағи нурга, опа-сингилларимиз, аёлларимизнинг хушнудлигига, ёшларимиз кўзидағи шиддатга қаранг, уларнинг бари бугунги кундан, Ватанидан, ризқу

насибасидан, фаровон ҳәётидан мамнүн. Ҳар бир инсон ўз меңнати, ақлу заковати, ижоди билан юрт тараққиётига, ободлигига ҳисса қўшмоқда.

Қайси юртда шукроналик, ҳәётдан мамнунлик, иймон-эътиқод барқа-рор экан, ўша юртга Яратганинг баракоти ёғилади.

Яна бир ояти каримада Парвардигор:



“Шукр қилсангиз, зиёдаси билан бераман” (Иброҳим, 7-оят), дейди.

Бироқ, на билимининг, на ақлу идрокининг, на эътиқодининг тайини бўлмаган кимсалар одамлар орасига қутқу солиб, уларни турли фирқаларга айирмоқчи, жаҳолат кўчаларига судрамоқчи бўладилар. Биз ана шундай оқимларга эргашиб, мафкураси заҳарланган айрим юртдошларимиз билан учрашиб, улар билан сұхбатлар ўтказамиш.

Биламизки, динимиз ота-онамизга ҳурмат қилишга, меҳр-мурувват кўрсатиб, уларнинг дуоларини олишга буюради.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиласидилар: Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан “ё Расулуллоҳ, кимга яхшилик қиласай”, деб сўрашганда, ул Зот “аввал онангизга, кейин онангизга, сўнг яна онангизга, ундан сўнг отангизга яхшилик қилинг”, деб марҳамат қилган эканлар (Имом Бухорий ривояти).

Мен ана шундай адашган бандалардан бири билан учрашиб, ундан “ота-онангиз бормилар?” деб сўрадим. У бош ирғади. “Ахир энг аввали уларнинг розилигини олиш мўъмин кишининг олдидаги қарзлардан бири эмасми? Асл ибодат шу эмасми? Жаннат оналарнинг оёқлари остида-ку? Аввал уларнинг розилигини олмайсизми?” дедим. Ҳалиги йигит менга тикилиб қолди: “Онанинг розилигини айтяпсизми? Сиздан бир нарса сўрамоқчиман: бир коса сигир сути қанча туради?” “Фалон пул турса керак”, дедим. “Яхши, унда мен ҳам биродарларимга хат ёзаман, ҳисоблаб, сиз айтган нархда онамга эмизган сутининг пулинин етказишиди”. Бу гапни эшитиб, баданим музлаб кетди. Менимча, ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳолбуки, Қуръони каримда шундай оят бор:

وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا
يَبْلُغُنَّ عِنْدَكُمُ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَّاهُمَا فَلَا تَقُولْ لَهُمَا أَفْ
وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا

“Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирори ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “үф” тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт!” (Исрo, 23-оят).

Мана шу мисолнинг ўзиёқ бундай оқимлар вакилларининг дину диненатдан нақадар олислаб кетганидан далолат эмасми? Улар қай тил билан ўзларини содиқ, солиҳ мусулмон, дея оладилар? Бу оқимлардан қай бирини Ислом арконлари, тартиб-қоидаларига амал қиляпти, дея оламиз? Ўзлари босиб олган ҳудудни “Ислом давлати” деб атаб, бегуноҳ инсонларни шафқатсизлик билан қатл этаётган, орасида қизларни зўрлаб, оиласи муслима аёлларни бадном қилаётган босқинчиларни ми? Тинч мамлакатларда ўз юмушлари билан машғул бўлган одамлар орасида теракт содир этиб, қон тўкаётган “Ал-Қоида”ними? Ўқувчи қизларни ўғирлаб, улар билан ҳайвоний эҳтиёжларини қондириб, кераксиз пайтида ўлдириб ташлаётган “Боко ҳарам”ними? Ўз халқи, ўз миллатдошлари бошига мислсиз кулфатлар ёғдириб, ўз Ватанини жаҳаннамга айлантираётган “Толибон”ними? Ота-онасига, Ватанига хиёнат қилиб, дарбадарликда ҳар қандай хунрезликдан қайтмай юрган “Ўзбекистон ислом ҳаракати” аъзолариними? “Шаҳвоний суратлар ва видеолавҳаларни кўриш, номаҳрам аёл билан ўпишиб кўришиш – ҳалол” деб “фатво” берадиган “ҳизбут-таҳрир”чиларни?

Дарвоқе, яқинда жазо муддатини ўтаётган водийлик, собиқ “ҳизбут-таҳрир”чилардан бири билан суҳбатлашдим.

“Мен водийда анча-мунча кишиларни шу оқимга даъват қилганман, – дейди ҳалиги акамиз. – Кўплаб “биродар”ларга бошчилик қилганман. Хо-

риждаги раҳнамоларимиз билан тез-тез боғланиб турардим. Қунларнинг бирида Лондондан “одамлар иштирокида намойиш ўтказиш” тўғрисида кўрсатма берилди. Аммо мен бундай қилолмасдим. Чунки одамларимиз кам, улар билан кутилган натижага эришиб бўлмасди. Ҳаммамизни тутиб, қамаб қўйишлари мумкин эди. Мен ана шу ҳолатни бориб тушунтириш учун амаллаб юртимиздан чиқиб, Лондонга йўл олдим. Катта шаҳардан “Хизбут-тахрир”нинг бош идорасини топиб бордим. Навбат кутиб, “раҳбар”нинг олдига кирдим. Қарасам, кўринишидан үмуман мусулмонга ўхшамайдиган бир ажнабий ўтириби. Оғзида сигара, олдида хилма-хил спиртли ичимликлар... Адашиб қолдиммикин, деб қайтиб чиқмоқчи эдим, ортимдан чақирди. “Сен фалончимисан?, – деб сўради. – Нега айтилган ишни қилмадинг? Сенга нима учун отнинг калласидек пул беряпмиз?”. Мен унга вазиятни тушунтирдим. Бор одамларимиздан ҳам айрилиб қолишимиз мумкинлигини айтдим. Шунда ҳалиги ажнабий менга қараб, “бизга ҳудди шу керак, Ўзбекистонда оддий диндорларни қамашяпти”, деган шов-шув керак. Шу билан бутун дунёни оёққа турғизамиз,” деди. Мен ана шундагина уларнинг асл мақсадини тушундим. Кўзим очилди. Дарҳол юртимизга қайтиб, ички ишлар ходимларига таслим бўлдим. Мен туфайли шу йўлга киргандарнинг олдига бориб, қасам ичиб, ҳалиги воқеани айтиб бердим. Аммо уларнинг кўпчилиги менга ишонишмади, сотқинга чиқаришди”...

Ҳа, Аллоҳ инсоннинг қалбини муҳрлаб, ақлдан, ҳидоятдан мосуво қилиб қўйса, шундай бўларкан.

Қуръони каримдаги яна бир оятдан парча келтириб ўтмоқчиман:

﴿ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبْصِرُونَ بِهَا
وَلَهُمْ آذَانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ
أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ ﴾

“...Уларда қалблар бор, лекин улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, лекин улар билан кўрмайдилар. Уларда қулоқлар бор, лекин

улар билан эшиitmайдилар. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, үлар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир” (Аъроф, 179).

Азизлар, Яратгандан ёлвориб сўрайлик, ҳар биримизни ана шундай ғофиллар қаторига тушиб қолишдан асрасин. Ўғил-қизларимиз, авлодларимиз ўз юртига, Ватанига, халқига содиқ инсонлар бўлиб етишишини, ғафлат ва жаҳолатдан йироқ бўлишини насиби рўзи қилсин.

Амийн, йа Роббал-ъаламийн!

*Одилхон кори Исмоилов,
Шайхонтохур туман бош имом-хатиби*



БИРИНЧИ ҚИСМ

ПАНЖАРА
ОРТИДАН МАКТУБЛАР

АДАШГАН ИГНАНИНГ ҚИЙШИҚ ЧОКЛАРИ

“Болалигимдаги узун қиши кечаларини эсласам, онамнинг күрпа ё түн қавигани күз олдимга келади. Түғриси, үшанданды игна ва ипнинг ҳаракатини қизиқиб кузатардим. Эътиборимни тортгани — игна қаёққа юрса, ип ҳам унинг ортидан эргашарди. Онам баъзан игнани нотўғри санчар, шунда тикаётган нарсасидаги чоклар ҳам қийшайиб қоларди. Камига қўлини ҳам жароҳатлаб оларди.

Менга қўшилиб, укам ҳам тўғри йўлдан адашгач, шу қийшиқ чоклар ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим...
Онам мени дунёга келтираётганда қаттиқ касал бўлиб қолган экан. Бобом ва отам маслаҳат қилишиб, ҳаёт зарбаларига чидамли бўлсин, деб менга Айюб, кейинчалик укамга Собиржон деб исм қўйган экан. Бироқ биз ота-бобомизнинг бу муқаддас ниятини амалга ошира олмадик, ular истагандек чидамли, сабрли, шукр қилувчи фарзандлар бўлмадик. Албатта, “сўнгги пушаймон ўзингга душман”, деган нақл бор, бироқ менинг бу қисматим кимларгадир зора ибрат бўлса, ular мен каби тўғри йўлдан адашмаса, кўнглим бир нафас таскин топармиди?..

Оилали бўлганимдан кейин, айниқса, ўғлим туғилганидан кейин бирданига кўпроқ пул топгим келиб қолди. Тўғриси, данғиллама ҳовли қургим, машиналар мингим келарди. Буларнинг бари осонликча пайдо бўлиб қолса, дердим. Шунинг учун қишлоқда бир ишни ёлчитмай туриб,

оила аъзоларимнинг, айниқса, аёлимнинг оҳу зорига қарамай 2013 йили ёз ойларида Россияяга ишга кетдим. Уфа шаҳрида мени ён туманимиз — Шаҳрисабздан бўлган Фазлиддин, Собит исмли йигитлар кутиб олди. Улар машина таъмирлаш цехида ишлар ва ўша ерда яшар экан. Шу ёққа олиб боришиди. Жойлашиб олганимдан кейин Фазлиддиннинг отаси Раҳмиддин ака, яна Ҳайдар исмли йигит билан танишдим. Эртаси куни намангандик Абдуллоҳ деган йигит келди. Уларнинг барчаси жамоат бўлиб намоз ўқишиди. Кўпдан ажралмай, деб улар сафига кирдим.

Фазлиддин иш топгунимча яшаб туришим учун шу цехдан жой берди. Унинг қилган яхшилиги кўзимга кўп кўриндими, нима деса, қулоқ қоқмай тинглайдиган бўлиб қолдим. Фазлиддин “бизга қўшилиб, динга киринг, ҳам тўғри йўлдан юрасиз, ҳам роса кўп пул топасиз”, деди. Диний саводим ҳаминқадар бўлгани учун у диний мавзуда қандай гап айтса, берилиб тинглардим. Афсус, ўшанда бу гаплар қанчалик тўғри-нотўғрилиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Нима деса, ишониб кетаверибман.

Бир куни Фазлиддин ноутбукини очиб, ҳижрат, жиҳод ҳақидаги маърузаларни қўйиб берди. Тинглаб бўлганимдан кейин “хўш, тўғри йўлни топдингизми?”, деб сўради. Ўзимда эмасмидим ё эсанкириб қолгандими, ёки йўқ десам, кўчага қувиб юборишидан кўрқдимми — билмадим, негадир, “ҳа”, деб юбордим. У бўлса, кулиб “унда “беш”ни ташланг, энди биродар бўлдик”, деди.

Шу-шу, ҳар куни соатлаб ҳижрат, жиҳод ҳақида маърузалар тинглайдиган, соқол қўйиб, “жиҳод қилаётган” “биродар”лар ҳақида видеороликлар кўрадиган бўлдик.

Боя айтганим — намангандик Абдуллоҳ деган йигит бир татар аёлига уйланган экан. У ҳам кунора хонамизга келиб турар, Фазлиддин, Собит, Ҳайдар билан бирга “тезроқ Покистонга ҳижратга чиқиб, жиҳод қилишимиз керак”, дерди. Фазлиддиннинг отаси Раҳмиддин ака эса уларни ортга қайтариш түгул, тинмай рағбатлантиради.

Бир ойча доимий иш тополмай, улар билан яшадим. Абдуллоҳга қўшилиб, кунлик ишга чиқиб юрдим. Ишда юрсак — Абдуллоҳ, цехга қайт-

сак — Фазлиддин тинмай ҳижрат ва жиҳод қилиш кераклигини айтаверарди. Улар менга интернетдаги “Одноклассники” тармоғидан профил очиб, “дўстлар” топиб беришди. Энди ҳижрат ва жиҳод ҳақида виртуал “дўст”лар билан ҳам тез-тез гаплашадиган бўлдик.

Кўп ўтмай, божам Шерали келди. Бир ой ўтгач, Уфадаги уйларнинг биридан ижарага уй топилди. У ерга ҳаммамиз кўчиб ўтдик. Абдуллоҳ шу яқин орадаги мебель ишлаб чиқарадиган цехдан иш топди. Бирга ишлай бошладик. Икки ой ўтмай, сентябрь бошларида Раҳмиддин ака, ўғли Фазлиддин, Собит, Покистонга, Ҳайдар эса Туркияга “ҳижрат” қилишга чиқиб кетди. Абдуллоҳ уларнинг барча ҳужжатини тўғрилаб, кузатиб ҳам қўйди. Мен эса қолдим.

Ўша кунлари уйга қўнғироқ қилсан, укам Собиржон “ака, коллежни битириб, диплом олдим, олдингизга бориб ишламоқчиман”, деди. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, “ука, бу ерда нима қиласан, ундан кўра, ана, давлатимиз коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаяпти, бирор ишни бошлайман, деса, банклар кредит беряпти, шулардан фойдаланиб, тайнинли ишнинг бошини тут”, дермиди?

Аммо ёнимга укамни чақириб, яна бир хатога йўл қўйдим. Укам ҳам биз билан мебель цехида ишлай бошлади. Абдуллоҳ бизга бош: ишдан кейин квартирага қайтганимиздан сўнг унинг ноутбукида Сурия, Ироқ, Афғонистондаги жангарилар ҳақида видеороликларни кўрардик. Абдуллоҳ эса уларни нуқул мақтар, “биродарларимиз бутун дунёни қўрқувда ушлаб турибди”, дерди.

У бир куни квартирамизга чечен миллатига мансуб Аслан деган йигитни бошлаб келди. Икки марта бирга ўтиридик. Кейин Аслан экстремистик оқимларга қўшилгани учун қамоқقا олинди. Милиция ходимлари келиб, божам Шералини ва Абдуллоҳнинг самарқандлик таниши Абдусалимни олиб кетишибди. Улар Аслан билан яқин таниш эмаслигини айтгач, қўйиб юборибди. Участка нозири бизни ҳам сўраб-суриштира бошлади. Божам Шерали “уйга кетаман”, деб туриб олди. Укам иккаламиз қолдик, лекин энди кузатувга олингандик.

Шунинг учун ўйлаб-ўйлаб, Туркияга кетган Ҳайдарга қўнғироқ қил-

дим. Маслаҳат олмоқчи эдим. Ҳайдар эса “Уфада қолсаларинг, аниқ қамаласизлар, яхшиси, бу ёққа келинглар, иш бор, ҳаёт зўр”, деди. Тўркияга қандай боришни билмасдим. Ҳайдар менга Санкт-Петербургда яшайдиган шаҳрисабзлик Дилшоднинг телефон рақамини берди.

Октябрь ойида поездга ўтириб, Санкт-Петербургга жўнадик. Бизни Дилшоднинг жияни кутиб олиб, квартирасига олиб кетди. Кечқурун Дилшод билан кўришдик, танишдик, Туркияга кетмоқчи эканимизни айтдик. У паспортларимиз ҳамда самолёт чиптасига пул олиб, қирғизистонлик Абунур деган одамни аэропортга жўнатди. Абунур икки соатда ишимизни битказди. Эртасига Кишинёвга, у ердан Истанбулга учдик. Ҳайдарнинг квартирасида ўн беш кун яшадик. Сўнг у бизга бир мадрасадан яшашга жой, мебель цехидан эса иш топиб берди. Бу мадраса эса ҳижрату жиҳод ҳақида “вაъз” ўқийдиганларнинг нақ уяси экан...

Ишга жойлашганимдан уч кун ўтмай, укам қўнғироқ қилиб, “ака, Сурияга кетяпман”, деди. “Бу нима деганинг?” десам, “қарорим қатъий: ҳозироқ жўнайман”, деб телефонни ўчирди.

Энди ўйлайман: ўшанда нега дарҳол мадрасага қайтиб, укамни йўлдан қайтармадим? Нима учун bemalol ишимни давом эттиравердим? Менимча, ўшандаёқ онгимга экстремистларнинг ғоялари ўрнашиб ултурган, балки шунинг учун укамнинг “Сурияга жиҳодга кетяпман”, деган гапини жуда оддий қабул қилгандирман?

Кечқурун мадрасага қайтганимда, укам йўқ эди...

Бир ойча ишлаб, пул топиб, мен ҳам Сурияга отландим. Мақсадим — укамни топиш ва орта қайтариш эди. Бироқ... у ерда ўзим ҳам жангариға айланиб қолдим. Яшаш учун оддий шароит ҳам йўқ, ичимлик суви муаммо, боз устига, лагердан четга чиқиш мутлақо имконсиз эди...

Қарийб бир ой жангариilar лагерида шундай шароитда яшадим: кун бўйи фақат у ёқдан-бу ёққа югуртиришар, баъзан автомат ишлатишни ҳам ўргатишарди. Айтганини қилмагани аниқ жазо кутарди. Масалан, бир тоҷикистонлик йигит машқларни яхши бажармагани учун қўйга ўхшатиб уч кун оёғидан дарахтга осиб қўйишиди.

У ерда баъзан қора ҳижобли аёлларни ҳам олиб келишар, жангари-

“Қамоқда бўлсам ҳам,
Ўзбекистонда эканимга шукр
қиласман!”



лар эса уларни бугун никоҳлаб, эртасига талоқ айтиб юбораверар, ислом дини қоидаларига мутлақо зид равишда уларни деярли ҳар куни кимгайдир “никоҳ”лаб беришарди. Кўнмаганларини эса беаёв зўрлашарди.

Бир куни мени қашқадарёлик йигитга қўшиб, укамнинг олдига жўнатишди. Укам таниб бўлмас аҳволга келган, нақ зомбининг ўзи эди. Уни бирга қайтишга кўндиришга уриндим. Бироқ қулоғига гап кирадиган аҳволда эмасди.

Мени аввал лагерга, сўнг Туркиядаги ўша мадрасага қайтиришди. Агар уларга янги одамлар топиб берсам, катта пул ваъда қилишди. Сўнг Туркиядан Қирғизистонга келиб, у ердан айланма йўллар билан Ўзбекистонга кирдим. Бироқ уйимга етиб бора олмадим...

Уйимдагилар билан эса сўдда кўришдик...

Ҳозиргача укамдан дом-дарак йўқ: ўликми-тирикми, билмаймиз. Бунинг учун фақат ўзимни айблайман. Бироқ энди бу пушаймонлардан нима фойда?..

Мен қамоқда бўлсам ҳам, Ўзбекистонда эканимга шукр қиласман, ҳали чет элларда адашиб юрганлар қанча?! Нечаларнинг ўлиги ўша ёқларда қолиб кетди, ватангадо, кафангадо бўлиб, дайди итдай ўлим топди улар.

Яқында үламоларимиздан бири биз билан сұхбат ўтқазди. Мендан “исмингиз маъносини биласизми?” деб сұради. Бош чайқадим. Шунда үламо “Айюб исми “тұғри йўлда юрувчи”, деган маънони билдиради, лекин нега сиз исмингизга мос тақдирни танламадингиз? Ахир танлаш имконияти ўзингизга ҳам боғлиқ эди-ку!”, деди. Овозсиз йиғладим. Шундан бери ўзимни маломат қиласман: Ҳатто ўз исмим маъносини билмай, на намоз, на Қуръон ҳақида тайинли билим-түшунчам бўлмай, нима учун ҳижрату жиҳод ҳақидаги сафсалаларга ишондим? Нега ўз юртимда озод, эркин яшашнинг ўзи катта баҳт экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмадим? Ахир шу ерда ҳам куним ўтиб турганди, оилам оч қолгани йўқ эди-ку! Шу данғиллама уй-жой ҳам, машина ҳам бир куни насиб қиласман! Нега булар ҳақида энди бу зимистанда ўтириб ўйлаяпман?!

Укам жувонмарг бўлиб кетгани, қариндош-уруғимнинг эл-юрт олдида боши эгилгани, айниқса, фарзандим бир умр отаси Ватан хоини бўлган, деган маломатни кўтариб яшashi ҳақида ўйласам, ўзимни қўярга жой топа олмай қоламан.

Бу хатимни ўқиётганларга шуни айтаман: оилангиз бағрида тинч таомланиш, осуда уйқуга ётиш, тонгда бехавотир уйғониш, фарзандингизни кулиб эркалаш, бирор соҳада берилиб меҳнат қилиш – буларнинг ҳаммаси қандай баҳт эканини биласизми?! Сизларга ҳавасим келади. Шу баҳтини кўз қорачиғидек асрраган, барчасига шукр қилиб яшаган, тұғри йўлдан адашмаган одам менинг аҳволимга тушмайди.

...Айтганча, ўша үламо кетаётиб, менга шундай деди: “Халқимизда “Игнақаёққаюрса, ипҳамшүёққаюрар”, деган мақолбор. Бу – ота-она, акаопалар қайси йўлдан юрса, кичиклар ҳам унга эргашади, дегани. Бу – игнани тұғри ё нотұғри ишлатиш ҳам одамнинг ўз қўлида дегани”.

Шунда... яна ўша – болалигимда онамнинг қўлига санчилган игна, унинг жароҳатлари ва қийшиқ чоклар кўз олдимга келди.”

РҮЁГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

“Сўнгги пушаймон — ўзингга душман”, дейдилар. Яна билмадим-у, лекин бу ҳикматнинг мағзини ҳеч ким мендек чуқур англамаган бўлса керак. Чунки мен ҳар куни пушаймонлик, надомат, ғам-андуҳ ичида яшаб, бундан ҳеч қандай наф кўрмаган ҳолда, Тошкент вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларидан бирида, симтўсиқлар ортида ўз ёғимда ўзим жизғанак бўлиб ўтирибман.

Дарвоқе, ўзимни танишитирай. Мен, маҳкум Далимов Раҳмат Бўтабоевич, 1998 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилганман. Туғилганимда отам ўғил кўрганидан қанчалик боши кўкка етган, эҳтимолки, “менга элдан раҳмат олиб келсин”, деган умидда исмимни ҳам Раҳматжон деб қўйган бўлса керак. Аммо минг афсуски, мен туфайли отам раҳмат эмас, элнинг лаънатини эшитди, боши эгилиб, қадди букилди....

Тўғрисини айтсан, оддийгина ўзбек хонадонида туғилиб ўсанман. Оиласизда динни чуқур биладиган одам ҳам йўқ. Калимаи шаҳодат билан иккита-учта сурани чала-чулпа билишимни айтмаса, Исломдан унча хабарим ҳам йўқ эди. Рўза, намоз каби амалларни ҳам хаёлимга келтирмас, “бир куни бу ишларни ёшимиз бир жойга бориб қолганда қиласиз”, деб юрардим.

2013 йилнинг баҳор ойлари. Нима бўлди-ю Россияга бориб ишлаш ҳавасига тушиб қолдим. Аслида иш қидирса, ўзимизда ҳам bemalol топса бўлади. Мен тенги ёшларнинг кўпчилиги аллақачон ўқишни би-

тириб, масъул ишларда ишлаб юришибди. Ҳатто биргина коллекция дипломи билан ўз бизнесини йўлга қўйган, бор имкониятлардан фойдаланиб, оила тебратиб юрганлар бор. Мен эса ўзимча нималарни хаёл қилдим — кимларнингдир қутқуси билан ишлаб “мўмайгина пул топгани” Россияга жўнашга қарор қилдим.

Айтганча, укам Давлат ҳам Москвада яшайди. Иш топишга унча қийналмайман. Укамга қўнғироқ қилиб, ишламоқчи эканимни айтганимда, Давлат иш қидириб кўришини айтди. Узоқ кутмадим. Укам Москвада бир фирмада ҳайдовчилик ўрни бўш эканини айтди. Дарҳол чипта олиб, Москвага учдим. Шереметьево аэропортида укам мени қарши олди.

Биласиз, Россияда, айниқса, Москвада турар-жой топишнинг ўзи бўлмайди. Укам ҳам бир хонали квартирада етти-саккиз нафар муҳожир билан бирга яшар экан. Шу боис менга Ялта кўчасидан бошқа бир квартира топиб берди. Ҳар қалай бу ерда ҳам бир ўзим турмайман. Қутичадеккина ижараҳонада беш-олти киши тиқилишиб, аранг кун кечирамиз. Бунинг устига, топган пулимизнинг ярмидан кўпичи ижара пули, озиқ-овқат, яна аллакимларни “рози” қилишга кетади.

Аслида шу ерда топадиган уч-тўрт танга пулни ўзимизда ўйнаб-кулиб топсан бўларди. Аммо “олисдаги дарёнинг балиғи йирик кўринаркан-да!”

Ҳамхоналаримнинг орасида Неъмат Сафаров деган бир йигит ҳам бор эди. Беш вақт намоз ўқир, Ҳудони тилидан қўймас, ҳар икки гапнинг бирида ҳалол-ҳаромдан гапиравди. Гоҳида унинг юриш-туришларига ҳавас қилар, томоқ қириб, қироат билан гапиришларини кўриб оғзимни очиб қолардим.

Кунларнинг бирида квартирада ёлғиз қолганимизда Неъмат мендан сўраб қолди:

— Менга қара, сен ўзи мусулмонмисан?

Унинг саволи менга ғалати туюлди. Ҳар қалай пешанам деярли ерга тегмаган бўлса-да, ўзимни мусулмон фарзанди деб ҳисоблардим. Ҳудога шак келтирмайман, калима қайтаришни биламан, бирорвнинг ҳақидан, ҳаромдан ҳазар қиламан. Демак, мусулмонман-да!

— Ҳа, албатта, — дедим.
— Унда, нега намоз ўқимайсан?
Очиғини тан олдим.
— Билмайман-да!
— Сен кофирсан, — деди у менга бармоғини ниқтаб. — Намоз ўқимай туриб, қанақасига ўзингни мұсулмон деб ҳисоблайсан? Ахир намоз бу мүймин кишининг меърожи, дейдилар. Намоз ўқимаган одамда иймон бўладими? — У шундай дея намознинг фазилатлари ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқиб кетди.

— Менга ўргатинг, албатта, ўқийман, — дедим унинг гапларидан ўзимни анча айбдор ҳис этиб.

Шу тариқа мен ҳар куни Неъмат билан бирга беш маҳал намоз ўқий бошладим. Ишдан бўш пайтларимизда Неъмат мени масжидларга олиб борар, турли китобларни ўқиб берар, ноутбукидан менга ҳар хил фильмлар, видеолавҳаларни кўрсатарди.

Бу лавҳаларнинг кўпи Сурия, Ироқ Афғонистон каби мамлакатларда бўлаётган қирғинбарот урушлар ҳақида эди. Тўғриси, мен бу давлатларда ким, нима сабабдан ва ким билан урушаётганини тўлиқ билмасдим. Лавҳалар қачон, қаерда суратга олинган, унда ўлган киму ўлдирган ким эканини ҳам аниқ билмасдим. Сиёсий қарашларим ҳаминқадар эди-да!

— Кўряпсанми? — дерди Неъмат видеотасвирларда ўқقا учиб, портлаш пайтида вайроналар остида қолиб нобуд бўлаётган одамларни кўрсатиб. — Малъун кофирлар бизнинг мусулмон биродарларимизни қанчалик ваҳшийларча ўлдиришяпти? Мусулмонлар бир-бири учун ака-ука, опа-сингил эканини биласанми? Биз қандай мусулмон бўлдикки, кофирлар ўз биродарларимизни қўйдек бўғизлашига, портлатиб юборишига, сингилларимизнинг номусини топташига, фарзандларимизни ўлдиришига жимгина қараб турсак?

Мен бу каби лавҳаларни деярли ҳар куни кўрас, ич-ичимдан “кофир”ларга нисбатан нафратим, ғазабим тобора улғайиб борарди. Гоҳида мен ҳам қўлимга қурол олиб, “биродарларимиз”ни хўрлаётган кимсаларнинг пешанасидан отгим келарди.

— Раҳмат, — деди бир куни хонага жўшқин кайфиятда кириб келган Неъмат. — Қачонгача бу лавҳаларни кўриб, ғазабимизни тийиб юрамиз? Аслида, ҳозир ҳар бир мусулмон дунёнинг қаерида бўлишидан қатъи назар, мазлум биродарларимизнинг ёнига бориб, уларни ҳимоя қилмоғи керак. Бу урушда ўлганлар шаҳид, ўлдирғанлар ғозий бўлади.

Унинг гаплари мени ҳам жўштириб юбормоқда эди. Фақат қандай йўл билан “биродарларимиз жабр-зулм остида қолган ҳудудларга бориш”ни билмасдим. Агар кимдир менга чилта тутқазса, дарҳол ўша ёққа қанот чиқариб учган бўлардим.

— Шуям баҳонами? — ажабланди Неъмат менинг гапларимни тинглагач. — Сен шунча ишлаб топган пулингни нима қиляпсан?

— Уйга, ота-онамга юбораман, — деб ростини айтдим.

— Тушунарли, — заҳарханда қилди Неъмат. — Ота-онанг сен жўнатган пулни олиб, еб-ичиб, ялло қилиб юраверсин. Бу ерда эса минглаб “биродар”ларимиз очдан ўляпти. Бомбалар ёмғири остида минг бўлакка бўлиниб кетяпти-ю, топган гапингни қара! Жиҳод қилиш керак, биродар, жиҳод!

Мен каллаварам ўшанда “жиҳод” ўзи нималигию кимларга қарши қўлланишини яхши билганимда бу аҳволга тушиб ўтиргмаган, лоақал “ака, унда ўзингиз нега жўнамаяпсиз жиҳодга”, деб сўраган бўлардим.

— Хўп, мен жиҳодга бордим ҳам дейлик. Лекин мен қаерға бораман, кимга учрайман? Ҳали умримда қўлимгага қурол олмаган бўлсам, қандай қилиб жанг қиласман?

Саволимдан Неъматнинг юзи ёришгандек бўлди:

— Э, биродар, энг асосийси, хоҳиш! Қолганини Худонинг ўзи ўнглайди. Агар сен астойдил аҳд қилсанг, бу ёғига ўзим кўмаклашаман. Сени Истанбулга юбораман. У ерда амакиваччам Фурқат сени кутиб олади. Қолганини унинг ўзи ҳал қиласди.

— Мен Истанбулда “жиҳод” қиласманми? — сўрадим ҳамон ҳеч нарсани тушунмай.

— У ердан сени чегарага олиб боришади. Чегарадан у ёғи эса ўзимизнинг юртимиз!

Негадир кўзларим чарақлаб кетди.

— Нима, у ердан Ўзбекистонга ўтамизми?

— Оббо, биродар, жўрофияни ҳам расво қилдинг-ку? — энсаси қотди Неъматнинг. — Туркия қаерда-ю Ўзбекистон қаерда? Мен “ўзимизнинг юрт” деганда, “биродар”ларимиз асос солган “ислом давлати”ни назарда тутяпман. У ерда битта жон тугул, мингтасини Аллоҳ йўлига қурбон қиласидиган дўстларимиз бор. Сен бўлсанг, арзимаган беш-ўн чақани ўйлаб ўтирибсан. Суф-э!

Мен Неъматдан, шунингдек, онда-сонда кўриб турадиган янгиликлар дастуридан Ислом номидан уруш олиб бораётган гуруҳлар ҳақида эшитгандим. Унинг гаплари ҳамиятимни қўзғадими, шартта “тишимнинг кавагида” асраб юрган пулим — 5500 рублни чиқариб бердим:

— Бўлди, ака, бораман. Ўша ифлосларни ўзим ғажиб келаман!

— Бу кам-ку, — деди Неъмат пулни чамалаб кўраркан. — Майли, қолганини ўзимиз тўғрилаймиз. Аллоҳ йўлига...

Хуллас, бир кунда Москва-Киев-Истанбул йўналишидаги чипта қўлимга тегди.

Ўша куни укам Давлатга телефон қилиб, Туркиядан бошқа сердаромадроқ иш топганимни айтдим. Давлатнинг ҳуши бошидан учди:

— Ака, у ёқда бирор таниш-билишингиз бўлмаса, қийналиб қолмайсизми? Қандай иш экан, ўзи?

— Сен бу томонини ўйлама, — деб уни тинчлантиришга уриндим. — Шошма, ўзим у ерга бориб, жойлашиб олай. Сени ҳам чақириб оламан.

Хуллас, укам ҳай-ҳайлаганча қолаверди. Менинг қарорим қатъий эди. Ахир ўзимча “Яратганинг олдидаги муқаддас бурчимни бажариш”га отланмоқда эдим-да!

Ўзимни қўярга жой тополмайман. (Ўл, бу кунингдан, дейдиган одам йўқ.) Ахир мен тез орада муқаддас жангга — жиҳодга кираман. Балки бу улуғ йўлда шаҳид бўларман, балки омад ёр бўлиб, манфур кофириларнинг бошини оларман, ҳар икки ҳолатда ҳам Ҳақ мен томонда! Бу менинг ўша пайтдаги фўр ва асоссиз тушунчаларим эди.

2013 йилнинг 17 июнь куни Истанбулга бориб тушдим. Аэропорт эши-

ги олдида мени Неъматнинг амакиваччаси Фурқат кутиб турарди. Неъмат менга унинг суратини ўз телефонидан кўрсатган, чамаси у ҳам менинг расмимни кўрганди. Шу боис мени қучоқ очиб қарши олди:

— О, Раҳматулло иним, хуш келибсиз! Қани кетдик! — У шундай дея сўмкамга қўл узатди.

Шаҳарнинг аллақайси бўрчагидаги бир хонадонга бориб, тамадди қилдик. У ерда 2-3 соат нафас ростлаганимиздан сўнг, Фурқат менга юзланди:

— Раҳматулло иним! Йўл кишиси йўлда керак, дейдилар. Мен сизни ҳозир Райхонлига юборишим керак!

...Истанбул автовокзалида турли шаҳарларга қатнайдиган замонавий автобуслар қатор саф тортиб турарди. Фурқат “Мен ҳозир”, деб кетганича, бироз вақтдан сўнг қўлида автобус чиптаси билан қайтиб келди:

— Иним, Райхонли автовокзалида сизни ўз “биродар”ларимиз кутиб олади. Сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг! Иншооллоҳ, Яратганинг ўзи қўллайди. Яна қўришиш насиб этмаса, эҳтимол, сиз билан жаннатда қўришармиз!

Автобус Истанбулнинг тирбанд кўчалари бўйлаб бир соатдан кўпроқ юргач, ниҳоят кенг, равон йўлга чиқиб олди. Кетяпман-у, гоҳ-гоҳида ичимни нимадир тирнагандек бўлади. Тўғри қилдиммикин ўзи? Энди ота-онамнинг олдиларига қайтиб бора олармикинман? Улар бу ишимни тўғри тушунишармикин? Ким билсин, Фурқат айтганидек улар билан ҳам балки жаннатда қўришарман? Неъмат “жиҳод қилиб шаҳид бўлган одам 72 кишини ўзи билан жаннатга олиб киради”, деганди. Мен ўзимча хаёлан агар шаҳид бўлсан, ўзим билан жаннатга олиб киришим мумкин бўлган яқинларимнинг ҳам рўйхатини тузиб юардим. Иродали бўлишими керак, дея ўзимга ўзим сўз берардим. Бекорчи фикрлар билан чалғимасдан, олдиндаги буюк ишлар ҳақида ўйлашим керак!

Ана шундай қарама-қарши хаёллар оғушида бир неча соат йўлни босиб, Туркия жанубидаги Райхонли шаҳрига ҳам етиб келдим. Райхонли мамлакатнинг Сурия билан чегарадош Хатай вилоятига қарашли, кичик бир шаҳарча экан. Билишимча, Туркиядан Сурияга, янаем аниқроғи,

жангарилар ҳудудига олиб кирадиган “эшиклар”дан бири ҳам шу ерда жойлашган экан.

Бу ерда Фурқат айтган, ўзим танимаган “биродар”им Маҳмуд мени очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Ийимисин аркадаш, йолда йорулдун, дейилми? — Аввалига үнча тушунмагандим. Кейин англадимки, бу “яхшимисан, биродар, йўлда чарчамадингми?” дегани бўларкан.

Маҳмуд мени ўз машинасига ўтқазиб, қандайдир бир хонадонга олиб борди. Унинг туркчалаб айтган гапларидан уққаним шу бўлдики, мен кечгача шу хонадонда ўтириб турарканман, қоронғи тушиши билан мен ва яна бир қанча “биродар”ларни унинг ўзи чегарадан ўтқазиб қўяркан.

Маҳмуд мени олиб борган хонадонда анча мунча мусофири бор эди. Улар орасида үйғур ҳам, тоҷик ҳам, озарбайжон ҳам бор эди. Ҳаммаси жиҳод қилишни кўнглига туғиб, ўз оиласини ташлаб йўлга чиқибди. Улар билан маслагимиз, мақсадимиз бир эканини англаб, алланечук енгиллик ҳис қилдим.

Кечга яқин Маҳмуд хонадонга кириб келди ва бизга отланишни буюрди. Қоронғи тушганда, Райхонлидан Сурия чегараси томон пиёда йўлга тушдик. Чегарадан ўтиш биз учун үнча қийинчилик туғдирмади. Маҳмуд чегарачилар билан қандай келишди, уларга нима деди — буниси бизга қоронғи. Ҳар қалай, чегарани осонликча кечиб ўтганим аниқ ёдимда.

Чегаранинг нариги тарафида бизни қора кийимли, қуролланган кишилар кутиб турарди. Маҳмуд мени ўрта ёшли, қоп-қора соқоли кўксига тушиб турган бир киши билан таништирди:

— Раҳмет бей, иште бу сенин сойдашин Мұҳаммед¹.

Мен ҳудди ўз акам ё укамни кўргандек севиниб кетдим.

— Сиз ўзбекмисиз? — сўрадим у билан қўл бериб сўрашарканман.

— Ўзбекми, тоҷикми, бунинг нима аҳамияти бор? — деди Мұҳаммад совуқ қулимсираб. — Биз энг аввало мұсулмонмиз. Ўзбек, тоҷик, ўрис деганлари иккинчи даражали гаплар, укам! Қани юринг, кетдик.

¹ Раҳматбек, таниш, бу сенинг юртдошинг Мұҳаммад — (турк).

Мен худди шу ерда Маҳмуд ва яқинда танишган “биродар”лар билан кайрлашиб, Мұхаммаднинг машинаси томон юрдим. Машинада яна бир қорасоқол ўтиради.

— Бу “биродар”имиз асли тоғикистонлик, — тушунтириди Мұхаммад машинани ўт олдирапкан. — Бироқ биз учун миллат, ватан, халқ деган “қызил” гаплар бир пулга қиммат. Биз бу ерда Ўзбекистонни ҳам, Тоғикистонни ҳам, Россия ё Туркияни ҳам тан олмаймиз. Сиз ҳам бу ерда Ўзбеклигингизни, Ўзбекистон фуқароси эканингизни үнүтинг. Бу ерда биз ўз давлатимизни қуриш учун курашяпмиз, — у шундай дея тоғик ҳамроҳига ўгирилди. — Дұрустми, Абу Толиб?

— Бале, шумо хеле дұруст гүфтед, ако!¹ — деди Абу Толиб ҳамма гапни түшүниб түргандек.

Хұллас, манзилга етгүнча ана шу мавзуда гаплашиб бордик. Бошим ғұвиллаб оғырып, ҳамон нима қылганим, қаерга келиб қолганимни түшүнмагандек гаранг әдим.

Үқлардан илма-тешик бўлиб кетган бир маҳаллага кириб бордик. Бир хонадонга кирдик. У ерда асосан маҳаллий араблар яшар, түнги сұкунатни ҳар замонда ўқ овозлари бузиб турарди.

— Раҳматбек укам, — деди Мұхаммад елкамни дўстона қоқиб. — Ҳали сизга айтганимдек, бу ерда ҳаммамиз ака-үка, оға-инимиз. Ҳозирча маҳаллий “биродар”ларимиз билан яшаб тұрасиз. Бу ерда жаңг қилиш қоидалари, қуролларни ишлатиш сирларини ўргатишиади. Бир ҳафталарда ўзим келиб, сизни ўзбеклар тұрадиган лагерга олиб кетаман. Маъқулми?

...Хұллас, номини ўзим ҳам билмайдиган бир араб қишлоғида етти-саккиз күн қолиб кетдим. Баҳонада олти-еттита арабча калимани ҳам ўрганиб олдим. Намоз ўқиб бўлгач, бадантарбия қиласиз. Нонуштада қотган нон, сувдан бошқа тайинли егулик йўқ. Кундузлари қон, қирғинбарот, қатл манзараларидан иборат түрли видеолавҳаларни кўрсатишиади. Баъзида болалар билан кўчага чиқиб, футбол ҳам ўйнаб турамиз.

¹ Шундай, жуда тұғри гапирдингиз, ака — (тож).

Мұхаммад бир ҳафтадан кейин мени асосан ўзбеклар яшайдиган “Шайх Сулаймон” лагерига олиб борди. Бу ерда ўзбеклардан ташқари чечен, авар, түрк, араб ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор, лагерь бошлиғи озарбайжонлик Абу Ҳусайн исмли бир жангари эди.

— Сағ ол, гардаш! — деди у мен билан танишаркан, елкамни қоқиб.
— Ҳала биз бу оғраш кафирларинг анасини ағладариг!¹

Бу ерда ҳам күн тартибимиз деярли ўзгармади. Беш вақт намозни қолдирмаймиз. Югуралы, түрли жисмоний машқларни бажарамиз, ўқотар қуроллардан фойдаланиши ўрганамиз. Жисмоний машқларни түғри бажара олмаганларни эса аёвсиз калтаклашади. Машқлар күндан-күнга оғирлашиб бораверади.

Мен бунақа машқларда чиниқмаганим учунми, очиғи, бир ҳафтада бўларим бўлди. Аслида бу ерга Неъматнинг гапларига лаққа тушиб, “ғайридинлар томонидан хўрланаётган, зўрланаётган, ўлдирилаётган мусулмонларга” ёрдам бериш, уларни ҳимоялаш учун келгандим. Аммо мен ҳали бунақа ҳолатларни кўрмадим. Қайтага Сурияда бир неча қуролли гуруҳлар Ислом динини байроқ қилиб, фақат бир-бирини қириб, ўлдириш билан машғул экан.

Лагердагиларнинг айтишича, айни пайтда “Аҳорор аш-Шом”, ИШИД, “Жабҳат-ан нусра”, “Жайш ул-ислом”, Сурия озодлик армияси, курд партизанлари ва яна аллақанча қуролли гуруҳлар бир-бирига қарши уришар, бир-бирини аёвсиз қирав, шафқатсизларча қатл этаркан. Уларнинг ҳар бири фақат ўзининг йўлини түғри деб билади, ўзига эргашганлардан бошқа ҳамма — кофир! Хўш, уларнинг қайси бири түғри йўлда? Мен ҳам кўр-кўронга қўлимга қурол олиб, бегуноҳ одамларнинг қонига зомин бўлмасмикинман? Ахир бир ҳадисда ўқигандим: “Икки мусулмон бир-бирига қарши қилич кўтариб, бири иккинчисини ўлдирса, ўлган ҳам, ўлдирган ҳам дўзахи бўлади”.

Наҳотки мен ҳам?!

Ана шунда қандай мудҳиш хатога йўл қўйганимни англаб титраб кет-

¹ Саломат бўл, биродар, ҳали биз бу ифлос кофирларнинг энасини кўрсатамиз — (озарб.)

дим. Аммо энди ортга қайтиб бўлармикин? Энг ёмони, мен тақиқланган террористик ташкилотга қўшилиб, катта жиноят содир қилдим. Қайтиб борсам, мени қамашади-ку?!

Кунлар ўтиб борар, мен эса қанчалик адашганимни тобора чуқурроқ англамоқда эдим. Ниҳоят қандай бўлмасин, бу ердан кетишга қарор қилдим. Юртимга қайтиб борсам, қамаларман, лекин тирик қоламан, гуноҳларим, хатоларим учун тавба қилишга имкон бўлади. Лекин бу ерда қолсам, икки дунёйм куйиб кетмасмикин?

Ниҳоят қатъий қарорга келдим: кетаман! Аввал Туркияга, кейин Россияга бораман. Ахир менинг Туркия орқали Сурияга келиб, жангарилар сафига қўшилганимни ким билиб ўтирибди? Орқамдан бирор изма-из юрмаган бўлса? Россияда бир муддат қолиб ишлайман-да, ҳеч нарса бўлмагандек, Ўзбекистонга кириб боравераман. Бу ерда кўрганларимни эса худди ёмон тушдек эсимдан чиқараман — тамом-вассалом!

Фақат биргина муаммо бор. Қайтиш учун пул керак. Мен бу ерга келганимдан бери қўлимга бир чақа ҳам пул ушлаб кўрганим йўқ.

Шундай кунларнинг бирида лагерга Мұҳаммад келиб қолди. Мен билан қуюқ сўрашди:

— Хўш, укам, анча пишиб қолдингизми? Ҳадамей сизларни ҳарбий қасамёдга олиб чиқишиади. Тез орада жангга ҳам кирасиз. Шу тариқа ҳақиқий исломий бурчингизни адо этишга киришасиз.

— Албатта, албатта... — дедим хийла тараффудланиб. — Фақат... бир ёрдамингиз керак эди.

— Бемалол, укам, қанақа ёрдам?

— Шу... юз доллар... керак бўп турибди.

“Юз доллар” деганимдан сўнг, Мұҳаммаднинг юzlари норози буришди.

— Пулни нима қиласиз? Сизларга озиқ-овқат, кийим-кечак, хуллас, нима керак бўлса, бериб туришибди-ку?!

— Туркияга ўтиб келишим керак.

Мұҳаммад илкис сергакланди:

— Туркияда нима қиласиз?

— У ерда бир “биродар”имиз бор, — дея хаёлимга келган бириңчи ёлғонни тилимга чиқардим. — Ўзи тақводор, иймонли йигит. Бизга құшилишга майл билдирган эди.

— Үнда ўша ердаги одамларимиз билан үчраштириб құяйлик, үзлари жүнатворишади.

— У бегоналарга үнча ишонмайды да, — дея ёлғонлашда давом этдим. — Менинг яқын қадрдоним. Бироз иккиланяпты. Үзим күндириб опкелардим. Пулингизни, албатта, қайтараман.

Мұхаммад қош чимириб چүнтагидан бир даста доллар чиқарди ва улардан биттасини олиб менға узатди:

— Сизга ишондым а, ука, — деди құл узатганимда, пул тутган панжаларини сал четта тортиб. — Мабодо, қочиб кетиш ниятингиз йүқми?

— Наҳотки мени шунақа қиласы, деб ўйласангиз? Агар қочмоқчи бўлганимда, бу ерга келиб ўтирумасдим.

Мұхаммад қониқиши билан бош ирғади ва мени Райхонли чегарасигача машинасида олиб борадиган бўлди. Келган йўлларимни бир қўр эслашга тиришдим. Қандай бўлмасин, Истанбулга етиб олишим керак. У ердан Россиядаги укамга қўнғироқ қиласман. Албатта, мени қайтиб боришимга кўмаклашади.

Чегарада турган ҳайдовчилардан бирига ўттиз доллар тутқазиб Райхонлига кетишмни айтдим. Очифи, бу ердагилар учун 30 доллар яхшигина пул саналади. Қолаверса, Райхонлигача бир соатлик йўл. Фақат чегарадан ўтиб олсак бўлгани. Араб ҳайдовчи орқа тарафи пачоқланган, ойналари синган эски “опел”га имо қилди:

— Ижлис йа ахий. Яллаъ!¹

...Бир амаллаб Райхонлига ўтиб олдим. Бу ёғига қолган етмиш доллар билан Истанбулга етиб олишим ва укам билан боғланишим керак. Негадир омадим кула бошлагандек эди. Мана, автобусда ўтириб, үзим келган йўллар бўйлаб Истанбулга кетиб боряпман. Ёнимдаги турк қария анча киришимли экан. У билан йўл-йўлакай гаплашиб

¹ Ўтир, биродар, кетдик! — (араб.)

кетдик. Менинг ўзбекистонлик эканимни эшитиб, чиройи очилди:

— Чок гузел, бен де сизин улкенизе гитмейи чок истийорум, Аллах истерса элбетте гидерим.¹

Отахоннинг хайриҳоҳлигидан фойдаланмоқчи бўлдим.

— Амаки, қўл телефонимни йўқотиб қўйдим. Телефонингизни бериб тұрсангиз, Россияда ишлаётган үкамга бир оғиз гапим бор эди.

Отахон “таби, таби”, деганча чўнтағидан эскироқ русумдаги телефонини чиқариб берди. Иккинчи уринишда Давлатнинг рақамига туша олдим.

— Алло, укажон, бу менман, — дедим негадир овозим титраб.

— Ака, қаерларда юрибсиз? — деди үкам ҳаяжон билан. — Кетганингизга бир ой бўляпти. Бир оғиз телефон ҳам қилмадингиз.

— Э, ука, бу ерда ишимиз ўхшамади, — дея аввалдан тайёрлаб қўйган баҳонани айтдим. — Бир корхонани раҳбари роса ваъдани қуюқ қилганди. Аммо келсам, бошқа бировни ишга олиб қўйибди. Тўғри келган ишни қилиб, кунимни ўтказиб юрибман. Ҳатто телефонга ҳам пул орттиrolмадим. Қайтмасам бўлмайди.

— Ҳозир қаердасиз? — сўради үкам.

— Мен Туркияning жанубидаги бир вилоятдан Истанбулга қайтаяпман. Самолётга чипта олай десам, пулим йўқ. Озроқ пул жўнатсанг. Бориб ишлаб қайтарардим.

— Бу нима деганингиз ака? Мен пул топишга ҳаракат қиласман. Кеинин пулни Истанбулга юбориб, қайси банқдан олишингизни айтаман. Сиз албатта менга боғланинг.

— Раҳмат, укажон, — томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди. — Айтганча, қишлоқдагилар, ойим, дадамлар яхши юришибди.

— Яхши, — деди үкам “сўрардингиз-да”, дегандек малол билан. — Улар ҳам сиздан хавотирда эдилар.

Шу чоқ қариянинг менга маъноли қараб турганини кўриб, гапни қисқа қилдим. Дарвоқе, халқаро алоқада гаплашиб, амакининг телефони

¹ Жуда яхши, мен ҳам сизнинг юрtingизга бориб кўришни истайман. Насиб этса, албатта, бораман — (турк.)

нини роса “тутатибман-ку?!”

Қайта-қайта миннатдорлик билдириб, телефонни эгасига қайтардим. Истанбулга етиб келганимизда қоронғитушиб қолганди. Вокзалда тұнаш-га түғри келди. Құнтагимда қолган беш-олти доллар қуруқ нон-чойга етарди, холос. Укам керакли пулни топғунча икки күн вақт үтди. Бечора укам түрт юз доллар пулни топғунча кимларга сарғаймади экан. Минг қылса ҳам, жигар — жигар-да!

Учинчи күн деганда құлымга түрт юз доллар келиб тегди. Дархол Истанбул-Москва йұналишига чипта сотиб олдим. Самолёт оппоқ булултар бағрини ёриб парвоз этаркан, мен құзёшларимни тиёлмасдим. Нега йиғлаяпман — үзим ҳам билмайман.

Давлат мени Шереметьево аэропортида кутиб олди. Уни бағримга босарканман, йиғлаб юбордим.

— Ака, бұнча озиб кетдингиз?, — деди укам мени бағридан бұшатаркан. — Соқолларингиз ҳам үсиб кетиби. Үшанды сизга “борманг”, демаганмидим?

...Хұллас, яна эски ишимга қайтдим. Бир муддат Москвада “газель” машинасида металлом ташиб юрдим. Кейин Раҳмон исмли танишимнинг таклифи билан Грозднийга бордим. У ерда бирор яхшироқ иш тополмадим. Шағарма-шағар иш излашда давом этдим. Уйға қайтай десам, олти ой изғиб, қуруқ құл билан кириб боришга уяламан. Бүнинг үстига, ҳар бир күним таҳлика ичидә үтади. Назаримда, Сурияга қылған “саёҳатларим” учун ҳар лаҳзада мени орган ходимлари тутиб кетадигандек бұла-веради. Ахир мен барча дүнёвий давлатларда тақиқланған террористик ташкилот сафида бўлиб келдим. Демак, менинг үтмишімдан хабар топишса, ҳамма жойда жавобгарликка тортишлари табиий.

“Нимадан қўрқсанг, үшанга рўпара келасан”, деб түғри айтишаркан. 2014 йилнинг январь ойи эди. Грозднидан Қозонга бориш учун йўлга чиққанимда, вокзалда мени Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари тұхтатиши ва ҳибсхонага олиб кетишиди...

Мен бир пайтлар “ортимдан бирор юргаман бўлса, қаерга борганим, нима қылғанимни ҳеч ким исботлаб беролмайди”, деб “чучварани хом сана-



ган” эканман, рад этиб бўлмас далиллар, кўрсатмалар, фотосуратлару аудио-оёзувлар қаршисида ҳамма айбимни тан олишдан бошқа чорам қолмади.

Қолганини айтмасам ҳам биласиз. Бир муддат Россияядаги ҳибсоналарда сўроқ қилишгач, мени Ўзбекистонга юборишиди. Тергов, суриштирув ишлари узоқ давом этди. 2014 йилнинг 31 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида менинг устимдан чиқарилган ҳукм эълон қилинди: “...ўн уч йилга озодликдан маҳрум этилсин!”

Ўн уч йил... Фақат жазо муддатининг икки йили ўтди, холос. Яна ўн бир йил “ўтиришим” керак. Гоҳида ўзимнинг тажрибасизлигим, қалтафаҳмлигим учун ўзимга лаънатлар ўқийман. Исломни ўрганмоқчи эканман, аллақандай бетайин одамлар эмас, ўзимиизда чоп этилган, тасдиқланган диний адабиётлардан, расмий сайтлардан ўргансам бўлмасмиди?

Гоҳида хурсанд ҳам бўламан. Қамоқда бўлсан ҳам, ўз юртимдаман-ку?! Олис ўлкаларда, жанг майдонларда хор-зорлиқда ўлим топганлар, ҳатто икки қулоч ерга ҳам муносиб кўрилмай, ўлиги дайди итларга ем бўлганлар озмунчами? Мен ҳам улардан бири бўлишим мумкин эди-ку?

Эҳ, қанийди, вақтни орқага қайтаришнинг имкони бўлганида... Менку, адашдим, бўларим бўлди, ҳаётимни барбод қилдим. Бошқалар мен сингари алданиб, мудҳиш хатога йўл қўйишмасин...”

“ФИШТ ҚОЛИПДАН КҮЧГАНДА...”

*“Бу сатрларни қоралар эканман, бундан олти-өттийил
илгари вақти келиб, қамоқхонанинг совуқ бетон деворларига
кифтимни тираб, қилган хатоларим ҳақида қофоз қоралаш
хаёлимга ҳам келмаганди. Тўғриси, қалам тебратиш
лаёқатим йўқ. Аммо айни дамда — ўзим билан ўзим ёлғиз
қолганда, ўтмишимни сарҳисоб қилиб, нималарни дидир ёзгим
келяпти.*

Aсли тошкентликман. 1979 йилда туғилганман. Оиласиман, олти фарзанднинг отасиман. Бундай ўйлаб қарасам, умрнинг ҳам ярми ўтиб кетибди. Мен эса уч марта судланиб, тўртинча бор яна панжара ортида ўтирганимни айтмасам, бошқа бирор ишни қоийллатганим йўқ. 2013 йилдан бўён ҳибсдаман.

Нима сабабдан “ўтирганим” сизни қизиқтиряптими? Унда эшитинг. На қўлимда дипломим, на тузукроқ ҳунарим йўқлиги учун анча пайт иш қидириб юрганим рост. Учрагани эса кўнглимга ўтирмади.

Аслида менга ўхшаганлар хорижда ҳам тузукроқ иш тополмаслигини билсан-да, 2008 йили Россияга жўнадим. Аввал у ер-бу ердан кунимни кўриб юрдим.

Кўп ўтмай Москвада Равил исмли бир йигит билан танишиб қолдим. Анча киришимли, тақводор йигит экан. Менга арзимаган ишларни қилдириб, яхшигина ҳақ тўлар, бунинг сабабини сўрасам:

— Барча мусулмонлар ака-уқадирлар. Сен менинг инимсан, сенга ёрдам қилсан, нима қипти? — деб юрарди.

У билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдим. У мени уйига чақириб тұрап, меҳмон қилар, турли видеолавҳалар, фильмлар қўйиб берар, у билан асосан диний мавзуда сұхбатлашардик. Шу тариқа у менга анча жиддий таъсир кўрсатди. Мен ҳам бора-бора унга ўхшаб фикрлайдиган бўлдим.

Равилнинг уйида турли қуроллар ҳам сақланарди. У менга бу қуроллардан қандай фойдаланишни тушунтирас, шунингдек, жиҳод қилиш қоидалари ва зарурати ҳақида ҳам кўп гапиради. Очифи, мен бу сўзни аввал ҳам эшитган бўлсан-да, маъносига яхши тушунмасдим. Бу ҳам урушнинг бир тури бўлса керак, деб ўйлардим. Равилнинг айтишича, жиҳод бу биз мусулмонларнинг устидан ҳукмронлик қилаётган, зуғум ўтказаётган кофирларга қарши муқаддас уруш экан. (Кейинчалик, бу тушунчанинг асл маъноси ва мақсадини тушуниб етганимда, кеч бўлганди).

— Бугунги кунда жиҳод қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз, — дерди ў. — Агар жиҳод қилмасақ, ўқиган намозимиз, қилган ибодатларимиз ҳам қабул бўлмайди.

— Мен қаерда, кимга қарши жиҳод қиласман? — сўрадим бир куни унинг гапларига чандон қизиқиб.

— Сен жиҳодга қатъий бел боғласанг, ўзим сени ўша жойга юбораман, — деди Равил негадир хурсанд бўлиб.

Шу пайт кўз олдимга жанг майдонидаги отишмалар, портлашлар, қирғинбарот жанглар, ундан кейин эса йўлимга мўлтирабгина кўз тикиб турган болаларим келди.

— Мен-ку, жон деб борардим, — дедим хўрсиниб. — Лекин оилам, болаларим нима бўлади? Уларга ким қарайди?

— Мана мен-да, — деди Равил кўксига муштлаб. — Биз ўз “биродар”ларимизнинг оиласини хор қилиб қўймаймиз. Сен жиҳод қанчалик улуғ ишлигини, унинг савобини билганингда эди, оиланг, яқинларингни ҳам ўйлаб ўтирган бўлардинг.

Хуллас, у менинг бошимни шу қадар айлантириб ташладики, ўз ихтиёрим билан жиҳод қилиб, ҳатто шаҳид бўлишга қандай рози бўлганимни

сезмай ҳам қолдим. Равил шу кундан бошлаб, мени жиҳодга юбориш тадоригини кўра бошлади.

Бир куни у мени ёнига чақирди.

— Сен ҳозирча юртингга қайтиб, паспорт ва бошқа ҳужжатларингни тайёрлаб тур. Аввал Тошкентдаги Миср элчихонасига бориб, виза оласан. Кейин нима қилишни ўзим айтаман.

Ҳаммасини у айтгандек бажардим. 2010 йилнинг май ойларида Тошкентга қайтдим. Уйимдагилар мендаги ўзгаришлардан ҳайрон. Мен эса ўзимнинг хом хаёлларим билан бандман. Оиласма “хориждан яхшигина иш топдим, шунга ҳужжат тўплайпман”, деб қўя қолдим.

Хорижга чиқиш учун рухсатнома ва Миср визасини олиб бўлгач, Равилга телефон қилдим. У менга электрон чипта ва йўл харажатлари учун анчагина пул жўнатди.

Мазкур чипта ёрдамида аввал Москвага, кейин эса Миср пойтахти — Қоҳира шаҳрига учдим. Унинг кўрсатмаси билан Қоҳирага етиб боргач, аввалига меҳмонхонага жойлашдим. Кейин кўчадан маҳаллий алоқа компанияси сим-картасини сотиб олиб, Равилга қўнғироқ қилдим.

— Жуда яхши, — деди Равил хурсандчилигини яққол сездириб. — Энди битта рақам айтаман, шуни эслаб қоласан ва үнга телефон қилиб, ўзингни “Марсель” деб таништирасан.

Бу гал ҳам у айтгандек йўл тутдим. Телефонни олган киши русчани бузиб, антиқа талаффузда гапирапкан. Мени қайси меҳмонхонада турганимни сўради. Кейин эрталаб менга машина жўнатишини айтиб, телефонни ўчирди.

Чиндан ҳам эртаси куни меҳмонхона эшиги тагида сариқ рангли такси машинаси турарди.

—“Марсель?” — сўради қора танли ҳайдовчи менга юзланиб. Мен бош ирғаб машинага ўтирдим. Эски Қоҳиранинг тирбанд кўчалари бўйлаб кетиб борардик. Баланд-баланд биноларнинг ҳаммаси бир хил — негадир кирчил рангда. Бу шаҳарнинг саҳро ўртасида жойлашгани, машиналарнинг ҳаддан ташқари кўплиги, чанг ва тутун туфайли бўлса керак.

Биз етиб келган манзил “Янги Қоҳира” квартали деб аталса-да, янгилиги унчалик сезилмасди. Кўчанинг бир четида қорамағиз, ўрта ёшлардаги киши ва ундан хийла ёшроқ, чамаси биз тенгилар эркак бизни кутиб турарди. Ёши каттароғи кеча мен телефонда гаплашган киши бўлиб, ўнинг исми Идрис экан, у ёнидаги шеригини менга Холид деб таништириди.

— Ҳозир у сизни ўз үйига олиб кетади, — деб тушунтирди Идрис. — Эртага тушдан кейин тайёрланиб туринглар. Мен чақирганда чиқасизлар.

Хуллас, бир оқшом Холиднинг ёнида қолдим. Чамаси у ҳам мен сингари мусоғир, қайсиdir араб давлатидан чақириб олинган эди. Очиги, у билан мулоқот қилмадим ҳисоб. На у ўзбекча ё русчадан хабардор, на мен инглиз ё араб тилини биламан.

Эртаси куни туш пайтида телефонимга Идрис қўнғироқ қилди:

— “Марсель”, шеригинг билан ҳамма нарсаларингни олиб пастга тушинглар!

Мен бу ерда худди онгсиз қўғирчоқдек ҳис қиласардим ўзимни. Қаерга келдим, ким билан учрашдим, қаерга кетяпман — ҳеч нарсани англамасдим. Қизик, жиҳодни қачон, қаерда қиласаркинман? Индамай юраверай-чи, ўзлари айтишар!

Яна Идриснинг машинасида тиқилинч кўчалардан имиллаб кетяпмиз.

— Қаерга боряпмиз? — сўрадим сабрим чидамай.

— Истанбулга, — деди Идрис йўлдан кўзини узмай. — Аэропортда сизларга яна беш-олтита “биродар”имиз қўшилади.

Шундай дея у мен билан Холидга йўл чиптасини тутқазди. Қоҳира аэропортида, Идрис айтгандек, турли миллатларга мансуб яна уч-тўрт йигит бизга қўшилди.

Шерикларимиз билан Истанбулга учдик. У ерда бизни Ҳамза исмли турк йигити кутиб олди. Гап-сўзсиз бизни аэропорт ташқарисида турган машина томон бошлади. Ўша оқшом яқин орадаги меҳмонхоналардан бирида тунадик.

Истанбул Қоҳирага нисбатан анча тоза, озода шаҳар бўлса-да, кўчаларнинг тирбандлиги ундан қолишмасди. Бу ерда атиги бир оқшомгина қолдик, холос. Эртаси куни кечқурун Ҳамза бизни меҳмонхонадан чақириб тушди ва яна аэропортга боришимизни айтди.

Бу гал Эронга учишимиз керак экан. Бир тарафдан хурсандман. Ҳар қалай, шу пайтгача тушимга ҳам кирмаган шаҳарларни, юртларни кўриб юрибман. Кеча Мисрда эдим, бугун Туркиядаман, эртага эса Эронда бўламан. Иккинчи тарафдан бу саёҳатларнинг узлуксизлиги кўнглимни ғаш қиласарди. Яна қайси мамлакатларга юборишаркин?

Самолётда учиб кетяпмиз-у, миямда саволлар ғужғон ўйнайди: нега бунча шаҳарма-шаҳар олиб юришмаса? Бир ҳафта ичидан бешинчи давлатга учиб кетяпман. Биратўла Эроннинг ўзига жўнатиб қўяверишса, бўларди-ку?

Самолётимиз Машҳадга қўнгач, у ерда бизни Аҳмад исмли эроний йигит қарши олди. Бир оқшом у бошлаб борган квартирада ётиб қолгач, эртаси куни кечқурун бизни аллақандай машинада олиб кетишиди. Аввал Сеистон-Белужистон вилоятининг маркази — Зоҳидонга бордик, кейин у ердан автобусга ўтириб, Покистон чегарасига яқин ҳудуддаги Саровон шаҳрига қараб йўл олдик. Автобус 18 соат йўл босиб, ниҳоят манзилга етиб келди.

Биз Абдулмўмин исмли одамнинг уйида бир кеча тунаб қолдик. Бу ерда биздан ташқари яна 20 нафарча одам бор экан. Эрталаб Абдулмўминнинг уйидан чиққанимизда эшик олдида яна машиналар қатор турарди. Уларга ўтириб, чегара постига етдик. Чегарадаги текширувлар анчага чўзилди.

Покистон ҳудудига кириб, Панж-Гўр деган шаҳарчага етиб борганимизда, қош қорайиб қолганди. Яна тоғлар оралаб анча йўл босдик. Тоғ-тошлар орасидаги бир қишлоқда бизни қайси миллатга мансублигини билб бўлмайдиган бир қорасоқол кимса қарши олди. У инглиз тилида бизга ўзини “Мастер” деб таништирди. Унинг бошчилигига тоғлар оралаб икки-уч кун “сандироқладик”.

Очиғи, бу саргардонлик мени роса ҳолдан тойдирганди. Атрофимда-

гиларнинг тилига тушунмайман. Уларнинг кўпчилиги араблар ва форслардан иборат. Яна мен тушунмайдиган аллақандай тилларда гапиришади. Кветта шаҳрига етиб борганимиздан сўнг бир кун дам олиб, эртаси куни Афғонистон ҳудуди орқали Вазиристон томонга равона бўлдик.

Кейинчалик билишимча, Вазиристон Покистонга қарашли вилоят бўлиб, уч-тўрт йил илгари бу ерда бир қанча “биродар”ларимиз Афғонистоннинг Толибон кўчлари ёрдами билан давлат тўнташини амалга оширган ва “Вазиристон ислом давлати”ни эълон қилган экан. Аммо кўп ўтмай, Америка ҳарбийлари ёрдамида Покистон ҳукумати Вазиристоннинг катта ҳудудини қайтадан қўлга киритган, Шимолий Вазиристоннинг бир қисмигина “мужоҳидлар” қўлида қолган эди.

Ниҳоят Вазиристоннинг маркази — Мироншоҳ шаҳридан қўним топдик. Шаҳарда тез-тез отишмалар, қуролли тўқнашувлар бўлар, хусусан, Америка ҳарбийлари биз турган ҳудудда турли ҳарбий операцияларни ўтказиб, ҳаво зарбаларини бериб турарди. Жангариларнинг раҳбари бизни илиқ қарши олди. Кичик бир йиғилиш қилиб, урду ва араб тилларида узундан-узоқ маъруза қилди. Унинг нутқи орасидан “ислом”, “жиход”, “хижрат”, “кофир” сингари сўзларнигина англардим.

У гапиряпти-ю, мен ўз она шаҳримни, Тошкентнинг тинч осуда кўчаларини, болаларимнинг беғубор чеҳраларини кўргим келар, аммо үларни қайтиб кўрмайдигандек эдим.

Шу тариқа ҳарбий тайёргарлик машғулотлари бошланди. Машғулотлар, асосан, тоғлар орасида ўтказилар, бизга портловчи моддалар тайёрлаш, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, разведкага чиқиш, снайперлик сингари ҳарбий ҳаракатлар пухта ўргатиларди.

Биз — “аскар”лар бир-биrimiz ҳақимизда ҳеч нарса билмаймиз. Билишнинг имкони ҳам йўқ. “Юқоридан” буйруқ бўлган, “аскар”лар бир-бири билан танишмаслиги, гаплашмаслиги керак. Улар фақат раҳбарларини таниши ва уларнинг амрига сўзсиз тобе бўлишлари лозим.

Бу ерда ҳар тонг тирик ҳолатда кўз очиш мўъжиза билан teng эди.

Ахир Америка ва Покистон ҳарбийларининг бирлашган кучлари ҳамда биз ва бизнинг тарафдорларимиз орасида шиддатли жанглар, отишмалар бўлади. Нечта аскар танишим кўз ўнгимда қурбон бўлгани, бомбалар остида қолиб ёки мина қўмилган жойга қадам босиб, парчаланиб кетганини кўрганман.

Бундан ташқари, гоҳида ҳарбийлар бизнинг лагеримизга давлат ёки Америка кучлари билан алоқада бўлган, уларга қайсиdir маънода ёрдам берган, “жосуслик” қилган маҳаллий аҳоли вакилларини тутиб келишар, кейин бизнинг кўз ўнгимизда аёвсиз суратда жазолашарди. Масалан, бир куни бир чол ва унинг неварасини американлик ҳарбийларга егулик олиб боргани учун отиб ташлашди. Чол командиримизнинг оёғига йиқилиб, бир нималарни пуштунчалаб гапиргани, ёш боладек ҳўнграб йиғлагани эсимда. Чамаси у ўзига эмас, лоақал ёшгина набирасига раҳм қилишларини сўраб ёлворарди.

Командир унинг гапларига парво ҳам қилмади. Шартта белига қистирилган тўппончани олиб, аввал боланинг қоқ миясига бир неча марта ўқ узди. Боланинг бош чаноғи майдаланиб кетди. Чол ҳам оҳ, деганча йиқилди. Худди шу аснода кейинги ўқлар унинг кўкрак қафасидан жой олди. Ҳамма миқ этмасдан бу қонли томошани кузатиб турарди.

Кўп ўтмай, “америкалик кофирларга сотилган”лиқда гумон қилинган яна етти-саккиз нафар эркакни тутиб келиб, ҳамманинг кўз олдида бошларини кесишиди. Танасидан узилиб, ерда думалаб ётган каллалар ҳали-ҳамон тушларимга кириб чиқади.

Бундай даҳшатли қатл томошаларини кунда-кунора кўриш мумкин эди. Гоҳида мен ҳам кўпчилик қатори бу манзараларни ҳиссиз томоша қилар, барчасини Яратганнинг ҳукми, иродаси сифатида қабул қиласдим. Гоҳида эса менга номаълум бўлган гуноҳлари учун боши кесилган, тошбўрон қилинган, отиб ташланган ёш-ёш ўғил-қизларга ичим туздек ачишарди. Ахир менинг ҳам болаларим худди шуларнинг ёшидаги ўсмирлар-ку?!
АҚШ ҳарбийларининг ҳаво зарбалари ҳам муттасил давом этарди.

Мироншоҳнинг турли маҳаллалари ўзра ёғилган ракеталар, бомбалар ёшу қарини, каттаю кичикни, дўсту душманни аяб ўтирмасди. Биз сингари “бошланғич” аскарларга командирларимиз томонидан баъзан харобалар орасида сочилиб кетган жасадлар ва уларнинг парчаларини тўплаб, яқин орадаги қабристонларга элтиб кўмиш топшириларди. Қизиғи, бу жасадларни ҳеч ким мұсулмон үрф-одатларига кўра, ювиб кафанламас, ҳеч ким жаноза ҳам ўқимас, худди тилсиз жониворларнинг ўлигидек, чуқурлар қазилиб, устидан тупроқ тортиларди.

Парчаланиб кетган жасадларни шерикларим билан тупроққа қўярканмиз, мен ҳам бир қунмас-бир кун ана шундай ахволга тушишимни ўйлаб, даҳшатга тушардим. Гоҳида “майли, ҳар қалай бекорга ўлиб кетмасман, шаҳид бўлиб, Яратганинг розилигига эришарман”, деб ўйлар, гоҳида эса бунга ўзимнинг ҳам ишонгим келмасди. Ахир наҳотки, шу қонли жанглар, бемақсад урушлар, шафқатсиз қатллар Аллоҳга хуш келса, деб ўзимга ўзим савол берардим.

Биз жойлашган лагердаги ҳарбийлар тез-тез алмашиб турарди. Машғулотларимиз гоҳ Шимолий Вазиристон тоғларида, гоҳ шаҳардаги ҳарбий қисмларда бўларди. Бир куни Мироншоҳдаги толиблар марказида ўтаётган машқлар пайтида бир киши менга зимдан қараб турганини пайқадим. Танаффус пайтида у менга яқинлашиб, салом берди:

— Ўзбекмисиз, биродар? — сўради секин. Анчадан бери ўзбекча сўз эшиитмаганим учун хурсандчиликдан сакраб юборай дедим.

— Ҳа, — дедим, қувончим ичимга сиғмай. — Анчадан бери бирорта ўзбекни топармикинман, деб юргандим.

У билан анча гаплашиб ўтирдик. Исми Абдураҳим бўлиб, асли водийлик экан.

— Толиблар сафида экансиз-да? — сўради зимдан тикилиб. Очифи, ўзим ҳам қайси гуруҳдан эканимни аниқ билмасдим. Билганим шуки — мен Аллоҳ йўлида, кофирларга қарши жиҳод қилас, ёки шунга тайёргарлик кўрардим. Раҳбарлар нимани буюрса, шуни қилиб кетаверардим.

— Бошқа миллат вакиллари орасида бир ўзингиз зерикмаяпсизми?

— Очиғини айтсам, жұда ҳам сиқилиб кетдим. Дардингни кимга айтишни билмайсан, киши.

— Үнда гап бүндай. Сиз бизнинг гуруҳга — “Исломий жиҳод” ташкилоти сафига ўтинг.

— Мени юборишармикин? — сўрадим ажабланиб.

— Биз толиблар билан иттифоқчимиз. Бир-биримизга ёрдам берамиз. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир. Фақат бизнинг гуруҳда ўзбеклар кўпроқ. Истасангиз, раҳбарларингиз билан ўзим гаплашаман.

Абдураҳим айтганини қилди. Мен шу тариқа “Исломий жиҳод” жангарилари сафига ўтдим. Машғулотларда деярли ўзгариш йўқ. Гоҳ шаҳарда бўлсак, гоҳ тоғдамиз. Абдураҳим ҳарбий тайёргарлик машғулотларида менга яқиндан ёрдам бериб турди.

Гоҳида оиласам, болаларимни ўйлаб, дунё кўзимга тор кўриниб кетарди. Уларга “хорижга ишлагани кетяпман, қўп пул топиб қайтаман”, деганимча йўқ бўлиб кетдим. Ҳозир нима қилишаётган экан? Ўзим-ку, Тошкентга қайтиб боролмасман. Лекин оиласамни ёнимга чақириб олсам-микин?

Худди шу аснода кимдир қулоғимга қуярди:

“Аҳмоқ, ўзинг-ку, бу гадой топмас жойларда улоқиб юрибсан, ҳар қадамингда ўлим хавф соляпти, энди ўз болаларингни ҳам шу жаҳаннамга тиқмоқчимисан?”

Шу ондаёқ қарама-қарши бир фикр уйғонарди:

“Бошқа иложинг йўқ. У ерда оиласангни тинч қўйишмайди. Болаларингга ҳам күн беришмайди. У ерда кимларнингдир қўлига қараб, очнаҳор юришганидан кўра, ўз ёнингда бўлишгани яхши-ку?! Хотининг ҳам ёнингда бўлиши керак. Ахир қанақа эрсанки, аҳли аёлингни ёлғиз ташлаб ўзинг бу ерларда юрибсан?”

Хуллас, Абдураҳимга қандай бўлмасин, оиласамни бу ерга олиб келмоқчи эканимни айтдим. Абдураҳим аввалига бироз ўйланиб қолди.

— Умуман олганда, мужоҳиднинг оиласи унинг ёнида бўлгани яхши, — деди у соқоли остидан иягини қашиб. — Жуда кўп “биродар”ларимиз оиласини шу ерга олиб келган. Аммо оиласизни олиб келиш учун ўз-

Бекистонга борсангиз, құлға тушиб қоласиз. Уларни Россия ёки Турцияга қақиришингиз керак. У ерда үзингиз кутиб оласиз ва үлар билан қайтиб келасиз.

Бу ишнинг иложи борлигини билиб, күнглим ёришди.

- Раҳбарият Турцияга бориб келишим учун рухсат берармикин?
- Хавотир олманг, үзим сўраб кўраман, — деди Абдураҳим илжайиб.

2011 йил сентябрнинг ўрталари эди. Худди ўша кунлари Вазиристон тоғларида ҳарбий машғулотлар пайти Америка ҳарбийлари отган ракетадан қаттиқ яраландим. Елкамга ўқ текканда кўз олдим чақнаб кетган, “Ўлдим” деб ўйлагандим. Бироқ кўзимни очсан, эски бир ертўлада ётибман. Тепамда “биродар”ларимиздан бири турибди.

— Афсус, — деди ҳалиги йигит ачингандек бош чайқаб. — Шаҳидлик насиб этмаган экан. Тирик қолдингиз.

Шу тариқа ноябргача уйдан чиқмай даволанишимга тўғри келди. Шу икки ойда үзимдан ўтганини үзим биламан. Елкамдаги жароҳатни даволаш учун оддий дорилар ҳам топилмайди. Шифохонага боришнинг эса иложи йўқ. Покистон полицияси ушлаб олса, қамоқقا олишлари аниқ. Маҳаллий табиблар, үзимизнинг йигитлар кўмагида сал үзимга келдим.

Бир амаллаб, Турция ё Россияга оиласми қақиртира олсан, бу ерга қайтишни ўйлаб кўраман. Балки ўша ерда қолиб, бирор жойда иш топарман. “Шаҳидлик” орзуси ҳам борган сайин хиралашиб бормоқда эди.

Мен сал үзимга келгач, яна оиласми олиб келиш учун йўлга чиқишига қарор қилдим. Ноябрнинг ўрталарида кавказлик чечен йигитлар ҳамроҳлигига отландик. Мени Абдураҳимнинг ўзи кузатаркан:

— “Маршрут” аниқ белгиланган, ҳар бир “бекат”да сизни үзимизнинг одамлар кутиб олади ва кейинги манзилга кузатиб қолади.

...“Тишимнинг кавагида” асраб юрган долларларни белимга боғлаб, йўлга равона бўлдим. Илгаригидек машиналар қаёқда? Ҳамма ёқни америкалик ҳарбийлар назоратга олган. Фақат пиёда юришимиз керак. Қундузи юрсак, пайқаб қолишади. Асосан кечқурунлари йўл босамиз. Яхшиям ҳарбий машғулотларда тоғлар оралаб йўл юриш, юлдузларга

қараб мўлжал олишни ўргатишган. Ёлкамда қурол, оғир юхалта, бўям етмагандек, ҳали тўла тузалиб кетмаган жароҳатим зирқираб азоб беради.

Нақ уч ойдан кўпроқ йўл босиб, март ойининг бошларида Эрон сарҳадларига етдик. Амаллаб чегарадан яширинча ўтиб олганимиздан сўнг яна Саровон шаҳридаги “биродар”ларимиз бизни кутиб олишди. Бу ерда ўзини Муртазо деб атаган бир ўзбекистонлик билан ҳам танишдим. Кейин билишимча, Саровонда “Исломий жиҳод” ташкилотига қарашли анча-мунча жангариларни ўз ичига олган гуруҳ яширинча фаолият кўрсатар, улар орасида ўзбеклар ҳам бор экан. Аммо бизни улар билан гаплашгани қўйишмади.

Бир неча кун Саровонда қолгач, бизни машинада вилоят марказига — Зоҳидонга жўнатишди. Бу ерда “Ал-Қоида” террористик ташкилоти вакилларидан бири Сулаймон исмли шахс менга сохта турк паспортини тутқазди. Мен энди турк фуқароси сифатида бемалол ушбу давлатга кира олардим. Аммо Довуд мен ва шерикларимни Зоҳидон-Машҳад йўналишидаги автобусга ўтказиб, у ерда тегишли одамлар бизни кутиб олишларини айтди.

Мен эса улар айтган йўналишдан юришга мажбур эдим. Ҳар бир “бекат”да бизни аввалдан белгиланган шахслар кутиб олар, маълум вақтгача ётоқ билан таъминлар, кейин ўзи истаган тарафга йўналтиради. Хуллас, Машҳадда Аббос исмли эроний йигитнинг уйида бир ойча қолиб кетдик. Очифи, бу сарсонгарчилик жон-жонимдан ўтиб кетган, шундай пайтларда Тошкентдаги ўз уйимизда, оила аъзоларим даврасида беғам-беташвиш ўтказган дамларим эсимга тушиб, хўрлигим келарди.

“Юқоридан” кўрсатма бўлган шекилли, кунларнинг бирида Аббос эрталаб йўлга тушишимизни айтди. Автобусда икки кун йўл босиб, Эроннинг Туркия чегарасидаги Ғарбий Озарбойжон вилоятига етиб келдик. Айланма йўллар билан чегарани бузиб, Туркия ҳудудига ўтиб олдик. Энди амаллаб Истанбулга бориб олсан бўлгани. У ердан аёлим ва болаларимни чақиририб оламан. Балки шу ерда қолиб, бирор ти-

рикчилик қиларман. Лекин яна Покистонга, жангарилар орасига қайтгим йўқ эди.

Туркия шарқидаги Ван шаҳри аэропортидан Истанбулга учиш учун чипта олмоқчи бўлиб турганимда, кўк кийимли полиция зобити мени имлаб ёнига чақирди. Юрагим дукиллаб кетди. Қўлимдаги паспорт мутлақо бошқа одамга тегишли эди. Суратдаги мен эмаслигимни ҳар қандай одам бир қарашда фарқлай оларди.

— Пасапортуну гўстер, бакалим¹, — деди турк полициячи менга шубҳали тикиларкан.

У паспортдаги суратга қараб, мийиғида кулимсиради.

— Бен сене кенди пасапортуну, гўстер, дедим, абий².

Ноилож ўз паспортимни кўрсатишга мажбур бўлдим. Шундан сўнг полициячи мени ўз бўлинмасига, бошлиғининг ёнига олиб кирди. Бошлиқ ҳар иккала паспортни синчилаб текширгач, кимгадир телефон қилди. Мени эса алоҳида хонада ушлаб туришни буюрди. Тўрт-беш соат ўтиб, мени тутиб олган полициячи қўлида менинг ҳақиқий паспорти билан қайтиб келди. Унинг айтишича, мен Туркия ҳудудига ноқонуний кирганим учун бу ердан кетишга мажбур эканман. Паспортигам ҳам депортация муҳрини босиб, Тбилиси чиптаси билан қайтариб беришди.

Аэропортнинг кутиш залида ўтиарканман, бошим қотған, энди қандай йўл тутишни билмасдим. Яхшиям, ёнимда телефоним бор. Туркияга ўтишим билан “Тўрксел” сим-картасини сотиб олгандим. Абдураҳим билан боғланолмасдим. Чунки Вазиристондаги жангарилар телефон ишлатишмас, бу уларнинг қўлга тушшиб қолишларига сабабчи бўлиши мумкин эди. Худди шу пайт эсимга Равил тушди. Ахир мен унинг рақамини ёддан биламан-ку? Дарҳол Россия коди билан унинг рақамига сим қоқдим.

Равил гўшакни олгач, гапни қоғозга ўраб бўлса-да, Покистонда анча пайт “керакли одамлар билан бирга бўлганимни”, раҳбарлар рухсати би-

¹ Паспортигни кўрсат, кўрайлик (турк.)

² Мен сенга ўз паспортигни кўрсат дедим, ука (турк.)

лан оиласын чакириб олиш учун Туркияга келганимда, сохта паспорт билан құлға түшганим ва мени Грузияга депортация қилишганини айтдым.

— Чатоқ бўпти, — деди Равил бироз ўйланиб қолгач. — Майли, бир соатларда телефон қил, мен бирор йўлини қидиравман.

Бир соатдан сўнг Равилга қайта боғландим.

— Раҳбарият билан гаплашиб ҳаммасини ҳал қилиб қўйдим, — деди Равил. — Сен бехавотир Грузияга учавер. Тбилисида йигитларимиз сени кутиб олишади ва Россияга етиб олишингга ёрдам беришади. Фақат эҳтиёт бўл, у ерда кўрганларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очма. Оиласын чакириб олсанг, менга хабар қиласан. Орқага қайтиб боришингни ҳам ўзимиз ташкиллаштириб берамиз.

Чиндан ҳам Тбилиси аэропортидан чиқишим билан тепакал, соқолли иккита йигит кутиб турарди. Улар менинг кимлигимни аниқлаб олишгач, машинада олиб кетишди. Улар мендан ҳеч нарса сўраб ўтиришмади. Мен ҳам жим кетяпман. Ниҳоят мени шаҳарнинг бир четидаги квартирага олиб келиб жойлаштиришди.

— Бир-икки кун шу ерда кутиб турасиз, батоно¹, — деди йигитлардан бири рус тилида грузинча талафуз билан. — Сизни қаерга юборишиларини аниқлаб, ўзимиз кузатиб қўямиз.

Икки кун квартирадан чиқмай ўтиредим. Яхшиям, йигитлар икки кунга етадиган озиқ-овқатни ташлаб кетишган. Бу икки кун менга икки ҳафта-дек узоқ туюлди. Ниҳоят учинчи кун эрталаб эшик тақиллади. Қарасам, мени кутиб олган йигитлардан бири турибди.

— Батоно, мана, сизга Харьковга чипта, — деди қўлимга самолёт чиптасини тутқазаркан. — У ерда сизни яна “ўзимизники”лар кутиб олиб, Россияга юборишади.

Қисқаси, аввал Украинага — Харьковга үчдим. У ердан яна “биродар”ларимиз ёрдами билан Россияга, Сочига йўл олдим.

2012 йилнинг июль ойлари. Мен Соҳидаги ошхоналардан бирида ишлайман. Бир куни үйимдагиларга сим қоқдим. Мендан роса хавотир олиб ўтиришган экан.

¹ Батоно - жаноб (грузин.)

— Дадаси, — деди аёлим йиғлаб. — Қаерларда юргандингиз? Бир оғиз “мен тирикман”, деб қўймайсизми? Икки йилдан бери дом-дараксиз юрибсиз.

— Ҳаммасини кейин тушунтираман, — дедим нафасим бўғзимга тиқилиб. — Сен болаларни олиб, Россияга, Сочига келиш чорасини қил. **Бу ерда ҳамма шароитлар бор.**

Аввалига хотиним кўнмади:

— Дадаси, шу ерда ҳам яхши яшаяпмиз, болаларингиз ҳам ўқиб юришибди. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўзингиз қайтсангиз, яхши бўларди.

Аммо дағдағалардан кейин, келишга рози бўлди. Бир-бир яrim ой **деганда** хотиним болаларим билан Сочига етиб келди. Айниқса, болала-**римнинг** қувончи чексиз эди. Уларни бирма-бир бағримга босиб, тўймас, **кўзёшларимни** аранг тийиб турардим. Шу тариқа улар билан битта ижа-**ра** уйда яшай бошладим.

Бу орада, “биродар”лар телефон қилиб қўйишмайди:

— Биродар, оиласизни чақирган бўлсангиз, тезроқ келавермайсиз-**ми?** Ё фикрингиз ўзгариб қолдими?

Биламан, агар фикрим ўзгаргудек бўлса, улар мени барibir тинч қў-**йишмайди** ҳамма жойда одамлари бор. Мен-ку, майли, оиласизга ҳам би-**рор** зиён тегиши мумкин.

Хўллас, оиласизни Туркияга кетишга кўндиридим. Аввалига уларнинг **Ўзини** жўнатадиган, бироздан сўнг ўзим борадиган бўлдим. Чунки па-**спортимга** “депорт” муҳри босилгани учун бу билан Туркияга **киролмай-ман**. Демак, янги паспорт топишим керак. Бу эса маълум вақтни олади. Истанбулда оиласизни тегишли одамлар кутиб, меҳмонхонага жойлашти-**ради**, мен ҳам етиб борганимдан сўнг қандай ҳаракатланишни ўзлари **айтишади**.

Оиласизни Сочи аэропортидан Истанбулга юбориб, ижараҳонамга қай-**тиб** келарканман, олдинда мени нималар кутаётгани ҳақида ўйлардим. Нималар қилиб қўйдим? Ўзимнинг Туркияга боришим сўроқ остида бўл-**са-да**, хотиним ва болаларимни етти ёт бегона шаҳарга қайси калла билан юбордим?

Мен жуда хатарли ўйинга аралашиб қолгандим. Ортга йўл йўқ эди.

Энди бу йўлдан охиригача боришим шарт. Ҳар қалай, бу йўлда мен жонимни хатарга қўйиб, ўлимни бўйнимга олиб чиққандим.

Ўзим яшайдиган уй йўлагига кирган ҳам эдимки, қаердандир пайдо бўлиб қолган, юзига ниқоб таққан бақувват йигитлар мени ушлаб қўлимни орқамга қайириб, киshan солишиди. “Қўлга тушдим”, — ўшанда хаёлимдан кечгани шу бўлди...

Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари мени обдон сўроқ қилишгач, бошимдан ўтганларни оқизмай-томизмай айтишдан бошқа чорам қолмаганди. Кейин улар мени ўзбекистонлик ҳукуқ-тартибот идоралиари вакилларига топширишиди. Тошкентдан озод қуш бўлиб учиб кетгандим, ўз нодонлигим сабаб қўлимда киshan билан она юртимга қайтиб келдим.

Аёлим ва болаларим ҳам анча оворагарчилик, сарсон-саргардонликдан сўнг ҳукуматимизнинг ёрдами билан Истанбулдан уйга қайтиб келишибди.

...2013 йилда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукмига кўра, жиноят кодексининг қатор моддаларига биноан айбланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдим.

Қанчалик жаҳолат ботқоғига ботганим, нур деб зулматга талпинганим, жиҳод қиласман, деб ўйлаб, ўз Ватанимга, халқимга, ота-онамга хиёнат қилганимни кеч англаб етдим.

Ҳар бир ота-она “ўсиб-улғайиб бир кунимизга ярайди, қарисак, боқиб парваришлайди, ўлсак, тепкилаб кўмади, оптимиздан чироғимизни ёқади, наслимизни давом эттиради”, деб фарзанд ўстиришади. Менинг ота-онам ҳам бир куни келиб, шу ўғлимизнинг ортидан кўкрак кериб, фахрланиб юрайлик, деб ният қилишгани шубҳасиз. Мен ҳам ана шу мақсадда ўйланиб, бола-чақа орттирганман. Аммо ота-онам ҳам, аёлим ҳам, фарзандларим ҳам мен туфайли бошларини эгиб қолишиди. Бунинг учун мен ўзимни кечиролмайман.

Равил сингари аглаҳ, зулмат гумашталарининг гапига кириб, миям заҳарланганини, ўз ҳаётимни ҳам, фарзандларим келажагини ҳам барбод қилганимни сезмай қолибман.

Энди эса...

Барча қилмишларим хато эканини, исломий тушунчаларни менинг
онгимга мутлақо нотүғри тарзда сингдиришганини тушуниб етганимда,
ништ қолипдан күчиб бўлган экан.

Мана шунаقا гаплар!..”

ЖАҲОЛАТНИНГ СҮНГГИ БЕКАТИ

“Ҳаёт инсонга фақат бир мартагина бериладиган буюк неъмат, бекиёс имконият. Ҳеч ким пуч ғояларга алданиб, умрини елга совурмасин экан. Мен навқирон ёшимда кечирилмас хатога йўл қўйиб, мана энди тўрт девор орасида, панжара ортида ўз қилмишишмдан афсус-надоматлар чекиб ўтирибман.

Aгар мен ҳам бошидаёқ тўғри йўлни танлаб, оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата олганимда эди, шу йил оилас, дўстларим, фарзандларим даврасида ўзимнинг қирқ ёшимни нишонлаган бўлармидим?!

Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлай қолай. Мен — Эрматов Акмал Рўзибоевич 1977 йил 16 март куни Тошкентда туғилганман. 1998 йилгача Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилиб келганман. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларда мен ҳали мактабда ўқиб юрар, истиқолол деб аталмиш буюк неъматнинг асл моҳияти, буюклигини ҳали англаб етмагандим.

Эндининг масжидлар очилиб, виждан эркинлиги, эътиқод ҳурлиги учун имкониятлар юзага келган пайтлар эди. Аммо “шоли баҳона курмак сув ичади”, деганлариdek, бу имкониятдан ўзларининг эгри мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган турли гурухларнинг асли фитналаридан у пайтларда бехабар эдим.

Балоғатга етар-етмас, мен ҳам айрим ёшлар қатори масжидга чиқадиган, намоз ўқийдиган бўлдим. Аммо ҳали ислом динининг асл мазмун-моҳияти, оят ва ҳадисларнинг ҳақиқий маъносини англаб етмаган-

дим. Шу боис ким күзимга тақводор, иймонли бўлиб кўринса, шунинг ортидан эргашиб кетаверибман. Ана шундайлардан бири билан Эски шаҳардаги “Чархчи имом” масжидида танишиб қолдим. Уни Мұтасим деб чақиришар, асли иорданиялик эди. Минтақавий идораси Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида жойлашган “Ифоса” жамғармасининг Тошкентдаги вакили эди. У ҳақида билгандарим фақат шулар, холос.

Мұтасим менга диний аҳкомларни ўргатар, мен ҳам унинг ҳамма айтганларини кўр-кўrona онгимга мухрлаб бораверардим. Назаримда, у мен учун ҳамма нарсани биладиган пири муршид эди, динимизнинг руқнларини ундан-да яхшироқ биладиган олим йўқдек эди.

Беш йил у билан муттасил кўришиб, учрашиб турдик. 1998 йилнинг ёз ойлари эди. Бир куни Мұтасим менга қараб:

— Акмал, сен жуда ақлли, истеъододли йигитсан, истасанг, сени хорижга юбораман, — деб қолди.

Мен аҳмоқ бўлмасам, ўзимиизда билим олиш учун шунча шарт-шароитлар яратилганига қарамай, ўша иблиснинг гапига лаққа тушармидим? Ўшанда бир оғиз “тақсир, ғамхўрлигингиз учун ташаккур, аммо ўз Ватанимда ҳам илм олиш имкониятлари кўп”, десам, тилим узилиб тушармиди? Ана шу таклиф ва үнга розилигим ҳаётимни бутқул остин-устун қилиб юборди.

— Покистонда ислом илмларини ўргатадиган яхши таълим даргоҳлари бор, — дея ичимда ўт ёқишида давом этди Мұтасим. — Бу мадрасалар Саудия Арабистони раҳбарияти томонидан молиялаштирилади.

— Майли-ю, — ичимдаги истиҳолани ташимга чиқардим. — Хорижда билим олишга имкониятим етмайди-да!

— Бу ёғидан хавотир олма, болам, — деди Мұтасим. — Ҳамма харажатларни бизнинг жамғармамиз тўлайди. Илм олиш — фарзи айндин. Бу ишга ёрдам бермоқ эса савоби азим.

Хуллас, куз ойларига бориб, паспортимни виза учун Покистон элчихонасига топширдим. Ҳужжатлар тайёр бўлгач, аввал Бишкекка, кейин эса Алматига равона бўлдим.

Алматида мени “Ифоса” жамғармасининг маҳаллий бўлими ходими

– Абдулло исмли шахс кутиб олди. Бир мұддат шу ерда қолғач, Абдулло мени Алмати аэропортидан Покистонга қузатиб қолди.

Нихоят Қозоғистондан ҳавога күтариլған самолёт мени Пешоварга олиб үчмоқда эди. Үзимча баҳтиёр әдім. Ахир мен ҳам хорижга үқишга кетяпман. Күп үтмай, етүк олим, диний билимларнинг пухта билимдөни бўлиб Ўзбекистонга қайтаман.

Мұтасимнинг топшириғига кўра, мен Пешоварга келишим билан Абу Ҳомид исмли кишига қўнғироқ қилишим керак эди. Айтганини қилдим. Кўп үтмай, Абу Ҳомид етиб келди. Суданлик, қора танли, ўрта ёшлардаги киши экан.

Абу Ҳомид мени ушбу шаҳардаги Абу Ҳубайб мадрасасига жойлаштирди. Мадрасада икки нафар ўзбекистонлик ҳамюртимизни кўриб, қувониб кетдим. Тезда улар билан танишиб, чиқишиб кетдик. Биттасининг исми Икром, иккинчисиники Ҳазрат экан. Гуруҳимизда қозоғистонлик ва тажикистонлик талабалар ҳам ўқирди. Бизга бу ерда араб тили грамматикаси ва диний фанлардан сабоқ берса бошлашди.

Дарсларда нимани ўргатишса, шуни айни ҳақиқат ўрнида қабул қиласверибман. Уларнинг асли мақсади нима, нима сабабдан хорижий давлатлардан ёшларни бу ерга жамлаб, уларга илм ўргатиш учун шунча маблағ сарфлашяпти, бу ҳақда ўйлашни хаёлимга ҳам келтирмабман.

Бизга араб ва афғон миллатига мансуб муаллимлар дарс беришарди. Дарсларда жиҳод, ҳижрат, такfir, шаҳидлик, ғозийлик сингари тушунчалар онгимизга чуқурроқ сингдирилар, уларнинг асл-мазмун моҳиятидан эса тамомила хабарсиз әдім.

Бу орада Покистон элчихонаси паспортимга қўйиб берган визанинг ҳам муддати тугаб қолди. Мадрасамиз мудири дарҳол бу муаммони ҳал қилиб берди. Виза муддати яна олти ойга чўздирилди.

1999 йил мадрасадаги ўқиш тугади. Мен ўзимда йўқ шод әдім. Нихоят Ўзбекистонга, она шаҳрим Тошкентга қайтаман. Яқинларимни кўраман. Фарзандларининг диний билимлардан хабардор мулла бўлиб қайтганидан бошлари осмонга етса керак.

Бироқ кейин билсам, мадрасанинг дипломи шунчаки ўрта маҳсус маълумот ҳақидаги ҳужжат ўрнини босиши мумкин экан. Ўзим орзу қил-

ғандек “кatta мулла” бўлиш учун эса ислом мамлакатларидағи йирик университетларни тамомлаш керак экан.

Биз — Ўзбекистондан борган учала ҳамюрт бундан бу ёғига нима қилиш ҳақида бош қотирардик.

— Мен Афғонистонга кетаман, — деди Икром қатъий овозда. — У ерда “биродар”ларимиз Ўзбекистонда ислом давлати барпо этиш учун ҳижратда юришибди. Уларнинг уюшмаси “Ўзбекистон ислом ҳаракати” деб аталади. Сизлар ҳам бирга борсаларинг яхши бўларди.

Ҳозирги дунёқарашим, ақлим бўлганида унинг ёқасидан тутиб, “хоин, нималар деяпсан? Ўз юртига қарши бош кўтарган ўша ватангадо кимслар тўдасига қўшилмоқчимисан?” дея жағига мушт туширган бўлардим. Ҳазрат иккимиз унга жиддий қаршилик кўрсатмасак-да, ҳар қалай унинг изидан бормадик.

— Илм ҳам жиҳоднинг бир кўриниши. Биз аввал илмимизни оширайлик, жиҳодга ҳам улгуармиз, — дедик унга жавобан.

Мадрасада ўқиб юрганимизда Саудия Арабистонидаги йирик диний олий ўқув юртлари ҳақида етарлича маълумот тўплагандик. Шулардан бири Мадина ислом университети бўлиб, унга ўқишга кириш учун Покистоннинг ўзида ҳам имтиҳондан ўтиш имконияти мавжуд эди. Караби шаҳридаги Абу Бакр университетида мазкур олийгоҳнинг қабул бўлими очилган бўлиб, аввал бу ерда бир ойлик тайёрлов курсида ўқиш керак бўларди.

Бошланғич машғулотларда бизга айнан ўша — Мадина ислом университети мутахассислари сабоқ беришаркан. Биз ушбу университетга кириш учун керакли ҳужжатларни топшириб, тайёрлов курсини ҳам битирдик. Имтиҳонларни ҳам топширган бўлдик. Домлаларнинг айтишича, натижалар 2000 йилнинг ёз ойларида эълон қилинаркан. Унгача ҳали бир неча ой вақтимиз бор эди.

Ўзимча шу бўш вақтдан фойдаланиб, Ўзбекистонга, яқинларим олдиға бориб келсам-чи, деган фикрга ҳам бордим. Бироқ айрим танишлар Тошкентга қайтмасликни, шу ерда қолиб, бирор диний курс ёки мадрасада ўқиб, ишлаб туришни тавсия этишди. Шу тариқа Ҳазрат билан яна Пешоварга қайтдик.

Биз билан бирга ўқиган тожик ва қозоқ “биродар”ларимиз аллақачон ватанларига жұнаб кетишибди. Пешоварда буюк ватандошимиз Иром Бухорий номидаги олийгоҳ ҳам фаолият күрсатаркан. Бу ерда қисқа муддатли ўқув курслари ҳам очилған әди. Мен вақтдан үнүмли фойдаланиш мақсадида олийгоҳнинг ҳадис факультетига ўқишга кирдим. Шунинг баробарида ўзим ўқиган Абу Ҳубайб мадрасасида мударрис ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашдим.

Кун тартибим аниқ режа асосида борарди: эрталаб соат саккизда ўқишига отланар, тушгача ўқир, кейин ётоққа қайтиб берилған уй вазифаларни бажарар, кеч соат бешдан мадрасага ишга жўнардим.

Кунларнинг бирида мадрасада ўтирганимда, ҳужрага эски танишим Икром кириб келди. Анча ўзгарибди. Соч-соқоли ҳам, қарашлари ҳам, кийиниши ҳам бошқача. Қучоқлашиб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Динимиз барқарорлиги учун курашяпмиз — деди Икром виқор билан. — Сафимиз тобора кенгайиб боряпти. Сиз ҳам бизга қўшилганингизда яхши бўларди.

Мен Мадина университетига имтиҳон топширганимни, жавоб кутаётганимни баҳона қилиб, унинг таклифини рад этдим.

— Бизга қўшилмаганингиз билан сиз энди барибир Ўзбекистонга қайтиб боролмайсиз, — деди Икром ишонч билан. — Сиз билан бизнинг номимиз аллақачон “ватан хоинлари” рўйхатига тиркалган.

— Нега? — дедим овозим титраб. — Сизни билмадим, аммо мен ҳали қўлимга қурол ушлаб қўрганим йўқ. Фақат илм талабида юрибман.

— Соддалик қилманг, биродар, — деди Икром. — Сизу биз давлатнинг рухсати билан чиқмаганмиз. Ўзимизча диний билим оламан, деб хорижга чиқиб кетдик. Қолаверса, биз ўқиган мадраса Ўзбекистонда расман тан олинмайди. Бу ерда ўқиганларнинг кўпчилиги бизнинг сафимизга ўтиб кетган. Билиб қўйинг, “бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам”.

Унинг гапларидан дилимга ғулғула тушган бўлса-да, сир бой бермадим.

— Биродар, — давом этди Икром дўстона оҳангда. — Пешоварда

Пешовар, Покистон



ҳам бизнинг ваколатхонамиз — “дафтар”имиз бор. У ерда бизнинг яқин дўстимиз ишлайди. Истасангиз, сизни у билан танишириб қўяман. Қачонки, бошингизга бир мушкул иш тушса, унинг ёнига борасиз. У сиздан кўмагини аямайди. Ахир ҳадиси шарифда “мўъмин мўъминнинг биродариидир”, дейилган.

Ночор унга эргашиб бордим. “Пешовардаги вакил”ни Икром менга “Мирзо Якто” деб таниширди. Асли Афғонистоннинг ўзбекларидан экан. У ҳам Икромнинг гапларини такрорлади.

— Қачон ёрдамимиз керак бўлса, келаверасиз!

Икром Афғонистонга қайтиб кетгач, енгил нафас олдим. Гарчи унинг гаплари кўнгимда шубҳа үйғотган бўлса-да, “Ўзбекистон ислом ҳаракати”га қўшилиб, ўз ватанимга қарши қурол кўтариб бориш ниятидан йироқ эдим.

Шу тариқа Ҳазрат билан бирга Имом Бухорий олийгоҳида ўқишини давом эттиридик. Ҳамма умид имтиҳон натижаларидан эди. Бироқ унгача ҳали тўрт ой вақт бор. Бу ерда эса Покистондан берилган виза муддати аллақачон ўтиб кетган. Агар маҳаллий маъмурлар билиб қолишиша, бизни жавобгарликка тортишлари аниқ.

Кутимаганда Покистон ҳукуматининг янги қарори эълон қилинди:

унда, мамлакат таълим муассасаларида визасиз ўқиётган ёки виза муддати ўтиб кетган талабаларни ўз юртларига мажбуран жўнатиб юбориш кўрсатилган эди.

Ҳазрат билан иккимизнинг кўнглиминг чироқ ёқса ёришмасди.

— Хавотир олманлар, — деди бизни ёнига чақирган олийгоҳ мудири.

— Биз сизларга ўқув юрти ҳисобидан чипта олиб берамиз. Сиз ўз юртингизга бориб, элчихонамиздан ўқув визасини расмийлаштириб қайтасиз. Баҳонада ота-онангиз, юртингизни ҳам кўриб келасиз.

Аслида бу биз учун жуда мақбул таклиф бўлиши керак эди. Ўшанда олийгоҳ мудирининг таклифига кўниб, оптимизга қайтганимизда эди...

Ҳазрат билан ўйлаб-ўйлаб Тошкентга қайтмасликка қарор қилдик. Чунки Икромнинг таҳдидли гаплари қулоғимиз остида жаранглаб турарди. Ростдан ҳам Тошкент аэропортига тушишимиз билан қўлимингизга кишин тақиб олиб кетишса-чи?

— Энди нима қиласми? — сўради Ҳайдар кўзларини мўлтиратиб.

Хўдди шу аснода Икромнинг Пешовардаги “биродари” эсимга тушиб қолди. Исмини “Мирзо Якто” деганими?

“Мирзо Якто” Ҳазрат иккимизнинг фикримизни эшитиб, юзлари яшнаб кетди:

— Жуда тўғри қарор қилибсизлар, йигитлар, — деди бизни табриклиб. — “Ўзбекистон ислом ҳаракати” сиздек азму-шижоатли, мард йигитларнинг кўмагига муҳтоҷ. Афғонистон ҳозир толиблар ихтиёрида. Чегарадаги дўстларимизга хабар қиласман. У ерга бемалол визасиз кириб бораверасиз. Афғонистонда сизни ўз “биродар”ларимиз кутиб олишади.

...Афғонистонга кетяпмиз-у, кўнглим алағда. Нималар қиляпман ўзи? “Ўзбекистон ислом ҳаракати”га аъзо бўлсан, кейин ватанимиз эшиклари мен учун тақа-тақ беркилмайдими? Ота-онам мени бу гурухга қўшилганимни эшитишса, қай аҳволга тушади? Хўдди шу аснода ичимда яна бир овоз бош кўтарарди. Мен тўғри йўлдаман. Мен Яратганинг амрига зид иш тутмаяпман-ку?!

Хуллас, минг бир хаёлда Кобулга етиб келдим. Бизни Икромнинг ўзи кутиб олди.

- Хұш келибсиз, биродар, — деди у мени маҳкам бағрига босаркан.
- Сиз қачондир бизнинг сафимизга қўшилишингизни билгандим.
- Биз вақтинча келдик, холос, — дедим уни ортиқча умидвор қиласлик учун. — Агар имтиҳон натижалари чиқса, биз Саудия Арабистонига кетамиз.
- Биродар, амалсиз илмдан илмсиз амал яхшироқ. Ҳали имтиҳоннинг жавоби чиқсан. Ана ундан кейин бориш-бормасликни яна бир ўйлаб кўрарсиз.

Хуллас, Кобулдан Мозори шарифга йўл олдик. Бизни бир маҳаллага жойлаштиришди. Бу ерда юзга яқин ўзбекистонлик жангари ўз оилалари билан яшашаркан. Мозори шариф Ўзбекистон чегарасидан бир неча чақирим нарида жойлашган. Амударёдан ҳатлаб ўтсак бас, у ёғи ўз ватанимиз. Аммо бу айтишга осон. Бизни Ўзбекистон билан миллионлаб чақирим масофа ажратиб турадигандек эди.

Маҳалламиз ҳам бир қарашда Ўзбекистоннинг бир қисмига ўхшар, бу ердан фарғоналиқ, наманганлиқ, хоразмлиқ, тошкентлик оилалар макон топишганди. Фақат уларнинг замонавий, дунёвий Ўзбекистонни кўрарга кўзлари йўқ, ҳар бири юртимизда исломий давлат қуриш тарафдори эдилар. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун ҳар ишга ҳозир эдилар. Бу оилаларга толиблар ҳукумати томонидан маблағ, озиқ-овқат ва қурол-яроғ жўнатиб турилар экан.

Мен бу ерда наманганлиқ Каримхон ва Мұхрим, тошкентлик Абдулла, Зокир, Мақсуд, шунингдек, хоразмлиқ, андижонлик йигитлар билан танишдим.

Қисқаси, мен ана шу гуруҳга истар-истамас қўшилиб қолдим. Энди ортга йўл қолмаганди. Мозори шарифда бир неча ҳафта яшаб тургач, Ҳазрат билан иккимиз раҳбариятнинг топшириғи билан яна Кобулга жўнатилдик. Шу тариқа бизнинг дарбадарликдаги ҳаётимиз бошланганди.

Бу ерда бизни “Хост” ҳарбий лагерига жойлаштиришди. Мазкур ҳарбий лагерда “Таъсисий” деб номланган бошланғич ҳарбий таълим бериларкан. Лагернинг кун тартибига ҳам осонгина ўргандик.

Биз ғор ичида ётиб турадык. Тонға бомдод намозини шу ерда ўқиб, ундан сүнг Қуръон ўқишиң қоидаларидан сабоқ олардык. Нонуштадан сүнг жисмоний машқлар бошланарди. Кейин назарий машғулотлар үтилар, қурол-яроғлардан фойдаланиш тартиблари ўргатилар, тунда юлдузларга қараб йўналишни аниқлаш, қоронғида ҳаракатланиш сингари амалий машқлар бажариларди.

Биз босқичма-босқич танқ ва гранаталардан ҳимояланиш, тўппонча ва автоматлардан фойдаланишни ўргандик. Бу орада сабоқ бериб юрган жангарилардан бири Абу Аҳмад Мусофир бизга Қандаҳор шаҳрида яхши мадраса борлигини, у ерда диний билимлар чуқур ўргатилишини айтиб қолди.

Назаримда, мадрасадаги таълим “Ўзбекистон ислом ҳаракати” лагерида малака оширишдан сал бўлса-да тинчроқ ва хавфсизроқ эди. Бир амаллаб Икром билан Ҳазратни ҳам ўзим билан Қандаҳорга кетишга кўндиридим. Қандаҳор – мамлакатнинг Покистон билан яқин ҳудудидаги асосан пуштунлар яшайдиган шаҳар. Абу Аҳмаднинг йўлланмаси билан келганимиз учун бизни дарҳол ўқишига қабул қилишди.

Мадраса мудири Абу Зайд исмли араб учовимизга алоҳида хона берди. Бир амаллаб икки-уч ойни ўтказиб олсан, унгача имтиҳон жавоблари ҳам чиқиб қолади. Омадимиз кулиб, ўқишига кириб кетсан, Саудия диёрига парвоз қиласмиш. Ҳар қалай, Мадина университети толиблар ёки жангариларнинг ҳарбий лагери эмас. У ерда қонуний таълим олиб, дипломли бўлсан, исталган мусулмон давлатида қолиб ишлшимиз мумкин.

Мадрасада ўқишини бошладик. Биз билан бирга яманлик, мисрлик, тунислик, мавританиялик, шунингдек, уйғур ва татар миллатига мансуб талабалар ҳам ўқир эди.

Ниҳоят 2000 йилнинг ёз ойларига ҳам етдик. Ҳазрат билан Покистонга байни қанот боғлаб учдик. Абу Бакр университетига борсан, имтиҳон жавобларини Саудия Арабистонининг Исломободдаги элчихонаси орқали билиб олишимиз мумкинлигини айтишди.

...Ва ниҳоят, элчихонадамиз. Бизга ўхшаб имтиҳон топширганлар кўп экан. Ўқишига қабул қилинганлар рўйхатини алоҳида тахтага илиб қўйиш-

Мен экан. Эх, қанийди, ўқишига кирганимиз аниқ бўлса-ю, ҳамма муаммоларни шу ерга ташлаб, Мадинага равон бўлсак...

Аммо сўнгги умидларимиз ҳам чиппакка чиқди. Мен ҳам, Ҳазрат ҳам ўқишига киролмабмиз. Бизнинг қаршимизда фақат биргина йўл турарди. Афғонистонга қайтиб, Қандаҳорда ўқишини давом эттириш, ундан кейин эса “Ўзбекистон ислом ҳаракати” сафига қайтиш...

Шундай бўлди ҳам. Қандаҳорда мадрасани тутатгач, 2001 йилда яна Кобулга, “ҳамюрт”ларимиз қошига қайтдик. Ҳазрат иккимизга кўхна гараждан “турар-жой” ажратишиди. Маълум бўлишича, бу ерда Афғон уруши йилларида совет ҳарбий техникалари сақланган экан. Ҳозир ҳам бу ерда “Ўзбекистон ислом ҳаракати”га тегишли автомашиналар таъмирланар, шунингдек, Кобулдаги ЎИҲ аъзолари учун нон ёпиларди.

Кунларнинг бирида Кобулда “Ўзбекистон Ислом ҳаракати”нинг катта бир йиғини бўлиб ўтди. Ушбу йиғинда ҳаракатнинг ўша пайтдаги раҳбари сўзга чиқиб, ушбу ҳаракат аъзолари миллатидан қатъи назар, ягона мақсад — мустақил ислом давлати қуриш йўлида жисплашиш, бу йўлда ким ғов бўладиган бўлса, аёвсиз йўқ қилишни таъкидлади.

Шу тариқа “Ўзбекистон ислом ҳаракати” раҳбарияти ҳукмларига бўйсунган ҳолда яшай бошладик. Гоҳида бизни мазкур ҳаракат аъзолари учун қурилаётган үйларга ҳашар қилгани юборишарди, гоҳида ҳарбий ҳаракатларга ҳам жалб қилишарди.

2000 йилнинг куз ойлари. Афғонистон шимолида Толибон ва Шимолий альянс қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар борарди. “Ўзбекистон ислом ҳаракати” эса Толибларга ёрдам берар, Толибон ҳам ЎИҲдан моддий ва ҳарбий ёрдамини аямасди. Қўмондонимиз бизни бир неча жангари билан бирга Қундузга жўнатди. Биз “пайраҳа” — ўзимизга бириклирлган ҳудудда навбати билан соқчилик қиласардик. Шимолий альянс кучлари бизнинг пунктимизни узоқдан тўпга тутарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Икромнинг белига снаряд парчаси тегиб кетди. Уни бошқа ярадорлар билан қўшиб, Кобулга жўнатишиди. Мен ва Ҳазрат эса яна бир неча кун ўзимизга бириклирлган ҳудудда соқчилик вазифасини ўтаб, Қундуздаги ЎИҲ ваколатхонаси — “дафтари”

кўрсатмаси билан яна Кобулга кетдик. Яна “гараж”даги эски маконимизга жойлашдик. Очифи, дарбадарлик жонга теккан, кунларимиз үруш ва қирғинбарот таҳликаси остида кечар, ана шундай пайтда Ўзбекистонни, тинч, осуда ва барқарор ватанимизни соғинар, аммо ортга қайтиш биз учун амалга ошмайдиган орзу бўлиб туюларди.

Шу тариқа бензин ҳиди анқиб турадиган гаражда бир йилча кун кечирдик. Бу орада Шимолий альянс раҳбари суюқасд натижасида ўлдирилди. Кўп ўтмай, 2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йорқдаги эгизак бинолар портлатилди. Шундан сўнг Афғонистонга Америка ҳукумати ўз қўшинларини киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бундай кескинликни кутмаган толиблар ҳам, “Ўзбекистон ислом ҳаракати” раҳбарлари ҳам нима қилишларини, қайга бош уришларини билмай қолишганди. Ҳамма ўз жонини сақлаб қолиш фикрига тушганди. Толибларнинг аксари ўз ҳарбий бўлинмалари ва қароргоҳларини ташлаб, Покистонга чекинишиди. “Ўзбекистон ислом ҳаракати”нинг айрим аъзолари ҳам раҳбариятнинг дўй-пўписасини назарга илмай, яқинлари билан ўзларини панароққа олиш ҳаракатига тушишди. Мен ҳам Ҳайдар ва яна бир қанча муҳожир “ҳамюрт”ларимиз билан Покистонга қочадиган бўлдик.

“Ўзбекистон ислом ҳаракати”нинг кўпгина аъзолари Покистоннинг Пешовар, Караби, Кветта, Ҳайитобод, Исломобод сингари шаҳарларига сочилиб кетишганди.

Даставвал Ҳазрат билан ўзимиз ўқиган Пешовар шаҳрига, муаллимларимиз ҳузурига бордик. Биз аввалидек, мадрасада ўқишни давом эттирайлик, десак, юртимизга бориб, таълим визасини расмийлаштириб келмаганмиз. Бунинг устига, салкам икки йил ЎИҲ сафида “жавлон урган” бўлсан...

— Сизларга фақат бир масалада ёрдам беришими мумкин, — деди Пешоварда бизга дарс берган муаллимларимиздан бири. — Карабида афғон муҳожирлари учун маҳсус лагер — “кемп” очилган. Ўша ерда қо-чоқ сифатида рўйхатдан ўтасизлар. Балки омадингиз чопиб, Америка ёки Европа давлатларига ўтиб кетарсизлар?

Муаллимимиз ваъдасида турди. Бизни Карабида “кемп”га қабул қи-

лишди. Эҳ-ҳе, бизга ўхшаганлар бу “кемп”да анча-мунча экан. Қизиғи, үлар орасида ўзимизнинг эски танишларимизни ҳам топдик. Бир пайлар “Ўзбекистон ислом ҳаракати” сафида жанг қилган доктор Абдусадад, Мухрим, Каримхон каби “биродарларимиз” энди бир юмалаб “мазлум муҳожир”га айланishiбыди. Яна кимни кўрдинг, денг? Ҳайдар иккимизни Кобулга кетишимиизга сабабчи бўлган, кейинчалик Қундуздан жангда белидан яраланиб, ортга қайтган эски “қадрдонимиз” Икромни ҳам учратдим.

Хуллас, таниш-билишлар кўмагида “афғон муҳожири” деган ҳужжатни қўлга киритгач, бир муддат Покистонда яшаб юрдик. Гарчи Мадина ислом университетига кириш армонга айланган бўлса-да, Ҳазрат иккимиз Саудияга кетишга ҳамон умидвор эдик. Ҳар қалай, Ислом мамлакатлари ичida Саудия Арабистони нисбатан бой, иш топиш осон, тинч... Бироқ уринишларимиз бекор кетди, Саудияга на иш, на ўқишга боришининг имконини топа олдик.

Эҳ-ҳе, бу ниятимизни амалга ошириш учун нималар қилмадик? Ҳатто бир араб “биродар”имиз орқали Қирғизистоннинг сохта паспортини сошиб олиб, аввал Эронга, кейин Туркияга бордик. Мақсад у ердан Саудия Арабистонига йўл олиш эди. Аммо ҳужжатларимиздаги ноаниқликлар сабаб Истанбулдан яна ортга — Карагига қайтиб келдик.

Хуллас, дарбадар ҳаёт тарзига кўникиб ҳам қолгандик. На ишнинг тайини бор, на ётиб-туришнинг. Фақат биз каби муҳожирлар учун тўла-надиган арзимас хайр-эҳсон эвазига кун кўрамиз. Уни ҳам уч ой, олти ойда бир беришади. Хуллас, ит ётиш — мирза туриш.

Бу ерда ҳам Ҳазрат мен билан бирга эди. Яна Алижон деган янги танишимиз ҳам бор. Бу орада Эрон орқали Бирлашган Араб Амирликлариға бориш фикри туғилди. Ҳар қалай, у ерда иш топиш, пул топиш Покистондагига қараганда анча осон. “Биродар”ларимиздан бир қанчаси аллақачон БААга ўтиб, иш, уй-жой топишга ҳам улгуришганди.

Мен, Алижон ва Ҳазрат Кветта шаҳридаги Эрон консулхонасига бордик. У ердан Эрон визасини олгач, Бандар-Аббосга йўл олдик. Бизни Дубайда асли наманганлик бўлган Юсуф домла исмли одам кутиб олиши ке-

рак эди. Бандар-Аббосдан то Дубайгача кемада бир неча соат йўл босдик.

Юсуф домла ҳам бир пайлар “Ўзбекистон ислом ҳаракати”нинг фолларидан бири бўлган эди. У билан Кобулда, Мозори шарифда бир неча марта ҳамсухбат бўлгандик. 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Толибон ва “Ўзбекистон ислом ҳаракати” аъзолари учун сичқоннинг ини минг танга бўлгач, Юсуф домла оиласини олиб, тўғри БААга қараб қочган экан.

Хуллас, Дубайдага ҳам иш топишими осон кечмади. Аввалига Доктор Абдусамад мактабаси (кутубхонаси)га вақтинча жойлашдик. Ҳазрат билан Раъсул-ҳаймадаги бир институтга ҳужжат топширадиган бўлдик. Бироқ ўқишга кириш учун қўлимиздаги муддати ўтган, сохта қирғиз паспортлари талабга жавоб бермасди.

— Чимкентда танишларим бор, — деди бир куни бизга Юсуф домла.
— Амаллаб Қозоғистонга борсанглар, танишларим сизларга қозоқ паспорти расмийлаштириб беришади.

Нимадир сабаб бўлиб, мен Қозоғистонга боролмайдиган бўлиб қолдим. Йўлга отланган Алижон билан Ҳазрат Алмати аэропортида хавфсизлик ходимлари томонидан қўлга олинибди. Бу хабарни эшитиб, юрагимдаги ваҳима янада қуюқлашди. Аммо БААда юриш ҳам таҳликали бўлиб қолганди. “Бўзоқнинг юргани сомонхонагача”, деб бекор айтишмаган экан. Алижон билан Ҳазрат қўлга олинганидан сўнг орадан уч ой вақт ўтиб, мен ҳам таввакал, деб Чимкентга йўл олгандим. Шериларим-ку, Қозоғистонгача учиб боришганди. Мен ҳатто Шаржа аэропортидан ҳам чиқолмадим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мени шу ернинг ўзида қўлга олишди.

БАА тергов ҳибсхоналаридағи сўроқ беш ойга яқин давом этди. 2004 йилнинг январь ойида Ўзбекистонга экстрадиция қилиндим. Кейин нима бўлганини айтмасам ҳам биласиз. “Саёқ юрган таёқ ейди”, дейдилар. Мени ҳам Тошкентда обдон сўроқ қилишди. 2004 йилнинг 13 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди мени Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига биноан айборд деб топди ва 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Үн икки йилки, маҳбусман. Бу муддатга саргардонликда кечган олти

Йилни қүшсам, жами ўн саккиз йиллик умрим ҳавога соврилибди. Бу давр ичидә ўз юртимда, қонуний асосда ўқиб таълим олишим, оила қуришим, фарзанд кўришим, юртимиздаги бирор ташкилот ёки муассасага ишга кириб, ўз халқимга хизмат қилишим мумкин эди. Бу вақт ичидә ҳаттимол, фарзандларим ҳам балоғатга етиб улгурган бўларди... Афсус, минг афсус...

Ҳаммасига ўзим айборман. Вақтида кўзимни очганимда, дўсту душманни ажрата олганимда ҳозир бошимни қамоқхонанинг совўқ деворига тирааб ўтирган бўлардим.

Мен-ку, адашдим, адашганимнинг жабрини ҳам тортмоқдаман. Фақат бошқалар мендек адашмасин. Жаннатдек диёrimизни ғурбатга, гўзал, тинч ва осойишта ҳаётни дарбадарликка, Ватангга хизмат қилиш имкониятини хоинлик тавқи лаънатига алмашишмасин..."

“ҮЗИМДАН ҮТГАНИНИ ҮЗИМ БИЛАМАН!”

“Одам боласига умр ўлчаб берилган. Демак, ҳар бир инсон ана шу ўлчоғлик фурсатни фақат яхши ишларга сарфлаган ҳолда мазмунли яшаб ўтиши керак экан. Мен эса 2005 йилдан бери ҳибсдаман. 2021 йилгача бу ердан чиқмасам керак.

Инсон озодликнинг қанчалик буюк ва бебаҳо неъмат эканини айнан тутқунлик даврида англаб етаркан. Бу ерда маҳбуслар учун барча зарур шароитлар муҳайё. Қамоқхона ходимларидан ҳам шикоят қилмайман. Улар бизга қонун доирасида, бир меъёрда мумомала қилишади. Юртимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларни ҳам телевизор, матбуот орқали кузатиб бориш имкони бор.

Яқинда бир газетада адашиб диний оқимлар таъсирига тушиб қолган ҳамюртимизнинг бошидан кечирган воқеаларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. У билан қисматдош бўлганим учунми, унинг тақдири, саргузаштлари, ўқинч ва надоматлари мени ҳам мушоҳадага бошлади. Қўлимга қалам олиб, мен ҳам ўз пушаймонларимни, афсус-надоматларимни қоғозга туширмоқчи бўлдим.

Мен 1969 йил Тошкент шаҳрида туғилган Толибжон Ҳожиқуловман. Миллионлаб ҳамюртларимиз қаторида мусулмон оиласида ўсиб улғайганман. Аммо диний таълим-тарбияни олишда эҳтиёткор бўлиш, дуч келган “чаламулла”лардан эмас, балки виждонли, иймонли, тўғри йўлга кирган инсонлардан бу борада маслаҳат олиш керак экан. Зоро, бошига салла ўраб, қўлига тасбеҳ олиб, ортидан жамоатни эргаштириб юрган дин пешволари орасида ҳам диёнатсиз, олчоқ, ноинсоф одамлар учраб тураркан.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари эди. Укам Орифжон кутилмагандатаквога, ибодатга берилиб қолди. У пайтларда мен техникумни битириб, тиббий муассасалардан бирида ишлардим. Укам мени ҳам масжидга чиқишга үндади. Унинг қистови билан шаҳримиздаги “Тўхтабой” масжидига чиқа бошладим. Масjid имоми ўша пайтлар Олим қори номи билан танилган гапга чечан бир киши экан. Намоздан сўнг бизга турли маърузаларни ўқир, мен сингари ёшлар унинг баландпарвоз даъватларини оғзимиз очилиб эшитиб ўтирадик.

Шу қорининг ғаразли маърузалари туфайли ўз Ватанимиз, ҳукуматимизга нисбатан қалбимиизда алланечук нафрат, адоват улғая бошлади. Кўп ўтмай, Олим қорини, чамаси қуракда турмайдиган маърузалари, сиёсатимизга зид фикрлари учун бўлса керак, ишдан бўшатишибди. Аввал шунчаки масжидга қатнаб юрди. Кўп ўтмай, умуман кўринмай қолди. У ҳақида турли миш-мишлар ҳам “болалади”. Мамлакатдан чиқиб кетган, дейишиди.

Мен билан укам бошқа масжидга чиқиб, ибодатларимизни қилиб юравердик. Олим қорининг маърузалари таъсир қилгани учунми, у айтгандек соқол ўстириб, бошимизга оқ дўппи қўндириб юрар, худди шундай қилмасак, ибодатларимиз ботил бўладигандек эди.

Шу тариқа йиллар ўтаверди. Бу орада турмуш қурдим, бирин-кетин болалар туғила бошлади. Икки ўғил, бир қизнинг отаси бўлдим.

Кўпчиликнинг эсида бор: 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида ҳукумат биносида ва бир қатор маъмурий бинолар олдида терактлар содир этилди. Бир қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди. Фақат Яратганинг инояти билан юртимизнинг Биринчи Президенти омон қолди.

Ушбу теракт содир этилгач, бутун мамлакат бўйлаб унинг ташаббус-корлари ва ижрочиларини излай бошлашди. “Пешво”миз Олим қорининг ҳам бу терактга алоқадорлиги ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимга етиб, анча хавотирга тушиб қолдим. Гарчи бу терактга бевосита алоқам бўлмаса-да, мен таниган-билган анча-мунча кишиларни ушлаб кетишганини эшитдим.

Кунларнинг бирида ишдан келсан, ойим мени хавотирли қиёфада қарши олдилар.

— Ўғлим, сен нима ишлар қилиб юрибсан? — сўрадилар дабдурустдан.

— Нима қилибман? — дедим бир нохушликни кўнглим сезиб турган бўлса-да.

— Кундузи сени милиция ходимлари сўраб келишди. Уйда бўлга нингда сени олиб кетишарди. “Ўғлим бирор айб иш қиптими?” десам, менга ҳеч нарса дейишмади. Ҳозироқ мен билан милицияга юр. Айбинг бўлмаса, бир тола сочинг ҳам тўкилмайди, болам.

Онам кўп нарсадан хабарсиз эди. Мен эса милицияга борсам, барibir олиб қолишларидан хавфсирадим. Чунки бир-икки таниш биродарлар менга эҳтиёт бўлиб юришни тайинлашганди-да!

— Бормайман, — дедим оёқ тираб. — Мен бирор нотўғри иш қилганим йўқ.

Ўшакунданбошлаб, Тошкентданчиқибкетишчораларини излай бошладим. Мен билан бирга масжидга чиқиб турадиган, Олим қорининг мажлисларида ҳам бирга қатнашган бир танишим бир-икки кун олдин Олмалиққа кетиб қолганди. Мен ҳам укам Орифжон билан оиласаримизни олиб, шартта ўша ёққа отландик.

— Ўғлим, қаерга кетяпсизлар? — сўрадилар онам кўзларига ёш олиб. — Ҳеч қанақа айбимиз йўқ, дегандинг-ку? Демак, бирор иш қилгансанки...

— Ойижон, — дея онамни тинчлантирган бўлдим. — Мен ҳеч нарса қилмадим. Лекин ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Мен ҳам айбдорлар орасига қўшилиб, ноўрин қамалиб кетишни истамайман. “Емаган сомсага пул тўлаб” ўтираманми? Сиз асло хавотир олманг, мана шу текшир-текширлар тугасин, албатта, қайтиб келамиз. Сиз бизни дуо қилиб турсангиз бўлгани...

Онам йиғлаганча қолаверди. Олмалиқнинг чекка маҳаллаларидан бирига жойлашдик. Бу ерда эски даврадошлар билан тез-тез учрашиб, маслаҳатлашиб турардик. Кунларнинг бирида Акбар исмли “биродар”имиз мен билан укамни четга тортид:

— Сизларнинг изингизга тушишган. Бўгун бўлмаса, эртага албатта уш-

~~Люб~~ кетишади. Шунинг учун Ўзбекистонда қолишингиз жуда хавфли. То-
~~ни~~кистонда бизнинг “биродар”ларимиз бор. Улар биздан боргандарни
~~у~~-жой, маблағ, иш билан таъминлашади. Шунинг учун ҳозироқ оиласа-
~~нинг~~ билан йўлга отланинглар.

Агар ўша пайтда ҳозирги түшүнчам, ақлим бўлганида ўйлаб кўр-
~~мас~~мидим: мен ўзи нимага қочиб юрибман? Ойим айтгандек, айбим
~~бу~~лмаса, сўроқ қилиб кейин уйга жўнатиб юборишарди-ку? Ўзимдан-
~~ғ~~им хавфсираб юрганим нимаси?

Йўқ, мен айрим “раҳнамо”ларнинг макрига учиб, ўшанда ўз давла-
~~ти~~миз, ҳукуматимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ашаддий
~~д~~ушман ўрнида кўриб қолгандим. Назаримда, айбимиз бўлса-бўлмаса,
~~бизни~~ битта қўймай қамоққа тикишадигандек туюларди.

Хуллас, укам билан кўр-кўrona бола-чақани олдик-да, яширин йўл-
~~лар~~ билан қўшни республикага чиқиб кетдик. Эндиgина фуқаролар уру-
~~шин~~нинг даҳшатларидан қутулган қўшни мамлакатда турли жангари гу-
~~ру~~хлар ҳалиям эмин-эркин юришар, уларнинг ихтиёрида бутун-бутун
~~қишлоқ~~лар, тоғу даралар бор эди.

Ўша пайтда Тошкентдаги терактларни ўюштирган террористик гурух-
~~нинг~~ раҳбарлари ҳам айнан шу ердан қўним топишганди. Биз кириб бор-
~~ган~~ пайтларимизда ўзларига “Ўзбекистон ислом ҳаракати” деб ном бер-
~~ган~~ бу жангарилар орасида ички низолар юзага келган, маҳаллийчилик,
~~уруғ-~~аймоқчилик сингари иллатлар авж олганди.

Худди ўша йили ЎИҲ сафидан чиқиб, Ўзбекистонга таслим бўлиш мақ-
~~садида~~да йўлга чиққан 17 нафар йигитни йўлда тутиб олишган, ҳамманинг
~~кўз~~ ўнгига намойишкорона қатл қилишган эди.

Чегарадан ўтиб олганимизда, бизни Акбар тайинлаган одамлар ку-
~~ти~~б тuriшарди. Иккита машинага ўтириб, Душанбега йўл олдик. Бизни
~~қарши~~ олган тожик “биродар”лар шаҳардан вақтинча яшаб тuriшимиз
~~учун~~ жой топиб беришиди.

Хотиним, болаларимга бу сарсонгарчилик ёқмагани сезилиб турарди.

— Ўзимизнинг тинчгина ўйимизни ташлаб, бегона юртларда сарсон
~~бўлиб~~ юришимиз шартмиди? — нолиди аёлим.

— Жим бўл, — деб уни уришиб бердим. — Биз Аллоҳ йўлида ҳижратга чиққанмиз. Сен бунинг савоби қанчалик улуғлигини биласанми? Шу арзимаган қийинчиликлардан нолиб ўтирибсанми ҳали?

Шу-шу аёлим бу масалада қайтиб оғиз очмади.

Орадан кўп ўтмай, укам билан мени шу ердаги янги танишларимиз йўқлаб келишди.

— Сизлар бугуноқ Ҳоитга жўнайсизлар. У ерда сизни одамларимиз муносиб кутиб олишади.

Ҳоит дегани Душанбедан 150 чақиримлар узоқликда, ғарм ноҳиясида жойлашган тоғли қишлоқ экан. Бир пайтлар зилзила оқибатидан қишлоқнинг катта қисми кўчки остида қолиб кетган, қолган қисмидан маҳаллий аҳоли сиқиб чиқарилган, бу ҳудудни “Ўзбекистон ислом ҳаракати” жангарилари эгаллаб олишган экан.

Бизни қишлоққа кираверишда қуролланган жангарилар кутиб олишди.

— Паспортларингиз қани? — сўради соқоли кўксига түшиб турган бир йигит соф ўзбекчалаб. Мен ва укам паспортларимизни унга кўрсатдик.

— Тошкентликмиз, денг? — мийиғида кулимсиради жангари. — Ҳамшаҳар эканмиз-да?

Хуллас, биз Ҳоитда маҳаллий аҳолидан тортиб олинган эски ҳовлилардан бирига жойлашдик. Шаҳарда туғилиб ўсган одамлар учун тоғ бағридаги, тараққиётдан орқада қолиб кетган, ташландиқ бир қишлоқда яшашни тасаввур қилиб кўринг-а? На чироқ бор, на газ. Сувни анча узоқдаги булоқлардан ташиб келиш керак. Уйни иситиш учун эса ўтиң тўплашга тўғри келади. Кечқурунлари шам ёки фонус ёқиб ўтирамиз.

Очиғи, бу ерга келарканмиз, бунақа ибтидоий турмуш тарзига дуч келишни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Ҳаммадан ҳам болаларимга ачинаман. Шу пайтгача иссиқ, кенг ва ёруғ уйларда яшаб, замонавий мактабларда тенг-тўшлари билан ўқиб юришганди-да?

Эртаси куни укам билан мени нисбатан каттароқ, замонавийроқ услубда қурилган уйга олиб боришди. Ҳар иккимизни обдон текширувдан

ұтказиб ичкарига киритишди. Маълум бўлишича, бизни ЎИҲ раҳбари — “Амирал-муъминин”нинг қароргоҳига олиб келишган экан.

Мен бу одам ҳақида илгари ҳам эшитган, уни “биродар”ларимиз “динимиз барқарорлиги, юртимизда “Ислом давлати” қуриш учун қатъий бел боғлаган довюрак мўжоҳид”, деб аташар, расмий матбуот, телеканалларда унинг номи Ватан хоини сифатида тилга олинарди.

Айни пайтда “Амирал-муъминин” Афғонистонга кетгани боис бизни — мен, укам ва яна бир қанча мұхожирларни унинг ноиби — Баҳодир исмли шахс кутуб олди.

— Хуш келибсизлар, биродарлар, — деди Баҳодир узун қора соқолини тутамлаб. — Сизни күфр мамлакатидан омон-эсон қочиб келганингиз билан қуттайман. Қадамингизга ҳасанот. Бу қутлуғ сафарга оиласиз билан чиқиб түғри қилгансиз. Чунки ҳақиқий мусулмон ҳамиша ўз оиласи билан бирга бўлмоғи керак. Ҳозирча бизнинг ихтиёrimизда бўласизлар. Бу ерда ҳам барибир узоқ қололмаймиз. Раҳбарларимиз Афғонистондаги “Толиб биродар”ларимиз билан музокаралар олиб боришаётпти. Айни пайтгача бир қанча “биродар”ларимизни оилалари билан Афғонистонга, “Толибон” ихтиёрига юбордик. Чунки, алҳамдуиллоҳким, Афғонистон айни дамда “Толибон” қўл остидаги барқарор “ислом давлати”га айланди. Ҳали насиб этса, сизу бизнинг юртимизда ҳам ислом давлати қарор топажак.

Баҳодир бизга шу мазмунда яна кўп гапларни айтди. Шунда тушундимки, бу ерга ўз ихтиёrim билан келган бўлсам-да, ўз хоҳишм билан чиқиб кетолмайман. Қисқаси ўз оёғим билан “қопқонга тушгандим”. Яна оиласам, болаларим ҳам ёнимда. Демак, ҳеч қаерга қочиб кетолмаслигим аниқ. Бу ёғи пешанамда борини кутишдан бошқа чорам йўқ.

Хуллас, Тожикистондаги дарбадар ҳаётимиз бошланди. Тез-тез турар-жойимизни алмаштиришга түғри келарди. Ҳоитдан кейин Тожикобод, Лангар, Тавилдара, Ҳисорак сингари ноҳия ва қишлоқларда яшшимизга түғри келди. Бироқ қаерга борсак, ичимлик суви, озиқ-овқат, газ, электр муаммоларига дуч келар, бечора аёлим ва болаларим ҳам шу мушкул шароитларга чидашга мажбур эди.

Бизга турли ҳалқаро ташкилотлар ёрдам қўлинини чўзмоқчи бўлишар,

аммо “раҳбар”ларимиз “коғир”лар томонидан берилажак ҳар қандай ёрдамни рад этишарди.

Ана шундай күнлардан бирида “амирал-муъминин” йиғилиш қилиб, энди Афғонистонга, “Толибон” қарамоғига боришимизни, улар бизга үйжой, иш, маблағ беришини айтди. Яна күч-кўронимизни йиғиштириб, чегарага йўл олдик.

1999 йилнинг ёз ойлари эди. Мен ва үкам, оила аъзоларимиз билан паром орқали Афғонистон ҳудудига йўл олдик. Амударёдан кемада сузиб ўтарканмиз, ана шу азим дарё яна қанча манзиллар оша бизнинг она юртимизга оқиб киришини ўйлаб, юрагим орзиқиб кетди. Ҳа, мен ич-ичимдан қилган ишм үчун пушаймон бўлсам-да, сиртдан ўзимни молу-жонини Аллоҳ йўлига тиккан муҳоҳиддек кўрсатардим.

Бизни Афғонистоннинг Қундуз шаҳрига олиб келишди. Шаҳар аҳолисининг катта қисмини афғон ўзбеклари ташкил этар, шунингдек, бу ерда Октябрь тўнтариши пайтида, совет ҳукумати йилларида келиб қолган ватандошларимиз ва уларнинг авлодлари ҳам яшаркан. Ҳар қалай бу ерда шароит Ҳоитга қараганда сал бўлса-да, яхшироқ эди. Негаки, бу ерда биз яширинча, қочиб-қувиб кун кечирмасдик. Шаҳар буткул толиблар ихтиёрида, ҳамма қонун-қоидалар шариат асосида эди. Ҳамма беш вақт намоз ўқир, ўқимаганлар аёвсиз калтакланарди. Аёлларга ишлаш тугул, маҳрамсиз кўчага чиқиш ҳам тақиқланганди. Ўғирлик қилганларнинг қўлларини чопишар, толибларга хиёнат қилиб, уларга қарши уришаётган Шимолий Альянс кучлари билан алоқадорликда айбланган кимсалар дорга тортилар ёки бошидан жудо бўларди.

Биз мұхожирларни ЎИҲнинг Афғонистондаги амири — Солиҳ Рафиқ исмли шахс кутиб олди. Аёлларимизни ва болаларни хонадонларга, эркакларни эса мадрасаларга жойлаштиришди. Солиҳ Рафиқ мадрасада бизга маъруза ўқиб турар, барчамизни мاشаққатларга чидашга, керак бўлса, шу муқаддас йўлда шаҳид бўлишга үндарди:

— Биз афғон биродарларимиздан ибрат олишимиз керак, — дерди Солиҳ Рафиқ жазава билан. — Қаранг, бу ерда ҳар бир иш шариат ҳукмлари асосида бажарилмоқда. Нега биз ўз юртимизда ана шундай дав-

Лот қуролмаймиз? Бүнинг учун сиздек жасур, шижаатли йигитлар керак. **Сиз** ҳеч нарсадан құрқманг, агар бу йүлда шаҳид бўлсангиз, муқаррар **жоннатга** тушасиз. Аҳлу аёлингиз учун биз ғамхўрлик қиласиз. Иншо-**оллоҳ** фарзандларингизни ўзимиз ўқитиб, ҳақиқий мусулмон, довюрак **мужоҳид** этиб тарбиялаймиз.

Икки ўғлимни уларнинг галига кириб, Кобулга, мадрасага юборади-**ғон** бўлдим. Хотиним яна норози бўлди:

— Ўзимиз бу юртда мусоғир бўлсак, икки боламни бағримдан юлиб **кетишадими?**

— Тушунмаган ишингга аралашма, — дедим уни жеркиб. — Ўғилларим **толибларнинг** мадрасасида ўқиёди. Улар мадрасада ҳақиқий тақводор, **олим** ва мужоҳид бўлиб етишадилар. Болаларингнинг ҳаёти ишончли қўл-ларда бўлади.

Аёлим болаларни қайта-қайта бағрига босиб, кўзда ёш билан кузатиб қолди.

Биз Қундузда бир ойча яшаб турдик. Кейин “раҳбар”лар кўрсатмаси билан Мозори шарифга йўл олдик. Бизга Солиҳ Рафиқнинг ўзи ҳамроҳ бўлиб борди. Бу ерда биз — юздан ортиқ оиласи мұхожирлар учун аввалдан жой ҳозирлаб қўйишган экан. “Калони санги” деб номланган бу маҳаллада биз кириб боришимиш билан хавфсизлик чоралари кучайтирилда. Кўчага кириш қисмida постлар ўрнатилди. Хуллас, шу тариқа бу ерда мұхожирлар лагери юзага келди.

Кейин биз — эркакларни бир жойга тўплаб, қилинадиган вазифаларни тақсимлаб беришди. Садриддин исмли “биродар”имиз ушбу маҳалладаги мұхожирларнинг раиси этиб тайинланди. Мени эса лагернинг хавфсизлиги учун масъул — амният мудири қилиб белгилашди.

Лагерга кираверишда учта пост қўйилган, менинг вазифам вақти-вақти билан ана шу постлардаги соқчиларни алмаштириш, мавжуд қурол-аслаҳалар учун жавоб бериш, четдан келадиган ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишдан иборат эди. Мен ҳар қалай бу “юксак лавозим”га эришганимдан хурсанд эдим.

Толиблар ҳар бир оиласи қурол тарқатишди. Ҳар бир мұхожир ўзи би-

лан зарур қуроллар, автомат ва ўқдорилар олиб юриши лозим эди. Чунки исталган пайтда кутилмаган томондан ҳужум бўлиб қолиши мумкин ёки бизни бирор муҳим жангга ташлашлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳар куни эрталаб уйдан чиқарканман, хотиним ва қизчам билан хайрлашиб чиқаман. Чунки кечқурун уйга соғ-омон қайтишимга ҳеч ким кафолат бермайди. Балки уларни сўнгги бор кўриб тургандирман?

Лагеримиз тобора кенгайиб борарди. 2000 йилнинг баҳор ойларида лагеримизга Покистондан яна икки гуруҳ – оиласи мухожир ва мужаррад (бўйдоқ йигитлар) келиб қўшилди.

Аммо кутилмаганда “раҳбарият” мени ишдан бўшатди. Негалигини ҳалигача билмайман. Эҳтимол ишим уларга ёқмагандир? Ўрнимга афғон ўзбекларидан бўлган Ҳамид Қаландар исмли мухоҳидни тайинлашди. Мен энди унга ҳайдовчилик қилардим. Табиийки, бундан кўнглим чўкди. Ахир раҳбарлик лавозимидағи одамни ҳе йўқ, бе йўқ ҳайдовчи қилиб тайинлашса, алам қиласкан-да!

Бироқ “раҳбар”ларга бир оғиз гап қайтариб бўлармиди? Шартта отади-қўяди. Индамасдан ўрнимга тайинланган “бошлиқ”га ҳайдовчилик қилиб юравердим. Орадан кўп ўтмай, яна ишим ўзгарди. Энди менга “дафтар”, яъни ЎИХнинг Мозори Шарифдаги ҳудудий идораси мудири Қосим исмли шахсни олиб юриш топширилган эди. У билан бирга кўп жойларга — Қундуз, Пули Ҳумри, Шибирғон сингари шаҳарларга бордик. Асосий ишимиз ЎИҲ аъзолари ва оиласаларининг маблағ, қурол-аслача, кийим-кечак, озиқ-овқат масалаларини ҳал қилишдан иборат эди.

Кейин менга озуқа таъминоти вазифасини юклашди. Яъни ГАЗ-53 машинасида бозорга борар, мухожирларга озиқ-овқат олиб қайтардим.

Бу орада аёлим менга яна бир муҳим хабарни етказди. Оиласиз тез орада яна биттага кўпаяркан. Бундан табиийки севиндим. Ахир Аллоҳ менга яна бир фарзандни инъом этмоқчи. Агар ўғил туғилса, у ҳам менга ўхшаб, мухоҳид бўлади.

— Икки ўғлимиз нима қиляпти экан? — деди аёлим кўзлари ниғорон бўлиб. — Кечалари билан ухломай чиқаман. Ахир улар ҳали ёш бо-

ла-ку? Нималар қилиб қўйдингиз? Уларнинг ейиш-ичишидан, иссиқ-соғидан ким хабар оляпти экан?

Гарчи ўзимдан ўтганини ўзим билиб турган бўлсам-да, яна аёлимни үришиб бердим.

— Яна эски дийдиёни бошладингми? Болаларинг аввало Яратганнинг, қолаверса, “биродар”ларимизнинг ҳифзи ҳимоясида.

— Барибир кўнглим алағда, дадаси, — деди аёлим. — Бир кўриб келмаймизми? Раҳбарларингиз рухсат беришармикин?

Табиийки, оиласам, болаларим билан Мозори Шарифдан чиқиб кетишинга рухсат беришмасди. Аммо бир ўзимга, балки ижозат беришар? “Дафтар” раисидан Кобулга бориш учун изн сўрадим.

Раис — эски бошлиғим Қосим аввалига афтини буриштирди. Кейин ғазиятни тушунтиридим.

— Аёлим — иккиқат. Болаларидан хавотир оляпти. Кўриб келмасам, кўнгли жойига тушмайди.

Қосим ниҳоят рози бўлди.

— Фақат икки кунга рухсат беришим мумкин. Чунки таъминот масалалари сизнинг бўйнингизда. Сиз кечиксангиз, бозор-ўчарни ким қилади?

Хайриятки, укам ҳам биз билан бирга. Унга оиласдан хабар олиб туришни топшириб, Кобулга равона бўлдим. Бу ерда ЎИҲ аъзоларининг фарзандлари учун алоҳида мадраса очишган, унга буюк муҳаддис Имом Бухорий номини беришганди. Шукр, ҳар икки ўғлим ҳам соғ-саломат экан.

Катта ўғлим ўн икки ёшда эди: анча бўйи чўзилиб, оғир-босиқ йигитча бўлиб қолибди. Аммо саккиз яшар кичкинам “ойимга бораман”, деб роса хархаша қилди. Акаси билан бир амаллаб уни юпатиб, мадрасани тарк этдим.

ЎИҲнинг низомномасига кўра, аъзолардан қай бири бошқа шаҳарга бормоқчи бўлса, аввал ўзи яшайдиган ҳудуддаги “дафтар” раисидан рухсат сўраши, борган жойидаги ҳудудий вакилларга ахборот бериши, қайтишдан аввал ҳам унинг розилиги билан йўлга чиқиши керак эди.

Мен Мозори Шарифга қайтиш учун Кобулдаги “дафтар” раиси, шу

билин бирга, Солиҳ Рафиқнинг ёрдамчиси бўлган Анас исмли одамнинг ҳузурига кирдим.

— Хўш, болалар яхши эканми? — сўради у менга менсимайгина назар ташлаб.

— Алҳамдуиллоҳ, энди рухсат берсангиз қайтсам.

— Қаёққа? — раиснинг қошлари учи туташди. Унинг саволи менга ғалати туюлди.

— Мозори Шарифга. Аввалги иш жойимга. Раисимиздан икки кунга рухсат олганман.

— Менга эса юқоридан кўрсатма бўлди, — деди Анас ҳамон қовоғидан қор ёғиб. — Сиз Кобулда қоласиз. Шу ерда хизмат қиласиз.

— Бўнинг иложи йўқ, — дедим вужудимга муз югурниб. — Аёлим ҳомиладор. Унинг ёнида бўлишим керак.

— Бас, — столни муштлади Анас ва дафъатан мени сенсирашга ўтди.

— Сен кимсанки, менга гап қайтарасан? Истасам, ҳозироқ хизматдан бўйин товлади, деб зиндонга ташлатаман. Кейин оиласангни ҳам, болаларинг ҳам бир умр кўролмайсан. Мен Қосимга қўнғироқ қилиб, янги топшириқни тушунтиридим. У сени ишдан бўшатди. Энди бу ерда янги вазифага тайинланасан, — шундай деб у стол устидаги қўнғироқ тугмасини босди.

Шу пайт эшикдан паст бўйли, сийрак соқолли йигитчанинг боши кўринди:

— Лаббай, соҳиб?

— Менга шаҳар бўйича амният мудири Билолни топиб, чақириб бер.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас, қорамағиз, бақувват, оқ кўйлак устидан қора, енгиз камзул кийган тахминан ўзим тенги эркак кириб келди. Аввал Анас, кейин мен билан саломлашди.

Анас тоҷикчалаб мени үнга янги ёрдамчи этиб тайинлашганини айтди. Хуллас, Кобулда қолишдан бошқа чорам қолмаганди. Менга янги “раҳбарият” томонидан янги келган муҳожирларни ҳар тарафлама текширувдан ўтказиб, турли лагерларга жўнатиш, оиласи муҳожирларнинг Кобулдаги хавфсизлигини таъминлаш топширилди.

Үша пайтлари толиблар ҳүкүмати томонидан бутун мамлакат бўйлаб “комендантилик соати” жорий қилинган, яъни кечқурунги тўққиздан ке-йин кўчага чиқиш тақиқланган эди. Мабодо кимдир зарур иш ёки топшириқ билан чиқадиган бўлса, тунги навбатчилар ундан “исми шаб”, яъни пароль сўрашарди. То эрталабгача шаҳардан шаҳарга ўтиш, касалларни шифохонага етказиш, зарур юкларни бир манзилдан иккинчи манзилга ташиб учун ана шу паролни билиш талаб этилар, паролни билмаганлар дарҳол ҳибсга олинар, агар унинг жосуслиги ёки бошқа мақсадда чиққани аниқланса, шафқатсиз жазоланаарди.

Пароль ҳар куни кечқурун алмашар, раҳбарият томонидан тасдиқланар ва тегишли шахслар орқали жойлардаги вакилларга етказилар эди. Паролни тегишли шахсларга бориб етказиш ҳам менинг “масъул” вазифаларимдан бири эди.

Шу тариқа мен бир неча ой Кобулда қолиб кетдим. Гарчи ўғилларимдан тез-тез хабар олиб тұрсам-да, Мозори шарифда қолган хотиним ва қизимнинг аҳволидан бехабар эдим. Бориб келиш учун рухсат йўқ, сўроқсиз бориб келадиган бўлсан, бошим кетарди.

2000 йилнинг куз ойлари эди. “Дафттар”раиси мени қабулига чорлади:

— Табриклайман, қизли бўлибсан!

Ғалати бўлиб кетдим. Авваламбор мен ўғил бўлишини кутгандим. Аммо Яратган қизнираво кўрган экан, борига шукр. Иккинчидан, аёлим мусофирир ўлкада қандай кўзи ёриди экан? Мозори шарифда туғруқхона ҳам йўқ эди. Уйга доя чақиришган бўлса керак. Ишқилиб, эсон-омон қутулиб олган бўлсин.

— Соҳиб, балки уйга бориб келарман? — сўрадим юрак ютиб.

— Йўқ, — бош чайқади раис. — Ҳозир вазият кескин. Сенинг вазифанг эса жуда муҳим ва хатарли. Сени шаҳардан чиқара олмаймиз. Хотиринг жам бўлсин. Аёлинг ишончли ҳимоямизда. Қолаверса, уканг ҳам ўша ерда-ку?

Барibir бу ерда хотиржам юра олмасдим. Қуриб кетсин “муҳим” вазифалари ҳам. Бу қандай гап? Хотиним кўзи ёриса-ю, мен ундан хабар ололмасам?

“Мұхим ишлар” билан юриб, “Ўзбекистон ислом ҳаракати” ва Толибларнинг юқори мартабали вакилларидан анчаси билан танишиб олғандым. Улар орасида ЎИҲнинг Соғлиқни сақлаш масалалари мудири Ҳорун исмли киши билан ҳам анча яқин эдим. Соғлиқни сақлаш тизими амниятдан кўра анча енгилроқ, жавобгарлиги ҳам камроқ эди. Ҳар қалай шу тизимга ўтсам, масъулиятим ҳам камаяр, Мозори шарифга ҳам бемалол бориб келишим мумкин бўларди. Қолаверса, мен Тошкентда Тиббиёт техникиумини тұгатганман, ҳар қалай оз бўлса-да, бу борада тажрибам бор.

Хуллас, Ҳорун менга ёрдам берадиган, раисдан ўзига ёрдамчи қилиб тайинлашни сўрайдиган бўлди. Ҳар қалай Ҳоруннинг илтимосига раис йўқ демабди. Мени унга ёрдамчи қилиб тайинлашди. Энди зиммамдаги вазифалар анча енгиллашган, мени ЎИҲнинг Кобулдаги мадрасалари бўйича шифокор этиб тайинлашганди.

Тўғри, ўрта-маҳсус маълумотли одамни бундай масъулиятли вазифага қўйилиши бизнинг жамиятда кулгили туюлар. Аммо ишонаверинг, менинг тажрибамдаги “кадр” ЎИҲ “салтанати”да “олий тоифали шифокор” мақоми билан тенг эди.

Хуллас, мен болалар шифокори сифатида иш бошладим. ЎИҲга қарашли иккита мадрасага бориб, тез-тез болаларни текшириб тураман. Табиийки, улар орасида ўз болаларим ҳам бўлади. Шу билан бирга, ота-онаси Кобулда турадиган болаларни ҳафтада бир марта микроавтобусда уйига, ота-оналари олдига олиб бораман. Бу орада бир-икки марта Мозори Шарифга бориб, қизларим ва хотинимни, укам ва жиянларимни ҳам кўриб келдим.

Сал ўтиб, ижарага Кобулдан уй топдим, ўз оиласи ва укамни ҳам шу ерга чақиритириб олдим. Албаттa, “раҳбар”ларнинг розилиги билан. Қуттимаганда, 2001 йилнинг ёз ойларида Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги Шимолий альянс ва толиблар ўртасидаги жанглар авжига чиқди.

Толиблар раҳбари Мулла Мұхаммад Умар муҳожирларнинг барчасини Шимолий альянс чегарасидаги вилоят — Қундузга жўнатиш ҳақида кўрсатма берди. Афғонистон бўйича барча муҳожир жангарилар устидан Солиҳ Рафиқ қўмондан этиб тайинланди. Табиийки, мен ҳам бошқа-

Лар қатори қўлимга қурол олиб, Қундузга кетдим. У ерда бир қатор жанг-
ларда иштирок этдим.

2001 йилнинг 6 сентябрь куни Шимолий альянс раҳбари Аҳмадшоҳ **Масъудга** сунқасд уюштирилди. Бельгиялик журналистлар ниқоби ости-
да Масъуддан интервью олиш баҳонасида унинг ҳузурига кирган муҳо-
жирлардан бири ўзини портлатиб юборган. Натижада, Масъуд ҳам ҳа-
лок бўлди.

Биз аввалига ашаддий душманимиз йўқотилганидан хурсанд бўл-
ғондик. Орадан кўп ўтмай, 11 сентябрь куни Ал-Қоида террорчилари
АҚШда катта теракт уюштиришди. Нью-Йорқдаги савдо маркази ва Ва-
шингтондаги Пентагон биносида рўй берган теракт минглаб одамлар-
нинг ўлимига сабаб бўлди.

Маълум бўлишича, бу пайтда “Ал-Қоида” раҳбари Усома бин Лодин
Афғонистонда бўлиб, бу иирик терактларни содир этиш учун шу ердан
туриб кўрсатма берган экан.

Шундан сўнг Америка раҳбарияти тезлик билан толиблардан Усома
бин Лодинни қайтаришни сўради. Аммо, чамаси Мулла Умар бу талабни
бажармаслика қарор қилганди.

Шунда “Амирал-муъминин” ЎИҲ расмийларини тўплаб ўшилинч
йиғилиш ўтказди. Ўша йиғилишда мен ҳам бор эдим.

— Биродарлар, — деди “Амирал-муъминин” ташвишли қиёфада. —
Малъун Америка бизга қарши уруш эълон қилмоқчи бўлиб турибди. Биз
бунга тайёр туришимиз керак. Оилаларингизни шаҳар ташқарисидаги
бир манзилгоҳга жойлаштириб турамиз. Ўзимиз эса ер ости иншоотлар-
ни қазиб туришимиз керак. Бу кофирларга кучимиз етмайди. Лекин улар
бу ерда узоқ қолишмайди. Иншооллоҳ, тез орада Аллоҳнинг қаҳрига
үчрашади. Мадад фақат Яратганинг ўзидан. Тушкунликка тушманг, биз
тўғри йўлдамиз.

Гарчи, у “тушкунликка тушманг”, деса-да, ҳаммамизнинг юрагимиз
товорнимизга тушиб кетганди. Ўзимиздан кўпроқ оилаларимиздан ха-
вотирда эдик. Уйга келсак, оилаларимизни аллақачон Кобулдан ўттиз
чақирим масофадаги Обакай қишлоғига олиб кетишибди.

Биз Кобұлда ер ости иншоотлари қазишины бошладик. Бу орада Америка ҳарбийлари Шимолий альянс билан биргаликта шиддатли ұжумларни бошлашды. Ана шундай күнларнинг бирида Дараи Юсуфда үз машинасида келаётган “Амирал-мұйыминин” Америка ҳарбийларининг ҳаво зарбалари оқибатида қалок бүлганини айтишды.

ҮЙХ бошсиз чавандозга үхшаб қолған, бутун ташкилот тұмтарақай бўлиш арафасида эди. Шунда “Амирал-мұйыминин”нинг энг яқин ҳамкори, муҳожирлар раҳбари Солиҳ Рафиқ барчамизни тўплаб йиғилиш ўтказди:

— Биродарлар, “амиримиз” шаҳид бўлдилар, — деди ясама қайғу билан. — Энди барчангизнинг устингиздан мутлоқ раҳбарликни үз зиммамга олишга мажбурман. Бу ҳам биз учун Яратганнинг бир имтиҳони. Сиздан талаб ҳам, илтимос ҳам шу: тарқалиб кетманлар. Оиласыз билан Афғонистонни тарқ этишга ошиқманг. Ғалаба яқин. Биз ҳали бутун имкониятни ишга солиб, бу коғир америкаликлар ва үларнинг малайи бўлган Шимолий альянсни янчиб таштаймиз. Фақат сабр ва умид керак. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан бирга, биродарлар.

Аммо унинг гапига кўпчилик муҳожирлар қарши чиқди:

— Тақсир, “ҳаммаси Аллоҳдан экан”, деб бутун оиласызни “ажал ёмғири” остида тутиб тураверамизми? — деди водийдан келган “биродар”ларимиздан бири. — Кўрмаяпсизми, ҳар куни америкаликлар осмондан бало ёғдиришяпти. Бошқаларни билмадим. Мен бугуноқ оиласыз билан Покистонга чиқиб кетаман.

Унинг бу жасорати юрагимга қўрқув оралатди. “Менимча, Солиҳ ҳозироқ унинг бошини олдирса керак”, деган хавотирда эдим. Аммо йиғилишда ўтирганларнинг асосий қисми ўрнидан туриб, унинг гапини маъқуллашды. Солиҳ Рафиқ тантазиятда қолганди.

Хуллас, кўпчиликнинг айтгани бўлди. Муҳожирларнинг катта қисми оиласини олиб Покистонга чиқиб кетди. Мен ҳам укам ва оиласыз олиб, Афғонистонни тарқ этдим.

Аввалига Покистоннинг Карачи шаҳрига келдик. Бу ерда бир ойча яшаб турдик. Худди шу пайтда аёлим бешинчи фарзандимизга ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқинлашиб қолганди. Карачидаги қочоқлар лагери-



Марқ, АҚШ,
шіл 11 сентябрь

да күзи ёриди. Бу гал күтганимдек ўғил тұғилди.

Эх, шу пайтда Тошкентда бўлганимизда эди. Аёлимни туғруқхонадан карнай-сурнай садолари остида катта шодиёна билан олиб чиқсан, барча яқинларимиз, қариндошларимиз даврасида бешик түйини ўтказган бўлармидим? Бу ерда эса бечора чақалоқни ўрашга тузукроқ йўргак ҳам топилмади. Начора, бу тақдирни мен үзим танлагандим. Энди барча кўргиликларга чидашга мажбурман.

Кўп ўтмай, бу ердаги “раҳнамо”ларимиз Эронга кетишимиз учун “фатво” беришди. Ҳали чилласи чиқмаган гўдак билан қишининг қаҳратонида Эронга йўл олдик. У ерда ҳам муқим жойимиз йўқ: аввал Зоҳидонда, кейин Гумбазда турдик. Укам билан оиласизни боқиш учун эртадан кечгача иш қидирамиз. Ниҳоят бир дўкончига шогирд бўлиб ёлландик. Асосан дўконга келган юкларни туширамиз. Бўш вақтимизда бозорга бориб мардикорчилик қиласиз. Арзимаган чойчақа билан харобгина ижараҳонамизга қайтамиз.

Ўз юртимда бўлганимда, янги күзи ёриган аёлим ва болаларимни тури ноз-неъматлар билан боқмасмидим? Бу ерда эса... гоҳида болаларим-

нинг қорни нонга ҳам тўймай, кечқурун билан ғингшиб чиқишади. Шундай пайтларда аёлимнинг, болаларимнинг кўзларига қаролмай қийналардим. Ахир улар менинг аҳмоқона режаларим жабрини тортиб юришибди-ку?!

Хуллас, Эронда амал-тақал қилиб тўққиз ойча кун кечирдик. Кутимаганда, бизнинг дўконимизга икки нафар маҳсус формадаги Эрон хавфсизлик хизмати ҳодимлари кириб келишди ва биздан паспорт сўрашди. Биз эса паспортларимизни уч йил илгари Ҳоитда жангариларга топширганмиз. Қўлимизда Покистондаги қочоқлар лагеридан берилган кафтдеккина маълумотномадан бўлак ҳужжатимиз йўқ.

Хуллас, бизни Гумбаз шаҳар зиндонига олиб кетишиди. Шу кунлар ичида оиласиз қандай яшади, нима билан кун кечирди, билолмасдик. Гоҳида болаларимнинг бегона қўчаларда тиланчилик қилиб юргани кўз олдимга келиб титраб кетардим. Бизни қачонгача ушлаб туришади? Бордию, биз жангарилар сафида жанг қилганимизни билиб қолиша борми, шу зиндондан умрбод чиқмаймиз.

Яхшиям, уларга “биз афғон ўзбекларимиз, уруш түфайли иш қидириб келганмиз”, дедик. Ҳар қалай, 15 кун деганда бизни бўшатишиди. Шу билан бирга, оиласиз билан бизни яна Покистонга қайтаришиди.

Яна бир муддат Покистонда яшаб юрдик. Аввал Пешоварга, кейин Кветтага бордик. Хуллас, бу дарбадарликнинг охири кўринмайдигандек эди. Кутимаганда, Пешоварда собиқ раҳбарим — бир пайтлар менинг ўрнимни эгаллаган Ҳамид Қаландар билан топишиб қолдим. У ҳам Афғонистонга Америка ҳарбийлари ҳужум қилишгач, оиласини олиб бу ерга келган экан.

Америка ҳужумидан қочган толиблар эндиликда Покистоннинг Вазиристон вилоятидаги жангарилар ёрдамида катта ҳудудни эгаллаб олишганди. Ҳамид билан Вазиристонга ҳам бориб келдик. Йўл-йўлакай туркиялик Ҳолид исмли йигит билан танишиб қолдик. У билан гаплашиб келдик. Ҳолид тез орада Туркияга кетишини, у ерда иш топиб, мени ва укамни чақириб олишини айтганида, хурсанд бўлиб кетдим. Чунки бу ердаги дарбадарлик жонимга теккан, Туркия эса нисбатан тинч, пул то-пиш имконияти ҳам кўпроқ эди.

Пешоварга, оилам олдига ана шу хурсандчиликни айтиш учун кириб боргандим. Аммо бу ерда мени Покистон маҳсус хизмати ходимлари кутиб ўтиришган экан. Аввал мени, кейин укамни ҳам ҳибсга олишди. Бироқ Эрондаги сингари ёлғон ишлатишнинг имкони бўлмади. Бизни Америкалик терговчилар сўроқ қилишди. Уларнинг қўлида биз ҳақимизда барча маълумотлар, ҳужжатлар етарли эди.

Олти ой Пинди қамоқхонасида бизни алоҳида бўлмаларда сақлашди. Кунларнинг бирида қамоқхона бошлиғи мени ҳузурига чақирди. Унинг олдида кўринишидан ўзбеклиги билиниб турган икки нафар, истараси иссиқ йигит ўтиради. Кейин маълум бўлишича, улар Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари экан...

Хуллас, бизни Ўзбекистонга олиб кетишди. Самолётда кетяпмиз-у, негадир хурсанд эдим. Тўғри, мен жиноят қилдим, Ўз Ватанимга хиёнат қилдим, катта хатога йўл қўйдим. Мени, албатта, қонунга биноан жазолашади. Аммо минг қилса-да, мен ўз Ватанимга кетяпман. Ахир бу ердаги қирғинбарот үрушларда итдек хор бўлиб ўлиб кетишим, жасадим ўзга юртларда, қашқирларга ем бўлиши ҳам мумкин эди-ку?!

...Мана, ўн бир йилдирки, қамоқдаман. Бу муддат айни пайтгача қилган хатоларимни сарҳисоб қилишимга кифоя қилди. Насиб этса, бу ердан чиқсан, қолган үмримни ҳалол меҳнат қилиб, болаларимни ўйли-жойли қилишга, ўз хатоларимни, қилган гуноҳларимни ювишга сарф этаман.

Минг шукр қиласманки, фарзандларим ўша ерда, қотил, каллакесарлар орасида қолиб кетмади. Яратгандан сўрайманки, улар мен қилган хатоларни такрорлашмасин. Эл-юргита, Ватанига содик, фидойи инсонлар бўлишсин!..."

НОШУКУРЛИК БАЛОСИ

“Мен маҳкума Нилуфар Собирова 1982 йилда Тошкентда туғилганман. Оиласда кенжә, эркатой фарзанд әдим. Ҳамма болалар сингари орзуларим бир уммон әди. Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиганман. Айниқса, чет тилларига жуда қизиқардим. Мактабни битириб, Жаҳон тиллари университетига кирмоқчи әдим. Афсуски, бу ҳаётда ҳар қандай орзу ҳам рўёбга чиқавермас экан...”

Иймон ҳар бир қалбнинг гавҳари, дейдилар. Чиндан динимиз покликни, эзгуликни, меҳр-оқибатни тарғиб этади. Оиласизда динни чуқур биладиган одам бўлмаса-да, ота-онамиз бизни ҳаромдан ҳазар қилишга, бироннинг ҳақини емасликка, тўғри юришга ўргатганлар. Айниқса, Доно холам ҳар гал уйимизга келсалар, бизга дину диёнат ҳақида кўп гапирадилар.

Ҳали ўсмирлик чоғларимдаёқ:

— Бўйинг чўзилиб, оқинг оққа, қизилинг қизилга ажralиб қолти. Энди очиқ юрсанг бўлмайди, қизим. Ҳар бир муслима аёл балоғат ёшига етгач, ўз авратини ёпиб юриши, ҳижобга кириши керак, — деб уқтирганлари учун жуда эрта ҳижобга киргандим. Бироқ диннинг нималигини, шариат аҳкомларини, намоз ўқишни ҳали яхши билмасдим.

Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ останамиздан совчилар қадами узилмай қолганди. Билмадим, ота-онам “қизимиз ўтириб қолмасин”, деб шошилишдими, ўн олти ёшимда мени турмушга беришди.

Эрим нуфузли корхонада ишлар, топиш-тутиши ҳам яхши әди. Бунинг устига, намозхон, дину диёнатли йигит экан. Гарчи ҳали оқ-қорани тани-

май туриб, оила аталмиш қўрғонга қадам қўйган бўлсам-да, қисматнинг бу битигига ҳам кўнидим. Турмуш ўртоғимдан, ҳаётимдан мамнун эдим. Ўзимни баҳтлилар қаторида санаредим. Одатда бутун куним үй ишлари билан ўтар, ҳуда-бехуда кўчага чиқмас, икки ҳафтада бир ота-онамнинг олдига борардим. Кўчага чиқсан, албатта, ҳижоб билан чиқардим.

Илк фарзандим дунёга келганида, она бўлганимда, ўзимни нақ еттинчи осмонда учиб юргандек ҳис қилдим. Митти гўдагимнинг жажжи юзчалари, қўлчаларини ушлаб, Яратганинг менга аталган бу бетакор мўъжизаси учун шукрлар қилдим. Кўп ўтмай, иккинчи, учинчи фарзандимиз дунёга келди. Аммо кутилмаганда, эрим ишдан кетди-ю, ҳаётимдаги булатли кўнлар бошланди. Эрим ишлаб пул топиб келаркан-у, уйда ҳеч қандай камчилик, нуқсон билинмас экан. Ишдан бўшатилганидан кейин қаттиқ тушкунликка тушиб, уйдан ташқарига чиқмай қўйди. Тирикчилик ташвишлари фақат қайнотамнинг зиммасида қолди. Бора-бора бутун оилани боқиш унга малол келдими, жанжал чиқара бошлади. Эрим ҳам, болаларим ҳам, мен ҳам кўзига ортиқча бўлиб кўриндик.

Қайнотам гоҳида жаҳли чиққанда:

— Сенлар менга бошоғриқ бўлдиларинг, уч боланг билан қўшиб мен боқишим керак сенларни, — деб инжиқлиқни бошларди.

Эрим эса ҳамон ўзи билан ўзи овора, бирор жойга ишга кириш, пул то-пишни хаёлига келтирмасди. Турмушимиз борган сари ёмонлашаш бошлади. Гоҳида болаларимнинг кирини ювишга совун ҳам тополмай қолардим.

Эримдан умид йўқ, қайнотам бир бурда нонини миннат билан беради. Ота-онамнинг олдига бошимни эгиб боролмайман, чунки улар ҳам нафақа пуллари эвазига аранг кун кечирадилар. Кўчага чиқиб иш қидирай десам, ёш боламга қарайдиган одам йўқ. Хуллас, бошим қотиб қолган, нима қилишни, кимдан ёрдам сўрашни билмасдим.

Кунларнинг бирида қўшнимиз Нигора билан гаплашиб қолдим. Тўлиб турган эканманми, унга дардимни дастурхон қилдим. Қийналиб қолганимизни айтдим.

— Нима қилсан бўларкин? — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

— Уйда ҳар хил пишириқлар пишириб сотсангиз бўлмайдими? — сўради Нигора нимадир эсига тушгандек. — Ҳозир жуда кўп аёллар шу йўл билан яхшигина пул топишади. Ўзим ҳам қўни-қўшни, таниш-билишларга “заказ” билан пишириқ тайёрлаб бераман.

— Яхши-куя, — дедим ерга қараб. — Бўям ҳамманинг қўлидан кела-вермайди. Мен битта-иккита оддий пишириқларни биламан, холос.

— Мен ҳам олдин ҳеч балони билмасдим, — деди Нигора гапимни оғзимдан юлиб. — Анави нариги “подъезд”да турадиган Шоҳиста опадан илтимос қилгандим. “Бемалол үйимга келаверинг, билганимни сиздан қизғанмайман”, дедилар. Қисқа вақт ичидаги кўп нарса ўрганиб олдим.

Мен Шоҳиста опани анчадан бери танир, аммо ҳадеб уйдан ташқари чиқавермаганим учун у билан жуда кам гаплашгандим. Шоҳиста опа менга ўхшаб, ҳижобга ўранган, хушмуомала аёл эди.

— Лекин ўрганиш учун ҳам пул керак-ку, — дедим умидсизлик билан.
— Менда, ўзингиз биласиз, ортиқча пул йўқ.

— Э, қизиқ экансиз-ку, — кулди Нигора. — Сиз Шоҳиста опани билмас экансиз. “Аллоҳ йўлига, текин ўргатаман, сиз мени дуо қилсангиз, шунинг ўзи етади”, дейди.

Хуллас, у мени Шоҳиста опанинг уйига олиб борди. Опа бизни очик чеҳра билан кутиб олди. Хонани кўздан кечиришга тушдим. Ҳамма ёқ ораста, деворларга арабий калималар битилган турли гиламчалар, сувенирлар, кашталар осилган, хонтахта устида ҳам бир қанча диний китоблар турарди.

Шу тариқа унинг уйига ҳар куни қатнай бошладим. Қисқа вақт ичидаги қўлим ҳам анча келишиб қолди. Шоҳиста опага борган сари боғланиб борардим. У мен ўйлагандан ҳам ақлли, иймонли, тақводор аёл экан.

Қунларнинг бирида уйимизга Гулчеҳра опам меҳмон бўлиб келди. Опам ҳам худди мен сингари ҳижобга кирган, мендан фарқли ўлароқ намозни қолдирмасди. Мен эса ҳижобда юрсам ҳам, намоз ўқишини билмасдим. Опамнинг ёнига яқин қўшниларим Нигора ва Шоҳиста опаларни ҳам чақирдим. Бирпасда улар опам билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишли. Суҳбат иймон, намоз, илм масаласига бориб тақалди.

Сезмаган эканман, опам кейинги пайтларда янада тақводор бўлиб
қолибди, тилидан Аллоҳнинг зикри тушмайди.

— Синглим, сен намоз ўқишни бошладингми? — сўради у гап ораси-
да.

— Жудаям ўқигим келади, — дедим ерга қараб. — Нима қилай, бил-
майман. Фақат битта-иккита сурга ёдлаганман, холос.

— Ҳа, бу ёмон, — деди опам афсус билан бош чайқаб. — Намоз бу
Аллоҳнинг фарзи. Уни тарк этиб бўлмайди. Албатта, ўқи. Қиёмат куни
онг олдин намоз ҳақида сўраларкан. Намоз ўқимаганлар нариги дунёда
қаттиқ азобланади.

— Йўғ-e, — дедим бироз ваҳимага тушиб. — Унда... менга ўргатасиз-
ми?

— Намозни-ку, ўргатиш қийин эмас, — деди опам, бироз ўйланиб.

— Аммо диннинг ҳали биз билмаган томонлари кўп. Ҳар биримиз Қуръ-
онни, ҳадисни, динимиз аҳкомларини тўла ўрганишимиз, диний билим-
ларни кучайтиришимиз керак экан.

— Бунинг учун билимли, покдомон бир устоз топиш керак-да, — деди
Шоҳиста опа орзумандлик билан. — Мен ҳам исломни чуқур ўрганишини,
жуда кўп савобли амаллар қилишни истайман. Лекин ким менга ўргата-
ди?

— Мен ҳам шу, — деди Нигора. — Афсус, уйимизда шариатни чуқур
биладиган одамнинг ўзи йўқ. Эрим-ку умрида боши саждага тегмаган,
ичиш-чекишдан қайтмайдиган бир одам бўлса.

— Ҳа, мен ўзим ҳам динни тўла биламан дёёлмайман, — деди опам
гапни илиб кетаркан. — Лекин Янгийўлда Назира опа деган бир узоқ қа-
риндошимиз бор. О! У билан бир марта гаплашсангиз, ёнидан кетгингиз
келмай қолади. Шунаقا бамаъни, шунаقا дилкаш аёлки, ҳар бир гапи
ғиж-ғиж маъно. Юзидан нур ёғилиб туради.

Ўйланиб қолдим: Янгийўлда бизнинг узоқ қариндошимиз йўқ эди ше-
киlli?

— Опа, у қайси қариндошимиз экан?

— Сен танимайсан, — деди опам қовоғини уйиб. — У менга эрим

томонидан қариндош. Кейинги пайтларда у билан борди-келди қилиб турибман. Агар майли десанглар, кейинги ўтиришимизга олиб келаман.

— Унда кейинги ўтириш бизникида бўла қолсин, — деди Шоҳиста опа. — Битта сергўшт, серёф палов мендан. Ўша опамизнинг бир суҳбатларини олайлик.

Опам кейинги ҳафта Назира опани олиб келишга ваъда бериб, ўрнидан қўзғалди. Кейинги ҳафта Шоҳиста опаникида меҳмонни кутиб олишга бирга тадорик кўрдик. Дастурхонни турли нозу неъматлар билан безадик. Ниҳоят орзиқиб кутилган меҳмон келди.

Назира опа ёши ўттизлардан ошган, қарашлари ўткир, келишгангина аёл экан. Суҳбатимиз турли мавзуларда кечди. Мен динни шу пайтгача яхши билмаганим учунми, унинг ҳар бир айтган гапи нақ юрак-юрагимга кириб бораарди. Назира опа анча пайт муслима аёлларнинг зиммасидаги вазифалар, фарзанд тарбияси, ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳақида жуда кўп гапларни айтди. Ҳаммамиз опанинг оғзига термилиб қолгандик. Суҳбатимиз алламаҳалгача чўзилди. Биргалашиб, шом намозини ўқиб, ошни еб бўлгач, опа кетишга изн сўради:

— Синглим, бизни иззат қилиб чақирибсиз, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Илоҳим, сизлар билан жаннатларда ҳам мана шундай файзли суҳбатлар қуриш насиб этсин.

Биз хайрлашиш олдидан ҳар ҳафта кимнингдир уйида мана шундай учрашишга, ўтиришларда диний мавзуда дарслар ўтишга келишиб олдик. Негадир курсанд эдим. Ҳар қалай, вақтимни бекор ўтказмаяпман. Ҳунар ўрганяпман, оқ-қорани танияпман, пишириқлар тайёрлаб сотяпман. Энди қайнотам ҳам “текинтомоқсанлар”, деб юзимга солмайди.

Ҳар ҳафта кимнингдир уйида ўтириб, Назира опадан иймон сабоқларини ўрганардик. Назира опа турли китобчаларни ўзи билан олиб келар, ўқиб берар, ҳар бир гапнинг мағзини чақиб тушунтиради.

Аслида, бу китоблар ҳақиқий ислом ақидаларидан йироқлигини, улар мамлакатимизга яширинча йўл билан олиб кирилгани, тегишли идоралар томонидан тақиқланганини билмасдик. Кейин билсам, бу китобларда динимиз кўрсатмалари бузиб талқин әтилган, ундаги ғоя-

Лар биз сингари түшүнчеси, билими саёс кишиларни ўз юрти, ватанига **Марши** қайрашга, қараашларини ўзгартыришга йўналтирилган экан. Бу **сүхбатлар** ўз-ўзидан менинг ҳам дунёқарашимни, фикрларимни остин-**устун** қилиб ташлаганини сезмабман.

Эрим ҳам мунтазам масжидга чиқар, аллақайси диний йиғинлар-
да ярим кечагача қолиб кетарди. Бироқ қайнотам ичкиликка берилган,
гоҳида ичиб келиб, тўполон чиқариб турарди. Нигоранинг эри ҳам тез-тез
ўйга ичиб келар, ўзи ҳам қайсиdir ресторонда бармен бўлиб ишларкан.

Мажлисларимизда ҳам ичкилик ҳақида жуда кўп гапириларди. Биз
ҳам бу ҳақда уйимиздаги вазиятни яширмасдан рўй-рост гапириб бе-
рардик. Шу ҳақда оғиз очганда, Назира опа кескин шарт қўйди:

— Бунақа эр билан яшаш худди тўнғиз билан яшашдек гап, — деди
қатъият билан. — Агар икки дунёда ҳам саодатга эришаман, десангиз,
бунақа эрдан воз кечасиз.

— Нима? — Нигоранинг кўзлари олайиб кетди.— Ажрашаманми?
Ахир иккита болам бор-ку?!

— Боланинг ризқини Худо беради, — деди Назира опа ишонч билан.
— Бунақа эр билан яшар экансиз, ўқиган намозингиз ҳам, тутган рўзан-
гиз ҳам қабул бўлмайди. Икки дунёйингиз куйиб кетади.

— Ичсаям, чексаям, барибир болаларимнинг отаси-да, — ерга маъюс
тиклиди Нигора. — Опажон, балки Худо инсоф бериб қолар?

— Бунақаларнинг қалбини Аллоҳ мұхрлаб қўяди, — деди Назира опа
ишонч билан. — Ароқ ичадиган, сотадиган одамда иймон бўладими? —
Кейин у менга юзланди. — Сизнинг ҳам қайнотангиз ичиб турармиди?

— Оз-моз, — дедим тутилиб.

— Сиз ҳам қайнотангизга айтинг. Бунақа оиласда яшаб бўлмайди. Агар
бу йўлдан қайтмайдиган бўлса, эрингиз билан бошқа ўйга чиқиб кетинг-
лар.

Ўйга келиб, бу ҳақда эримга айтдим. У ҳам тақвога берилгани учун
анча ўйланиб қолди. Эртаси куни тушга яқин қайнотам ичиб келганди,
эрим отасига насиҳат қила бошлади.

— Ўв, сен кимсанки, менга ўргатасан? — ўшқирди қайнотам. — Отан-

тга ўргатяпсанми, отангга-я? Энди икки күн масжидга чиқиб ўзингча мулла бўлиб қолдингми?

— Ўғлингиз тўғри айтяттилар, — дедим эримнинг ёнини олиб. — Ароқ кирган уйдан иймон қочади. Ҳаммамизни гуноҳга ботиряпсиз. Касофати набираларингизга урмасин, ичишни ташланг.

Қайnotам баттар тутикаиб кетди. Кейин эса қайnonамга ўшқириб кетди:

— Ҳаммасига сен айбдорсан. Ўғлинг алламаҳалгача кимларнингдир олдида қолиб кетади. Келининг аллақандай аёлларни уйга опкелиб, бир нарсаларни маслаҳат қилишади. Нияти қанақалигини билмайсан. Тўғри, мен ичаман, бу ишим тўғри эмаслигини ҳам биламан. Ичсам ҳам бирорга озор бермайман. Бирорнинг ҳақини емайман. Лекин сенларга ўхшаб, дуч келган одамни уйга опкириб, ҳар хил фитналарга учмайман. Билдиларингми?

Қайnotам шунга ўхшаган гаплар билан бизни қалаштириб сўкканча, уйга кириб кетди. Эртаси куни Нигорани кўрдим. Кўзлари кўкариб кетибди. У ҳам уйига бориб эрининг олдига масалани кўндаланг қўйган экан, эрининг жаҳли чиқибди. Охири қўл кўтаришгача бориб етибди. “Энди ўша Назира опанг уйимга қадамини босмасин”, деб шарт қўйибди.

Биз эса шу гаплардан кейин ҳам, яна уч тўрт марта Шоҳиста опанинг үйида йиғин қилдик. Бу гал Назира опа ҳар бир эркак-аёл бундай жамиятга яшашга рози бўлмаслиги, бошқа юртларга ҳижрат қилиши, керак бўлса, жиҳодга отланиши, дин йўлида курашиб шаҳидликка ҳам рози бўлиши кераклигини очиқча гапирди. Аввалига қўрқиб кетгандик. Аммо у шу қадар үсталик, маккорлик билан гапирадики, ич-ичимиздан “ростдан ҳам шундай бўлса-чи?” деган савол уйғонарди.

— Эркакларни-ку, тушунса бўлади, — суҳбатга аралашди Нигора. — Лекин биз аёллар ҳам қўлимизга қурол олиб жанг қилишимиз керакми? Агар эримиз рухсат бермаса...

— Авваламбор эрингизни ҳам шу йўлга бошлишингиз керак, — деди

Назира опа. — Агар у күнмаса, итоат қилишингиз шарт эмас. Чунки сиз Ҳақ йўлдасиз. Жиҳодга бориб, шу йўлда жанг қиласиган мужоҳидларга хизмат қиласиз.

— Қанақасига? — ҳеч нарсага тушунмадим мен.

— Сиз ўз вужудингиз билан жиҳод қиласиз. Яъни мужоҳидларнинг никоҳига кириб, ularнинг эҳтиёжларини қондирасизлар. Бунинг ҳам ўзига яраша улуғ савоби бор.

Ҳаммамиз бу гапдан сесканиб кетдик.

— Опа, нималар деяпсиз? — ўзини тутолмай қичқирди Нигора. — Мен эрли аёлман. Ўз эрим бўла туриб, қанақасига бегона эркак билан...

— Э синглим, сизга аввал ҳам айтганман, унақа ароқхўр эрдан воз кечинг, деб. Агар эр тўғри йўлда юрмаса, унда аёлнинг ҳам эрки ўзида бўлади. Бундай пайтда...

— Э, сизнинг “тўғри йўлингиз” менга үмуман тўғри келмас экан, — Нигора шундай дея, ўрнидан шарт туриб, чиқиб кетди. Бундан Назира опа хийла хавотирга тушиб қолди.

Нега мен ҳам ўша онда Нигоранинг ортидан чиқиб кетмадим? Ўша пайтда бу аёлнинг қанчалик жаҳолатга ботганини сезмабман-а?

— Бу гапларни ўзингиз таниган-билган барча аёлларга, оила аъзоларингизга етказинг, — дея тайинлади Назира опа мажлис сўнгида. — Фақат мабодо ички ишлар ходимлари сизларни сўроқ қиласиган бўлса, мени үмуман танимайсизлар. Сотқинлик энг оғир гуноҳлардан бири. Нак жаҳаннамда күясизлар.

Мен шу тариқа жаҳолат, залолатга ботиб борардим. Назира опадан эшигтан гапларимни таниш-билишларимга, қариндош-урӯвларга ҳам ёя бошладим. Эрим бу ишимга заррача қаршилик билдирамас, чунки унинг ўзи ҳам қайсиdir экстремистик оқим ғоялари таъсирига тушиб қолганди. Гоҳида қайнотам ҳар иккимизни чақириб, бизга танбеҳ берарди:

— Болаларим, мен сизларни тушунмай қоляпман. Бир эмас, уч болангиз бор. Мен-ку, намоз ўқишингизга, динни ўрганишингизга қарши эмасман. Аммо сизлар қандайдир ёмон одамлар, заарарли оқимлар таъсирига тушиб қолганга ўхшайсизлар. Билиб қўйинглар, Ватанга, халқقا

хиёнатни Аллоҳ ҳам кечирмайди. Тұғри, мен тоғ-тоғыда ичиб, сизнинг күнглиңгизни оғритгандирман. Лекин нима дейтганимни, нима қилаёт-танимни яхши биламан. Құзларингни очинглар!

Аммо эримга ҳам, менга ҳам бу гап таъсир қилмади. Назаримизда, ҳамма душман, ҳамма адашган, биргина биз тұғри йўлда эдик.

Құнлар шу тариқа ўтиб бораверди. Күтилмаганда, эримни күчадан ушлаб кетишганини хабар қилишди. Қаердадир одамларни даъват қилиб турған пайтда құлға олишганмиш. Шунингдек, эримнинг бир радиқал диний оқимга аъзо эканлиги ўз исботини топибди. Ҳуллас, эрим жиной жавобгарликка тортилди. Суд ҳукми билан беш йил озодликдан маҳрум этилди. Бу орада қайнотамни ҳам бериб қўйдик. Уйда қайнонам ва уч болам билан қолдим.

Ўзимча, бизни шу аҳволга солған, мени эримдан, болаларимни отасидан маҳрум қилгани учун ҳукуматдан, ҳуқуқтарни органдаридан қаттиқ аламзада эдим. Ҳолбуки, бошимизга тушган савдоларга, ҳатто болаларимизнинг ота-она меҳридан, қарамоғидан маҳрум бўлишига ҳам, ўзимиз, фақат ўзимиз айбдор эканмиз. Буни англаб етмаганим учун давлатга, ҳукуматга қарши, диний-экстремистик ғояларга йўғрилган адабиётларни ўқишда давом этдим. Ора-сирада Назира опа билан кўришиб қолардим. Бир куни у менга:

— Қачонгача, шундай юраверасиз? Мен яқин орада ҳижратга отланяпман, бу ерда қолиб нима қиласиз, мен билан юринг, — деди.

Бир пайтлар опанинг “мужоҳидларга хизмат қиласизлар”, деган гапларини эслаб, қатъий бosh тортдим. Мен ўз турмуш ўртоғимга хиёнат қилишнинг ҳар қандай усулини қабул қилолмасдим. Қолаверса, учта қоракўзимни кимга ташлаб кетаман? Нима бўлганда ҳам ўшандা Назира опанинг таклифига кўнмаганимдан жуда хурсандман.

Кўп ўтмай, Назира опа умуман кўринмай қолди. Телефони ҳам ўчирилган. Кейинчалик, опамнинг айтишича, у Сурияга “ўз вужуди билан” жиҳод қилгани кетиб қолганмиш.

Мен эса ҳамон ўз қобиғимга ўралганча күн кечирадим. Тақиқланган, зарарли ғояларга лиммо-лим китобларни ўқишда, турли дискларни то-

мода қилишда давом этардим. Күнларнинг бирида үйимизга милиция ходимлари кириб келишди. Үйни тинтиш учун рухсатнома кўрсатишди. Кейин эса үйимиздан бир қанча ноқонуний сақланаётган китоблар, дискларни топишиди. Ўшанда ҳам мен ўзимни ҳақ деб билгандим.

Хўллас, мени ҳам эрим сингари суд қилишди. Қонунда белгиланган жазойимни олдим. Мени жазони ижро этиш муассасасига юборишиди.

Назира опа бир пайтлар “қамоқда сизу бизга ўхшаганларни кўз кўриб қулоқ эшитмаган азоблар билан қийнашади, у ердаги шароитлар дўзахдагидан фарқ қилмайди”, деб қўрқитганди. Тўғри, қамоқ ўз ўз оти билан қамоқ. У ерда инсоннинг эркинликлари, хатти-ҳаракатлари маълум маънода чекланади. Аммо бу ерда мен “опа” айтган “мислсиз үқубатлар”ни умуман кўрганим йўқ. Муассаса ходимлари бизга яхши, самимий муомала қилишади. Овқатланиш, соғликни тиклаш, дам олиш, маданий ҳордик чиқариш учун ҳамма шароитлар бор. Вақти-вақти билан яқинларимиз билан учраштиришади. Биз билан турли идоралар вакиллари, уламоларимиз ҳам учрашувлар ўтказиб туришади. Улар бизга асл ислом ва экстремизм, терроризм ўртасидаги фарқни аниқ мисоллар билан тушунтириб беришади. Эҳ, қанийди мен бу маърузаларни бундан анча илгари, ўзимизга “диний раҳнамо” излаб юрган пайтимизда эшитганимда эди? Аслида бунга имкон бор эди. Ўзимизнинг олимларимиз томонидан ёзилган китобларни исталган жойдан топиб ўқишим, интернетдаги ўзимизнинг расмий сайtlарга киришим мумкин эди-ку? Мен ҳам, эрим ҳам катта хатога йўл қўйдик. Нафақат ўзимиз, болаларимизни ҳам азобга қўйдик.

Энди кўзим очилди. Ҳақ билан ноҳақни, оқ билан қорани ажратиб олдим. Кўчадан келган ҳар қандай одам сизга дўст бўлавермас экан. Инсон энг аввало ўз ота-онасига, фарзандларига, оиласига ишониши, суяниши керак экан. Афсуски, мен бу ҳақиқатни анча кейин, бошим деворга урилганидан сўнг англаб етдим.

Мен жаҳолат бандаларига кўр-кўrona ишониб, ўз Ватанимга хиёнат қилибман. Ўйлаб қарасам, катта нонкўрлик қилган эканман. Ахир бир пайтлар сал ночорроқ бўлса-да, ўз оиласига, сал беғамроқ бўлса ҳам ўз тур-

муш ўртоғим, инжиқроқ бўлсаям отамдек меҳрибон қайнотам, бир-бидан ширин фарзандларим бор эди. Шуларнинг шукрини қилиб, эримнинг, қайнота-қайнонамнинг хизматини қилиб, болаларимни оқ ювиб, оқ тараб ўтирсам бўлмасмиди?

Мен мана шундай оиласларнинг сочилиб кетишига, фарзандларнинг чирқираб қолишига, ўғилни отадан, қизни онадан ажрашига сабаб бўладиган бундай манфур оқимлар ва уларнинг басир гумашталарининг асл қиёфасини, ёвуз мақсадларини англадим.

Ҳозир Сурия, Ливия, Ироқ, Афғонистон сингари мамлакатларда минглаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётган, ўз мамлакатларини юз йиллар ортга тортаётган зулмат бандалари ҳам ана шулар сингари манқуртлар эмасми? Наҳотки, мен ҳам ўз юртимизда шу каби қирғинбарот урушлар бўлишини, қанчадан қанча норасидалар қурбон бўлишини истаган бўлсам?

Ҳа, мен бугун панжара ортида туриб ҳам, ўз хатойимни англадим. Ахир “ҳечдан кўра кеч” дейишади-ку?! Насиб этса, озодликка чиқсан, яна ўз болаларимнинг бағрига қайтсан, ўз юртимнинг, тинчлик осоишишталикнинг қадрига етиб яшайман, дея ўз-ўзимга сўз бердим.”

ЖАҲАННАМДАН ҚОЧГАН АЁЛ

*“Марғилон шаҳриданман. Ёшим ўттиз иккода. Асли тикувчи
эдим. Эрим билан уришиб қолиб, Тошкентга жўнавордим.
Жонимга тегиб кетганди, ўзиям.*

Үн олти йилдан буён фақат шунинг минғир-минғирини эши-
таман. Эр чиқмай қоладигандек ўн олти ёшимда турмуш-
га чиққанимдан кейин ўн олти йил яшайман-да! Бу ҳам ет-
магандек кетма-кет учта туғифман. Дугоналарим маза қилиб ўқиди,
шаҳар кўрди, турмушга ҳам чиқди. Менам ҳеч бўлмаганда йигирмага
кириб кейин оила қилсам бўларкан. Шу эрга тегиб нима кўрдим? Қай-
нонамнинг аччиқ гапи, уч боланинг биғиллаши, эрнинг инжиқлиги,
рўзғорнинг икир-чикири... Бу гапни эримга ҳам кўп айтардим. Ўзингиз
ўйланг, уйнинг ишидан бўшамайман, бўшасам ҳам, тикув машинам-
нинг ёнида ўтириб олиб, ғириллатаман. Кўрганингиз — уй, эшиг-
ганингиз — қайнонанинг аччиқ гапи бўлганидан кейин сиқиласиз-
ми? Менам чидолмай эримга дийдиё қиладиган бўлдим. Охири,
таъсир қилди. Битта дўкон очиб берди. Ана шундан кейин яшаш
нималигини билдим. Дугоналар орттирудим. Вақтимни чоғ ўтка-
зардим. Шу дугоналаримдан кўп нарсани — ҳар хил ўтиришларга,
кафеларга боришни, интернетдан фойдаланишни ўргандим. Жуда
замондан орқада қолиб юрган эканман. Замон билан бирга қадам
ташласангиз, қайнонангизнинг жанжалларига, рўзғорнинг камчилик-
ларига ҳам парво қилмай қўяркансиз. Интернет деганлари шу даражада
қизиқ эканки, кечалари ухламасдан ёзишаман. Яна бегона эркаклар би-

лан деб ўйламанг. Қизлар, группадагилар билан ёзишаман, қизиқарли нарсаларни ўқыйман. Бу эримга ёқмайди.

— Нима қиляпсан? Ким билан гаплашыпсан? Ўзгариб кетдинг сен! Оиласи аёл эканлигинингни унудиб қўйяпсан! — бақиради тинмай.

— Оилам мен учун азиз, муҳим. Хавотир олманг! — дердим бошида.

Ростдан ҳам ўша пайтлар оиламни биринчи ўринга қўярдим. Бора-бора одам ўзи учун ҳам яشاши кераклигини тушунаркан. Айниқса, дўконга мол олиб келиш баҳонасида эрим билан Туркияга борганимизда, илк бор самолётга ўтирганимда, чет элликларни кўрганимда, меҳмонхоналарда яшаганимда оиласдан узоқда яшаса ҳам бўлишини билдим. Дугоналарим бошқажойларга, масалан, “Хитойга, Қирғизистонгамололиб келгани боряпмиз”, дейишса, ўйда ўтиргим келмай қоларди.

— Дугоналарим билан бирга борсаммиカン? — дердим эримга умидвор қараб.

— Нима қиласан? Мол етарли-ку! Сен биримизни икки қилишни эмас, пулни кўчага совуришни ўйлайдиган бўлиб қолибсан! Кўчада ялло қилиб юриш бўлса сенга?, — дарҳол рад этарди эрим. Пулимиз бор эди. Йўқ бўлса экан, майли. Қизғанчиқ, зиқна, тор фикрли бўлиб қолган эримни шунақа ёмон кўриб қолдимки... Рост-да, бу пулларни топишда менинг ҳам ҳиссам бор-ку. Нима қилибди, бир томоша қилиб келсам? Нима қилибди, интернетда, телефонда гаплашсам... Тўғрими? Бошқа тоқатим қолмади. Мижғов ва эзма эрим билан бошқа яшай олмайман. Шу учун ўғлимни олдим-у, Тошкентга келавердим. Қўлимда ҳунарим бор. Қолаверса, қўллаб-қувватлайдиган танишларим ҳам кўп. Ўзимни эплаб, пул топаман.

Онам ҳам, опам ҳам мени тушунмайди. Улар авваллари менинг қанчалик эзилиб юрганимни билишмайди-да! Улар ҳам сизга ўхшаб фикрлади. Уларга ҳам эримга бош эгиб, уйдан чиқмай, қайнонамнинг жанжалини эшитиб ўтирганим яхши. Менам одамман! Дунё кўрдим. Интилган одам кўп нарсага эришаркан. Шундай қилиб, менам Тошкентда бир дугонам орқали ёлғиз яшайдиган кампирнинг уйини топдим. Ўшанда 2012 йилнинг ноябрь ойлари эди. Яна бир танишим эса ўша “дом”нинг ёнгинасидан ателье

Топибди. Тиккан кийимларимнинг пулидан ўттиз фоизини менга берар-
сан. Бу бир кунда эллик-олтмиш минг сўм пул чўнтағимда дегани эди.

Дарҳол ишга киришиб, ўзимни кўрсатдим. Топган пулим уй ижарасига, ўғлимга, ейиш-ичишумга bemalol etardи.

Эркин, озод ва баҳтли эдим. Ҳеч ким асабимни бузмасди. Тергамасди, пулни тежашимни талаб қилмасди. Интернетда ҳам балиқдек сувардим. Бирор ғиринг демасди. Таниш-билишларим ҳам кўп. Тошкентга келганимдан кейин янайам дўстларим кўпайди. Бекорга одамлар дўстинг кўп бўлсин, демаскан. Бири у деркан, буниси бу деркан, хуллас, дардингизга малҳам бўлиб, ёрдамини аямаскан. Шундай кунларнинг бирида бир Шавқиддин деган йигит билан танишиб қолдим. 2013 йилнинг апрель ойларида эди. Бошида унга унча эътибор бермай, жавоб ёзмай юрдим. Чунки аввал айтганимдек эркак кишини кўргани кўзим йўқ, эр менга умуман керак эмас! Ўзи эримдан қутуолмай юрибман-ку! У эса гоҳи-гоҳида чиройли сўзлар ёзиб қолдиради.

“Мен аёлларни фариштага ўхшатаман”, дерди. “Аёллар — мўътабар, кафта жойлаш лозим”, деб ёзарди. Кейин менга “Ангель мой”, дея му рожаат қиладиган бўлди. Русча ёзишардик-да! Очифини айтсам, унинг ўзбеклигини севги изҳор қилганидан кейин билдим. Русча ёза-ёза, кутилмаганда ўзбек тилида: “Фариштам, мен сизни севаман. Ҳар он, ҳар лаҳза ёнимда бўлишингизни истайман!” деса қотиб қолибман. Очифи, гаплари, суратлари мени мафтун қилиб қўйгани учун ўзбеклигидан қувондим ҳам. Тағин ўзимизнинг Андижондан экан. “Бахт келса, қўша келади” деганлари рост экан. У менга нима деди денг: “Фариштам, ёнимда бўл! Икки йил шу ерда, Екатеренбургда ишлаймиз, кейин эрингдан болаларингни олиб, Ўзбекистонга қайтамиз, бир умр ўз юртимизда яшаймиз. Икки йил ўзим ишлаб, яшшимиз учун етарли маблағ тўплай оламан, лекин энди сенсиз яшолмаяпман. Фақат сен билан гаплашсам дейман. Қўлим ишга бормай қолди. Яхшиси, ёнимга кел. Келаман, десанг бўлди, ўзим билет юбораман, кутиб оламан”, деди... Жинни бўлай, дедим. Кутмагандим.

У билан ҳар куни бир марта видеокўнгироқ орқали гаплашардим. Шавқи менга яшайдиган хонасини, ишхонасини, ҳамма-ҳаммасини, ҳатто дўстла-

рини ҳам видео орқали таништириди. Дўстлари ҳам “келин”, дерди мени.

Шавқиддин бошқаларга ўхшаб қора ишда ишламасди. Ўзимга ўхшаб замонавий йигит. Ўта замонавий бўлгани учун ҳам менга уйланмоқчи бўлди. Унинг учун дунёда муҳаббат мухим.

“Одам ўзи севган таомини ейиши, севганлари даврасида бўлиши ке рак”, дейди. Яна-чи? Болаларимнинг расмини ҳам олволди. Хонасида ги иш столининг устига қўйиб қўйибди. “Болаларимиз”, деб гапиради... Шундай эркакни севмай бўладими?

Шунинг учун уйдагиларга ҳам, эримга ҳам, қариндошларимга ҳам Россияга даволаниш учун кетяпман, дедим. Шавқи ҳақида айтсам, рухсат беришмасди. Эрим билан ажрашиб, ундан болаларимни олгунимча алдаб туришга мажбурман.

Аслида, Шавқи биринчи муҳаббатим деб қаттиқ ишонардим.

“Ҳаётимда биринчи марта ўттиз уч ёшимда севиб қолдим. Бу ёшликтаги ҳавас эмас. Айни ақлга тўлган вақтимдаги ҳақиқий муҳаббат...”, дердим ҳисларимни жиловлолмай.

Шу хаёлда сармаст бўлиб, 2013 йил, июль ойининг бошларида Намангандан Екатеренбург шаҳрига учдим. Мени Шавқиддиннинг ўзи кутиб олди.

Бир ёш кичик эди, мендан. Ер ютгур, шунчалик келишган, шунчалик кўркам эдики, аслида йўлдаёқ ўзимни унинг бағрига отишга тайёр бўлиб борган бўлсам-да, кўрган заҳотим чиройи мени шоширди. Ҳатто, юрагимда шубҳа илон каби ўрмалай бошлади: “Мендан айниб қолса-чи? Унга мос эмасман, шекилли...” Бўйи ҳам мен ўйлагандан кўра баландроқ экан. Ҳар қандай қизни ақлидан оздира оларди у. Кўриб, муҳаббатим яна ўн чандон ошгандек бўлди.

— Фариштам! Гўзалим! Намунча нозик бўлмасанг... — юзма-юз туриб, илк айтган гаплари шу бўлди унинг.

Аммо мени на қучди, на қўлини чўзди. Довдираб қолдим. “Унга ёқмадим”, деган ўй миямдан яшин тезлигида ўтди. Кўнглим чўкишга ҳам улгурди.

— Кўзларимга ишонмаяпман! Келганингга ишонмаяпман! — деди у жамадонимнинг тутқичини қўлимдан оларкан.

Сўнг сал нарида турган йигитга имлади. Бўйи Шавқиддиндан сал паст-

РОК, қорамағыз, силлик соchlари қошларини ёпган бўлса-да, ўткир ни-
ҒОҲЛАРИГА соя сололмаган, юришими, гавдасими тансоқчиларни эслатиб
ЮБОРУВЧИ бу йигит ҳам ўзига яраша ҳуснга эга эди. У яқин келгач, менга
БОШ ирғади. Мен эса салом бердим.

— Малоҳат, сиз Арслон билан кетасиз! Менинг озроқ ишим бор эди,
БИТИРИБ, бораман.

Шавқиддин шундай деди-ю, кўзларимга тикилди ва қалин, тик кип-
РИКЛАРИНИ қоқиб хайрлашган бўлди. Менинг юрагим эса орқага тортди.
Арслон ўртоғининг исми эканлигини билсам-да, ростмана шер билан ке-
твётгандек танимни қўрқув эгаллади.

Аэропортдан чиққач, дўсти иккимизни таксига миндирган Шавқиддин
ОРТИМИЗДАН қўл силкиб қолди. Анча юрдик. Юрагимга ҳадик ва хавотир
ин қурган. Пермъ шаҳрини энди кўриб турган бўлсам-да, баланд бинола-
ри, қизғиши фишти иморатлари, озода ва серқатнов кўчаларига ҳиссиз ва
вътиборсиз боқиб борарадим. Эҳтимол, қалбимда “Шавқиддинга ёқдим”,
деган зиғирча ишонч бўлганида бу шаҳарни завқ билан томоша қилган,
сизга сўзлаб бериш учун ажралиб турувчи жиҳатларини эслаб қолган
БЎЛАРМИДИМ? Афсуски, мен ўзим билан ўзим овора, муҳаббатимни қўл-
дан чиқардим, деган гумон кўзларим ва қулоқларимга парда тортганди.

Ниҳоят Шавқиддин банд қилган ижара уйга келдик. У ерда бизга бўйи
ва соchlари узун, ўта озғин, қисиқ кўзлари қандайдир жодули Қиз пешвоз
чиқди. Қиз менга бошдан оёқ разм соларкан, бор нафратини чеҳрасига
жам қилгандек, юзини буришириб нари кетди.

“Бу қизга нима учун ёқмадим?” — ҳайрон бўлдим ичимда.

Ижара уй бир хонали бўлиб, у қадар сержиҳоз ва файзли эмасди. Ки-
чик стол устида оддий, пультсиз бошқариладиган телевизор, унинг ёни-
да диван, полга эса униқан палос тўшалганди.

— Шавқи негэ келмэды?¹ — деди қиз йигитга қараб.

— Жана кутваладиғани бар², — жавоб берди Арслон.

¹ Шавқи нега келмади? (кирг.)

² Яна кутиб оладигани бор... (кирг.)

Шунда мен уларнинг қирғиз миллатига мансублигини билдим.

Арслоннинг жавоби дилимдаги шубҳани яна-да, кучайтири: “Кимни қутиб олади? Яна бошқалар билан ҳам ёзишганмиカン? Наҳот, мени алдаган бўлса?”

Келганимга пушаймон бўла бошладим. Тағин, манов қиз худди мен унинг эрини тортиб олгандек, жерккани-жерккан. Бунинг устига, Арслон хайрни насия қилиб, индамай жўнаворди. Ўзимни жуда кераксиз ҳис қилдим. Аламдан хонада турган диванга безларча ўзимни таппа ташлаб, ухлашга уриндим. Бунақа пайтда кўзга уйқу келармиди? Кеч тушиб, түн кирди ҳамки, Шавқиддиндан дарак бўлмади. Хўрлигим келиб, у ёқقا ағнадим, бу ёқقا ағнадим. Охири ухлаб қолибман.

— Ўв-в, тур! — деди ҳалиги қиз эрталаб илтифотсиз. Кейин русча гапира кетди: — Оdevайся, тебя заберут!¹

Қўрқувим янада кучайди. Келганимча айрим дўстларимнинг “Интернетдаги муҳаббатга ишонманг, алдаб чақириб, қул қилиб сотиб юборишади”, деган гаплари ёдимга тушиб, йиғлаб юборай дедим.

— Ни куда не пойду! Когда Шавқиддин придёт, потом пойду!² — дедим алам билан.

— Что, у тебя крыша поехала?³ Шавқиддинди жаниға бармай, гўрга барасинба?⁴ — русча, қирғизча аралаш деди қиз.

Яна Арслон билан йўлга тушдик. У мени олиб кетгани атай келибди. Ўзимни ўлжадек ҳис қилаётганим учун яна кўзларимга ҳеч нарса кўринмади. Қаерга боряпмиз, қандай боряпмиз, буларнинг менга қизиги йўқ эди. Етиб борганимизда қалин дараҳтзор ичидан жойлашган, қутичадек-кина иморатга келганимизни кўрдим.

—Добро пожаловать!⁵ — бизни такаллуф билан бир рус эр хотин кутиб олди.

¹ Кийин, сени олиб кетишаркан! (рус.)

² Ҳеч қаерга бормайман! Шавқиддин келса, кейин бораман! (рус.)

³ Томинг кетганими, сенинг? (рус.)

⁴ Шавқиддиннинг ёнига бормай, гўрга борасанми? (кирг.)

⁵ Хуш келибсиз! (рус.)

— Яхши келдиларингми? — улардан кейин яна битта ўрта бўйли, соқол қўйган, қош-кўзи қоп-қора йигит ҳам югуриб келди.

Учаласининг қуршовида уйга кирдик. Менинг кўзларим Шавқиддин-ни изларди.

Афсус, уни бу ерда ҳам кўрмадим. Йиғлаб юборай деб турганимда, аёл эрига юзланди:

— Что вы будете пить?¹

— По позже... с первого начнём...² — деди эркак ўнг қўлини сермаб.

Бу гапдан сўнг аёл ҳам, ҳалиги соқолли йигит ҳам, Арслон ҳам мендан сал орқароққа ўтируди. Эшикдан эса кутилмаганда бошига дўппи кийган Шавқиддин кириб келди ва ёнгинамдан жой олди. Аввалига ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин Шавқиддин иккаламизга никоҳ ўқилаётганини билиб, ғалати ҳислар ичида қолдим. Яна никоҳни исми Абдурауф бўлган рус кишиси ўқиса, жуда қизиқ туюларкан.

Мен гуноҳлар ҳақида ўйладиган аҳволда эмасдим. Ҳали биринчи эримдан ажрашмай туриб, иккинчисига никоҳланаётганим ҳам таажжубга солмасди. Ҳурсанд бўлишимни ҳам, хафа бўлишимни ҳам билмасдим. Никоҳдан сўнг бизни тўкин-сочин дастурхон атрофида қутлашди. Ўттиз уч ёшимда никоҳ билан боғлиқ табриклар қабул қилаётганим учун хижолатдан бошимни кўтара олмай қолдим. Лекин Шавқиддиннинг мендан кўз узолмаётганини сезиб турардим. Номига тамадди қилгач, у ўй эгаларидан кетишга рухсат сўради. Биз биргаликда катта кўчага чиқдик ва такси ушладик. Машинага ўтирганимиз заҳоти у елкамдан қўлини ошириб, қучди. Бошини бошимга қўйиб, шивирлади:

— Наҳот, меникисан? Қанчалар кутдим, сени...

Овозидаги ҳаяжон ва ундан тараалаётган ёқимли атир ҳиди бор шубҳа-хавотир ва кўнгилхираликларимни танимдан қувиб чиқарди. Ўзим билмаган ҳолда пинжига суқилдим ва ноз билан дедим:

¹ Нима ичасизлар? (рус.)

² Кейин... аввал бошлайлик...(рус.)

— Бекор айтибсиз? Күтган одам, аэропортнинг ўзидаёқ ташлаб кетиб қолмайди!

— Сени кўрдим-у, никоҳгача ҳиссиётларимни жиловлаб туришимга ишонолмадим. Ўйлаганимдан ўн чандон гўзал ва жозибали эдинг. Қанчалар севаман сени! — үнинг бақувват билаклари нозик вужудимни яна-да сикди.

Мен үнинг бўйнига бошимни тирадим-у, кўзларимни юмдим. Хаёлимда бир зумда ижара уйга етиб келгандек эдик. Кетаётганимда йўл жуда узоқ туюлмаганмиди? Кетишда қай аҳволда эдим-у, энди қандай ҳолатдаман? Ишонолмасдим, бахтимга, муҳаббатимга эришганимга ҳамон ишонгим келмасди.

Ижара уй эшигини яна ҳалиги қиз очди. Унинг кўзлари қизарган, бор нафрати юзига кўпчиб чиққандек бўзрайиб турарди.

— Мая, мы хотим остаться наедине!¹ — деди киришимиз билан Шавқиддин қизга.

— Знаю!² — жаҳлини яшириб ўтирамади Мая ҳам.

Мен эса Шавқиддин билан кечадиган онларни ўйлаб, беихтиёр энтиқдим...

Ишонасизми, ўша пайтлар эримни, фарзандларимни, оиласми худди тушимда кўргандек, энди уйғониб асл ҳаётимни кечираётгандек эдим. Шавқиддин билан ўтказаётган дамларим — ҳақиқий турмушим ва мен ўзимни ўн саккиз ёшли қиздек, янги келинде тутардим. Шавқиддин ҳам ҳисларига эрк берган, иш билан келган Арслоннинг, Маянинг ёнида ҳам мени бағридан қўйгиси келмасди. Уларнинг ҳадеб келавермаслигини ич-ичидан исташини билардим. Биз йиллар давомида айрилиқда бўлган, ҳижрон азобида яшаган, висолга ташна ошиқ-маъшуқлар каби чирмовуқдек чирмashiб, бир-биirimizni қўйиб юбормас эдик. Куну тунлар шу қадар тез ўтардики... Доим ёнимда бўлган Шавқиддинга қараб, келишим олдидан атай меҳнат таътилига чиққанмикан, деб қўярдим.

¹ Маша, биз ёлғиз қолмоқчимиз... (рус.)

² Биламан! (рус.)

Чүнки у кундузи ҳеч қаерга бормас, кечки пайт ора-сира ўртоқлари билан учрашишини айтмаса, фақат телефон орқали кимлар биландир гаплашарди, холос. Аслида унинг ишга бормаслигини жону таним билан ҳоҳлардим. Ҳар куни уйда бўладиган, аллакимлар билан ярим соатлаб нималарнидир ҳал қиласидиган суюкли эрим ниҳоят жума куни кундузи кўчага чиқадиган бўлди. Кийиниш олдидан яна телефонда суҳбатлашди.

— Йўқ, уйда қолдиролмайман! Кўча тўла одам, шуниси хавфсизроқ. Ҳа, чиққунимча кутиб туради, — деди у суҳбатдошига. Кейин хайрлашиб, менга юзланди: — Жоним, кийин, мен ишга кириб чиқаман, сен кутиб турасан, хўп.

Иккаламиз қўлтиқлашиб, кўчага чиқдик. Кўзим ёнимдаги йигитдан бошқасини кўрмасди. Унинг қаватида турсам, бўйим анча паст кўриниши боис пошнали туфли олиб келмаганимга афсусландим. Ёнида кўримсиз ва номуносиб бўлиб юришни истамасдим-да. Елкасига бошим етмаслиги сабаб бақувват билагига суюнганча борардим. Кўпюрмадик. Икки юзметрча қадам ташлагач, Шавқиддин тўхтади ва эгилгиси келмаётгандек, сочларимга лаб босди. Мен бошимни кўтариб унга қарадим. Нигоҳи атрофга олазарак боқаётгани сабаб унга қараганимни сезмай, бўрним устида лабларини жуфтлади. Кейин ўзининг қилиғидан кулиб юборди-да, кўзларимга тикилиб деди:

— Хаёлимда сени бўрилар қуршовида қолдираётгандекман. Йўлнинг нариги томонига ўтишим керак. Сени ташлаб кетгим келмаяпти.

— Қанақа бўрилар? — ажабландим.

— Атрофдаги одамлар менга бўри бўлиб кўриняпти-да. Айниқса, эркаклардан қизғаняпман... — жилмайди у ва шошиб деди: — Бўпти, кутиб тур. Дарров чиқаман.

У кириб кетган бинога қараб анграйиб қолдим. Нима бу? Масжидми? Тавба, бу давлатда масжид бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Умуман, мен масжидлар фақат мусулмон давлатларда бўлади, деб ўйларканман. Шунданми, ҳамон қаршимдаги баланд минорали, ялтироқ гумбазли иншоотни масжид деб билмаётгандим. Бошқа не деб аташга ҳам ожизман. Шу сабабдан Шавқиддиннинг “ишхона”-

си менга сирли ва ғаройиб күринди. Тұғилаётган түрли саволлар ми-
ямда қалдирғочдек чарх урады. Уни қирқ дақиқача күтдім. Лекин
хаёлимда қирқ асп үтгандек тоқатсизландым. Бұлмаса, атроф гавжум,
чиройли, томошабоп. Менинг эса үй-хұшим Шавқиддинда. Ниҳоят, у
чиқди. Тирбанд, сершовқын құчани кесиб, ёнимга келгунча үндан күз
узмадим. Юраётган машиналар орасидан шамол мисол үтиб, рўпа-
рамда тұхтади ва қўлтиғимдан олиш асносида юзларимдан бўса
олишга улгурди:

— Соғиндим... Кетдик, уйга...

Икки пайванд дил яна ижара үй томон ошиқдик. Мен унинг ишхона-
си ҳақидаги миямда туғилған саволларни үша ерда тушириб қолдирған-
дек, унұтдим. Ҳеч нарса сўрамадим. Хонага киргач, у мулойимлик билан
деди:

— Малоҳат, исмингни ким қўйған бўлса ҳам топиб қўйған-да...

Кейин ёнимга үтириб, пешанамга түшган кокилларимни силаб, қу-
лоғим орқасига ўтказди. Қошларимга оҳиста бармоқ теккизди. Мен
унинг кўзларидан кўзимни ололмасдим.

— Жуда гўзалсан... Аммо... бу гўзалликни бунақа ошкора кўрсатиб
юрсанг, менинг мана бу ерим күйиб адo бўлади, — кўксига муштини
теккизди у. — Бошингга рўмол ўраб, юзингга ниқоб тутиб юришингни
истайман. Билсанг, динимиизда ҳам аёллар ўраниб юришга буюрилган.
Юзини бегоналар кўриши керакмас.

О, үша ондаги юрагимнинг бежо уришини таърифлаб беришга сўз
топа олсам эди. Қаршисидан ваҳшый шер чиқиб қолған оқиз кимсаннинг
юраги шунақа чиққудек урса керак. Иложсиз, дор олдида турған ўлимга
маҳкум кишининг оёғидан мадор шунақа сирғалиб чиқса керак...

Мен худди ўлжа каби ҳис қилдим, ўзимни. Шавқиддин эса ҳамла
олидан сичқонни туртиб ўйнаб, кўнгилхұшлиқ қилаётган мушукдек
“ўйин” қилмоқда эди.

— Фариштам, менинг “ишим”да сафарлар кўп бўлади, — унинг кўз-
лари ҳам, бармоқлари ҳам соchlаримда эди. — Турли давлатларда бўла-
миз. Ҳар хил одамлар бор. Майли, бу ерда рўмолнинг ўзини ўрасанг

бүләди. Лекин... яқында Туркияга учамиз. Ўша ерга борганингда ниқоб ҳам тутиб олсанг бўлгани. Тушун, рашқдан ўлиб қолишим мумкин.

— Сиз... сиз... ҳалиги... бошқа оқимлар... — миямда айланадётган фикрларни жамлаб, савол тузишга, уни тилимга чиқаришга ҳам журъат қилолмаётгандим.

— Қанақа оқим, жоним? — кинояли илжайди у. — Мен асл ислом, ҳақ дин тарафдориман. Мен танлаган йўл — ҳақ йўл!

Бу гап менга шунчалар совуқ туюлдики, ичимда қалтироқ турди.

“Қанақа ҳақ йўл? Ахир у ўта замонавий йигит эмасми? Нега бирдан дин, рўмол ҳақида гапирияпти? Туркияда нима қиласми?”

Ўзимга келиб, ақлимни йиғиб олгунимча Шавқиддин мени оғушига олди. У эҳтирос билан қулоғимга шивирларди:

— Масжидда вақт тўхтаб қолгандек бўлди. Хаёлимда, сени кўчада кимдир олиб кетиб қолди-ю, мен ғафлатда қолгандек хотиржам ўтиромадим. Жума намозини ҳам паришон ўқиганим, кейинги сухбатларда ҳам хаёлим бир жойда бўлмагани атрофдагиларга сезилди. Бошлиғимиз ҳам “куёв бола, умрингизда илк бор аёл зотига қўл теккизган бўз йигитдек осмону фалакда юрибсиз, ҳали завжаларингиз сони тўрттага етса, ердан изингизни қидирамиз, чоғи?” дея калака қилди...

Ҳар қандай аёл зотини кундош балоси сергак торттиради. Бу гаплардан сўнг мен ҳам юзига муздек сув сепилган одамдек бўлдим.

Демак, у ҳали яна учта хотин олади. Уларни ҳам мен каби турли жойлардан, “севиб қолдим, сенсиз яшолмаяпман”, деб чақирадими?

Оний лаҳзаларда ушбу турмушим ниҳоятда қалтис, нозик ва шиша-дек мўртлигини англадим. Ногоҳ бу шиша ҳаётим чил-чил синди-ю, чин ҳаётим — оилас, эрим, фарзандларим, ота-онам, яқинларим кўз ўнгимда жонланди. Чуқур уйқудан уйғонган киши каби лоҳас ҳолда ўзимни саволга тута бошладим: “Болаларингни ташлаб, бу ерда нима қилиб юрибсан? Кундошларинг билан эр талашиш учун бу ерга келдингми?”

Ўша куни биринчи марта қалбимни надомат оралади. Биринчи бор, нима ўйлаётганимни, нима қилаётганимни, умуман, кимлигимни билмайдиган телба ҳолига тушдим...

Шавқиддиннинг фақат гап-сўзи эмас, ўзи ҳам ўзгариб қолгандек туюла бошлади менга. Энди у кечқурунлари тез-тез чиқиб кетиб, ярим тунда келар, аллақандай ҳадик ичида юргандек эди. Ҳар гапида дин, мусулмоннинг фарзлари ҳақида менга сабоқ беришга уринарди. Лекин унинг илми мени ўзига тортмас, нимаси биландир чўчитарди ҳам. Ҳаёлимда у тамаддундан юз ўгириб, ортга — ибтидога, ёввойи давр сари одимлаётганга, мени ҳам етаклаётганга ўхшарди. Ҳатто соқолини ҳам олмай қўйди. Унинг ҳақиқий башараси, нияти очила бошлаётгани сари кўзимга гап уқмас, йирик маҳлуқдек туюлар, мен эса заифлашиб, кичрайиб бораётгандек эдим. Мен унинг ғайриоддий ишлар билан шуғулланиши аввалдан бормиди ё ўша масжидга кириб чиқсан кундан бошландимиш, шуни билолмай хуноб бўлардим.

Кейинги жума яъни, 19 июль куни ҳам у яна мени кўчада қолдириб, масжидга кирди. У ердан чиқиб, икки кўча наридаги бир уйга борди. Назаримда, у ердан янада нодонлашиб, ғаданг бўлиб чиққандек эди. Ижара уйга кела-келгунча Туркияга кетишимиз зарурлиги ҳақида гапирди. Мен қалбимда қўрқув, ваҳима бош кўтарган ҳолда келганим учун таним бўшашиб, ўзимни диванга ташладим. Бўлмади, дилимга тоборағулғула солаётган саволларга жавобни ундан сўрашга охири киришдим:

— Шавқи, Туркияда нима қиласиз?

— Туркияда кўп бўлмаймиз, — у менга пича тикилиб турди-да, ёнимга келиб ўтирди. Кейин хотиржамлик билан сўзлай бошлади: — Биласанми, ҳар бир одам умри давомида жиҳод қилиши лозим. Биз Туркия орқали жиҳод қилгани Сурияга ўтамиш. Шунинг учун Туркияга борамиз, дегандим. Мусулмон киши ўз “биродар”ларига ёрдам бериши, шу ниятда ҳижрат қилиши ўта савобли иш.

Қулоқларимга ишонмадим. Унинг сўзлари сал аввал юртимизда шовшув бўлган “Алданган аёл” фильмини ёдимга солди: “Ҳар бир одам умри давомида жиҳод қилиши лозим”. Бу кинодан шунчалар таъсиранлангандимки, фильм қаҳрамонини аҳмоққа чиқаргандим.

“Қайси калла билан тинч юртини, гулдек фарзандларини, эрини, оиласини ташлаб кетиш мумкин?” дегандим.

Айни дамда үндан — ўша фильм қаҳрамонидан зиғирча фарқим йўқ
эди.

“Наҳот, унинг ҳолига тушдим? Йўқ, мен жимгина бош эгиб кетавер-
майман...”

— Мен ҳеч қаерга бормайман! Болаларимни ташлаб, итим адашма-
ган юртларда хору зорлиқда ўлмоқчи эмасман! — дедим ўзимни тута
олмай.

— Бормайсан? Хору зорлиқда ўлмоқчи эмассан! — сохта таажжуб
билин деди Шавқиддин. — Билсанг, унақа ўлимни шаҳидлик дейдилар!
Шаҳидлик мусулмонман деган инсонга орзу! Ити адашмаганмиш... Эр
қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлади! Кетасан!

— Нега мени алдадингиз? Менга нима дегандингиз? Мен Ўзбекис-
тонга қайтаман! Болаларимнинг ёнига бораман!

— Нима деб алдабман, сени? “Севаман, кел,” дедим! Севишимга
шубҳанг борми?

— Озроқ ишлаб, кейин юртимизга қайтмоқчи, болаларимни эримдан
олмоқчи эдик...

— Ҳалиям, шу! Сурияга шунчаки бораётганимиз йўқ. Катта пул бері-
шади. Беш минг доллар — боришингнинг ўзига! Кейин икки минг дол-
лардан ҳар ой оламиз! Ҳар бир жанг — 150-200 доллар! Савобини айт-
майсанми, савобини!

— Сиз бунақа эмасдингиз. Икки ҳафтадан буён дўстларингиз миянгиз-
га шуни қўйишяптими? Кўзингизни очинг. У ёқقا боргандарни ўлдириб
юборишади, — кинода кўрганларимни айтиб бермоқчи бўлдим. Аммо
Шавқиддин бунга йўл қўймади. Бир оғиз айтган гапи билан юрагимдаги
кеч кузнинг сўнгги япроғи каби илиниб турган ишончимни ҳам юлқилаб
отди.

— Мен асли шу йўлни танлаб келганман, бу ерга. Сени ҳам шу ниятда,
бутун ҳаётимда, жаннатда ҳам бирга бўлиш учун чақирдим.

— Нега алдадингиз? Нега аввал бошданоқ менга шуни айтмадингиз?

— Унда келмасдинг-да!

Буткул даҳшат ичидан қолдим.

“Наҳот энди у билан қаерларгадир кетаман? Наҳот мени ҳам худди кинолардаги каби...”

Үйлаганим сари ўзимни жарликка қулаётган одамдек ҳис қилардим. Уч болам, мүмин-қобилгина эрим, онажоним барча-барчаси кўз олдимдан ўтиб, йиғлаб юбордим.

— Кўз ёшинг билан мени эритолмайсан! Арслон, Мая, мен, сен йигирма кун ичида кетамиз. Бошқа гап йўқ! Ҳаммаси ҳал бўлган! — деди у.

Мен унга ялина бошладим. Нақ уч кунлик ёлворишларим унга зифирча таъсир қилмади. Қайтанга менга ўз вазифаларим, эрим олдидаги бурчларим, унинг савоблари ҳақида гапирди. Оқибатда шуни англадимки, уни тўғри йўл билан қайтара олмайман, ўзим ҳам измидан чиқолмайман. Иложисизликдан худди ўзи каби алдов йўлига ўтдим. Гўёки, тақдирга тан берган киши каби хомуш тортдим. Кейин худди йиллар давомида қалбида сақлаб юрган энг нозик сирини айтаётган киши қиёфасига кириб, унинг қиртишланмагани сабаб, янада оппоқ кўриниб қолган юзларига термилдим. Оҳиста қўл теккизиб силарканман, кўнглим бузилган-дек юзимни бурдим.

— Тинчликми? — қилиғимдан ҳайрон бўлди у.

— Юрагим ёняпти, — дедим гўё ўзимни йиғидан тийиб тургандек бурнимни тортиб оларканман. — Икки ўт орасида қовриляпман. Нима қилай, Шавқи? Сизсиз ҳам яшолмайман. Қизим... Биттагина қизим бор. Икки ўғлим майли, бир-бирига тиргак бўлиб овуниб юраверади. Лекин қизимни ўйлаб қон бўляпман. Қандай ташлаб кетаман уни? Эсиз, келаётганимда бирга олиб келмаган эканман. Шунда хотиржам сиз билан бирга кетаверардим. Ишонасизми, қўлимда бир сўм пулим бўлмаса-да, қочиш ҳақида ўйладим. Лекин сизни ташлаб кетолмадим. Ўзимни Сурияга боришга кўндиридим, аммо қизим кўз олдимдан кетмай, юрагим ёняпти...

Ҳар қандай дилни ўртайдиган даражада “үф” тортиб, унинг кўксига бosh қўйдим. Ростдан ҳам қизим кўзимга кўринди.

“Қай аҳволда юрган экан? Ахир қиз боланинг суюнчи онаси бўла-ди-ку! Мен унга суюнч бўлолдимми? Бошидаёқ уни ташлаб Тошкентга

келиб қўйдим-ку! Болам бечора қай ҳолга тушган экан, ўшандада? Мурғак, муштипар қизалоғимни ўйламаганим учун Худо мени жазоламоқда..."

Күтилмаганда ўпкам тўлиб йиғлай бошладим. Ўқсиб-ўқсиб йиғладим. Бор аламларим, дардларим чиқаётгандек йиги танимга роҳат берадиганди.

— Бўлди қил, йиғлама... — Шавқиддин ҳам ғалати ҳолга тушиб қолганди.

Шафқат билан боқишига қараб, менга ишона бошлаганини пайқадим ва бўйнидан қучиб дедим:

— Нима қилай, Шавқи? Сиздан ҳам кечолмайман! Қизимдан воз кечиш ундан ҳам оғир! Онаман, ахир. Сизни шу қадар севдимки, бор-будимдан кечиб келдим. Чунки сизнинг болаларимдан айирмаслигин-гизга ишонардим. Кўриб турибман, сизам мажбурсиз. Менинг ҳам сиз билан кетишум тайин. Кетсак, қайтиб келмаслигимиз ҳам аниқ! Илтимос, Шавқи, майли, сиз учун икки ўғлимдан кечаман, лекин қизим... Ундан айирманг, мени! Уйдагилар мени даволангани кетган деб ўйлади. Уларни алдайман. "Ҳали яна даволанишим лозим экан, қизимни соғин-дим", дея бу ёққа юборишларига кўндираман. Ҳеч қурса, Москвага боришимга рухсат беринг. У ерда қариндошларим, танишларим бор. Улар орқали эrimдан қизимни жўнаттираман. Илтимос, қизимни олиб келишимга хўп, денг!

Шавқиддин кўзларимга тикилиб қолди. Кўз ёшларимни артиб, юзимга лаб босди. Кейин қаттиқ қучди:

— Сени қийнаб қўйдим-а? Менинг ҳам ширин қизалоғим бор. Эсимга тушса, кўргим келиб кетади. Майли, ўн беш кун рухсат, сенга. Ўн беш кун! Чунки шунча кундан сўнг кетамиз, ўшангача улгур!

Қувончдан қичқириб юборай дедим. Дарҳол тайёргарлик кўришга киришдим. Нарсаларимни йиғяпман-у, кетишум мумкинлигига ишонмайман.

"Тавба, Шавқиддиндан кетяпман-а? Уни деб келгандим. Агар у тўғри йўлда бўлса, яшаб юраверармидим? Ўзи у бу йўлга қачон кирди экан? Екатеринбургга қачон келган ўзи?"

Буни қарангки, Шавқиддин ҳақида ҳеч нарса билмаслигимни англадим. Оиласи ҳақида сұраганимда “үйланғанман, аммо бирга яшамаймиз!” деганини биламан. Лекин қизалоғи борлигини энди эшиздим. Аммо буни суриширадиган ақволда эмасдим.

Шавқиддин дархол мени Москвага жүнатиш чораларини күра бошлади. Арслонга құнғироқ қилиб, поездга чипта олишни тайинлади. Маяга мен қайтгунимча шу ерда бўлиб туришини айтди. Унинг кўп бора кимларгадир буйруқ берганини эшигтанман. Лекин бошқаларга қараганда мавқеи анча баландлигини энди ўйлаб кўраётгандим. Балки шунинг учун ҳам Сурияга кетишга мажбурдир? Наҳот Арслон ва Мая индамай кетаётган бўлса?!

— Арслон ва Мая ҳам биздек топишганми? — беихтиёр саволга тутдим Шавқиддинни.

— Йўқ. Маяни мен топганман! Ёмон қиз чиқмади!

— Тили заҳар! — дедим бирор марта менга яхши муюмалада бўлмаганини эслаб. — Манман!

Шавқиддин мийиғида кулди. Сўнг менга яқин келиб, белимдан қучди-да, деди:

— Сенинг бу қадар хушрўйлигингни билмаган-да!

— Унга нима? Кундошимидим? — дедим феълига тушунолмаганини англатиб.

Шавқиддин эса қаҳ-қаҳ отди. Уни нима бу қадар кулдирганини фаҳмлай олмадим.

Ярим соат ўтар-ўтмас, Мая етиб келди. Келганимдан буён унинг чеҳраси очиқлигини энди кўришим эди. Бошида рўмол ҳам пайдо бўлибди. Жуда ярашган ҳам деёлмайман-у, ҳар қалай қиёфасида жиддий ўзгариш бўлгани сезилган. Аввалгидек заҳарханда қарашлари ҳам йўқ. Ҳатто у менга қўл бериб кўришди, ҳол ҳам сўради:

— Как ты? Что-то, ты решила уехать? Которого, ты “заманила” приедет в Москву, или...¹

¹ Қалайсан? Нечук кетадиган бўлдинг? “Илпинтирганинг” Москвага қеларканми, ё... (рус.)

У шундай дея Шавқиддин билан ҳам кўришди. Мен қизнинг кинояси-ни тушунмаганим учун елка қисиб Шавқиддинга қарадим. Шавқиддин бўлса иккаламизни ҳам назар-писанд қилмагандек жимгина, зимдан қараб турарди. Мая ўз үйида юргандек, бемалол ошхона томонга ўтди-да, тақир-түқур қила бошлади. Мен юрагим тошиб, севинганимдан лаб-лунжимни йиғиштиrolмасдим. Ҳамма нарсам тайёр, поездга билет олинса, жўнайман, ахир. Шухаёлда телевизорни ёқдим-у, диванга чўқдим. Бироздан сўнг қўлида бир финжон қаҳва билан ошхонадан Мая чиқиб келди. Дераза ёнида турган Шавқиддинга нозланиб қарагандек бўлди. Эримнинг нигоҳида ҳам үнга нисбатан сүқ борлигини пайқадим.

“Наҳот мен кетганимдан сўнг иккаласи... Йўғ-э, ахир Мая Арслон билан-ку! Менга нима? Шу билан уларни бошқа кўрмайман-ку!”

Ўзимча шундай деганим билан барибир ичимни нимадир кўйдиргандек бўлди. Мен Шавқиддинни рашк қилаётгандим. Ҳамон иккаласи-нинг бир-бирига зимдан қараб қўяётганини кўриб, баттар оташ бўлдим.

— Рўмолинг ярашибди, — менинг гумонли нигоҳимни пайқадими, Шавқиддин ўзининг қарашини оқламоқчи бўлгандек деди.

Мая эса хўдди янги кийим кийиб мақтов эшитган қизалоқдек, боши-ни эгиб, қизаринди.

— Айтганча, Майра, айтган одаминг келдими? — Шавқиддин жиддийлашиб, иш юзасидан гаплаша бошлади.

Мая жавоб ўрнига бошини ирғади.

— Маянинг исми Майрами? — дедим ҳайрат билан.

— Ҳа, Майра! Рўмол ўрагани учун Мая деёлмадим. Энди уни Мая де-ийиш ножоиз, — деди Шавқиддин кулиб.

Майра унинг эътибориданми ё киши илғамас хушомадиданми, илжа-ийиб қўйди. Менинг назаримда ҳам бу қиз буткул ўзгаргандек эди. Одобли, мулоим, карашмали бўлиб қолгандекми-ей!

— Қани, сизлерди бир суретге ап қўяй! — деди у ҳайратга солиб.

Мен Шавқиддинга яқинлашдим. У эса елкамдан қўл оширди. Кўксига бosh қўйганча, жилмайдим.

— Зўр! — деди Мая расмга олиб бўлгач.

Бехос жиринглаган телефон барчамизни сергак торттирди. Шавқиддин Арслон билан гаплашди. Поездга чипта олинганини эшитиб, ўзимни құярга жой тополмай қолдим.

28 июль куни мени Пермь-Москва поездига Шавқиддиннинг ўзи чиқарип қўйди. У тинмай бир гапни такрорларди:

— Икки ҳафта вақтинг бор. Боргандан қариндошларинг билан гаплаш! Эрингга қўнғироқ қилишсин! Қизинг келганидан сўнг ўзим сизларни Москвадан олиб қайтаман!

— Хўп, хўп! — дердим унга тўхтовсиз мен ҳам. Лекин ичимда “ўзим биламан, нима қилишни”, деб ҳам қўярдим.

Эсон-омон Москвага етиб келдим. Қувонч ва ҳаяжондан юрагим кўксимни ёргудек уради. Кела-келгунча шу ерда ишлайдиган қариндошим ва танишларимга хабар берганим туфайли кенг ҳамда кўркам вокзалда ғимирлаётган одамларга аланглаб ҳам қўярдим.

Анча йилдан буён бу ерда ишлаб юрган қариндошим кўп куттирмади. Дарҳол эргаштириб, ижара уйига олиб келди. Унинг ва танишларимнинг кўмагида икки кунда ишга жойлашдим. Ўзбекистонга қайтиш учун пул топиш имзанинга келди. Шубҳага қўймаслик учун қариндошимиздан ҳам қарз сўрашни лозим топмадим. Қолаверса, Москва – катта шаҳар. Минг излагани билан ҳам Шавқиддин энди мени тополмайди. Фалон сўм қарз бўлиб кетгандан кўра, пича ишлаб, совға-салом билан борсам, уйдагилар ростдан ҳам даволаниб, дам олиб келибди деб ўйлашади.

Мана шу режа билан бемалол ишлай бошладим. Телефон ва интернет орқали Шавқиддин билан гаплашиб ҳам турардим. У ҳар гапида қизимни сўрап, тезроқ Пермга қайтишимни ўқтиради.

— Эрим ҳар хил баҳона қиласпти. Қизимни жўнатмоқчи эмас. Мен эса қизимни ташлаб ҳеч қаёққа кетолмайман. Илтимос, ўзингиз кетаверинг, — дедим охири режа қилганимдек ўзимни йиғлаётгандек кўрсатиб.

У бир сўз демай алоқани узди. “Тақдирга тан берди, шекилли”, дея хурсанд бўлдим. Ишимни қилишда давом этдим. Аммо ярим соат ўтар-ўтмас Шавқиддин яна телефон қилди:

— Мен ёнингга бораман. Соғиниб кетдим. Ўн кун бўляпти, айро яша-

Станицизга. “Южный вокзал” метро бекатида әртага мени күтиб ол, — деди у мулойимлик билан.

Жоним ҳалқумимга келгандек бўлди. Хаёлимда нозикфаҳм Шавқиддин ҳамма режаларимдан хабардор-у, менинг ўзимни чув тушираётгандек эди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Кечаси билан кўзимга уйқу ҳам келмади. Эртасига қариндошимизга “шифокорим билан учрашиб келаман”, дедим-у Шавқиддинни күтиб олгани метрода тушдим.

Мен сўзга чечан эмасман. Лекин Шавқиддинни таърифлаб бергим келяпти. У... нима десам экан? Нимага қиёслашни билмаяпман. У ширин оғуга ўхшайди. Йўқ, ичи чириган, лекин таши силлиқ қип-қизил олма! Ёки уни қимматбаҳо ва ҳашамдор кўринишда ишланган сохта тақинчоққа ҳам менгзаш мумкин. Кўзингиз тушиши билан ром қиласи-ю, бироз фурсат ўтгач, унинг ҳеч нарсага арзимаслигини биласиз. Афсуски, ҳар кўрганингизда кўзингизни оловчи жозибаси ичингизни кўйдираверади. Мен метро поездидан тушган Шавқиддини кўрганимда худди шу ҳолга тушдим. Дилемдаги тизгинсиз ҳислар тағин бош кўтаргандек бўлди. Устига-устак, у ўсиқ соқолини тартибга соглан ва аллақайси машҳур кинофильмлардаги хушсурат йигитлар кўринишини олганди. Кела солиб, елкамдан қучди, эгилиб, соchlаримни ҳидлаш асносида “соғиндим”, деб шивирлади. Бўларнинг барчаси бир лаҳзага қалбимдаги ҳадик ва қўрқувни қувиб, ўрнини бебош ҳиссиётлар тўлдирди. Шунақа тутуруқсиз аёллигим сабаб шу кўйга тушгандирман, балки? Аммо ростдан ҳам Шавқиддин аёлларнинг бошини айлантиришга жуда уста. Ана шу иқтидори асиригига у билан меҳмонхонага борганимни сезмай қолдим. Биз дунёни, ташвишларни, ўзимизни ҳам унутиб, жунбишга келган ҳиссиётлар ихтиёрига ўзимизни топширдик...

Соғинчларимиз босилгандек бўлгач, Шавқиддин бағридан қўймай саволга тута бошлади:

- Шунча кун бу ерда нима қилдинг?
- Хуноб бўлиб ётдим. Эрим қизимни жўнатмоқчи эмас!
- Жўнатмаслиги аниқ эди. Кўнглинг жойига тушган бўлса, икки кундан сўнг Туркияга учамиз. Фурсат етди.

Мени яна ширин ҳислар тарк этиб, даҳшат исканжага олди. Сал аввал ишқи билан ёндириган йигит энди маҳлуқа айланаётгандек қўрқа бошладим.

— Сиз билан кетолмайман! Кетмайман! Тушунинг ахир! У ёқда нима қиласман? Болаларим, ота-онам, туғишганларим, Ватаним бўлмаган жойда нима қиласман?

— Мен борман! Мен билан борасан!

— Сиз ҳам борманг, илтимос! У ер биз учун бегона. У ерга бизни боғлайдиган ҳеч нарса йўқ!

— Фарзимиз бор!

Диндан илмим йўқлиги боис жим қолдим. Ниятимни тушунтира олмас, Шавқиддинни бу йўлдан қайтаришга ҳам ҳар томонлама ожизлик қилаётгандим. Тобора у кўзимга балодек кўринаётганди. Тинмай бирга кетишимни айтаверганидан у билан танишган кунимни ҳам лаънатлайдиган даражага бордим. Чорасизликдан яна айёрликка ўтдим. Вақтни чўзиш, унда кутишга фурсат қолдирмаслик учун икки кеча меҳмонхонада, унинг ёнида қолдим.

— Бугун Туркияга учишимиз керак. Сен билан тортишиб кун ўтганини ҳам сезмай қолдим, — деди у тонгда шошиб. — Бўл, кийин, кетдик. Ҳали чипта ҳам олмадим.

— Бугун сиз билан боролмайман. Нарсаларимни олай. Қариндошларимни бир нима деб алдай. Сиз кетаверинг, ортингиздан бораман!

— Яна ўйин қилма! Юр, кетдик, — деди у жаҳли чиқиб.

— Бораман! Бормайман, демаяпман-ку! Шу билан уйдагиларимни кўраманми, йўқми... — чиндан кўнглим бўшаб йиғлаб юбордим. — Қариндошларимга нимадир дей! Онам ном-нишонсиз кетди, деб куймасин! Болаларимга ҳам бирор баҳонамни етказсин... Сиз кетаверинг, бугун қариндошимизга ишонарли бирор баҳона айтай, орқангиздан етиб бораман.

Бир совиб, бир қайнаб турадиган, ўйноқи ва беқарор туйғуларим туфайли Шавқиддин муҳаббатимга ишонарди. Шунданми, ўйланиб қолди. Сўнг кимгадир қўнғироқ қилиб, Москвадан тўғри Туркияга учишнинг им-

кони бор-йўқлигини сўради. Суҳбатдоши анча вақт нималарни дир тушунтирди. Шавқиддин унинг сўзларини мъқуллаб тургач, охири хайрлашди.

— Кетдик, Москва-Киев, Киев-Истанбул қилиб чипта оларканман. Майли, сен қол. Лекин эртагаёқ етиб бор! Кетдик! Тезроқ бўлмасак, бошим балога қолади... — деди ў.

Биз дарҳол авиакассага йўл олдик. Икки соат ўтиб, мен Шавқиддинни Киевга кузатиб қўйдим. Киевга боргач, у ердан Туркияга учади, сўнг Сурияга кетади ва мен озодман!

Хурсандлигимдан, бошимга тушган оғир ва даҳшатли балодан қутулганимдан қийқириб юборай дедим.

“Наҳот, қутулдим? Бўлди, Шавқиддин шу билан Суриядан қайтолмайди. Мен эса... пул тўплашим билан уйга, болаларим ёнига қайтаман...”

Учиб-қўниб, ишхонамга бордим. Шифохонада ушланиб қолганимни рўкач қилиб, ишга шўнғидим. Тезда пул тўплашим ва дарҳол Ватанимга қайтишим лозим!

Мен зўр иштиёқ билан ишлар, ҳаётим бир маромда кечарди. Эҳтиёт юзасидан эртасигаёқ телефон рақамимни ўзгартирдим. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимга кирмай қўйдим. Хуллас, Шавқиддин билан кечган дамларимни ёмон туш каби унутишга тиришдим. Ўз турмушимга, осойишта, баҳтли оиласамга қайтиш илинжида эrim — Равшан ака билан боғландим. Аввалига эrim рўйхушлик бермади. Лекин мен ҳам бўш келмадим:

— Дадаси, узр. Уч болани сизга ташлаб қўйдим. Менам нима қилай? Сизга қулоқ солмай, Тошкентда, қишида ишлаб юравериб соғлигимни олдириб қўйган эканман. Бу сизни норози қилганимнинг жазоси бўлса керак. Дўхтирлар “яна ўн-ўн беш кун даволансангиз, кўрмагандек бўлиб кетасиз”, деяпти. Ҳадемай уйимизга қайтаман. Аввалгидек тинч яшаймиз. Сизнинг измингиздан чиқмайман!

Албатта бу гапларимга содда ва кўнгилчан эrim чиппа-чин ишонди. Дарҳол мендан ҳол сўраб кетди:

— Анча яхши бўлиб қолдингми, ўзи? Тетик сезяпсанми ўзингни? Менга қара, сира сиқилма. Болалар яхши. Фақат сени... соғинганмиз. Шунча чидадик. Яна икки ҳафта чидашга кучимиз етади. Телефон қилиб тур.

Қайтайдиганингда боғлансанг, ўзим кутиб оламан сени. Аввалгидек бирга яшаймиз. Янгитдан ҳаёт бошлаймиз. Болаларимиз учун...

Шу тарзда оилам билан тез-тез гаплашиб турадиган бўлдим. Аммо ҳар гаплашганимда юрагимни нимадир кемирав, кўксим надоматдан ўйилиб, ўпирилиб тушаётгандек бўларди. Айниқса, Равшан аканинг меҳрибонлиги виждонимни қовираётган пушмон оловига керосин сепгандек бўлар, сўнгсиз азоб ичида қолардим.

“Қайси юз билан бораман, уйга? Бу ердаги қилмишларим ҳақида нима дейман? Эрим кечирадими? Эй Худо, ўзинг куч бер менга!”

Лекин ўйлаганим, мuloҳаза қилганим сари эримни алдай олмаслигимни, алдасам, янада гуноҳга ботишмни фаҳмлаб борарадим. Шунинг учун тезроқ ишлаб пул топсам, уйга боргач, аввал ҳаммасини эримга айтишимни, гуноҳларимни тан олишимни, пушаймонлигимни, агар кечира олса, бирга яшашимни режа қилиб қўйдим.

Шу ниятда қўлим пул кўриши билан авиакассага югурдим. Ўнинчи сентябрга Москва-Тошкент йўналишига жой буюртириб қўйдим. Ўшанда август ойининг ўрталари эди. Уйга кетиш, болаларим, яқинларим дийдори иштиёқида ёнардим. Айниқса, самолётдан жой банд қилганимдан буён ширин хаёллар оғушида эдим. Тонг отганини-ю кун ботганини билмай қолардим. Тўрт-беш кунни шундай сархушликда ўтказдим...

Август охирилаётганди. Ишхонада берилиб ишлаётгандим, телефоним жиринглади. Бегона рақам. Тағин Россияники. Ҳайрон бўлиб, яшил тугмани босдим.

— Ало, — дўриллаган эркак кишининг овози мени сергаклантирди.
— Малоҳат, быстро зайди в интернет и поговори с Шавкиддином. Он с нетерпением ждёт.¹

— Мне нечего с ним разговаривать. Кто вы? Откуда взяли мой номер?²

¹ Малоҳат, тезда интернетга кириб, Шавкиддин билан гаплашиб ол. У интиқ бўлиб кутяпти. (рус.)

² У билан гаплашадиган гапим йўқ. Кимсиз? Рақамимни қаердан олдингиз? (рус.)

— Я Могамад. “Брат” Шавқиддина. Не только знаю твой номер телефона, даже квартиру и где ты работаешь, всё знаю¹, — у шундай дея менинг манзилим ва ҳатто ишхонага қандай автобусда келишимгача айтиб берди.

Даҳшатга тушиш баробарида мен бу одамни эсладим. Масжидга борганимизда Шавқиддин уни учратган ва “чечен биродарим” дея танишитирганди менга.

Демак, мен кузатувда эканман-да! Танамни жон тарк этгандек бўлди. Ичимдан ҳаракатга келаётган титроқ бир зумда бутун вужудимни қамраб олди ва мен қўлимдан телефонимни тушириб юборар даражага бордим. Ваҳима ичида эдим.

— Малоҳат, ты должна быть рядом с Шавқиддином. Он ждёт тебя. Не говори, что у тебя нету денег, чтобы пойти к нему. Мы тебе передадим деньги и ты купишь билет. Понятно? Сейчас же зайди в интернет и поговори с Шавқиддином!²

Шавқиддининг чечен биродари шундай оҳангда гапирдики, рад этишга сўз тугул, журъат ҳам топа олмадим. Бошқа чорам йўқлиги боис ижтимоий тармоқдаги саҳифамга киришга мажбур бўлдим. Тармоқда ростдан ҳам Шавқиддин кутиб турган экан. Менинг кирганимни сезгани заҳоти саломлашиб, ёза бошлади:

“Бормисан? Одамни жинни қилай дединг-ку, фариштам. Ҳозироқ йўлга туш. Сенсиз яшолмаяпман...”

Унинг кўнглига қараб ўтирадиган кайфиятда эмасдим. Ўз оилас, яқинларим билан гаплашганим боис үларнинг меҳр тафти мендаги бор сохта ҳавас ва муносабатларни елвизак сингари қувиб солганди. Қалбимда фақат тоза ҳислар, ҳақиқий меҳр-муҳаббат бор. Шунданми, Шавқиддин-

¹ Мен Могамадман. Шавқиддининг биродари. Нафакат сенинг ракамингни, балки ижара уйингни, ишхонангни, хамма-ҳаммасини биламан. (рус.)

² Малоҳат, сен Шавқиддининг ёнда бўлишинг керак. У сени кутяпти. “Унинг ёнига боришга пулим йўқ”, деб баҳона килма. Сенга пулни етказамиз ва ҳеч муаммосиз чипта оласан. Тушунарлими? Ҳозироқ интернеттага кир ва Шавқиддин билан гаплаш! (рус.)

ни аяб ўтирадим. Ниятимни очиқ-ойдин ёздим-қўйдим:

“Бормайман! Оиламни, болаларимни ташлаб ҳеч қаерга бормайман. Ҳаммаси тугади. Сизга ишонмайман, кўришни ҳам истамайман! Мени алдадингиз! Энди ёзманг. Гапирадиган гапим ҳам йўқ!”

Хабарни юборишим билан қалбимда енгиллик туйдим. Ҳозир тутайди, бақиради деб турсам, Шавқиддиндан келган хабар буткул кутилмаган бўлди:

“Фариштам, мени қўрқитма! Сенсиз жинни бўлиб қоламан. Сени ростдан севаман! Яшолмайман, сенсиз. Илтимос, кел жоним. Пермдаги ҳаётимизни эсла. Қандай бахтли эдик. Ўша баҳтимни соғиндим, кел.”

Албатта, бу мени эритолмади:

“Бормайман, дедим-ку, бошқа мени безовта қилманг. Тинч қўйинг, мени. Мен Ўзбекистонга, оиласам ёнига қайтаман!”

Жавоб кўп куттирмади:

“Илтимос, унақа дема. Тушун мени. Пул ишлагач, қайтамиз, дедим-ку! Сен кўп нарсаларни билмайсан. Биз қайтамиз. Ёлвораман, ёнимга қайт!”

“Хайр, бошқа ёзадиган гапим йўқ!” — гапни “узиб” беришга ҳаракат қилдим.

Ана шунда Шавқиддиннинг асл баҳараси янада равшанроқ қўрина бошлади:

“Ўзинг биласан. Жонингга ичим ачиғанидан ялиндим сенга. Билиб қўй, ёнимга келмасанг, Ўзбекистонга ҳам боролмайсан. Сени ўша турган жоинингда ўлдириб кетишади. Сенга ўхшаган “бошоғриқ” керакмас, бизга!”

“Мени ўлим билан қўрқитолмайсиз. Сурияга борсам ҳам ўламан. Яхшиси, шу ерда ўла қолай. Ҳеч бўлмаганда, ўлигим боради-ку, Ватанинга! Сизнинг ёнингизга борсам, бекафан қолишим ҳам мумкин!” — дедим тап тортмай.

Шунда Шавқиддин мени жон жойимдан ушлади. Шунчалар нозик еримдан тутдики, кўзимга ҳеч нарса қўринмай қолди. У безларча юборган хабари ҳозир ҳам кўз олдимда:

“Шунақа де. Ўлимдан қўрқмайсанми? Хўп, сени ўлдиришмайди. Лекин... ҳозир бир оғиз гапим билан қизингни сўйиб кетишлари мумкин.

Билиб қўй, ёнимга келмасанг, қизингни сўйдирвораман! Қизингни деб мендан кечсанг, уни бошқа кўрмайсан!”

Бутун танам жонсиз қолгандек бўлдим. Кўз олдимни зулмат қоплади. Ҳеч қачон бу қадар қўрқмаган, бу қадар ваҳима ичида қолмагандим. Мажолсиз бармоқларим зўрға шу сўзларни ёзиб жўнатди:

“Асл башарангизни ошкор қилдингиз!”

Иссиғи кўтарилаётган одам каби титраб-қақшаб ўтириб қолдим. Қўлим ишга ҳам бормади. Ижара уйга қандай келганимни ҳам билмайман. Кўз олдимдан норасида қизим ва қўлида пичоқ тутган ваҳший кимса тасвири кетмай қолди. Адои тамом бўлиб ўтирганимда, телефоним жиринглади. Шунаقا чўчиб тушдимки, худди ҳозир яшил тугмани босаман-у, кимдир “қизингни ўлдирдик, сенинг қайсарлигингнинг қурбони бўлди”, дейдигандек. Телефондаги ёзувни кўриб эса жоним ҳалқумимга келди: “Дадаси!”

Ҳозир кўтараман-у, эrim “қизимииздан ажраб қолдик”, дейди...

Қўлларим шунчалар қалтирадики, телефоннинг силлиқ ойнаси юзида ўйнаётган яшил белгига зўрға бармоқ юрғиздим.

— Ало? Малоҳат! Сендан буни кутмагандим. Ҳаммасини билдим. Сен Россияга даволангани эмас, эрга теккани кетган экансан-а? Ифлос! Эрга тегиб, яна мен билан ҳеч нарса бўлмагандек гаплашдингми? Исқирт! Ўзингча менга яхши гапириб, болаларимни мендан олиб қочиб кетмоқчимидинг? Болаларни хаёлингга ҳам келтирма! Уларни сенинг ҳаром ва жирканч қўлингга топшириб қўймайман! Сени кўришим билан чавақлайман, билиб қўй, чавақлайман! Қасам ичиб айтаманки, Ўзбекистонга келсанг, ўлдирман! Пок тупроқни ҳаром оёқларинг билан булғама! Ҳали болаларингнинг тирноғига зор бўлиб, хор бўлиб ўласан! Улар ўлигиндан ҳам ҳазар қилишади! Уй тугул, Ўзбекистонга ҳам қадам босма!

Шу билан алоқа үзилди. Мен қулоқларимга ишонмадим. Тўйғун эмаслигимдан туш кўраяпман, деб ўйладим. Янаям очиғи, туш бўлишини жуда истадим. Минг афсуслар бўлсинки, ундей эмасди. Йиғлаб юбордим. Ҳўнг-ҳўнг йиғляяпман-у, миямда турли саволлар айланади: “Эrim қаердан билди? Ким айтди? Шавқиддин билан муносабатларимизни у ёқда ҳеч ким билмасди-ку! Ё Шавқиддин айтдимикан? Аммо қандай?”

Эримнинг телефон рақами унда йўқ-ку! Ижтимоий тармоқдан ёздими-кан? Йўқ, эрим бор ижтимоий тармоқда Шавқиддин йўқ. Кирмайди ҳам. Шавқиддин борига эса эрим аъзо бўлмаган. Улар бир-бири ҳақида, қайси ижтимоий тармоқда бор-йўқлиги ҳақида билмасди-ку!"

Ақлдан озар даражага келдим. Туни билан мижжа ҳам қоқмадим. Эртасига ишга бораман, деб йўлга чиққаним қўйи Москва кўчаларида тентирадим. Қилиб қўйган хатойим, боши берк кўчага кириб қолганим ҳушимдан жудо қилаётганди. Сувга тушган кесак мисол ҳаёт уммонида ўзимни йўқотаётгандим, бўшашиб, емирилиб, адо бўлаётгандим.

Эрим тўғри айтди. Пок она тупроғимга оёқ қўйишга нолойиқман. Зо-тан, Ватанимнинг ҳадсиз, бағрикенг дарвозаси ҳам энди мен учун берк эди. Уни эрим бир сўз билан ёпиб қўйди: "Қасам ичиб айтаманки, Ўзбе-кистонга келсанг, ўлдираман!"

"Яшашимдан не маъни? Оилам мендан юз ўғирди, юртимга борол-майман, Шавқиддин алдади. Яхиси, ўзимни ўлдираман! Ҳа, бунақа яшагандан ўлган маъқул."

Ўзимча шошиб ижара уйга келдим. Ўзимни осмоқ учун чилвир қи-дирдим. Топдим ҳам. Уни бойлаб, сиртмоқ ясаш учун жой излаб, шифтга аланглардим. Маъқули, лампочка осилиб турган симдек туюлди. Стул келтириб, лампочканинг устидан ипни боғлай бошлаганимда ҳаёт кў-зимга шунчалар гўзал кўрина бошладики...

Яшашни истаб қолдим. Тирик қолишим учун баҳона қидирдим: "Ва-танимга қайтиб, онамницида яшасам, бўлади-ку! Лекин ўша осойишта, обод Ватанимга, ҳалол ва содда ота-онамга муносиб иш қилдимми? Йўқ! Ҳақиқатни билган отам юзимни ерга қаратибсан, дея оқ қилмайдими?"

Яна қайта ботқоққа ботаётган кишидек бўғриқа боғладим. Сал ўтмай қалбимда қайта умид йилтиллади: "Тошкентга бориб ўша ерда қол-сам-чи? Шунақа қилсан бўлади-ку!"

Бирдан яна умидимни Шавқиддиннинг даҳшатли таҳдиidi яксон қи-либ ўтди: "Билиб қўй, ёнимга келмасанг, қизингни сўйдирвораман!"

Дод деб юборай дедим. Инсон дегани ҳам шунчалик чорасиз қола-дими?

— Яшашга ҳаққинг йўқ! Ос, ўзингни! Ос! — алам билан қичқирдим ва сиртмоққа бошимни шоша-пиша сүқдим.

Оёғим тагидаги стулни тепишга чоғланганимда бирдан кўз олдимга қўшнимиз Зулайҳо янганинг дараҳтда тебраниб турган жасади келди...

Ўшандада янги келинчак эдим. Тонг қоронғисида ҳовли супуриш, келинлик вазифамни адо этиш илинжида уйқу тарк этмаган кўзларимни зўрға очиб ташқарига чиқдим. Юзимни ювгач, супурги олиш учун ҳовли этагига қараб юрдим. Қўшни ҳовли билан биз яшаётган уйни чегаралаб турган девор тугади ва икки хонадон боғини ажратувчи, тўр шаклида тўқилган, сим тўсиқ бошланди. Қўшни ҳовлига кўз қирим тушиши билан дараҳтда осилиб турган нарсага тикилдим.

“Бокс ўйнаш, муштлаш учун қўшнимиз қоп осибдимикан? Лекин жуда узун-ку!” Болаларча миямдан кечган илк фикр шу бўлганди.

Сўнг даҳшатдан қичқириб юборгандим...

Эрининг хиёнатини кўтара олмаган Зулайҳо янганинг ўз жонига қасд қилгани ҳаммани ларзага солди. Мулланинг “ўзини ўлдирганга жаноза ўқимайман!” дегани эса шов-шув бўлди. Қайнонам ўшандада Аллоҳ берган жонга қасд қилиш оғир гуноҳлигини қайта-қайта ҳаммамизга ўқтирганди. Тебраниб турган жасад, мулланинг гапи, қайнонамнинг таъкиди ёш шууримга қўрғошибек қўйилганди, ўшанда.

Сесканиб кетдим: “Шунча гуноҳ камми, сенга? Ватанингга қарши оёқ қўйяпсан! Ота-онангнинг юзини ерга қаратяпсан? Эрингга хиёнат қилдинг! Энди Худо берган жонга ҳам қасд қилмоқчимисан?”

Стулдан сакраб тушганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Телефоним жиринглади.

— Малоҳат, мен Шавқиддиннинг биродариман. У сизни кутяпти. Агар айтганини қилмасангиз, қараб ўтирумайди. Айтганини қилади... — салом-аликсиз шу гапларни айтган одам дарҳол алоқани узди.

— Ўлишга ҳам, яшашга ҳам қўйишмайди мени! — ўзимга ўзим де-воналардек гапира бошладим. — Ўлиб ўлолмайман, яшаб яшолмайман! Бундан оғир жазо бўлмаса керак. Менга бу ҳам кам!

Кўланкага айланган гавдамни судраб, уй ичида жоним қанча ҳалак

бўлди, билмайман. Навбатдаги қўнғироқ менга сўнгги қарорни берди.

— Сизга ҳозир пул жўнатамиз. Москва-Тошкент йўналишига олган чиптангизни Москва-Истанбул йўналишига алмаштирасиз, — бу одам ҳам на сўрашди, на кимлигини айтди. — Шундай қилмасангиз, Шавқиддин сизга айтган гапини бажаришга мажбур бўларкан. Туркия аэропортида сизни Муҳаммад деган одам кутиб олади.

Уларнинг ҳар бир қадамимдан хабардорлиги, ҳатто чиптамни ҳам билиши ҳадигимни кучайтириди. Қизимнинг, жажжи, мурғак жигаргўшамнинг жонини омон сақлаш учун ҳам Шавқиддиннинг ёнига боришга мажбуригимни англашим.

Айтишганидек менга пул жўнатишиди. Ўша заҳоти бориб Ўзбекистонга олган чиптамни Истанбул йўналишига алмаштирдим. Чиптам ўн тўқиzinчи сентябрь санасига эди. Демак, унгача ишлаб тураман. Аслида, ишлаганимдан ҳам не наф? Хуллас, кунларим беҳуда ўтди.

Ниҳоят кетадиган кун ҳам келди. Нарсаларимни йиғиштириб, узоқдан бўлса-да, хаёлан ҳамма яқинларим билан видошлишдим: “Хайр, озод ва обод Ватаним! Алвидо, отажон, онажон! Болажонларим...”

Ўзимча видолашарканман, болаларим кўз олдимга келиши билан чи-даб туролмадим: “Наҳот энди сизларни кўрмайман! Наҳотки, сизларнинг катта йигит ва қиз бўлганингизни кўриш менга насиб этмайди?! Мени кечи-ринг! Ўткинчи ҳою ҳавасга алишганим учун кечиринг. Дадаси... сиз ҳам ке-чиринг! Сизга қилган хиёнатим жазоси бу!” дея роса йиғладим. Эзилиб-э-зилиб, тўйиб-тўйиб йиғладим ва йўлга тушдим. Москва шаҳридаги томи ярим ой шаклидаги, ўнг томонига тўқ кўк рангли катта ҳарфлар билан “Вну-ково” деб ёзилган аэропортнинг кўркию ҳашами ҳам кўзимга кўринмади. Эҳтимол, ўз оиласа бағрига қайтиш учун бу манзилга келганимда дунёдаги энг гўзал жой бўлиб кўринарди. Аммо ҳозир ҳамма-ҳамма нарса бало сингари ўзидан итармоқда эди. Бўйнимдан бирор тортуб, мажбуrlаб юрғиза-ётгандек, зўрға қадам ташлаб кирдим ва Туркияга учдим...

Туркияда мени иккита одам кутиб олди. Улардан бири — ёши йигирма беш-ўттиз ёшлар атрофидаги, озарбойжонлик Муҳаммад, иккинчиси йигирма-йигирма икки ёшлардаги йигит эди.

— Шовгидинин гүндердийи адам сансан?¹ — деди менга шубҳа билан қараган Мұхаммад. Озарбайжончани билмасам-да, үнинг сүзларига тушундим.

— Ҳа, — дедим мен.

Кейин у ёнидаги йигиттә юзланиб буюрди:

— Абдуллахин эвина апар!²

Ташқи күринишимни әслаб қолишга урингандек, менга яна бошдан-оёқ разм солди-да, сүңг яна гапирди:

— Инди бу оғланнан бирликде гедирсиз. Сани Абдуллахгиле апаражаг. Сан бу эвде бир-ики гүн яшаярсан. Йолдашлар тапарсаг, ҳаминизи бирге гүндережейик.³

Мен “хўп” дегандек бош ирғадим ва ҳалиги йигиттә эргашдим. У мени Истанбулда яшовчи бир эр-хотинникига олиб борди. Уй эгасининг исми ростдан ҳам Абдуллоҳ, аёли эса Розия экан. Мен үларницида беш күн қолиб кетдим.

Бир пайтлар турмуш ўртоғим билан савдо юзасидан келганимизда бу шаҳарни томоша қилишни нақадар истаганимни билсангиз эди. Анвойи гуллар билан безатилган, эртакнамо тарихий обидалари билан ҳар қандай кишини мафтун этишга қодир бу шаҳар ҳам ҳозир ақлимини ололмасди. Кумуши сидирилган кўзгу каби кўзим ҳеч нарсани кўрмаётган, гўзалликни ҳис этмаётганди. Шунданми, шаҳар ҳақида деярли хотираамда ҳеч нарса қолмади.

Йигирма бешинчи сентябрь куни Розия мен билан хайрлашишга ҷоғланди:

— Сени шу анда ото гарине гўтурежеклер. Билетин алинмиш. Баш ўртулу гит. Ҳади эйваллаҳ! Сағ ол!⁴

¹ Шавқиддиннинг одами сенмисан? (озарб.)

² Абдуллохнинг уйига олиб бор! (озарб.)

³ Ҳозир шу йигит билан биргә кетасан. Абдуллохларницига олиб боради.

Шу оиласининг уйида бир-икки кун яшаб турасан. Шериклар топилгач, ҳаммангизни биргә жўнатамиз! (озарб.)

⁴ Сени ҳозир автовокзалга олиб боришади. Чиптанг олинган. Бошингга рўмол ўра. Майли, омон бўл! (турк.)

— Хўп, — дедим юрагим орқага тортиб.

Уни қучиб хайрлашарканман, худди борса келмасга кетаётган кимсадек, қалбимдаги бор умид, ишончларим ҳам сўнганини ҳис қилдим. Аслида мен отланган жойнинг борса келмасдан нима фарқи бор?

Шундай қилиб мени Абдуллоҳ автовокзалга олиб борди. У ерда икки аёл ва уч эркак билан танишдик. Аёллардан бири ўзини Ҳадича деб таништирди. Унга қараб бирам кулгим қистади. Ўлай агар, йигирма кундан буён жилмайиш ҳам дилимга сиғмаганидан жинни бўляяпман, шекилли деб ўйладим. Шунча вақт ичида илк бора шу ҳолга тушишим. Кулгимнинг ҳам сабаби бор эди. Кўз олдингизга келтиринг, кўзи мовий, ранги оқ-сариқ, бир қарашда руслиги шундок кўриниб турган, яна русий забонда сўзлаган аёл “исмим Ҳадича” деса, бошқача туюларкан. Тағин бинойидек, рўмол ўраб олганига ўлайми? Тўлқинланиб гапиришича, интернетда танишган йигитига “сюрприз” қилиб рўмол ўраб бораётганмиш. Аслида, ўта замонавий аёл бўлган экан. Танишиб, севиб қолган йигити эса ҳақ йўлини танитиб, жиҳодга чорлабди. Аёл ҳам муҳаббати йўлида, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилаётганмиш.

“Сен бечора динингдан кечар даражага борибсанми, ишқинг Шавқиддиндан ҳам устомонга тушганга ўхшайди...” дедим ичимда дийдор илинжида сабрсизланаётган Ҳадичага термилиб.

Тожикистонлик Оиша эса эри Нуриллоҳ билан жиҳодга отланиби. Қолган икки йигит бўлса ўзларини Муҳаммад ва Абу Бакр деб таништиришди.

Буюк зотларнинг исмини ўзларига тирқаб олиб, жаҳолат сари қадам ташлаётган бу одамларга қараб ёқа ушладим. Наҳот булар “оқ-қора”ни танимайди? Наҳот, телевизор қўрмайди, газета ўқимайди! Менга ўхшаб боласининг жони гаровда турган бўлса, бошқа гап. Улар борадиган жойларида жаннат ваъда қилингандек, тўкин-сочин, тинч ҳаёт нақддек шубҳага ҳам боришмас, аксинча, юзларида интиқлик, тоқатсизлик зоҳир эди.

Олтovлон автобусга ўтириб, йўлга тушдик. Хатай дегани жуда ажойиб жой экан. Унинг ҳудудини на тоғ деб бўлади, на адир. Чўққини даъво қилиб бош

күттарган тоғлар танасида нимадир етишмай ўсишдан тұхтаган пакана болақай күринишида бечорақол дүппайиб турар, ана шу ноодатиyllиги билан ҳам эътиборни тортарди. Қизиқ томони, дарахт кам, аммо үта қадимий вилоятлардан бири эканлигини ҳар бир тошию иморати айтиб туралған жой экан.

Тавба, қисматимга күніка бошладим, шекилли, гүзәл Истанбул жалб қилолмаган эътиборимни қадимий Хатай ўзига қаратгандек. Очиги, диққат қилмаган тақдиримда ҳам бу манзаралар күз ўнгимда қоларди. Ахир нақ ўн саккиз-йигирма соат автобусда йўл юрган одам истамаса ҳам, эслаб қолади-да!

Оёқларимиз увишиб, белларимиз қотиб, кечга яқин Сурия чегарасига яқин бўлган жойга етиб келдик. Райхонли дейишди бу ерни. Бу ерда бир курд оила бўлиб, Сурияга ўтмоқчи бўлганлар унинг хонадонида тўхтаб кейин кетишаркан. Биз бу уйда икки соатча ўтиридик. Сўнг бир микроавтобус келиб, бизни чегарага олиб бориб қўйди. У ерда ҳам бизни курдлар кутиб олди. Кимгadir телефон қилиб, узоқ гаплашишди. Сўнг бизга кутиб туришимизни айтишди. Ниҳоят бир соатча вақт ўтганидан кейин иккита машинада қуролланган одамлар келиб, бизни олиб кетишли.

Биз яна чайқалиб, силкиниб тўрт соатча йўл юрдик.

“Йўлазоби — гўразоби”, дерди онажоним. Укишининг бугапларини уйдан пойттахтга қараб йўлга чиққанимда ўзимча тасдиқлаган бўлардим. Бу юришимиз, бу йўллар олдида жонажон Ватаним йўллари жаннатмонадлигини англадим. Жаннатга элтувчи ўша йўлларни ҳозир кўзимга суришга тайёр эдим.

Афсус, ичимни ит тирнагани, минг жойимни ўйганим билан ўрнига тушмас, бўлар иш бўлган, бўёқ хуми сингган эди.

Қўлидаги қуроли каби совуқ кишилар ёнида, атрофдаги вайронава куюқ иморатлар сингари абгор ўйлар оғушида Ҳалабга етиб келдик. Манзилга яқинлашдик шекилли, ҳайдовчи йигит ёнидагига мени имо билан кўрсатганча деди:

— Ила айна нубаллиғу ҳазиҳис-сайида?¹

¹ Бу аёлни кимнинг ўйига олиб борамиз? (араб.)

— Асъалуҳа ал-ъян!¹ — деди ҳалиги йигит ҳам араб тилида.

Кейин менга юзланиб ўзбекча сўради:

— Сиз кимнинг завжасисиз?

— Шавқиддиннинг, — дедим эримнинг исмини тилга олишни истамасам-да.

— Шавқиддин? — қош чимирди йигит. Кейин савол назари билан ҳайдовчига қаради. Ҳайдовчи елка қисган ҳам эдики, ҳалиги йигитнинг ёдига тушди шекилли, кулиб арабчада деди: — Наъм, ҳийа завжату Абу Дужана!²

— Наъм, соҳҳ!³ — деди араб ҳайдовчи ҳам жонланиб.

Йигит эса менга ўгирилди-да, тушунтирган бўлди:

— Келинойи, эрингизни Абу Дужона денг. Шавқиддин десангиз, ҳеч ким танимайди. У энди Абу Дужона.

“Хўп” дегандек имо қилдим. Сал ўтмай, биз Сурияning Туркияга че-гарадош Ҳалаб вилояти марказига етиб келдик. Мени Шавқиддиннинг ўзи кутиб олди. Кўзи тушиши билан чеҳраси ёришиб кетганини сездим. Чамамда, то ўзимни кўрмагунча келишимга ишонмаган.

Ола-була кийим ва қурол уни янада баҳайбат қилиб қўйган, аммо кўзлари толиқишиданми, уйқусизликданми қизарган, сузилганроқ эди. У Россиядаги каби менга қўл ҳам узатмади, қучмади ҳам.

— Яхши келдингми? Чарчамадингми? — деди холос. Кейин сал нарида тўпланиб турган эркакларга қараб қичқирди: — Абу Зайд! Абу Зайд!

— Боряпман! — улар орасидан ажралиб чиқсан йигит сал наридаги ЖИП русумли машинага ўтириди-да, биз томонга кела бошлади.

Биз машинага чиқдик ва Кафар Ҳамра томон йўл олдик. Бу ернинг даштдан фарқи йўқ экан. Атрофда харобалар бисёр, ора-сира ўқ овози ҳам эшитилиб турарди. Тўғри Абу Зайднинг хонадонига кирдик. Унинг аёли икки қизчаси билан яшаркан. Уй ичига кириб ҳушим учай

¹ Ҳозир сўрай-чи? (араб.)

² Э-э-э, Абу Дужонанинг завжаси. (араб.)

³ Тўғри, тўғри! (араб.)

деди. Деворлари оқланмаган, түзук жиҳози ҳам йўқ, полсиз ерга шолча тўшалган, кўрпачалар ҳам тупроққа ботгандек рангсиз ва униқан эди.

— Шавқиддин ҳозир муаскарда¹. Ҳар доим бу ерда бўла олмаслиги сабаб ёлғиз қолмаслигингиз учун бизникида яшаб турасиз. Бу хотиним — Севара. Севара, дугонангнинг нарсаларини ол.

Уларни кузатиб туриб, онгсиз маҳлуқларни кўргандек бўлдим. Ўзбекистонда бўлганларида бунақа шароитда, бунақа жойда яшашга ўла қолса рози бўлмас, ор қиларди. Наҳот шинам, ёруғ, чиройли үй-жойларини ташлаб, ибтидоийликдан энди чиқкан қабила одамларига ўхшаб яшашга уялишмаса!?

Бир томондан хўрлигим ҳам келди. Ё Парвардигор, қайси гуноҳлари учун бу одамларни манқуртга айлантириб қўйдингки, жаннатдек юртими ташлаб, кўчманчидек яшашмоқда. Кўчманчилар ҳам ўзига бундан яхшироқ шароит яратиб олса керак.

Уларнинг ўзларига раво кўрган қисматни ҳазм қилолмай турганимда бизни кўргани Арслон ва Майра кириб келди. Арслон юзимга қарамасдан сўрашган бўлди. Майра эса худди илк бор кўрганимдек тунд ва аламзада эди.

Қизиқ, бу қизнинг ичидаги одам яшайди шекилли. Бири ҳар доим норози, иккинчиси охирги марта кўрганимдек хушҳол.

Улар кўп ўтирамади.

Абу Зайд уч хонали уйнинг бир хонасини бизга ажратиб берди. Мен дикқинафас жойга, ёт ва ёввойи кимсалар ичига тушиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни. Кўзимга Шавқиддин ҳам гапуқмас зомбидек кўринар, нафратим сабаб у билан бирга яшшимни тасаввур қилолмасдим.

Ёлғиз қолганимизда ҳам унга бўлган туйғуларимнинг барчаси қуриб битганини англадим. Яна шуни тушундимки, она учун дунёдаги энг ёвуз ва энг олий душман — фарзандига таҳдид қилган кимса экан. Энди мен Шавқиддинга ана шу нигоҳ билан қараётгандим. У эса ҳеч нарса бўлмагандек, хонамизга киришимиз билан оғушига олиб, ютоқиб ўпа бошли-

¹ Жантта тайёргарлик

ди. Мен худди юз-күзларимни күчүк ялаётгандек, беихтиёр бетимни буриштириб, олиб қочдим.

— Ҳо-о-о, араздамилар? — мени даст күтариб олиб, турган жойда айлантира бошлади у.

— Қўйинг, чарчадим. Бир суткадан буён автобус, машинадан тушмай юрибмиз, — дедим негадир ёқтирмаётганимни айтишга ҳайиқиб.

— Мен эса соғиндим. Келганингга ишонгим келмайди. Ростдан мени севаркансан-а? — қадрдон ўйинчоғини топгандек ич-ичидан севинаётганди Шавқиддин.

— Бу ернинг нимасини афзал кўрдингиз Шавқиддин? Кетайлик! — дедим дилимдагини тутиб туролмай. — Нега тушунишни истамайсиз?

— Бўлди қил! Бошқа норозилик билдирганингни кўрмай, — деди у совуқ нарсани ушлаб олгандек, мени қўйиб юбораркан. — Бу ерда ниятингни тўғрилаб, чин ихлос билан хизмат қилмас экансан, отиб ташлашади, билдинг, отишади!

У ерга тикилиб жим қолди. Сўнг келиб, бирдан яна мени қучди:

— Сени ўлдиришларини истамайман! Сени шунчалар севаманки, келмайман, деганингда жинни бўлиб қолай дедим.

— Нега бу йўлга киргансиз? Ажал соясида яшаш керакми, сизга? — дедим барибир гапларимни ичга ютолмай.

— Бас! Бас қил, дедим сенга! — шивирлади у. — Соғинганман ахир...

Шу билан мен душман қўйнидаги асир каби кун кечира бошладим. Бир сония бўлсин, қалбимни она юртимга қайтиш истаги тарк этмади. Шавқиддин икки-уч кунда бир келиб кетар, мен Севара ва қизлари билан овуниб ўтирадим. Буни овуниш ҳам деб бўлмасди. Ҳар дақиқада эшитилиб турган отишма ва портлашлар овозидан ўзимни йўқотиб қўяй дердим. Ўзимни бир аср ортга, уруш даврларига тушиб қолгандек ҳис қилардим. Бу ердагиларнинг яшаши, ҳаёти, тутуми ҳам биз кинофильмларда кўрганларимиз билан бир хил эди. Факат жуда зарур бўлганда гина кўчага чиқардик. Қизиги, Севара ҳам, қизчалари ҳам ташқаридан келаётган овозларга бефарқ, гўё булар радио ёки телевизордан янграётгандек парво ҳам қилмасди.

Бир ҳафта ўтганидан кейин Шавқиддин мұаскардан Абу Зайднинг ёнига, шаръий маҳкамага ишга қайтди. Ўша куниёқ бизга ҳам алоҳида яшаш учун уй беришди. Уйлар уруш туфайли әгалари тарк этган ёки ўлдирилғанларга тегишли эканлигини Севарадан билиб олдим.

— Одамлар урушдан қочиб, ташлаб кетган ўйларига биз тинч, баҳтга лиммо-лим ўйларимиздан кечиб, келиб ўтирибмиз. Бутелбалиқдан бошқа нарса әмас. Ақли жойида бүлған одам бунақа қилмайди, — ўша куннинг ўзида “янги уйи” мизни томоша қила туриб Шавқиддинга түнғилладим.

— Жим дедим, сенга! — кела солиб лабларимга бармоғини босди Шавқиддин. — Сенга оғзингга эхтиёт бўл, дедим. Яшашни истасанг, тилингни тий! Кимдир эшитиб қолса, мен ҳам сени автомат ўқидан асраб қололмайман! Балки менинг ўзимга оттиришар!

— Шунақами? Бунақа ваҳшийлик қайси динда?..

— Жи-и-им! — Шавқиддин гапиришимга йўл қўймади.

Мен эса бу ердаги ҳолатлар, воқеалар, одатларни қабул қила олмасдим. Бора-бора ҳар куни ўқ овозларини эшитиб, уйда ўтиравериш жонимга тегди. Севарага нолийверганимдан кейин у қўшниларникига олиб чиқди. Буни қарангки, атрофдаги ўйлардан яна иккитасида ўзбеклар яшаркан. Бири — наманганлик Равшана, иккинчиси — самарқандлик Омина. Омина ҳам фарзандлари билан келган, Равшана эса ҳаљи болали бўлмаган экан.

— Қайси юрак билан болаларингизни ажал қучоғига олиб келгансиз?
— Оминага биринчи берган саволим шу бўлди.

— Нега унақа дейсиз? Аллоҳ йўлида келганмиз-ку! Ўзингиз ҳам келгансиз-ку, мана.

— Мен Шавқиддинни деб келганман!

— Во-о-й, унақа деманг, — ваҳима билан деди Равшана. — Ниятингизни тўғри қилинг. Эрим учун әмас, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилдим, денг. Бор савобингизни куйдирманг! Ундан кейин эрингиз — энди Шавқиддин әмас, Абу Дужона!

— Шу исм әсимдан чиқиб қолса нима қилай? Ундан кейин ҳижрат

нималигини билмай туриб, қандай ният қиласман? — дея очигини айтиғы қоя қолдим.

Улар бир-бирига ғалати қараб олишди. Барыбир улар билан гаплашиб турадиган бўлдим. Баъзида уларга туваётган йўллари нотўғри эканлиги ни тушунтиргим келар, афсуски, буни исботлаб беришга ўзимда билим йўқлиги сабаб тилимни тишлардим.

Ана шундай кунларнинг бирида Равшананинг гапларидан ёقا ушлаб қолдим. Мен Шавқиддин иккинчи турмушим эканлигини ийманибгина айтсан, у нима деди денг:

— Менинг бу ерга келганимга етти ой бўлди. Беш марта турмушга чиқдим. Ҳозирги эрим бешинчиси...

— Етти ой ичида бешта эр! Нима учун? — ҳангуманг эдим.

— Биринчи эрим қишлоқдошим бўлган. Бу ерга келганимиздан кейин, икки ҳафта ўтиб, мени бошлиғига ҳадя қилди.

— Нима? Ўз хотинини ҳадя қилдими? — эсхонам чиқиб кетай деди.

— Астағұриллоҳ, осмондан тушганмисиз? — лаб бурди Равшана. — Ана Абу Дужона ҳам сизга уйланиши олдиdan Марямни Абу Бакрга ҳадя қилган экан-ку! Аллоҳ йўлида ҳадя қилди-да. У эрим билан бор-йўғи уч кун яшадим. Раҳматли шаҳид бўлди. Ҳозиргача унинг ўлимини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатишади. Кейин боши очиқ аёл эрсиз юриши жоиз эмас, деб дарҳол бошқасига узатишиди. Уям раҳматли бўлди. Кейингиси эса ҳозирги эримга ҳадя қилган.

— Жинни бўлиб қоламан, ҳозир. Аза деган гаплар йўқми? Аёл киши буюм эмас-ку, ҳадя қилиб юбораверадиган? — Агар Севара шу пайт менга маъноли қараб, туртиб қўймаганида билмадим, яна нималар дердим.

Ўша куни уйга келиб уйқум ҳам келмади. Ичимда вақти-вақти билан кўтарилиб турган исён энди вулқон мисол тошиб келаётганди. Илмим бўлмаса-да, ҳаётимда учраган ҳақиқатлар билан бу ердаги воқеаларни солиширишни бошлагандим.

Ёдимда, тоғам автоҳалокат туфайли, бу дунёни ўттиз саккиз ёшида тарқ этганди. Жудоликка чидолмаган қариндошларимиз борки, дод солишганди. Таъзияда ўтирганлар ичида ҳаж сафарига бориб келган қўшни

момо ҳам бор экан. У ўшанда ҳаммани тинчлантириб шундай деганди:

— Дод солиш, бақириб йиғлаш жоиз эмас. Азани ҳам қаттиқ тутиб бўлмайди. Аза — уч кун. Фақат эри бўлиб, бева қолган аёлгина тўрт ою ўн кун аза тутиши мумкин. Бу идда дейилади. Шу вақт ичида беванинг эридан ҳомиласи бор-йўқлиги маълум бўлади. Шунинг учун ўзларингни ҳам, марҳумни ҳам қийнаманглар. Ўлим ҳар кимнинг бошида бор. Кимдир эрта кетади, кимдир кеч...

Ўша фариштамисол момонинг гапини эслаганим сари Равшананинг аллақандай фахр билан айтган гаплари ўта жирканч ва манфур бўлиб туюлаётганди: “Аллоҳ йўлида ҳадя қилди-да. У эрим билан бор-йўғи уч кун яшадим. Раҳматли шаҳид бўлди. Ҳозиргача унинг ўлимини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатишади. Кейин боши очиқ аёл эрсиз юриши жоиз эмас, деб дарҳол бошқасига узатишди.”

Етти ой ичида бешта эр!

Тағин бир-бирига ўз аёлинни ҳадя қилиш...

Ахир бизда оила — муқаддас, дейилмасми? Бегонанинг аёлига ёмон назар билан қарашни ҳам гуноҳ деб билмасмидик?

Гарчи етарли билим ва ақлга эга бўлмасам-да, қону жонимга сингиб кетган қадриятларимиз, анъаналаримиз орқали мен бу йўл ҳеч қандай ҳақ эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Диний илмим йўқдир, чуқур дунёвий билимга эга эмасдирман, лекин халқимиз, миллатимиз бунёд этган маънавиятдан сув ичиб улғайган қалбим яхши-ёмонни теран ажрата олишига имоним комил. Ана энди қўл қовуштириб ўтира олмайман! Қандай бўлмасин, бу ердан кетаман!

Қатъий туриб ҳар куни Шавқиддинга бу йўл нотўғри эканлигини уқтиришга урина бошладим. У шу даражада безиб кетдики, охири жиддий туриб деди:

— Мени бу йўлдан қайтаришга уринма! Мени бу йўлдан қайтарган одам — душманим! Билдинг! Бу ерда душманларга нисбатан нима қилишларини яхши биласан-а?

— Унда мени душман деб билаверинг. Мен сизни душманим деб билганимга эса анча бўлган. Душманлар бирибир бирга узоқ яшай олиш-

“Зулмат диёри”нинг
асиралари. Сурдия. 2013 йил



майди. Шундай экан, мени ушлаб ўтирманг. Кетказиб юборинг, илтимос!

— Бўлди қил! — Шавқиддин бошқа гапиришни ҳам истамади.

Мен эса үнга очиқ-ойдин жаҳлимни кўрсата бошладим. Умуман гаплашмай қўйдим. Кун бўйи йиғи туфайли қизарган кўзларимни беркитишга ҳам уринмадим. Қўшниларникига ҳам кам чиқардим. Эрим билан гаплашмай юрганимга уч кун бўлганида Севара болаларини етаклаб келиб қолди.

— Эшиздингизми, Абу Бакрни ўз ватанига шаҳидликка юборишаётган экан. Абу Бакрнинг ўзи шундай таклиф билдирибди.

— У нима дегани? Ким эди, Абу Бакр? — дедим ҳеч нарсага тушунмай.

— Арслон-чи? — пичирлади Севара. — Марямнинг эри.

— Марям, Майрами? — дедим бадқовоқ Маяни эслаб.

— Ҳа, — деди Севара. — Ўзи туғилган жойга бориб, шаҳидлик қилишга, яъни ўзини портлатишга рози бўлибди. Унинг кетаётганини эшитиб, катталардан бири Марямни ҳадяликка оламан дебди.

Ичимдан нимадир үзилгандек бўлди. Шу үзилган нарса юрагимда сақланаётган бор исённи қўйиб юборди, гўё:

— Қанақа шаҳидлик? Қанақа портлатиш? Ҳадяга бало борми? Кимдир ўламан, деса, бошқаси унинг хотинига эга бўлишни ўйлади. Нега мана шу нарсалар ҳам ҳеч кимнинг кўзини очмайди? Арслоннинг ўзи туғилган

жойга бориб, ўзини портлатиши, бундан бошқаларнинг ҳам жабр кўриши савобми? Туғилган жойида онаси бор, отаси бор, опа-синглиси бор...

— Вой ўлмасам, жи-и-им! — Севаранинг ранги қути учиб кетди.

Мен ичимдаги заҳримнинг қолганини Шавқиддинга сочдим. Йиғладим, бақирдим:

— Эртага сиз ҳам ўз ота-онангиз ёнига бориб ўзингизни портлатасизми? Кетишингиздан аввал мени кимга ҳадя қилиб кетасиз? Навбатдаги эримни билиб қўяй!

Шавқиддин ҳеч нарса демади, фақат юзимга тарсаки тортди. Мен ўкириб юбордим:

— Кимларнингдир қўлида совға бўлиб айланиб юриш учун тинч оиласам, обод ватанимни ташлаб келдимми?

Аламдан шунчалар йиғладимки, негадир Шавқиддин келиб мени бағрига босди. Унинг қалбида ҳам иккиланиш, менга нисбатан эса раҳм борлигини сездим.

Бу воқеадан икки кун ўтиб, Равшана ва Омина бизнигига келишди. Одатда биз аёллар жуда кам кўчага чиқар, у ҳам эрларимиз етовида бўларди. Эркаклар кун бўйи ўз ишларидан ортмаганидан бирга кўчага чиқишимиз учун имкон ҳам бўлмасди. Чиққандан нима наф? Қуролланган кишилардан бошқасини кўрмайсиз.

Хуллас, айтганимдек, биз аёллар ора-сира, узун, қора либосда, юзимизни буткул беркитган ҳолда чиқардик. Равшана ва Омина бизнигидан кўп ўтирмади. Лекин мен учун яна-да мудҳиш, бир умрга етгулик хабарни айтиб кетишиди:

— Марям унча-мунчага бизларга қўшилавермасди. Ҳақиқий мусулмон, нияти холис экан. Икки кундан кейин Ҳалабдаги катта бозорлардан бирига кириб шаҳид бўлишни бўйнига олибди. Ҳозир уни руҳан тайёрлашаётганмиш. Бу эр-хотинлар жуда мустаҳкам эътиқодли чиқишиди.

Равшана ва Омина кетди. Мени ҳайкалга айлантириб кетишиди. Қотиб қолдим. Наҳот Арслон ҳам, Мая ҳам худкушликни танлади? Ўзини ўлдириш гуноҳлигини Маяга қандай тушунтиrsам, бу йўлдан қандай қайтарсан экан?

Афсуски, Мая мен билан гаплашмайди. Учрашишни истамайди ҳам. Бўлаётган воқеалар таъсиридан шунчалик заифлашаётгандимки, тупроқ тагида қолиб, чириган мато каби титилиб бораётгандим. Кечки пайт Шавқиддин билан гаплашишга ҳолим ҳам бўлмади. Ўрнимдан турмадим ҳам, гапирмадим ҳам. У ҳам негадир паришон. Демак, Арслондек, Маядек ёрдамчиларидан ажрас осон эмас!

Эртасига ҳам кун бўйи bemажол ётдим. Кейинги кун эса кутилмаганда уйимизга Мая кириб келди. Юзидағи қора ниқобни юлқиб оларкан, кўзларимга тикилди. Унга қараб туриб, негадир йиғлаб юбордим:

— Эсингни йиғ, Мая! Бизда ўзини ўлдирғанларга жаноза ҳам ўқилмайди. Икки дунёси куйди, дейишади. Кўзларингни оч! Ким учун ширин жонингни фидо қиляпсан? Бу ер ватанингмики, газандалардан тозалајман, десанг. Ё ота-онангни шу тариқа ҳимоя қиляпсанмики, жонинг шунга арзийди, десам. Мен-ку, ёшгина қизимнинг жонини омон сақлаш учун келишга мажбур бўлдим. Аммо сен...

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — лаблари дир-дир титраб деди Мая соғ ўзбек тилида. — Сен бўлмаганингда Шавқиддин мендан воз кечмасди! Арслонга ҳадя бўлмасдим. Васлимга етолмаган Арслон ҳам ўзини ўлимга рўбарў этмасди. Сен менинг ҳам, Арслоннинг ҳам бошига етятсан?

— Нима? Нималар деяпсан, Мая? — ҳеч нарсага тушунмадим. — Ўзингмисан? Ўзбек тилида шунчалар тиниқ гапиряпсанки, ўзинг эканлигингга ҳам ишонмаяпман!

— Ўзимман, ўша Мая, ўша Майраман! Бу ерда Марям номини олган, ўзини шаҳидликка муносиб кўрган шўрпешанаман! Ўзбекчани яхши биламан. Чунки Ўзбекистонга яқин жойда катта бўлганман. Шу тилни яхши билганим туфайли Шавқиддин билан интернетда танишиб қолганман. Бир-биримизни севардик. Албатта, сен келгунингча! Сен келадиган бўлдинг-у, у мени Арслонга ҳадя қилди.

Маянинг бу гапи бир пайтлар Равшананингми, Оминанингми менга “Абу Дужона ҳам сизга уйланиши олдидан Марямни Абу Бакрга ҳадя қилган экан-ку!” деганини, аммо мен парво қилмай, англамай суҳбатни

үтказиб юборганимни ёдимга солди. Демак, бекорга Мая менга душмандек қарамаган, бир вақтлар мен Шавқиддинга “кундошиманми” дегандек гап қилганимда қаҳ-қаҳ отмаган экан-да! Мен хаёлимда шуларни таҳлил қилас, Мая эса тишланиб гапиришдан тұхтамасди:

— Арслон аввалдан мени севиб юрарди. Аммо шу қадар Шавқиддинга мафтун бўлдимки, Арслоннинг танамга бармоғи тегишига ҳам йўл қўймадим. Буни Шавқиддин яхши биларди. Бахтимга сен бу ерга келишдан бош тортдинг ва Москвага кетаётган кунинг мен яна Шавқиддиннинг бағрига қайтдим.

Нима? Арслоннинг никоҳидан яна Шавқиддинга...

— Ҳа-а-а! Чунки уни севаман! — еб қўйгудек яқин келиб алам билан деди Мая.

Мая ҳамма ишни эътиқоди туфайли эмас, муҳаббати боис қилаётганини тан олди. Мени бўғиб қўйгиси келаётган бўлса-да, буюк бир тоқат билан ўзини тийиб, ҳамма воқеани батафсил айтиб берди.

— Шунчалар севдимки, ҳамма айтганига кўндим, — деди у йиғлаб. — Сен Москвадан туриб “Сурияга бормайман”, дея оёқ тирадинг. Шавқиддин аввало сен киролмаслигинг учун юрting эшикларини ёпиш лозимлигини айтди. Менга ижтимоий тармоқлардан эрингни топишими, боргапни очиқ айтишимни тайнлади. Тұрган гапки, бу менга ёқмади. Чунки сен қанча Шавқиддиндан узоқ бўлсанг, Ўзбекистонга қайтсанг, унинг мен билан яшаши шунчалик чўзиларди. Сурияга умуман келмасанг, у буткул меникига айланарди. Шунинг учун эрингни топишни истамадим. Шавқиддин эса мени аврашда давом этди: “Мая, сени жонимдан ортиқ севаман. Малоҳатни бирга яшаш учун чақираётганим йўқ. Ўч олиш учун чақиряпман. Чунки мени алдади. Мен сендан воз кечмайман! Фақат уни келишга мажбур қилайлик. Келганидан кейин энг... ҳалиги... бу дунёга келганига пушаймон қилдирадиган бирорта биродаримга ҳадя қиламан. Шунинг учун чақиряпман, уни. Илтимос, эрини топ ва мен билан яшаш учун Россияга келганини айт. Шундай таърифлаки, эри үйи тугул Ўзбекистонга киришига ҳам қарши бўлсин! Бирорта биродаримизни завжали қилиш ҳам савоб. Савоб учун қил шу ишни...”

Шавқиддиннинг бу гапларига лаққа ишондим. Эринг билан ижтимоий тармоқда гаплашиб, ҳатто иккалангнинг бирга тушган суратингни ҳам юбордим. Эсингдами, Пермдан Москвага кетаётгандарингда расмга олиб қўйгандим. Шавқиддин сени қучоқлаб тушганди. Ўша фойда берди. Эринг ўша заҳоти сендан юз ўғирди. Шавқиддиннинг ўзи эса қизинг билан таҳдид қилди. Сен учун фақат Сурияга йўл қолди. Мен келишингни, кимгадир ҳадя бўлишингни, Шавқиддиннинг мен билан яшаётганини кўриб, мен куйгандек куйишишингни жуда-жуда истадим. Лекин Шавқиддин номардлик қилди. Аслида сени эмас, мени алдаган экан. Сен келгач, менга “Арслоннинг ўйида туриб тур. Мен буни кимга ҳадя қилишимни ўйлаб олай. Сени севаман, Арслондан қизғаняпман. Иложи бўлса, ўзингга яқинлаштирма”, деди авраб. Бу гапни эшик ортида турган Арслон ҳам эшигтан экан. Кейин Арслонни чақириб, “Марям сенга ҳадя, ола кет”, деди.

Ўша куни Арслон роса тувақди. Бир томондан Шавқиддиннинг гапини эшитиб қолган, иккинчи томондан мен у учун ёнгинасида турган, аммо қўл етмас олма эдим. У кечаси билан васлимга етиш учун курашди. Мен эса қаршилик қилавердим. Очифини айтдим: “Сени севмайман! Ҳеч қачон сенини бўлмайман!”

Арслоннинг алами келди. Шавқиддиндек яқин дўстининг қилифи, менинг истиғном жаҳлини чиқарди.

“Бундай яшагандан кўра, Аллоҳ йўлида тезроқ шаҳид бўлганим афзал”, деди ўша куни у. Кейин дамдузга айланди. Кўп ўтмай ниятини ошкор қилиб, ўзини шаҳидликка тайёрлашларини сўради. Фақат “ватанимга бориб, шаҳид бўлай”, деди. Вужуди ўз тупроғида қолишини истади, у. Ўша куниёқ Абдуллоҳ мени ҳадяликка сўраган. Абдуллоҳнинг қўлига ўтсам, у менинг ноз-фириқларимга қараб ўтираслигини, Шавқиддинга ҳам ҳеч қачон қайта ҳадя қилмаслигини билиб, менам шаҳидликни танладим. “Фақат, тезроқ” дедим... Мана, эртага мен Ҳалабдаги катта бозорлардан бирининг ўртасида шаҳид бўламан. Арслон эса пайт пойлаяпти. Фурсат етиши билан ўз юртига бориб шаҳид бўлмоқчи... Бунинг ҳаммасига сен айбдорсан! Мен Аллоҳ учун эмас, аламдан, мажбурлиқдан, Арслоннини

дүстлари қўлида ҳадя бўлиб юришдан қочиб, ўзимни қурбон қиляпман. Ниятимни тўғирлашга қанча уринмай, барибир юрагим қасос ўтида ёнепти. Гуноҳга ботяпман. Аслида савоб излаб келгандим. Гуноҳим ҳам, хуним ҳам сенинг бўйнингга!...

... У оғир “үҳ” тортди. Кейин юзини беркитиб, силкиниб-силкиниб йиғлади. Мен у айтган воқеаларни миямга сингдиролмаётганим, таъсиридан чиқиб кетолмаётганим сабаб үнга тасалли беришга ҳам қурбим етмаётганди...

Эртаси куни кечки пайт Шавқиддин бир аҳволда кириб келди. Баривири Маяга нисбатан юрагида озгина бўлса-да, меҳр бўлган-да. Мен сўрашга журъат қиломадим. Лекин Шавқиддиннинг ўзи айтди. Маяни бозоргача Арслон иккиси олиб борибди. Тасалли беришибди. Бу жуда ўлуғ шараф эканлигини уқтиришибди.

— Арслон жинни бўлиб қолмаса деб қўрқдим. Аммо Мая жасур ва иродали экан, қилт этмади, — деди Шавқиддин.

Юрагимдаги нафрат энди алам ва қасос ўти билан қоришиб баттар аланга олди. Келганимдан буён йиғлаб, ялиниб кун кўраётган бўлсам, энди айёрик йўлига ўтдим. Ўзимни гўё тақдирга тан бергандек, Шавқиддинни жонимдан ортиқ кўрадигандек тутдим. Ишдан келишига ширин таомлар пиширдим, “Кутавериб, сил бўлиб кетдим”, дея суйкалдим. Ора-сира нималар қилсам, савобим кўпайиши ҳақида ҳам сўраб қўйдим. “Сафимизни кенгайтиришда ҳисса қўшиш ҳам савоб”, деди у ўзларининг амаллари ҳақида санаб ўтаркан. Хуллас, тўрт-беш кун роса аврадим. Унинг бундан хурсандлигини, қувонганини кўрсангиз эди.

Кейин навбатдаги ҳийлага ўтдим. Ижтимоий тармоқдан холамнинг қизини алдадим: “Мен Туркияда ишлаяпман. Ишим зўр. Бир кампирга қарайман. Қарашим ҳам нима? Денгиз бўйига айлангани чиқса, кучугини етаклаб, ёнида юраман, овқатини пишираман. Бозордан егуликлар келтираман. Мана шу ишим учун минг доллар беришапти. Кампирнинг бир дугонаси бор экан. “Ўзингга ўхшаган қиз бўлса, чақир, минг эмас, минг икки юз тўлайман”, деяпти. Келмайсанми? Келаман, десанг, яқинда ўзим уйга бормоқчиман, бирга олиб қайтаман”, дедим. Холаваччам ҳам дарҳол рози

бўлди. У билан ёзишмаларимни кейин Шавқиддинга кўрсатдим. “Агар уйга бориб келсан, уни, қизимни олиб келардим. Кейин хотиржам, сиз билан баҳтли ҳаёт кечирардим. Эҳтимол, қизимга укача ҳам олиб келармидим?..” дея ҳазиллашдим. Шавқиддин ҳам завқланиб кетди. Мен эса холаваччам ва қизимни олиб келиш ҳақида тез-тез гапира бошладим. Баҳтимга холамнинг қизи ижтимоий тармоқдан “яна иш йўқми, бир дугонам ҳам бормоқчи”, деб сўраб қолди. Уни ҳам Шавқиддинга кўрсатдим. Хуллас, уни уйга борсан, албатта, қайтишимга ишонтирдим. Бундан ташқари, савдо қилиб юрган пайтда катта пул жамғарганимни у бекитган жойимда турганини, агар олиб келсан, тўкин ҳаёт кечиришимизни айтдим. Ишқилиб, ундан Суриядан чиқиб кетишимида ёрдам беришини илтимос қилдим. Эртасига Шавқиддин қаердандир Қуръон топиб келди ва деди:

— Кетсан, қайтиб келаман, деб қасам ич.

Озгина иккиланиш ҳам уни шубҳага қўйишини билиб, дарҳол муқаддас китоб устига қўлимни қўйдим. Ичимда “Аллоҳим, ёлғоним учун ўзинг кечир”, дедим-у, ташимда тилим бошқача айланди:

— Қасам ичаман, қайтиб келаман!

— Йўқ, унақа эмас! “Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичаманки, уйга боргач, албатта қайтаман. Агар қайтмасам, Ўзинг борки балоларингни бошимга ёғдир”, де.

Унинг сўзларини қайтардим.

Эртасига, чамамда 26 октябрь куни уйда ўтирганимда Шавқиддин машинада келиб, “тезда тайёргарлигингни кўр, кетдик”, деди. Қулоқларимга ишонмадим.

— Ортиқча нарсалар олмагин, — деди ва уйдан чиқаётганимизда қаттиқ қучди, юз-кўзларимдан бўса олди.

Гумонга қўймаслик учун мен ҳам худди қийналётгандек, белидан қучоқлаб, қўйиб юбормай пича турдим. Кейин бирга чиқиб кетдик. Машина кутиб турган экан, бизни. Унда Абу Зайд ва бир араб бор эди. Улар мени чегарагача олиб боришиб, яна бир машинага ўтқазиб қўйишли. У одам ҳам араб эди.

— Тезроқ қайт, кутаман, — деди Шавқиддин.

— Хайр! — дедим ичимдан тошиб келаётган құвончимни яширишга үриниб.

— Биродарларим сени бир-бирига топширади. Топиширган одамига ишониб кетавер! Хайр! — қўл силкиди Шавқиддин.

Мен араб билан кетдим. У мени чегарадан ўтказиб қўйди. Чегарадан Туркияга ўтганимиздан кейин араб киши мени бир турк миллатига мансуб эр ва хотин қўлига топширди. Улар бизни кутиб турган экан.

Эр-хотин мени автовокзалга олиб бориб автобусга миндирди. Автобусда яна Хатайнинг қадимий манзараларини томоша қилиб, ўн саккиз соатда Истанбулга етиб келдим. Бу ерда ҳам мени Шавқиддиннинг биродари кутиб олиб, самолётга билет олиб бериши лозимлигини билардим. Афсуски, бундай бўлмади. Мени ҳеч ким кутиб олмади. Эҳтимол, бу ҳам Шавқиддиннинг айёргидир? Мен каби у ҳам алдагандир. Пулсиз саргардон бўлиб, яна Сурияга қайтишга мажбур бўлади, дея тусмол қилгандир? Қайтиб борганимда эса “мен сенга имкон бердим, ўзинг эплаб бориб келолмадинг”, дея оғзимни ёпмоқчи бўлгандир? Билмадим, у нимани ўйлаган, бу менга қоронғи.

Аммо менга унинг қўлидан чиққаним мұхим эди. Тўғри, нима қилишимни билмай, бироз довдирадим. Аммо кейин дарров сўраб-суринтириб метро бекатини топдим. Метро орқали Истанбулнинг Лолали деган жойига етиб бордим. Чунки Истанбулни шу жойини яхши билардим. Турмуш ўртоғим Равшан aka билан мол олиб кетгани келганимизда, шу ердаги “Кабул” номли меҳмонхонага жойлашардик.

Ёнимда эллик доллар пул бор эди, холос. Мен ҳеч иккilanмай, шу меҳмонхонага жойлашдим. Бу ернинг нархи бир кунга 30 доллар. Демак, бир кундан ортиқ туролмайман. Бир кунда амаллаб, Тошкентта учишим шарт.

Мен меҳмонхонанинг интернет хизматидан фойдаланиб, опамга ижтимоий тармоқдан мактуб ёздим.

— Опажон, илтимос, менга пул жўнатинг, борганимда қайтараман, — дедим.

— Қаерларда, нималар қилиб юрибсан? — сўради опам.

Мен Туркияга ишлагани келганимни, пулимни йўқотиб, иложсиз қол-

ганимни айтдим.

— Бир кунда шунча пулни қаердан оламан? — деди у.

Опам жўжабирдай жон бўлса, ростдан ҳам бунча пулни қаердан олади?

Иложим йўқлигидан турмуш ўртоғим Равшан акага ёздим. Ҳеч нарсани яширмадим:

— Дадаси, Туркиядаман! Бошим айланиб, кимларгadir қўшилиб Сурияга бориб қолдим. У ердан зўрға қочиб чиқдим. Ҳозир иккаламиз яшаган “Кабул” меҳмонхонасидаман. Илтимос, менга пул юборинг!

— Эрга тегдингми? — деб ёзибди у.

— Йўқ, сизни алдашган. Қидирмаслигингиз, милицияга бормаслигингиз учун ясама сурат ҳам юборишган сизга. Аслида, алдаб Сурияга олиб боришид мени. Илтимос, пул юборинг, борсам ҳаммасини сизга тушунириб бераман. Шу ердан тезроқ кетишим керак, — дедим.

Ростини ёзсам, эрим яна юз ўгирад, мен эса иложисиз яна Сурияга қайтишга мажбур бўлардим. Шунинг учун эримни ҳам алдашдан бошқа чорам қолмаганди.

— Пулни Туркияга жўнатмайман. Опангга бераман, у сенга жўнатади, — деб ёзибди у.

Ўша онда Равшан акадан кечирим сўрагим, қийин вазиятдан чиқшимга ёрдам бергани учун раҳмат дегим келди. Лекин айттолмадим.

— Ўзбекистонга борсам, пулингизни, албатта, қайтараман, — деб қўя қолдим.

Хуллас, опам эримдан пул олди ва менга жўнатди. Мен эса Отатурк аэропортидан 29 октябрь куни Тошкентга учиб келдим. Ватанинга қадам қўйган чоғимни эсласам... Шунаقا ўпкам тўлди, шунаقا тўлдики... Жаҳаннамдан тирик қайтганимга ишонолмасдим. Таксида Тошкентдан то ота уйимга боргунимча йиғлаб кетдим.

Уйимдагиларга бошимдан ўтганларни гапирмоқчи эмасдим. Бу кунларимни ёмон тушдай унутмоқчи бўлдим.

Ўша куниёқ болаларимнинг мактабига бориб, эсон-омон, соғ юрганини кўриб, Аллоҳга шукrona айтдим. Уларни ўзим билан онамникига олиб кетдим ва бу ҳақда онамнинг телефонидан эримга хабар бердим.

Мен жудаям бахтли әдим. Фарзандларим бағримда, үзим соғ-омон озод ва осойишта Ватанимга қайтиб келдим.

Афсуски, кечаси билан үйланиб шуни англадимки, бұғун индамагани билан әртага әрим болалар үчүн келади. Үнга бор ҳақиқатни айтишим зарур. Ҳаммасини әшитгач, у болаларимни менга берармиカン?

Әртасига ҳаммасини ҳал қилиш үчүн Равшан акам билан бирга яшаган үйимизга бордим. Бошимдан үтгандарнинг барчасини үнга тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Аслида ҳаммасига үзим айборман. Сизга қулоқ тутмадим. Енгил үйладим, түқликка шүхлик қилдим. Енгилтаклигим сабаб Шавқиддин сингари қабих кимсанинг түзөғига илиндим. Бүнинг ҳаммаси ношукурлигим туфайли менга берилган жазо. Мен сизга лойиқ эмасман! Бошқа бир яхши аёлга үйланинг, болали бўлинг! Сизда бунинг имкони бор. Менга эса фарзандларимни беринг! Энди қилган гуноҳларимга тавба-тазарру қилиб яшай... — дедим ҳамма воқеани айтиб бериб бўлгач.

Ўша ондаги Равшан аканинг юзида акс этган ифода ҳар қандай тифдан, ҳар қандай қилич дамидан ўткир әди. Кўзлари билан мени қийма-қийма қилди.

Қанийди, вақтни орқага қайтара олсам. Мана шу инсон үчүн жоними-ни фидо қилган бўлардим. У билан, болажонларим билан умуман үзгача бир тарзда ширин ҳаёт кечирган бўлардим, афсус бунинг сира иложи йўқ.

— Чик, кет! Болаларни сенсиз ҳам катта қила оламан. Шу пайтгача уларга сенинг йўқлигингни билдирамадим, бундан кейин ҳам эплайман! Уларни олишни хаёлингга ҳам келтирма! — деди әрим қатъий.

Икки ҳафта үзим билан үзим курашдим. Сўнг ҳаммасини айтиб бериш үчун ички ишлар бошқармасига йўл олдим..."

Наргиза Усанбоева оқка кўчирди.

ҚАЛБ КҮЗИ КЕЧ ЁРИШГАН “ХИЗБИ”

“...Мен “Хизбут-тахрир” диний экстремистик оқимида фаолият олиб борганим учун 2004 йилда 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва айни пайтда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида жазо муддатини ўтаётган, 1966 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида туғилган Раҳимов Нодиржон Каримович бўламан.

Яқинда аҳволимдан хабар олиш учун келган рафиқам Мухлисахоннинг қўлидаги “Даракчи” газетасининг 2016 йил 25 февралда чоп этилган сонида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидан бўлган “Абдулло” исмли йигитнинг армонга тўла гапларини, зада юрагидан тўкилган дардларини ўқидим.

“Абдулло” “Хизбут-тахрир” оқимига аъзоси бўлган отасининг оиласи бошига солган кўлфатлари ҳақида йиғлаб-йиғлаб ёзибди. Тўғриси, шуларни ўқиганимда мен ҳам йиғладим. Дод солиб, чин қалбимдан, пушаймонликдан йиғладим. Сабаби, шу кунгача менинг ҳам “Абдулло”-нинг отасидан фарқим йўқ эди. Афсуски, менинг ҳам жигарларим унинг оила аъзолари каби хору-зор бўлишаётгани, сўзида айтмаса-да, юрак-юрагидан мени қарғаб яшаётганини тушундим.

Ахир мен ота бўлиб нима қилдим? Фарзандларимни Ватан хоинининг ўғил-қизига айлантириб, менга баҳт улашган рафиқам Мухлисахонни — туну кун, иссиқ-совуқни ўйламай, мени бир дақиқа бўлса-да кўриш учун ёнимга ошиқадиган, тирикчилик илинжида ўзини ўтга-чўққа уриб, топганини менга ташийдиган жуфти ҳалолимнинг мунгли нигоҳидаги дардни,

қалбидаги азобни наҳотки түшүніб ета олмадим? Ҳар гал мени күриш үчүн келган Мухлисамнинг бармоқларида эртаю кеч күрпа-ёстиқ тикканидан пайдо бўлган қадоқларни кўриб, унинг келинлигидаги юмшоқ қўлларидан асар ҳам қолмаганидан нега ўзимга хулоса чиқармадим?

Гуллолабегим, Заҳробегим, Оминахон қизларимни ва Абдулазиз ўғлимни ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялаш қўлимдан келар эди-ку? Афсуски қамалиб ҳам ақлим кирмади: уларни рисоладагидек тарбиялаш ўрнига, мажбуrlаб ҳижобга киритдим, кўча-кўйга чиқишиларига, институтларда ўқишиларига қаршилик қилдим.

Полапондек қизим Гуллолабегим онаси билан мени кўриш үчун келиб, шифокор бўлишини айтганида, уни бу йўлдан қайтариш үчун юзига тарсаки тушириб, унинг кўз ёшларини тўкканим ва нафратига дучор бўлганим ҳеч хаёлимдан кетмаяпти. Шу ҳам инсоннинг ишими?

Афсус, қалб кўзларим кўр бўлганини түшүнib етганимда жуда ҳам кеч бўлди. Шу даражада ҳам тубан бўламанми, а? Наҳот мени дунёга келишимга ота сабаб бўлган? Наҳот мени она туқсан? Наҳот опа-сингилларим билан бирга катта бўлдим?

Онажон, мени “ўғлим” деманг. Мен фарзандликка мутлақо номуносибман. Опажон, сингилжон, мени “қондошим” деманг. Мен укаликка умуман нолойиқман.

Мени кутиб кўзлари кўр бўлган онамга кўзларимни бергим келяпти. Отажоним бир вақтлар Олмазор тұманиндағы эң кўзга кўринган математика ўқитувчиси эдилар. Отамнинг мени деб маҳалла-кўйда, дўстлари орасида шарманда бўлгани ва бу дардни кўтаролмай вафот этганини наҳотки ўз вақтида англамадим? Лоақал отамни сўнгги йўлга кузата олмаган бўлсам...

Меҳрибоним Мухлисахон, мени ёрим деманг, сизнинг оқарган бир тола сочингизга, юзингиздаги кулгич ўрнини қоплаган бир дона ажинга арзимайман. Менга ота деб мурожаат қилманг, гўзал қизларим! Сизлар чеккан азобларнинг бир лаҳзасига ҳам лойиқмасман. Ота бўлиб, қўлингиздан бир марта бўлса-да тутиб, бирорта ҳарфни ўргата олмаган, пешана терим билан топган маошимдан туғилган күнларингда совға олиб

беролмаган, нолойик, қалби күр оталарингни кечиринглар.

Қанийди, буларнинг барчаси қўрқинчли туш бўлса-ю, ўйғонганимда нав қирон давримга қайтиб, ҳаммасини ўзгартира олсан. Ота-онам орзу қилган ўғил, бир баҳтли оиланинг баҳтли отаси бўлсан. Ана шундай пушаймонлар туну кун ҳаловат бермайди, хатоларим ич-этимни каламушдек кемирмоқда.

Шу кунгача нега мен озодликдан маҳрум этилдим, ахир мен ҳеч нарса қилмадим-ку, деган саволни ўзимга бериб, виждонимни алдаб, яқин ларимни тириклиайн гўрга тиққанимни энди тушуниб етдим.

Нодонлигим туфайли ана шундай саодатли жамиятнинг бекаму кўст фуқаролари қаторига қўшилмаганимдан афсус чекаман. Ахир менда ҳам баҳтли инсонлар сафида бўлиш учун етарлича имкон бор эди-ку? Аммо ёруғлик, асл ҳидоят ўрнига, “Ҳизбут-таҳрир” деган ўлат, охири жарликка қулатадиган қинғир сўқмоқ домига тушшиб ўтирибман.

Асл мақсади ислом динимизни қўғирчоқ қилиб, мусулмонни мусулмонга душман қилган “ҳизбчи”лар, мен сингари падаркушларни “яратди”, холос. Эзгулик дини бўлган ислом мен ва менга ўхшаган ватанфурӯш “таҳрирчи”лар таъсирида хор бўлганини тушуниб етганимда оиласдан, болаларимдан, ота-онамдан ажралиб қолдим. Яқинларимнинг, қолаверса, менинг таъсиirimда “ҳизб”га аъзо бўлган навқирон йигитларнинг нафратига дўчор бўлдим. Ахир ularнинг ҳам фарзандлари шу азобларга гирифтор бўлаётганини наҳотки англамадим?

“Ҳизбут-таҳрир” йўлини тўғри деб билиб, 12 йилдан ортиқ вақт давомида ҳақ йўлдаман, деб бутун борлиғимдан айрилганимни кеч тушуниб етдим, алданганимни, “ҳизб”ни деб бутун ҳаётим барбод бўлганини тушундим.

“Ҳизбут-таҳрир”! Мени ва фарзандларимни хўрлаганинг, оиласни барбод қилганлигинг учун сендан нафратланаман! Сенга эргашганларни Аллоҳ ўзи жазоласин.

Қилган гуноҳларим учун ҳар куни фарзандларимдан кечирим сўрайман, фарзандларимга оталик қилиб, уларни ҳимоя қилаётган юртимдан кечирим сўрайман. “Абдулло”, укажон, биз бефаҳм “ҳизбчи”ларни кечиринг.

Азизам Мухлисахон, жигарбандларим Гуллолабегим, Заҳробегим,
Оминахон, ўғлим Абдулазиз, мен, албатта, озод бўламан.
Сизларни юрак-юракдан ардоқловчи дадангиз Нодиржон.”

“БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...”

“Мен — Нозима Диёроваман. Тошкент шаҳрида яшаймиз. Оилада тўрт фарзандмиз. Бир синглим ва икки укам бор. Отa-онам давлат ишида ишлашайди. Улар бизни ҳеч нарсага зор қилмай, ҳалол меҳнат эвазига катта қилишиди. Иккаласи ҳам ўқимишили, зиёли бўлгани учун биз фарзандларининг ҳам ўқишига шароит яратиб беришиди. Оилада катта фарзанд бўлганим сабабли дастлаб менинг ўқишиларимга кўпроқ эътибор қаратишди. Мактабни аъло баҳоларга битирганимдан сўнг, чет тилларига ихтисослашган лицейда ўқишимни давом эттиридим. У ерда ўқиб юрган кезларим тегишли фанлардан репетиторга қатнардим. Отa-онам иқтисодий томондан қийналса-да, фанлардан тайёрланишим учун пул топишарди.

Лицейни битиргач пойтахтимиздаги нуфузли олий таълим муваккисасаларининг бирига ҳужжат топширидим ва давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Имтиҳон натижалари эълон қилингач, мендан кўра ота-онам қаттиқроқ суюнди. Ўша куни отам менга “Умида қизим, сен билан фахрланаман”, деди. Онажоним севинчдан кўзларига ёшолди. Ҳатто, отам менинг ўқишилариганим шарафига қариндошуруғ, ёру дўстларни чақириб, зиёфат ўюштирди.

Вақт шу қадар тез ўтдики, қандай қилиб учинчи курс бўлиб қолганимизни билмайман. Бу пайтга келиб мен рус ва инглиз тилларида bemalol сўзлашадиган бўлдим. Қўшимча тил сифатида араб тилини ўрганишга қизиқиб қолдим. Ҳаммаси шундан бошланди. Араб тилини ўрганиш учун

университет кутубхонасидан бир қанча китоблар олганимга қарамай, интернет орқали ҳам турли маълумотлар билан танишишга киришдим. Энди билсам, интернетга жойлаштирилган керак, нокерак, тўғри, нотўғри маълумотларни ажратмасдан ўрганиб катта хатога йўл қўйибман. Бу ҳам етмагандек, турли ижтимоий гуруҳларга ҳам аъзо бўлиб, уларнинг ёзишмаларида иштирок этардим. Айниқса, интернет орқали ўзини Мисрдаги Ал-Азҳар университети талабаси деб таништирган Юсуф исмли йигит билан тез-тез ёзишиб турардим.

Араб тилини ўрганиш иштиёқи ва Юсуфнинг даъватлари беихтиёр менда ислом динига қизиқишни кучайтириб юборди. Шу-шу интернет орқали Юсуф билан сұхбатимиз бошларида араб тилини ўрганишга урғу берган бўлсак, аста-секин у менга ислом динидан сабоқ бера бошлади.

Юсуф билан кўпроқ ёзишгим келарди. Унинг нимасидир мени ўзига тортарди. Олисда бўлса-да, ўзини бир бор кўрмаган бўлсам-да, кундан-кунга унга қаттиқ боғланиб қола бошладим. Ҳар куни у менга диний мазмундаги видео ва аудиоматериалларни юборарди. Ушбу маълумотлар билан танишиб чиққанимдан сўнг Юсуф уларнинг мазмунини изоҳлаб берарди. Шу тариқа икки-уч ой гаплашиб юрдик. Рус ва инглиз тиллари у ёқда турсин, ҳатто араб тилини ҳам ўрганишни унтиб, Юсуфнинг кўрсатмасига биноан кўр-кўрона ислом динини интернет орқали тарғиб қилишни бошладим. Мен интернетдаги турли ижтимоий гуруҳларга диний мазмундаги маълумотларни жойлаштириш билан шуғулланардим. Ушбу маълумотлар таг-замарида нима мужассамлиги хақида ўйлаб ҳам кўрмасдим.

Юриш-туришим ўзгаргани ва ўқишишдаги ўзлаштириш кўрсаткичларим тушиб кетгани боис университет маъмурияти ота-онамни чақиртиришди. Улар иккаласи ҳам ўқишимизга келиб, устозларим билан гаплашишди. Ўша куни кечки овқатдан кейин ота-онам менга нима бўлаётганини, қандай муаммом борлигини сўради. Уларга ҳаммаси жойидалигини айтдим. Ўқишлиаримни яна аввалги ҳолга келтириб, бўндан буён фақат аъло баҳоларга ўқишимни, юзларини ерга қаратмаслигимни айтиб, кўзимга ёш олдим. Бу қутилишнинг энг осон йўли эди. Бўлмасам нима бўлгани

ҳақида қистовга олишарди ва мен қийин аҳволда қолардим. Шу тариқә ҳаммаси силлиқ күчди. Күп саволлар берилмади, ота-онам менга ишо нишини маълум қилди.

Яна бир бор үйдагиларнинг ишончига кирганимдан сўнг ҳеч нарса бўлмагандай ишларимни давом эттиравердим. Лекин бу кўпга чўзил мади. Интернет орқали ўзини Ал-Азҳар университети талабаси деб та ништирган Юсуф аслида қидирудаги ашаддий жиноятчи, террористик оқим аъзоси бўлиб чиқди. Мен унга қўшилиб, интернет орқали терро ристик оқим ғояларини тарқатганим учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ор ганлари ходимлари томонидан қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилдим. Отам “менинг сендай қизим йўқ, лаънат сенга, бундан кўра ўлганинг яхши эди”, дея суд залидан чиқиб кетди...

Бир пайтлар мен билан фахрланишини ғўрур билан айтган отам мен дан кечиб кетиши-ю, ўша дамлар севинчдан кўзларига ёш олган бечора онам энди ғам, андуҳ, алам ва қайғу билан фарёд солиши-ю, доимо кулиб, қувноқ бўлиб юрадиган синглим ва укаларимнинг сассиз ўкинч билан йиғлаши барча-барчаси менинг биргина хатойим туфайлидир!

Агар бошқа нарсаларга чалғимасдан тинчгина ўқиганимда бугун университетни битирган, бирор жойда ишлаётган, бир оиласининг бекаси, ши риндан-ширин болаларнинг онаси, кимнингдир суюкли ёри бўлардим...

Энг ёмони мени, деб оиласиздан барака кетди. Ота-онам соғлигидан айрилди. Синглим ва укаларимнинг ўқишлари ярим йўлда қолиб кетди. Отам уларнинг олий таълим муассасасига ўқишга топширишига рухсат бермади. Чунки мен ота-онамнинг ишончини оқлолмадим. Юзларига оёқ қўйиб, элу юрт олдида шарманда қилдим...”

“МЕН ОЗОДЛИКДАН ҚҰРҚАМАН...”

“Юракдан қайнаб чиқаётган ушбу сүзларни қандай күринишида бұлmasin, она Ватанимизнинг тинчлигига, юртимизда Конституция ва қонун устуворлигига рахна солувчи, миллий манфаатларимизга зид бўлган ёт ғоялар, хусусан, “Ҳизбуттаҳрир” оқимиға нисбатан ғазаб ва нафратимни ифодалаш мақсадида қоғозга туширмоқдаман.

Mен маҳкум Асқар Содиков 1965 йилда Сурхондарё вилоятида, оддий ишчи оиласида туғилғанман. Отам бизни пешана тери, ҳалол ризқ билан боқиб катта қилғанлар. Ҳамиша Ватанга содиқ, фидойи, тўғрисўз, адолатли инсонлар бўлиб етишишимизни истаганлар.

1991 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ташаббуси билан мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган пайтларда биз ҳам ўз юртимиз озодликка чиққанидан, ҳалқимиз ҳурриятга эришганидан севингандик.

Марҳум Юртбошимиз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, эътиқод ва виждан эркинлигини ҳимоялаш мақсадида барча шароитларни яратиб бердилар. Юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилишга катта эътибор қаратилди.

Одатда эрталаб үйимизни шамоллатиш учун деразаларни очганимизда, хонамизга тоза ҳаво билан бирга түрли гард, чанг-тўзонлар ҳам ёпирилиб киради. Мамлакатимизнинг фақат эзгулик, тараққиёт учун

кенг очилган эшикларидан түрли бүзғунчи ғоялар, бадният кимсалар, динни ўзига ниқоб қилиб олган ғаламис оқимлар кириб келганини ҳам ҳеч ким инкор қилолмайди.

“Ҳизбут-тахрир” ҳам ана шундай манфур ва жирканч оқимлардан бири эканини ўша пайтларда қосир ақлим англамаган эди. Минг афсуски, бу оқимнинг турли оҳанжамалар билан ниқобланган ёвуз ғояларига мен ҳам осонгина алдандим. “Ҳизбут-тахрир” гумашталарининг нафрат ва тұхматта йүғрилган даъватлари күзимни күр, қулоғимни кар қилиб қўйди. Мен ҳаётни ҳам, исломни ҳам айнан “Ҳизбут-тахрир”нинг “қора кўзойнаги” ортидан кўриб, идроким хиралашиб қолганини пайқамадим. Ўзим алданганим, чув тушганим етмагандек, яқинларим, дўст-биродарларимни ҳам шу жаҳолат гирдобига тортаверибман.

Эс-ҳушимни бир жойга тўплаган пайтимда эса, ўзимни суднинг қора курсисида кўрдим. 2007 йилнинг 15 февраль куни суд ҳайъати мени Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига биноан айбдор деб топди ва тегишли муддатда озодликдан маҳрум этди.

Орадан салкам ўн йил вақт ўтди. Бу муддат ақлимни бир жойга қўйиб, қилган хатоларимни сарҳисоб қилишим учун етарли бўлди. Бир пайтлар “Ҳизбут-тахрир”нинг ғоя ва мақсадларига алданиб, ўзим ҳам ана шу манфур оқим учун хизмат қилганимни эсласам, ўз-ўзимдан нафратланаб кетаман.

Энди билсам, бу оқимнинг халқимиз бошига офат ва кулфат ёғдиришдан бўлак мақсад-муддаоси бўлмаган экан. Ҳозир мен бу диний экстремистик оқим аъзоларини, ҳатто инсон деб аташга тилим бормайди. Назаримда, уларни она туғмаган, акс ҳолда, улар ўзларини туғиб катта қилган оналарининг оқ сутини инкор этмаган бўлардилар. Бундай кимсаларни эшак, десам ҳам муболаға бўлмайди. Яна ким билсин, балки бу сўзларим билан мен инсонларга ҳамиша ҳалол хизмат қилиб, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиласидиган бир хокисор жонзотни ҳақорат қилган бўларман?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув беришди. Унда бир мутахассис ўз ватанига қурол ўқталган кимсаларни “қўтирип босган тулки”га ўхшатди. Чунки тулкини қўтирип босса, ўз инига қараб улир экан.

Мен бу сўзларни ўзимни оқлаш ёки тезроқ озодликка чиқиш ниятида айтаётганим йўқ. Зеро, озодлик деган сўзни эшишим билан мени қўрқув босади. Бу қандай қўрқув дейсизми? Бу ота-она олдидағи фарзандлик бурчини адо этолмаган, уларнинг қабрига бир кафт тупроқ ташломаган ўғилнинг, ўз фарзандларига бош бўлиб, уларнинг бошини силамаган, тарбия беролмаган отанинг, маҳалла-кўй олдида бош кўтариб юришга мадори етмайдиган бир ғофил банданинг бутун борлигини эгаллаб олган қудратли қўрқув, чек-чегарасиз надомат. Бу оила, халқ, Ватан олдидағи ниҳоясиз виждан азоби.

Мана, бир неча йилдирки, жазо мұддатни ўтаб келмоқдаман. Бу ерда биз маҳкумлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир маҳкум, ўз хатосини англаб, тўғри йўлни топиб олиш учун вақт ҳам, имконият ҳам етарли.

Жазо мұддатини ўташ даврида марҳум Юртбошимизнинг бир қанча асарларини ўқиб чиқдим. Нега бу пурхикмат асарларни ўша пайтларда, кўзимни жаҳолат пардаси қоплаган кезларда ўқимадим экан-а? Мазкур китобларда үлуг Йўлбошчимиз Ватанинги севиш, ардоқлаш, унинг тинчлигини асраш, ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини айтиб кетган эканлар. У зот ўз ҳаётини Ватанинг эрки, озодлиги, порлоқ истиқболи учун бағишилган кам сонли давлат раҳбарларидан бири бўлган эканлар.

Биринчи Президентимизнинг вафотлари миллионлаб ҳамюртларимиз қатори менинг қалбимни ҳам ғамга ботирди. Мен ҳам манфур “Хизбут-тахрир” ботқоғига ботмаганимда, шу буюқ инсон қўрсатган порлоқ йўлдан бориб, халқимиз, Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўша олганимда эди...

Яқинда бир нашрдан Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган 158 давлат орасида иккинчи ўринда туришини ўқиб, ҳам қувониб кетдим, ҳам хижолатга тушдим. Ахир, мен ҳам шу юртнинг бир фуқароси сифатида унинг ҳар бир ютуғидан қувонишга ҳақлиман. Лекин бир пайтлар мен ана шу тинч ва осойишта давлатнинг барқарорлигига таҳдид солиб турган кимсалар қаторида эмасмидим?

Мутолаани жуда ёқтираман. Ҳозир таниқли рус ёзувчиси Евгений Чирковнинг бир асарини ўқияпман. Унда ёзилишича, собиқ иттифоқ даврида ўз ватанига қарши чиққан, сиёсий маҳбусларнинг оила аъзоларига ЧСВР яъни “член семьи врага народа” (халқ душманининг оила аъзоси) деган тамғани босишар, бундай кишилар ҳамма ёқда камситилар, оёқости қилинар, муайян ҳуқуқлардан маҳрум этилар, инсоний шаъни ва ҳуқуқлари муттасил топталар экан.

Беихтиёр уч нафар фарзандим кўз олдимга келди. Минг шукрки, улар бирор марта адашган оталари туфайли бирор тазийқ ёки таъқибга учраганлари йўқ. Улар барча тенгдошлари қатори замонавий илм масканларида таълим олиб, ҳунар ўрганиб, жамиятда ўз ўринларини топишмоқда. Бу ҳам давлатимизнинг адолатлилиги, демократик тамойиллар ҳукмронлиги, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳамма нарсадан устувор эканидан дарак эмасми?

Бунинг учун биз маҳкумлар ҳукуматимиздан, юртимиз раҳбарларидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзиди.

Яқинда халқимиз бир овоздан ўзининг янги давлат раҳбарини сайлади. Минг афсуски, биз бу сиёсий жараёнда иштирок этолмадик. Аммо халқимиз иродаси билан Ватанимизнинг тақдирни ишончли қўлга ўтганидан хурсандмиз.

Мен кўнглимга шундай мақсадни туғиб қўйдим: қачонки менга озодлик насиб этса, ҳаётимнинг қолган ҳар бир лаҳзасини юртимиз тараққиётiga, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигига сафарбар этган, имконим етганича, бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи ҳар қандай малъун кимсаларга қарши курашган бўлардим.

Яратгандан фақат шуни сўрайман: юртимиз тинч, халқимиз омон, мустақиллигимиз абадий бўлсин, тинчлигимиз, осойишталигимиизга рахна солмоқчи бўлган кимсалар Яратганинг қаҳрига дучор бўлишсин!...”

“ҮЗИМ ҮТИРГАН ШОХГА БОЛТА УРДИМ...”

“Кейинги пайтда матбуотда мен сингари адашган маҳкумларнинг пушаймонлик ва надоматга йўғрилган номаларига кенг ўрин берилаётганини кўриб, мен ҳам ўз кечинмаларимни ошкор этишга қарор қилдим.

Aввало биз сингари ўз қилмишларига мувофиқ жазо муддатини ўтаётган кимсалар учун ҳам сўз эркинлиги, фикрларни очиқ-ойдин баён этиш имкони берилганидан миннатдорман.

Исмимни шартли равишда Абдуллатиф Ҳасанов деб атай қолай. Кирриб келган янги йилда 37 ёшга тўламан. Биламан, мен тенгилларнинг бари ҳозир аллақачон бола-чақали бўлиб улгуришган, ҳатто фарзандларини ўйли-жойли қилганлар ҳам бор. Мен эса... 19 ёшимда бир қатор моддалари билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганман. Ҳали-ҳануз жазони ижро этиш муассасасидаман.

18 йил! Ўша пайтда туғилган гўдак ҳозир айни навқирон ёшга тўлган, оқ-қорани таниб улгурган. Мен ҳам бу йиллар ичida не-не ишларга улгуришим мумкин эди. Начора, ёшлиқдаги ножӯя қадамлар, хато фикрлар, ноўрин хатти-ҳаракатлар сабабли бутун ҳаётимни барбод қилдим.

Ҳаммаси 1998 йил Толиб исмли танишимдан ислом дини, араб тили, Қуръон ўқиши қоидаларини ўрганишимни ният қилган пайтларимдан бошланди. Мен “ота-болаларимиз динини”, “мусулмончиликни”, Қуръонни ўрганяпман деб ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ота-онам ҳам бу ишимга қарши бўлишмади. “дину диёнатни, иймон-эътиқодни ўрганса, бунинг нимаси ёмон” дейишгандир-да!

Ўша пайтларда дин айрим ёвуз, бадният кимсаларнинг манфур мақсадлариға етишишлари учун қурол вазифасини ўташини билмаган эканман. Аслида мен Толибдан ўрганаётган сабоқлар ҳақиқий ислом арконлари эмас, балки “Салафийлик” деб аталадиган диний-экстремистик оқимнинг жирканч ғоялари экан. Мен ўқиган китоблар, кўрган видеолавҳалар, эшитган маърузалар ана шу оқимнинг қора ниятлари учун хизмат қиларкан.

Аслида динни, Қуръонни ўрганмоқчи бўлсам ҳукуматимиз томонидан очилган олий ўқув юртларида ўқисам бўларди-ку? Араб тилини ҳам давлат таълим муассасаларида ўрганиш имконияти бор эди-ку? Нега ўша пайтлар булар ҳақида бош қотириб кўрмаганим ҳали ҳамон юрагимни беаёв доғлаб келади.

Толибнинг мен сингари “шогирдлари” кўп эди. Гоҳ масжидларда, гоҳ унинг уйида тўпланиб, диний мавзуларда сұхбатлар ўтказардик. Гоҳида “устозларимиз” бизга мамлакатимизда дин ва эътиқодга қарши шафқатсиз кураш бораётгани, ҳар бир мусулмон бундай тузумга рози бўлмаслиги кераклигини уқтиришарди. Табиийки, бундай сұхбатлар эл кўзидан панада, одамларнинг эътиборини тортмайдиган жойларда ўтарди.

– Азизлар, ўзингиз биласизлар, ҳар қадамимизни пойлаб юрганномардлар кўп, – деди бир куни бизга “раҳнамо”миз Толиб. – Ҳатто ўз динимизни ўрганишимиз учун ҳам имкон беришмайди. Агар бу маҳфий мажлисларимизни билиб қолишса, бизни нима қилишлари маълум. Шу боис, вақтинча бўлса-да, эмин-эркин билим олиш мумкин бўлган диёрларга чиқиб кетишингиз керак.

Ҳаммамиз бир-биrimизга қарадик: Хўш, қаерга чиқиб кетишимиз мумкин?

– Ҳозир Тожикистанда бу ерга қараганда шароит анча яхши, – деди “раҳнамо”. – У ерда сизу биздек иймонли, юрагида ўти бор мусулмонларни ўқитадиган марказ бор. Ҳаммангиз ўша ерга боришингиз керак. Бу исломда “ҳижрат” дейилади. Вақтида пайғамбаримиз ҳам кофирларнинг зулмидан қочиб, Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлар.

Очиғи, ўша пайтгача “ҳижрат”нинг асл маъносини тушунмасдим. Тушун-

ганимда, шартта ўрнимдан туриб, пайғамбаримиз (с.а.в.) замоналари билан бугунги кунни солишириб бўлмаслиги, юртимизда динга, мўъмин-му-сулмонларга нисбатан ҳеч қандай тазийк йўқлигини айтмасмидим?

Мен у пайтларда худди манқурт сингари мустақил фикрлаш қобилиятини йўқотгандим, мен учун “раҳбарлар”нинг ҳар бир сўзи қонун билан баробар эди. Шу сабабли “ҳижрат” таклифини ҳам эътиrozсиз қабул қилдим.

Толибнинг кўрсатмасига биноан, Абдулла, Неъматулла сингари сабоқдошлар биргаликда йўлга отланадиган бўлдик.

– Эртага “Отчопар” бозорида кўришамиз, – деди Толиб кечқурун бизни уйимизга кузатаркан. – Уйдагиларга “узоқ муддатга ишлагани кетяпмиз”, дейсизлар. Ҳеч кимга ортиқча гапириб юрманглар. Асло иккиланманглар, биз тўғри йўлдамиз.

Унинг айтганларини қулоқ қоқмасдан бажардик. “Отчопар” бозорининг автобуслар қўналғасида бизни яна етти киши кутиб турарди. Уларнинг барчаси эсимда қолмаган. Фақат Қобил исмли бир йигитни эслайман.

– Сизлар ҳозир Деновнинг автобусига чиқасизлар, – деди Қобил атрофга олазарак боқаркан, ҳеч ким эшишиб қолмаслиги учун паст овозда пичиплаб. – Ҳеч ким билан гаплашманглар. Эътиборни тортманглар. Сизларга Аҳмад исмли мана шу йигит бошлилик қилиб боради. – У шундай дея бошига кепкасини бостириб олган, йигирма беш ёшлардаги новча йигитни таништирди. – Қолганини боргандা кўрасизлар.

Шу тариқа автобусда Сурхондарёга қараб йўл олдик. Кўрганлар биздан шубҳаланмаслиги аниқ эди. Кўринишимиздан шубҳали одамларга ўхшамасдик. Кун бўйи йўл юриб, оқшом пайти Деновга кириб бордик. Бизни шаҳар автовокзалида бир йигит кутиб турарди:

– Хуш келибсизлар, меҳмонлар, – деди ҳалиги йигит. – Менинг исмим Икром, бугунча сизлар бизнинг ихтиёrimизда бўласизлар. Эртага чегардан ўтказиб юборамиз.

Хуллас, ўша кечаси Икромнинг уйида тунаб қолдик. Эрталаб иккита - учта машинада поезд вокзалига йўл олдик.

— Сизни Аллоҳга омонат топширдик, — деди Икром биз билан хайрла шаркан. — Душанбеда “биродаримиз” сизни кутиб керакли жойга олиб боради. Сизларнинг Яратган ўзи паноҳида асрасин.

Поезд бирсилкиниб қўзғалди. Мениёса ғалатикайфиятчулғаболганди. Мана, бир неча дақиқалардан сўнг мамлакат сарҳадини кесиб ўтамиз. Кейин-чи? Кейин нима бўлади? Мен ўз юртимни, ота-онамни, Ватанимни ташлаб қаерга кетяпман ўзи? Қилаётган ишим тўғримикин? Ўн саккиз ёшли ақлим бу саволга тўлақонли жавоб беришдан ожиз эди. Беихтиёр Толибнинг қатъий хитоби қулоғим остида жаранглагандек бўлди:

— Асло иккilanма, биз тўғри йўлдамиш!

Аслида, аллақачон тўғри йўлдан адашиб, жаҳолат кўчасидаги дарбадарлик бўшланганини кеч англадим.

Бир неча соатлик сафар интиҳо топиб, поезд Душанбе вокзалига етиб келди. Пёрронда бизни қора соқолли ўрта яшар бир киши кутиб турарди. Қобил билан ҳалиги киши аввалдан таниш бўлишса керак, қучоқлашиб кўришишди. Кейин бизга юzlаниб сўрашган бўлди:

— Нағзед мөхмонани азиз? Монда нашуда расида омадед?

Унинг гапига тушунмасак-да, ҳар қалай “яхши етиб келдингларми” деган маънода сўрашаётганини тушуниб, бош ирғаб қўяқолдик.

Вокзал ташқарисида бизни эски “ЛАЗ” русумли автобус кутиб турарди. Нотаниш шаҳарнинг нотаниш кўчалари бўйлаб кетиб боряпмиз. Мана, шаҳар ҳам ортда қолди. Тошдан-тошга урилиб, айқириб оқаётган Варзоб дарёси кўпригидан ўтгач, тоғу тошлар оралаб кета бошладик. Бир соатлар чўмаси йўл юргач, тоғ орасидаги лагерга ўхшаган бир қароргоҳга етиб келдик. Лагердан кираверишда бизни қуролли соқчилар кутиб олишди. Ҳамма ёғимизни пайпаслаб кўришгач, ичкарига киритишди.

Кейинчалик маълум бўлишича, бу қароргоҳ “Санаторий” деб аталар, шўролар даврида қайсиdir юқори ташкилотнинг дам олиш маскани бўлган, айни гайтда Тожик мухолифатининг қуролли тўдалари эгаллаб олишган экан. “Ўзбекистон ислом ҳаракати” раҳбарлари ҳам Тожик мухолифати билан яқиндан ҳамкорлик қилишаркан. Лагерда ЎИҲнинг бир қанча аъзолари бор эди. Улар ҳар биримиз билан алоҳида суҳбат ўтказишиди.

15 күнча “Санаторий”да қолиб кетдик. Бу ерда күнлар жуда секин ўтар, “Санаторий”дан ташқарига чиқишимиz учун рухсат берилмас, бизни кечаю кундуз қўриқлашарди. Бу ерда жангариларга қарашли жуда катта қуроляроf, портловчи моддалар захираси борлигини кўрдик. Бу қуроллар қачон, кимга қарши ва нима мақсадда ишлатилишидан бехабар эдик.

Кейин эса, бизни ғарм ноҳияси марказидаги Хоит аҳоли пунктига олиб кетишиди. Билсак, Ўзбекистон ислом ҳаракатининг асосий таянч кучлари худди шу ерда жойлашган экан.

Мазкур ҳарбий лагерга ЎИҲнинг юқори рутбали жангариларидан бири Абдураҳим исмли йигит бошчилик қиларкан. У бизни аллақандай кибр ва менсимаслик билан қарши олди.

– Паспорт ва пулларингни чиқар, ҳамманг!

Унинг бу муюмаласидан ҳанг манг қолдик. Биз шунча йўл босиб, нене қийинчиликларни бошдан кечириб унинг ёнига юкуниб келсак, бунинг қўполлигини қаранг. Бу муюмала кўнглимизга қанчалик оғир ботмасин, унинг амрига бўйсунишдан бошқа чорамиз йўқ эди. Паспорт ва пулларни топшириш билан қўл-оёғимизга ўзимиз тушов солиб, инон-ихтиёrimизни “амир” Абдураҳимга топширган эканмиз.

– Хўш, қани энди гапир, – сўради у менга қараб. – Бу ерга нима мақсадда келгансан?

Мен... нима деб жавоб қайтаришни билмай, ҳамроҳларимдан бири Абдуллага, нажот кутиб мўлтирадим. У ҳар қалай мендан кўра анча журъатли ва гапга чечанроқ эди:

– Амирим, бизда, Ўзбекистонда кейинги пайтларда ислом аҳкомларини ўрганиш анча қийинлашиб бормоқда. Тегишли идоралар таъқиби остида илм олишимиз оғир бўляпти. Шу боис, бу ерга илм олгани келдик. Устозимиз ҳам бизни бу ерга ана шу мақсадда ҳижратга юборгандар.

– Ҳижратга чиқдик, дегин, – Абдураҳим сарғайган тишларини кўрсатиб тиржайди. – Билим олмоқчимисанлар? Ҳозир Ўзбекистон куфрга берилган, муртадлар томонидан идора қилинаётган бир пайтда хотиржам

илем ўрганиб бўларканми? Бизнинг ҳозирга мақсадимиз – жиҳод! Биз аввало Ўзбекистондаги ҳукуматни қўлга олиб, у ерда ислом давлатини барпо этамиз. Ана ундан кейин ётволиб билим олаверасанлар! Бу ерда бизга муллаваччалар эмас, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга ҳам тайёр турган довюрак мужоҳидлар керак.

Унинг шиддатли хитобидан ҳаммамиз таҳликага тушиб қолгандик. Тўғри, Тошкентдаги йиғинларимизда давлатга, сиёсатга, демократик тузумга қарши гаплар айтилар, аммо, жиҳод, уруш, шаҳидлик ҳақида ошкора гапирилмасди.

– Биз бу ерга жиҳод учун эмас, илем олишга келганимиз, – такрорладим бутун журъатимни тўплаб. – Ҳеч биrimiz Ўзбекистонга қарши қурол кўтариб боришни истамаймиз. Фақат, бизда исломий илем олиш учун шароит йўқлиги боис, бу ерларга келгандик.

Шундай Абдураҳимнинг юзидаги масхарали табассум ғойиб бўлди. Шартта этигининг қўнжидан ханжарга ўхшаш, уни қайрилган пичоқни чиқариб, нақ бўғзимга тиради:

– Ўв, жиблажибон, – деди оғзидан тупук сачратиб. – Яна бир марта менга сакрайдиган бўлсанг, мана шу бошингни сапчадай узаман, тушундингми? Бу ерда нима қилишни сен эмас, мен ҳал қиласман. Агар айтганимдан чиқадиган бўлсанг, бир сени эмас, мана буларни ҳам тирик қўймайман, – шундай дея у шерикларимга ишора қилди.

Ҳа, энди ҳаёт-мамотимиз унинг қўлида эди. Нима дейишса, хўп деб бажаришга мажбур эдик. Бир неча кун Ҳоитда қолиб, ҳарбий машғулотлада қатнашдик. Қурол-яроғлардан қандай фойдаланишни ўргатишиди.

Бизни лагердаги бошқа ўзбек жангариларига қўшиб юборишиди. Қуръон, ҳадис, араб тили сингари билимларни ўргатадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Эртаю кечак фақат ҳарбий ва жисмоний тайёргарликдан бошимиз чиқмасди. Кимдир машқларни бажаролмай қолса, қўмондонларга гап қайтарадиган бўлса, аёвсиз жазоланаарди.

Шундан сўнг бизни турли гуруҳларга бўлиб, ҳар хил ҳарбий тўдаларга юборадиган бўлишди. Мен, Абдулла ва Неъматуллалар битта гуруҳга тушиб қолганимиздан анча таскин топгандим. Ҳар қалай уларни анча-

дан бери биламан, синашта болалар. Хуллас, бизни Ҳоитдан 25 чақирилмлар узоқликтаги бошқа бир лагерга олиб кетишиди. У ерда бизни яна бир ҳаftача ушлаб туришгач, бошқа бир манзилга йўллашди. Бу ерда ҳам фақат ўзбеклар жойлашганди. Уларнинг “амирини” Умар деб аташарди. Ҳар қалай у Абдураҳимга қараганды бироз мулоиймрок, чиройи очиқроқ экан.

– Бу ер “Ўзбекистон ислом ҳаракати” мужоҳидларини тайёрлайдиган энг сўнгги манзил, – деди Умар биз билан сұхбат асносида. – Икки-уч ойлик яқуний тайёргарликдан сўнг жиҳодга чиқасизлар. Агар жиҳод қилиш нияtingиз бўлмаса, ҳозироқ айтинглар. Кейин кеч бўлади.

Унинг бу гапи биз – шерикларнинг юрагида сўнаётган сўнгги умид учқунларини порлатиб юборди. Ахир ҳар биримиз қандай бўлмасин ортга қайтишни ич-ичимиздан истаб турибмиз-ку?

Шунда Абдулла ўрнидан туриб, “амир”га бу ерга жиҳод учун эмас, илм олишга келганимизни, ҳарбий тайёргарликдан ўтиш ниятимиз йўқлигини маълум қилди. Унинг гапини Неъматулла иккимиз ҳам маъқуллаб турардик.

– Яхши, – бosh ирғади Умар. – Бу масалани биз раҳбарият билан кенгашиб, ўйлаб кўрамиз. Ҳозирча, барибир биз билан бирга тұрасизлар. Агар жиҳод қилишга хоҳишингиз бўлмаса, сизни ортга қайтарамиз.

Шу тариқа ҳар бир кунни ҳадик билан кута бошладик. Биз жангдан бўйин товлаганимиз учун ўлдириб юборишса-я, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Ана шу қўрқув ғолиб келдими. Неъматулла “мен нима бўлса пешанамдан кўраман, шу ерда қоламан”, деб биздан ўзини холи олди.

Еттинчи кун деганда, Абдулла иккимизни Ҳоитга – Абдураҳимнинг ёнига олиб борадиган бўлишди. Абдураҳимнинг таҳдидли, баджаҳл қиёфасини кўз олдимизга келтириб, яна умидсизликка берилдик. Ундан ёруғлик чиқармикин?

Мана, биз иккимиз, ўша бадқовоқ амир – Абдураҳимнинг соқол босган юзига термилиб ўтирибмиз.

– Демак, кетмоқчисизлар, шунақами? – сўради у заҳархандалик билан. – Шу савил жонингиз кўзингизга ширин кўринибди-да! Қуёнюрак-



Тоҷикистон. Фуқаролар уруши йиллари

лар! Ҳайф сенларга йигитлигү мұсулмон деган ном.

— Бизда аввалдан жиҳод қилиш нияти бўлмаган, — дея ўзимизни оқламоқчи бўлдим мен. — Биз сизнинг ғоя ва мақсадларингизга қарши эмасмиз. Аммо, биз фақат илм талабида йўлга чиққанмиз холос. Шу боис...

— Бас, — Абдураҳим қўлини кўтарди. — Сендақа латтачайнар, қўрқоқларнинг бизга ҳам кераги йўқ.

У шундай дея сейфда турган ўнлаб паспортлар орасидан иккимизни-кини ажратиб олди-да, олдимизга ирғитди:

— Ярим соатдан кейин бу ерда қорангизни ҳам кўрмай. Бу ерда кўрганингиз ҳақида бировга чурқ этмайсиз. Акс ҳолда, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, жонингизни суғуриб оламан.

Соқчилар бизни уриб-сурив лагердан ташқарига чиқариб ташлашибди. Яқин атрофда бирор уй кўринмайди. Атроф яланг тоғлардан иборат. Ҳамма ёқ қор. Изғирин аъзойи баданимизни зирқиратарди. Ёнимизда эса, бир чақа пулимиз йўқ.

Келганимиздан йўлни эслаб қолган эканмиз, шу йўл ёқалаб ўн чақиримча йўл босиб, бир қишлоққа кириб бордик. Тожикчани мутлақо билмаймиз. Хайрият, маҳаллий аҳоли орасида русчани чала-чулпа биладиганлар бор экан. Уларга адашиб қолганимизни, ёнимизда пулимиз йўқлигини, лекин тезлик билан Душанбега етиб олишимиз кераклигини тушунтиридик.

Яхшиямки, йўлга ўзимиз билан ортиқча кийим бош олиб чиққанмиз. Тошкентда, автобусга чиқмасимииздан аввал “Ипподром”га кириб, бир сидра янги кийим-бош сотиб олган, ҳали тузукроқ кийишга ҳам улгурмагандик. Қишлоқ аҳлига шу кийимларимиздан бўлак ёнимизда қўлга илингулик ҳеч нарсамиз йўқлигини, бизга пул жуда ҳам зарурлигини тушунтиридик.

Қишлоқнинг биз тенги бир-иккита йигити ушбу кийимларни сотиб оладиган бўлди. Ҳуллас, қўлимиизга йўлкирага етадиган тожик пули беришди. Бу пул билан бир амаллаб аввал Душанбега, кейин Ўзбекистоннинг чегарасига яқин ҳудудга етиб келдик. Ўша ерда яшайдиган маҳаллий ўзбеклардан бири бизни чегарадан ўтимизга ёрдамлашадиган бўлди. Қолган пулимизни ўзбек сўмига алмаштириб берди. Чегара постида паспортилизни кўрсатдик, Душанбега иш билан келганимизни, энди уйга қайтаётганимизни айтдик. Келишимизда қонуний йўл билан, давлат чегара постидан ўтганимиз учун ҳеч қандай муаммо бўлмади.

Мана, ниҳоят биз Ўзбекистондамиз. Абдулла иккимизнинг қувончимиз ичимиизга сиғмасди. Ахир “жиход” қиласман деб, ўлиб кетишимиз ҳам мумкин эди-ку? Йўқса, жангариilar лагерида бизни қочоқликда айблаб, ўлдириб юборишлари ҳам мумки эди. Шукрки, ҳали кунимиз битмаган экан.

Деновдан Тошкентга қайтнайдиган автобусга чиқиб, қўлимиздаги бор пулни тутқаздик, қолганини Тошкентда беришимизни тушунтиридик. Йўқ дейишмади.

Уйда ота-онам мени кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришган экан. Уйимиз тўйхонага айланиб кетди. Ойим, дадам қаерга кетганим, шу пайтгача нима ишлар қилганимни сўрасалар-да, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз

очмадим. Мен ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолишига, қилган ноқонуний ишларимиз сир бўлиб қолишига умид қилгандим. Лекин, эртами-кечми мени милиция ходимлари тутиб кетишидан хавотирда яшардим.

Мен қўрқан нарса содир бўлди. 1999 йилнинг баҳор кунлари эди. Кутимаганда үйимизга ички ишлар ходимлари кириб келишди ва мени бўлимга олиб кетишиди. “Йўқ, мен ҳеч нима қилмадим, – дея ўз-ўзимга тасалли белиб борарадим, – жангарилар лагерида бўлга нимни, у ерда ҳарбий машғулотларда қатнашганимни ким билиб ўтирибди?”

Йўқ, ҳар қалай бизнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари мен ўйлагандан кўра ҳушёрроқ ишлашаркан. Мен ҳақимдаги ҳамма маълумотлар аллақачон уларнинг қўлига келиб тушган экан. Демак, ўзимни анқовликка солишим иш бермайди. Хуллас, ҳаммасини тан олишга мажбур бўлдим. Тергов қилишди, суд бўлди. Мени узоқ йил муддатта озодликдан маҳрум этишди.

Назаримда мени ноҳақ айблашган, бундай оғир жазога лойик эмасдек эдим. Шу боис, қандай бўлмасин, жазони ижро этиш муассасидан қочиш ҳақида ўйлаб бошлагандим. Бу ерда худди менга ўхшаш ниятда юрганлар ҳам бор экан. Кунларнинг бирида, улар билан гапни бир жойга қўйдиг-у...

Аммо ҳеч қаерга қочиб кетолмадик. Бизни соқчилар пайқаб, ушлаб олишди. Қайтага айбимни янада оғирлаштиридим. Суд қилиб, жазо муддатига яна қўшиб беришди. Мана, орадан йиллар ўтиб, ўша пайтлар қандай оғир жиноятга қўл урганимни тушуниб ўтирибман.

Ҳа, одам ёши улғайгани сари қарашлари ҳам ўзгариб бора-вераркан. Мен қамоқقا тушганимда, ерга ўрса осмонга сапчидиган, ҳамиша, ҳамма жойда ўзимни ҳақ деб биладиган, ўз манфаатимга зид бўлган ҳар қандай ҳақиқатни ноҳақлик деб ўйладидиган бола эдим. Энди калламни ишлатиб қарасам, тинчликка, эл-юрт осойишталигига қарши қаратилган ҳеч бир хатти-ҳараратни оқлаб бўлмас экан. Мен ўшанда ўзим ўтирган шохга болта урган, Ватан, миллат, дин душманларига қўшилиб, ўз юртимиздаги дунёвий

давлат бошқарувини ағдариб ташлаш, халқимизни бир неча аср ортга қайтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган нур душманларининг тегирмонига сув қўйган эканман.

Мана, сочимга оқ оралаб, умрнинг ярмини яшаб бўлганидан сўнг ақлим кирди. Аммо, энди вақт ўтган, мен ўз имкониятларимни аллақачан қўлдан бой бериб бўлгандим...”



AMIR TEMUR

اَمِيرُ الْعَالَمِينَ
امیر اولمین

ИККИНЧИ ҚИСМ

ОГОҲЛИК –
БАРЧАМИЗНИНГ
БУРЧИМИЗ



ЗУЛМАТ ИЧИДА СҰЛГАН ГУЛЛАР

“Хаёт деганлари турфа воқеа-ҳодисалар билан қизиқ. Уни чеклаб бұлмас шамоллар оқимига үхшатса бўлади. Шамол ҳам турлича эсаркан, гоҳ тоза ва майин, ёқимли, гоҳо чангтўзон аралаш, кўнгилни беҳузур қиласиган... Бу шамолларни жиловлашнинг, афсуски, иложи йўқ... Бироқ шамолга қиёсланган воқеалар “нишаби”ни у ёқ-бу ёққа бурса бўлади! Чунки воқеалар одам измига бўйсунади. Уни қай тарафга буриб давом эттириш ўзингизга боғлиқ.

Тақдирнинг аёвсиз шамоллари гоҳо одамни ҳазон каби учириб кетиши ҳеч гап эмаскан. Бир гал мен ҳам шундай тўзон ичра қолиб кетаёздим...

Oиласа икки қиз эдик. Опам билан орамиз атиги икки ёш бўлганлиги боис тенгдошдек ўсадик. Бир-биримиздан сир яширмасдик.

Балки ўғил бола бўлганимизда отамиз биз билан бошқача мӯомала қиласмиди?.. Наздимда, қиз бўлганимизга норозидек юради. Негадир жуда кам сухбатлашамиз....

Онамиз бўлса, отамизнинг кўзига қараб турарди. Унинг кўзларида тез-тез ёш кўриб қолардик. Бундай пайт волидамииздан кўпроқ эзилишимизни сўз билан ифода эта олмайман.

Ота-онанинг муросаси келишмаси, фарзандларга жабр бўларкан. Онамиз нима гаплигини сира айтмасди. Бунга отамизнинг баъзи қилмишлари сабабчи эканини тушуниш қийинмас эди. Оиламиизда шундай

совуқ шамолларнинг адоги кўринмас, бу қалбимизни аёвсиз нимталай-верарди...

Оила тирикчилиги асосан онамизнинг меҳнатлари ҳисобига эди. У эрта-ю кеч бозорда сомса сотарди. Тонг қоронғисида хамир қорарди. Биз қўлдан келганча қарашардик. Катта саватни тўлдириш осон эмасди. Ҳолдан тойган онамизнинг супра бошида ухлаб қолганини кўриб, юрагимиз эзиларди...

Отам эса маҳаллама-маҳалла юриб, одамларнинг пичоқ ва шунга ўхшаш тиғли буюмларини ўткирларди. Қолган пайтда битта хонага қамалиб олиб, қандайдир китоблардан бош кўтартмай ўтиради.

Ўша даврда онамнинг бошидан негадир қора ҳижоб тушмасди. Бунинг маънисини тушунмасак-да, маҳалламиздаги аёллар рўмолини бошқача, ўзбек аёлларига хос, чиройликкина ўраганларини кўриб, уларга ҳавас қиласардик.

Бир куни онам савдогар қўшнимиз Зарнигор опадан кўк гулли рўмол олиб чиқиб, бошлирига ўраб олганларида очилиб кетган! Биз ҳам ич-ичимиздан суюниб кетдик. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Отам негадир онамни жеркиб ташлади. Бу ҳам етмагандек, эртаси куни онамнинг юзларини кўкарган ҳолда кўрдик... Кейинчалик ўша рўмолни қайтиб кўрмадик... Ундан ҳам мудҳишроғи — ўша кундан бизнинг ҳам бошимизга ҳижоб тушди.

Ёруғ оламни қора ҳижоб ичра кўришдан мудҳишроғи бўлмас экан. Ўйда гўё мотамсаро руҳ ҳукмрон... Қандайдир қора қуюн нафасимизни беаёв бўғаётганга ўхшарди...

Қўни-қўшни, дугоналаримиз маза қилиб кўрадиган телевизорнинг яқинига ҳам йўламасдик. Радионинг ҳам симлари узиб ташланганди...

Мактабга бориш биз учун байрам эди. Бироз бўлса-да кўнглимиз ёзилиб келарди. Устозларимизнинг ҳаётбахш сўзлари, турли фанлар сир-синоати ҳар қандай кишини ажиб ҳаётга ошно этарди. Синфдошлар билан шеърхонлик қилиш қанчалик завқли ва totли эди.

Мактабда тинглаганларимиздан яшагимиз келса, отамииздан эшитадиган гаплардан росмана бўғилардик...

Биз учун энг үқубатли, руҳий азоб берадиган ҳол шу эдикى, ҳамма бизга ажабланиб қарапарди. Баъзи зиёлинамо кишиларнинг “нечук бу ширин қизалоқлар дунёга қора парда ортидан қарашаркин?” деган саволлари мурғак қалбимизга найзадек қадаларди.

Мактабда ҳам ўқитувчимиз, директоримиз бу ҳақда биз билан кўп бора сұхbatлашганлар. Отамиз билан учрашмоқчи бўлишган. Лекин биз бўнинг охири яхшилик билан тугамаслигини, отамиз эшитишни ҳам истамаслигини билардик.

Энг катта ҳадигимиз мактабдан бебаҳра қолиш эди... Шу важдан биз ҳар сафар бундай ҳоллардан гоҳ кўз ёш қилиб, гоҳ бошқа йўллар билан чиқиб кетишга ҳаракат қилардик. Тенгдош дугоналаримиз киноларга, театрларга, боғ-роғларга боришларини кўриб, ҳавас қилардик. Улар байрамларда саҳналарга ҳам чиқардилар. Биз-чи...

Мактабдаги қизларнинг кўзидаги қувонч, очиқ чеҳралар наҳотки шунчалар ёмонлик аломати бўлса, деб ўзимизга кўп бор савол берардик. Ўшанда кўнглимизда бир аламли савол пайдо бўларди: “Нега биз ўғил бола бўлиб туғилмаган эканмиз-а?”. Балки ўшанда мурғак қалбимиз бу тиконли азблардан омон қолармиди?...

Кунлардан бир кун отам тунги нонушта пайти жиддий оҳангда шундай деди:

— Икки кундан кейин олис сафарга отланамиз. Чала қолган ишларинг бўлса, битириб олишга улгуринглар.

“Уқдиларингми”, деган савол назари билан қараб турган отамизга ҳеч ким бирор нарса дея олмади. Ҳаммамизнинг хаёлимиздан ўнлаб саволлар ўтди. Аммо биз опа-сингил мум тишлаб турардик. Онамиз ҳам бу кутилмаган гапдан эсанкираб қолаёзди.

— Яна қандай сафар? — деб юборди бехосдан.

Эсиз... шу бир оғиз сўзга онамнинг бутун бадани моматалоқ бўлди. Туни билан “бўлди-бўлди, бошқа қайтармайман, кечиринг, Ҳудо ҳақи баш қа урманг, ҳозир ўлиб қоламан”, деб йиғлаганини эшитиб, эзилиб ётдик...

Гоҳо эшик ортида унсиз йиғлаб турарканмиз, волидамизга бирор ёрдам бериш қўлимиздан келмасди...

Эртаси куни билишимизча, қаёққадир ҳижратга борар эмишмиз. Бу гапдан этимиз үвишиб кетди. Нохуш гаплар қулоғига етиб боргач, она мизнинг қариндошлари уйга келишди. Уларнинг гаплари, панд-насиҳатлари отамизга кор қиласмиди?..

Ўзини-ўзи тубанлик ботқоғига ботирган одамни үнча-мунча киши тўғри йўлга сола олмаса керак... Катта тоғам катта жойларда ишлаган, оқу қорани яхши билади. Панд-насиҳати отамга кор қилмагач, тоғам онам ва бизни олиб кетадиган бўлди. Остонадан чиқар ҷоғимиз отам баланд овозда онамга қаратиб:

— Воз кечдим сендеқ хотиндан. Бугундан орамиз очиқ... — деб бақирди. Ўша пайтларда ёш бўлганлигимиз учун отам сўзининг охирида нима деганлигини тушунолмай қолдик. Онамиз кўзларига ёш олиб бизни бағриларига босганича, индамай чиқиб кетдилар. Фақат мунгли товушда шивирлаб, “қайда бўлсангиз ҳам омон бўлинг”, деганларини эшилдим. Шу-шу отамизни қайтиб кўрмадик...

Орадан йиллар ўтди. Улғайдик. Камолга етдик. Бугун опа-сингил иккимиз ҳам тиббиёт соҳаси ходимаси бўлиб ишлаймиз. Инсонларни жуда яхши кўрамиз, қадрлаймиз. Ахир, доно ҳалқимиз “Қадрласанг, қадр то-пасан”, деб бежиз айтмайди.

Отамдан бирор дарак бўлмади.

Ким билсин, қаерларда, нималар қилиб юрган экан? Юрагининг бир парчаси, биз фарзандларини эслармикан? Бир бор ҳам кулиб қарамаган кўзларимизни қувончга тўлишини хоҳламасмикан? Бизга эртаклар айтгиси келмасмикан?

Тушларимда гоҳида отамни кўраман. Кўпинча қора либосда юради. Оломон ичида кўзлари сўқир ҳолда, таёқ суяниб йиқилиб қолади. Катта қора итлар орқасидан қувиб тинмай таъқиб қиласми. Отам уларни қўлидаги таёғи билан урмоқчи бўлади-ю, кўзи ожизлигидан таёқ итларга тегмайди. Сўйлоқ тишли, ириллаган итлар уни оёқ-қўлини тилка-пора қилгудек ғажишга тушади. У бор овозда бақирса-да, лекин ҳеч ким унга парво қилмайди. Шунда онам қаердандир пайдо бўлиб, уни қаттиқ қу-чоқлаб олади, ҳимоя қиласми...

Оғзим қуриб, чўчиб уйғонаман. Тонггача бедор ётаман...

Аҳён-аҳёнда отамни ўй, хаёлга толаман, болалигимни эслайман ва бугунги тинч, баҳтли кунларимга шукронга айтаман.

Тилагим ҳар бир инсон ўз фарзандларига оталик меҳрини бера ол син...

Дил битикларимга “Зулмат ичида сўлган гуллар...” деб сарлавҳа қўйдим. Яхшиям, ҳаётда оқу қорани таниган тоғам, бизга баҳтли ҳаёт йўлларини кўрсатган муаллимларимиз бор экан. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт йўлимиизни топиб кетдик. Ҳозирда опамнинг икки фарзанди, менинг эса қизалоғим бор. Бир пайтлар зулмат ичра сўнган гуллар, бугун қайтадан чирой очмоқда. Ҳаётда фақатгина отамизнинг юзтубан кетгани ва биз ларни тирик етим қилгани учунгина ўксинамиз...”

“Нигора”

ХЎРЛАНГАН ФАРЗАНД ИЗТИРОБИ

“Тўғриси, гапни нимадан бошлишни ҳам билмайман. Сабаби, ичим дарду ҳасратга шу даражада тўлиб кетганки, уни бирор сўз билан ифодалаш жуда қийин. Бу бечора бола ким дерсиз? Ислом Жаҳонгир. Сурхондарёликман. Уйимдагилар не-не умидлар билан менга шунаقا чиройли исм қўйган. Илмли, билимли, бахтли, бутун дунёнинг ҳаваси келадиган инсон бўлсин, деб қўйишгандир-да...

Лекин айнан ота-онам мана шу мурғак орзу-ниятларни таг-томири билан суғуриб ташлади. Менинг ва бошқа яқинларимнинг келажагига болта урди. Энди одамларнинг юзига қарашга, улар билан ширин сухбат қуришга уяламан. Бунинг боисини ҳозир айтиб бераман.

Элас-элас эсимда. Беш ёшларимда дадам беш вақт намоз ўқишига киришди, масжидга қатнай бошлади. Тезда онамни ҳам ҳижобга киритди. Ҳали хом дунёқарашим билан бундай ҳолатларнинг маънисига унча етавермасдим. Лекин ойнаи жаҳонда эгнига либоси ярашиб турган ҳарбийларни кўриб қолсам, мен ҳам албатта, шу акаларимга ўхшаб катта инсон бўламан, Ватанимга хизмат қиласман, мени ҳам телевизорларда ҳали кўп кўрсатишади, деб хаёл қиласдим.

Қаёқда? Бироз ақлимни танигандан сўнг отам қилиб юрган ишлар яхшиликка олиб келмаслигини, бу барчамизга зарар етказишини англайдим. Боиси 12 ёшга кирган пайтларим үйимизга беш-олти киши йиғилишни бошлади. Адашмасам, бундай “дин пешволари” ҳафтасига икки

маротаба учрашиб, сұхбат қуришарди. “Қовун қовундан ранг олади” ёки “Қозонға яқын юрсанғ, қораси юқади”, дейишадими, билмадим, онам ҳам үзига үхшаган ҳижобли хотинлар билан хонадонимизда қандайдир диний китобларни ўқишигә киришиб кетди.

Мен, түнғич ўғил нимага шундай бўлаётганини тушунмас, нега биз нинг ўқишимиз, тарбиямиз билан ҳеч кимнинг иши йўқлигидан ўкинардим. Ахир, фарзанди баркамол улғайишига асосий масъул ота-она эмасми? Ҳар доим эмас экан. Буни бошимдан ўтказганим учун айтаяпман. Бирор фандан уйга вазифаларимизни бажаришимга ёрдам сўраб отам ёки онамнинг олдига борсам, ўргатиш ўрнига жеркиб ташлашарди. “Ундан кўра, мана бу китобларни ўқи”, деб мажбурларди.

Бу ишларнинг охиривой бўлишини наҳот мен мурғаклигимдаёк англадим-у, кап-катта дадам билан ойим тушуниб етмади? Аслида, улар жигарбандларига нима тўғрию нима нотўғри, ҳаётнинг оқу қорасини қандай фарқлашни ўргатиши керак эмасмиди? Коллеж ёшига етар-етмас ота-онамни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олиб кетди.

Мен ва укам эса уларнинг орқасида мунғайиб, шўппайиб қолдик. Ях шиямки, баҳтимизга амаким ва аммам бор экан. Улар бизни қарамоқларига олишди. Аввалига ака-ука сал қийналдик, бир-икки йилда бизни дунёга келтирган, лекин қолган ҳаётимиз ва келажагимиз билан иши бўлмаган инсонлар йўқлигига кўникиб қолдик.

Буларга кўникишга кўниқдиг-у, аммо кўчага чиқсак, ўқишига борсак, кўпчилик ўзини биздан олиб қочар, худди ҳамма бизга қўлинни бигиз қилаётгандек туюлаверарди. Гўёки, биз одам эмасмиз. Бунинг сабабини тезда тушуниб етдим. Ота-онам ислом таълимидан мутлақо йироқ, динни ниқоб қилиб одамларнинг ҳаётини зулматга айлантираётган “Хизбут-таҳрир” диний экстремистик оқими таъсирига тушиб, бошқаларни ҳам шу йўлга жалб қилиб юришган экан. Шунинг учун бугун панжара ортида ўтиришибди.

Нимага улар шундай қабиҳликка боришли? Асло миямга сиғдира ол майман.

Атрофимга қарасам, ота-онаси билан баҳтли ҳаёт кечираётган, бекаму-кўст вояга етаётган, аъло баҳоларга ўқиётган тенгдошларимга кўзим тушади. Уларга жуда-жуда ҳавасим келади. Бундай ҳавас туйғуси қанча ўлғайганим сари, шунча кучайиб бораяпти. Айни йигит чоғимда бундай азобларни бошимдан кечираман, деб ўйламагандим. Чунки шу дамларда болаликдаги ҳарбий бўлиш орзуим ёдимга тушаверади-ю, лекин у ҳеч қачон ушалмаслигини билганим сари ўзимни қўярга жой топа олмайман. Ота-онамиз келажагимизни ўзларининг калтабин қарорлари билан, бефаросат таълимотни танлагани билан ҳал қилиб кетишид. Мен келажаксизман.

Уларнинг айби билан нафақат мен, бечора укам Жасур ва бошқа қариндошларимиз ҳам жуда азият чекаяпти. Жамиятда оламушукка айланниб қолганмиз. Таниш-билишлар кўзида нуқул “сен хоиннинг фарзандисан, сендан яхшилик кутиб булмайди. Чириган олманинг тагига чириган олма тушади”, деган тиканли қарашларини сезаман. Энди нима қиласиз? Ота-онамга қараб шундай демоқчиман: бундан кўра, Жасур укам иккаламизни аввал етимхонага ташлаб кетиб, кейин билганингизни қиласверсангиз бўлмасми? Аслида, бизни нима учун дунёга келтирдинглар? Сизлар туфайли баҳтсизмиз, тирик ўлиқмиз. Сиз ҳам отамисиз ё онамисиз, а? Ё бу шунчалар қийинмиди? Ўзбекларнинг тоза қадриятларини нафс васвасасига алмаштирган сиздек одамларга аслида ота-она деган мұқаддас мақом ҳарому ҳайфдир.

Эй, бизни дунёга келтиргандарга ўхшамаган, яхши, эзгу қалбли ота-оналар! Умрингиз узоқ бўлсин, болаларингиз баҳтига доимо соғ-саломат бўлинг, комил инсонларни вояга етказиш сизларга насиб этсин.

Сизлар бизнинг ота-онамиздан фарқли равишда мана шундай ширин-ширин тилакларга миллион карра лойиқсиз.

Афсус, беадад афсуски, Мен ва Жасур бутун умр ота-онамизга ана шу қимли сўзларни право кўра олмаймиз.”

ПАРВОЗ КҮРМАГАН ҚАНОТЛАР

“Хаётда ҳар бир инсон тақдир синовларига дуч келишини ёшлигимдан күп бора эшиштганман, лекин кун келиб аёвсиз тақдир аталмиш кучнинг мен учун ҳам тайёрлаб қўйган синовларига гирифтор бўлишимни, ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эдим... “Тани бошқа дард билмас” деганлариdek, фақат ўз бошимга бундай кунлар тушганида унинг машаққатини сездим...”

Шоҳиданинг ён дафтаридан

“**M**актабда тўрт дугона анча сирдош бўлиб қолгандик. Танаффус вақтида ҳам бир-биримиздан ажралмасдик. Орамизда Шоҳида дугонамиз анча ақлли, сермулоҳаза қиз эди. Нилуфар ва Зилола табиатан шўх-шодон, ўйинқароқ эдилар.

Гоҳида тўрт дугона бир-биримизнинг ўйимизда кечгача дарс тайёрлаб, тунаб ҳам қолардик. Бундан ота-оналаримизнинг ҳам кўнгиллари тўқ эди. Сабаби, бир маҳаллада яшар эдик.

Мактабни тамомлагач, битта коллежда ўқишни давом эттирдик.

Биз ҳаётдан мамнун эдик. Келажакка катта умидлар билан боқардик. Айниқса, Шоҳида парвозга шайлананаётган қушга ўхшарди. У танлаган соҳасида етук мутахассис бўлиб етишишни ва она Ватанига хизмат қилишни катта шараф деб биларди.

Коллежда ўқишни бошлаган кезларимиз негадир Шоҳида ўзгариб қолди. У қайси мавзуда гапирмасин, гапни дин билан боғлар, энг хатар-

лиси, ўзи үнинг мазмунига тушуниб етмасдан сўзларди. Биз эса бунга ҳайрон қолсак-да, индамасдик.

Мен дугонамнинг ҳаётида бўлаётган бундай ўзгаришларнинг сабабини билишни истардим. Кунларнинг бирида мутахассислик фанларидан берилган уй вазифаларни бажариш учун Шоҳиданинг хонадонига бордик. Ана шунда дугонамнинг уйида ғалати ҳолга гувоҳ бўлдим. Шоҳиданинг дарсхонасига кирар эканмиз, ҳовли тўрида жойлашган меҳмонхонага кўзим тушди. У ерда узун соқол қўйган (чамаси, 35-40 ёшларда) одам беш-олти кишига диний мавзуда маъруза ўқиётган экан. Улар орасида Шоҳиданинг отаси ва акаси ҳам ўтиради. Улар гоҳида баланд овозда арабча аралаш нималарнидир гапиришарди.

Бу ҳолдан кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўлди. Бу ҳақда Шоҳидадан секингина сўрадим. Дугонам улар томон олазарак қараб қўяркан, секингина шундай деди: “Бу киши меҳмон, бизникида вақтингчалик яшаб, ана шу ўтирган кишиларга динда буюрилган баъзи амаллардан сабоқ бермоқда”.

Мени дастлаб ажабланартирган ҳол шу эдики, уйнинг остонасидан киришимиз билан Шоҳида бошига рўмолни ҳижоб кўринишида ўраб олди. Авзори ҳам ўзгариб, муомаласи худди отинойиларга ўхшаб қолди... Кеинин, негадир ўзини биздан бегонадай тута бошлади...

Шу зайлда кунлар ўта бошлади. Шоҳида вақт ўтган сари биздан узоқлашар, бегона бўлиб борар эди. Энди у ҳижобни ўқишда ҳам ечмайдиган бўлди. Лекин мен дугонамнинг аслида ундай эмаслигини ичичимдан сезардим.

Даставвал синф раҳбаримиз, сўнгра маънавият ишлари бўйича директор ўринbosари Шоҳиданинг юриш-туришида, дунёқарашида кескин ўзгаришлар бўлаётганини ўзига алоҳида таъкидлашди, аммо бунинг фойдаси бўлмади. У ўқишга келмайдиган бўлиб қолди. Мен қадрдон дугонамни вақт ўтган сари йўқотаётган эдим. Ахир биз у билан қилган орзу-умидларимизнинг барчаси наҳотки чиппакка чиқаётган бўлса?!

Кузнингохирларида Шоҳида ўқишга келди. Мингафуски, у бугалбош-қа мақсадда келган экан.



Ироқ. Мусибат соя ташлаган күчалар

Уч дугона уни ўртага олиб, роса саволга тутдик. Ахир икки ойдан бүён у қорасини ҳам күрсатмаганди. У негадир индамасди. Ғамгинлик, тушкунлик уммонининг тубсиз чуқурликлариға үнсиз чўкаётган кема мисол нигоҳлари маъюс эди.

Кейин билсак, у бизни тўйига таклиф қилгани келган экан...

Бу гапдан биз даҳшатга тушдик. Ахир ҳали дугонамизнинг никоҳ ёшига кирмагани кўриниб түрибди-ку...

Энг даҳшатлиси, үнинг бўлажак эри — ўша биз Шоҳиданинг уйида кўрган соқолли киши эди...

У бизнинг таъналаримизни жимгина эшитар, кўзидағи ёшларни артари.

Наҳотки унинг ота-онаси шу қадар тубанликка юз тутсалар?!

Адоғи йўқ саволлар мени тонгга қадар қийнади. Ўша кеча мен ухламай чиқдим. Кўз олдимдан Шоҳиданинг ерга теккудек, узун қора кўйлаги кетмай қолди. Мен тинмай дугонамни бу тубсиз жарлиқдан қандай қутқаришни ўйлардим. Афсуски, бунинг иложини тополмай қийналардим.

Ноқонуний никоҳ ўқилди...

Шундан сўнг анчагача уни кўрмадик. Умр дарёси ўз оқимида оқарди.

Нилуфар республика олимпиадасида ғолиб бўлиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Зилола бўлса, банкка ишга жойлашди. Мен

эса ўқишига кира олмадим. Кейинги йил насиб қилса, албатта ўқишига кириб, келажақда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш ниятидаман.

Бир куни уйга келсам, не ҳолки, милиция ходими мени сўраб келибди.

Аввалига ҳеч нарсани тушунмадим. Маълум бўлишича, милиция ходими мени Шоҳиданинг яқин дугонаси эканлигим учун баъзи маълумотларни билиш мақсадида келган экан.

Суҳбат давомида дугонам ҳозирги кунда Ироқдалиги, турмуш ўртоғи халқаро қидирувда эканлиги маълум бўлди. Дугонамнинг қай кўйларга тушиб юрганини ўйлаб, вужудим жунжикиб кетди...

Милиция ходими менга дафтар тутқазди. Уни ўқир эканман, кўзларимга келган ёшни тўхтата олмадим.

Бечора дугонамиз биз қолиб, мана шу қалин дафтарга бор ҳасратларини тўкиб солибди. У келажакка қанчалик умид билан қараганлари-ю, жоҳил отасига бош эгишига мажбур бўлгани, қизини ҳимоя қилган онаси отасидан еган калтаклари, турмуш ўртоғининг ғайриоддий қиликларини армон билан ёзибди...

Қизиқ, бир пайтлар “Алданган аёл” фильмини дугонамиз билан бирга кўриб, юракларимиз ларзага келганди. Шоҳида ўшандада айтган гаплари ҳам қулоқларимиз остидан кетмай қолганди. У “аёллар нега осонгина шунақа тузоққа илиниб қолади?” деганди.

Энди ўзининг қисмати не кечаётган экан? Эри гумдон бўлиб кетган бўлса, уни бошқа соқоллига тортиқ қилиб юборишдимикин?

Бу ҳам камлик қилгандек, Шоҳиданинг отаси ва акаси ҳам қандайдир жангари ҳаракатларда иштирок этаётган тўдага бориб қўшилган, кўп ўтмай аянчли ҳолдага ўликларининг сурати келганмиш...

Шунда бирдан ўзимни айблай бошладим. Хўш, Шоҳида оиласда шундай кўйга тушиб қолган экан, нега биз жим юравердик? Ахир уларнинг уйидаги хатарли ҳолдан хабардор эдик-ку? Бир куни мактабимизга келиб “Диний ақидапарастликнинг оқибатлари” мавзуида жуда таъсирли маъруза қилган милиция ходимларига дугонамизнинг уйида кўрганларимизни айтишни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадик? Нечун лоқайдлик ботқоғига ботиб юравердик?..

Биз-ку ёшлик қилибмиз. Шоҳидаларнинг қўни-қўшнилари, маҳалла-кўйдаги катта ёшдагилар нега бепарво қарадилар?

Ўша тун мен учун яна бедорликда ўтди.

Шўрлик Шоҳида бир пайтлар парвозга шайлангаётган қушга ўхшарди. У баҳт-у иқбол осмонига парвоз қилишни истарди. Унинг қанотлари — билими ва ноёб истеъододи эди. У ана шу қанотлари ила ҳар қандай чўққини забт этишга қодир эди. Не ҳолки, унинг бу ноёб маънавий қанотлари беаёв синди. Йўқ, у қандайдир тасодифдан синмади, балки кўриб-билиб туриб, ўз қўли билан синдирди...

Бунда ҳаммамиз айбормиз. Қаноти қайрила бошлаган дугонамизни бу қузғунлардан асраб қолиш учун курашмадик. Унинг жарга қулашига, аянчли қисматига бефарқ қараб туравердик. Бундай бефарқлик аслида уни жарга итараётгандарга шерик бўлиш билан тенглигини тушуниб етмадик...

Тун бўйи кўзёшларимни тия олмадим. Кўз олдимдан дугонамнинг ажаб табассуми ҳеч кетмасди...

Минг афсуски, энди ҳаммаси тушга айланганди..."

"Гулираъно"

“СИЗДАН НАФРАТЛАНАМАН, ОТА!”

“Мен бахтиқаро боланинг дардини эшиштадиган одам борми бу дунёда? Бу норасида ким дерсиз? Исмим Абдуллоҳ. Ёшим 22 да. Шайхонтоҳурликман. На ҳаётимда мазмун бор, на еган овқатимда маза. Ўн гулидан бир гули очилмаган сингилларим ҳам сўлиб бўлди.

Xаммасига “Ҳизбут-таҳрир”нинг жирканч этагидан тутиб, шайтон малайига айланган отам айбдор. Бугун у қилган қилмиши учун жазо муддатини ўтамоқда. Тўғри, ўз падарини ёмонлаш гуноҳ саналади. Лекин ҳақиқий иймон йўлидан қайтиб, хотини, болалирининг келажагини кўйдирган, ўзига қўшиб, оиласини бадном қилган кимса оталикка лойиқми? Йўқ, асло йўқ!

Акс ҳолда, жамиятда муносиб ўрнимизни топиб, яшаётган бўлардик. Сингилларимнинг бўйи етиб қолган бўлса-да, уйимизга совчилар қадамини босмади. Ким ҳам “ҳизбчи”нинг қизини келин қиларди, ким ҳам халқ хоини, тинчлик күшандасининг баҳтсиз норасидаларини ўғлига раво кўрарди? Эҳ, беғубор, мусичаваш сингилларим-а!

Мана шундай иснодларга чидай олмай, онам юрак хуружига йўлиқиб оламдан ўтди. Отам уни ҳам тириклайн гўрга тиқди. Қандайдир ёлғон ваъдалар, тазиқлар билан онам ва сингилларимни ҳижобга киргизди. Бечораларни аёллик баҳтидан, саодатидан мосуво қилди. Қани ким айтади ўз жуфти ҳалоли, жигарбандларини хор қилган, ҳаёт фаровонлиги-дан бебаҳра қилган инсонни ота деб, эр деб? Ҳеч ким!

Энг даҳшати, бечора содда онам, бизни едирмай, ичирмай, қамоқхо-

нага юргани-юрган эди. Соддалик қурсин. Отамнинг сохта ғоялари-га ишониб қолганди. Үмрининг охирида ҳаммасидан пушаймон бўлди. Водариғ, рўшнолик нималигини билмаган волидам-а? Бу ҳаётда кўргани нима бўлди? Халқнинг дашноми, қариндош-уруғларнинг қарғиши, фарзандларининг норозилиги, бебахтилигидан бошқа нарса кўрмади, шўрлик. Ҳаммасига яна ўша отам айбдор. Нима эмиш, “халифалик қурамиз, ҳали ҳаммаси олдинда” эмиш.

Бундок атрофингизга ўз вақтида кўзингизни каттароқ очиб қараганингизда, ота, кўп нарсани англаган бўлардингиз. Ҳудога шукрки, юртимиз тинч, одамларимизнинг турмуши тобора яхшиланиб бормоқда. Биз ёшлар ўқиймиз десак, ишлаймиз десак, ҳаммаси муҳайё. Шундай пайлари, келиб-келиб сиздек нотавон инсон оиласида дунёга келганимдан афсусланиб кетаман.

Тенгдошларимнинг ота-онаси болам деб яшаётганини кўриб, жуда ҳавасим келади. Бири институтда, бири университетда ўқийди. Бошқаси энг замонавий корхонада ишлайди. Яна бирининг ўз бизнеси бор. Яна бири ҳарбий хизматга кетиб, Ватан олдидаги бурчини бажармоқда. Улардан нимам кам эди, ота? Айтинг, нимамиз кам эди? Кўчага чиқсан, ҳамма ана “ҳизбчи”нинг ўғли келаяпти, деб бизни оламушукка чиқаришади. Яхшиям, маҳалламиизда инсофли одамлар кўп. Йўқса, сизнинг қасрингизга ўйимиздан ҳам бадарға бўлардик. Кўчаларда хор-зор бўлиб, тиланчилик қиласидик, билмадим.

Сиздан кўрмаган яхшиликни, сиздан олмаган меҳр-оқибатни бегоналар берди. Ота учун бундан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Мен энди ёш бола эмасман. Эркак бўлишни хоҳлайман. Ҳаттоқи, шу йўлимга ҳам тўғаноқ бўлдингиз ота. Қилмишларингиз туфайли ўғлингиз эркак бўла олмаяпти. Онам ўлимидан олдин бир-икки жойга совчиликка борганида, юзи шувит бўлиб қайтди. Одамлар “ҳизбчи”нинг ўғлига берадиган қизимиз, йўқ деб айтибди. Сингилларим етмаганидек, мени ҳам бепушт қилдингиз, ота. Тўғри, менга қизини бермайдиганларни ҳам тушунаман. Уларнинг бунга ҳаққи бор. Лекин нимага сиз бизни ўз вақтида тушунмадингиз, “ҳизбчи” ота. Сиздек отадан ор қиласман. Ор!!!

Оёқ-қўлимиизни бойладингиз, юрагимизни доғладингиз. Бизга қўшиб, орзуларимизни ҳам туғилмасиданоқ ёқиб юбордингиз. Ўзимизни армон арқонига осиб кетдингиз. Ўзингиз бўлса, қора панжара ортида мунғай-иб ўтирибсиз. Энди афсуслансангиз ҳам кеч. Биз сизни ҳеч қачон қабул қилмаймиз.

Эй, ота-оналар, фарзандларингизни ўйласангиз, ўзингизни ўйласангиз, келажагингизни ўйласангиз, менинг отам каби бўлманглар. Ундан ибрат олманглар. Эй, фарзандлар, сизларга ҳеч қачон бундайин разил, нодону нокас отанираво кўрмайман. Асло! Ундан кўра етим бўлиб ўсган яхшироқ. Ундан кўра туғилмасдан ўлган яхшироқ. Ундан кўра жинни бўлиб, саросар бўлган яхшироқ.

Сиздан нафратланаман ота! Сиздан ҳаммамиз нафратланамиз! Сиздан раҳматли онам ҳам нафратланади! Сиздан ва сиз каби инсонлардан ҳамма нафратланади!”

“Бахтикаро фарзанд”

“ҮЕЛИМ ДИЁНАТЛИ БҰЛСИН, ДЕГАНДИМ...”

“...Мен тадбикорлик қилардым, пойтахтимизнинг олд оиласаридан бири әдик. Маҳалла-күй, құни-қүшнілар орасыда үзига яраша ҳурматимиз бор әди. Аёлим билан бирга икки үғил ва бир қизни ҳеч нарсага зориқтирумай катта қилдик.



арзандларим бирин-кетин үлғая бошлади. Уларнинг камолини кўриб, қувончим ичимга сиғмасди. Катта үғлим Сардор ота касб дедими, бозор ишларидан менга кўмаклашиб юрди. Ишларимиз кундан-кунга яхшиланиб борарди. Кичик үғлим ва қизим институтга ўқишга кирди. Хуллас, фарзандларимдан кўнглим тўқ, давраларнинг тўрида ҳеч кимга гап бермай, мақтаниб ўтирадим.

Кунлардан бир кун... Очиғи, ўша кунни эслагим ҳам келмайди, Сардор мендан ўртоқлари билан масжидга жума намозига бориш учун рухсат сўради. Тўғриси, үғлимнинг бу ишидан суюндим ва үнга рухсат бериб, у келгунича, дўкондаги молларни үзим сотиб турдим. Ҳаммаси мана шундан бошланди. Мен аҳмоқ Сардорга рухсат беришга берибман-у, унинг ёнидаги ўртоқларини яхшилаб суриштирумабман. Шу тариқа үғлим жума намозларини канда қилмайдиган бўлди. Аста-секин соқол қўйиб, беш вақт намоз ўқийдиган тақводорга айланди-қолди. Уйдагиларни ҳам динга даъват қиласидиган, ҳатто менга ўз отасига ақл ўргатадиган одат чиқарди. Бундан-да ошиб тушгани — ҳар сафар нималарнидир баҳона қилиб, бозорда ишлаб топган пулларимиздан бир қисмини үзига олиб қола бошлади.

Шундагина кимдир унинг миясини заҳарлаяпти, деган фикрга келдим

ва суриншири бошладим. Сардорни қистовга олдим, ўртоқлари ҳақида сўрадим. Улар ўғлим билан фақатгина телефон орқали боғлангани боис ўртоқларининг кимлигини билолмадим. Бу ҳақда ҳеч кимга айтмадим. Ўғлимнинг айбдор бўлиб қолишини ўйлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш орғанларига мурожаат қилишдан чўчидим ва бу менга қимматга тушди.

Сардор бора-бора гапимга умуман кирмай қўйди ва ишлаш учун Туркияга боришини айтиб, уйдан қочиб кетди. Орадан бироз вақт ўтиб, участка нозири, маҳалла посбони ва оқсоқол келиб, Сардор ҳақида сўради ҳамда унинг диний террористик оқимлар сафига қўшилиб қолгани ҳақида маълум қилди.

Буни эшитган хотиним Адабанинг қон босими кўтарилиди ва ҳушидан кетиб йиқилди. “Тез ёрдам” машинасида уни шифохонага олиб бордик. Ўша жойда бир аҳволда ўзига келди. Атрофга бироз термилганча, ҳолсиз оҳангда “менинг Сардоржоним қани, нега келмаяпти, бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон-а дадаси?” деди ю кўзини юмди. Шу-шу бошқа кўзини очмади... Бу унинг охирги сўзлари эди.

Адабанинг маъракалари ҳам ўтди, лекин ўғлим Сардордан дарак бўлмади. Тез орада Сардор ҳақидаги гап-сўзлар маҳалла-кўйга тарқалди. Қўшни маҳаллага турмушга чиққан қизим Гулчеҳрани акасининг бу қилмишларини эшитган күёвим ва қайнонаси ўйларидан ҳайдаб юборди. Ҳозир қизим бир ёшли набирам Севара билан бизнинг уйда яшамоқда. Ҳар куни йиғлаб эзилади. Мен ва кичик ўғлим Азизбек бош кўтариб кўчага чиқишига уяладиган бўлиб қолдик. Маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар орасида бошимиз эгик. Қачонлардир ўғлим ҳақида фаҳр билан оғзим тўлиб, гапирадим, бугун эса бундай фарзандни дунёга келтириб, вояга етказганимдан эл-юрт олдида уятга қолдим. Ҳаммасига ўзим айборман, вақтида эътиборсизлик қилдим. Энг ёмони, менинг эътиборсизлигим ва журъатсизлигим туфайли ўғлим Сардор нотўғри йўл тутиб, дом-дараксиз кетди ва юзи қора бўлди. Бу иснодни кўтаролмай гулдек хотиним Адига 44 ёшида оламдан ўтди.

Кичик ўғлим Азизбек ҳали 20 ёшга ҳам кириб-кирмай ичкиликбозликка берилди. Энди унга ҳам сўзим ўтмай қолди. Эридан ажрашиб келган

қизим Гүлчеҳра эса нима қилишини билмай сарғаяди. Набирам дадам ва бувижонимга кетаман деб йиғлагани-йиғлаган. Жигарбандларим кундан-кунга тушкунликка түшиб, сўниб бораяптию, мен эса ожизман, ҳа ожиз ва нотавон отаман...

На ўнгимда, на ўйқумда ҳаловат бор, Адиба билан фарзандларимиз оғушида ўтган баҳтли кунларимиз кўз олдимда гавдаланаверади. Яна ўша кунларга қайтгим келади! Эҳ, ўша пайтлар баҳтдан сармаст эканманда. Бақтида кўзим очилмабди-да. Афсус энди кеч! Жуда кеч!

Тинимсиз ўйланаверишлар натижасида юрагим хуруж қиладиган одат чиқарди. Бу ҳам етмагандай, қандли диабет касалига чалинибман. Биргина эътиборсизлик, лоқайдлик мени шу кўйга солди.

Қадрли ўқувчи! Бу киши нимага буларни ёзиб, дардини дастурхон қиляпти, дейишингиз мумкин. Балки сиз ҳақдирсиз.. Майли, мен-ку ўз хатойим сабаб аянчли аҳволга тушдим, азобини ҳам ўзим тортяпман. Лекин менинг кўрган-кечирганларим бошқаларга ўрнак бўлишини истардим. Ҳеч бўлмаса, шу тариқа бошқа оталар мен каби аччиқ қисматга дучор бўлишининг олдини олишга ҳиссамни қўшиш истаги кечинмаларимни қоғозга тўкишга үндади. Огоҳ бўлинг, азизлар!"

Азамат Бўронов, Тошкент шахри

ТОБУТИ ХОР БҮЛГАН ОТА

“Мен – Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида истиқомат қилувчи Темиров Ғулом Намазович, ўқитувчи бўлиб ишлайман. Касбим тақозоси билан ёшларга маънавият ва маърифат улашиб, уларни тўғри йўлга чорлаб келмоқдаман. Ҳаёт шундай бир жараён эканки, мен ўтган умрим мобайнида унинг жуда кўплаб қизиқ ва аччиқ манзараларининг гувоҳи бўлдим.

Яқинда маҳалламиизда рўй берган воқеа хоҳ мусулмон ёки бошқа дин вакили бўлсин, ўзини инсонман деган кимсанинг қалбини титратмай қўймайди, кўзларига ёш олмаган инсонни ҳам ийғлашга мажбур қиласди.

Бир вақтлар “мўйловини болта чопмаган” маҳалладошимиз Ҳамидулла ота, яқинда 78 ёшларида вафот этдилар. Ҳамидулла ота тиббиёт соҳасида фаолият юритиб, узоқ йиллар халқ хизматида бўлган. Туну кун эшигини тақиллатиб келган дардмандларга шифо ва умид бериб, ҳалол меҳнат билан тўрт ўғил ва бир қизни уйли-жойли қилиб, уларни тўғри ва ҳалол яшашга даъват этиб келган инсон эдилар.

Минг афсуслар бўлсинки, Ҳамидулла отанинг ҳалол топган нонини еб улғайган уч нафар ўғли Абдулло, Ғайбулло ва Файзулло 2004 йилда “Ҳизбут-таҳрир” диний экстремистик оқимига аъзо бўлиб, маҳалласида истиқомат қилган 15 нафар тенгқурларини ҳам ушбу оқимга жалб этгани учун 13 йилдан ортиқ муддатта озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг касрига қолиб маҳалланинг яна бир қанча йигитлари ҳам узоқ йилларга панжара ортига тушишди. Кўрнамак ўғиллар ислом динини ўргатаман, деб нафақат ўз маҳалладошларини кафангадо қилишди, балки ёш хо-

тинларини ҳам тақдирнинг аёвсиз ҳукмига ҳавола этишди. Қадди букилмаган отасини халқ орасида шарманда қилишди.

Эҳ! Тақдир экан-да, деб қўясану, аммо эркакман деган кимсага ушбу йигитларнинг оиласидаги аҳволни ҳазм қилиш жуда оғир. “Ҳизбут-таҳрир”нинг ёлғон ваъдалари учун жонини жабборга бериб, жазо муддатини ўтаётган Абдулло, Ғайбулло ва Файзуллоларнинг аёллари — Нигора, Мақсуда, Гуласал нималарга дучор бўлишмади, кимлар уларга гап отишмади, эрлари билан дўст бўлган қанчадан-қанча “эркаклар” уларни айшу ишратга таклиф этишмади. Аммо улар барча қийинчиликларга чидаб келишмоқда. Бири эрта тонғдан “Чорсу” бозорида хоним сотса, бири эркаклардан қолишмай мебель цехида ғилоф, яна бири эса кўрпа-тўшак тикади. Бечораларнинг қўллари қадоқ отиб, елкалари бўкчайиб қолган. Улар келин бўлиб, шуни орзу қилишганмиди? Ҳамидулла ота ўғилларидан шуни кутганмиди?

Ушбу надоматлардан сўнг халқдан ажралиб қолган Ҳамидулла ота кўз ёш тўка-тўка бош мия саратони билан хасталаниб, бир умрга кўр бўлиб қолди. Бош оғриғининг кучлилигидан отахон бир неча бор ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлди. Катта ўғли Нарзулланинг отасини кўрсатмаган жойи қолмади. Фарзандларини кута-кута кўзларидан ажраган ота үмрининг охиригача оғир дард билан курашди. Бу қалб дарди эди.

Ўлим билан олишаётган дардманд Ҳамидулла ота муқаддас ислом динига хоинлик қилган ўғиллари ўз ғоясидан қайтмай, отасидан “ҳизб”-ни афзал деб билганини тушунган бўлса-да, нобакор фарзандларидан умид қилиб яшади. Уларнинг тўғри йулни танлашларини сўнгги нафасигача кутди. Кўзлари кўр бўлса-да, панжара ортида ўтирган ўғилларига юрак қони билан хат ёздирав, ҳар гал хатларида уларни тўғри йўлга бошлаб, давлатимиз уларни кечиришини таъкидлаб, сўнгги сўз ўрнида “... ўғилларим, сизларни кутиб қолувчи кўзлари кўр отангиз...” деб таъкидларди. Кун билан туннинг фарқига бормай қолган Ҳамидулла ота ҳар гал сўз бошлаганида “ўғилларимнинг касофати билан қамалган маҳалладошларим олдида мен қандай қилиб бош кўтараман”, деб ёш бола сингари увиллаб йиғлаганларини бутун маҳалла билади.

Вақт ўз ҳукмини ўқиди: Ҳамидулла ота вафот этди. Энг ачинарлиси, дағн маросимида қариндошлардан ташқари, маҳалладан фақатгина у кишини таниган саноқли тенгқурлари иштирок этди. Нега ундаи бўлди, дейсизми? Сабаби, бутун маҳалла Ҳамидулла отанинг уч нафар “ҳизбут-таҳрир”чи ўғлидан нафратланади. Улар маҳалламизнинг номини булғашди. Кўпчилик маҳалламизни “ҳизбчи”лар маҳалласи деб кўрсатадиган бўлиб қолган. Шу-шу бизнинг маҳаллага ҳеч ким қиз ҳам бермайди, қизларимизни келин ҳам қилмайди.

Дағн маросимида Ҳамидулла отанинг катта ўғли — менинг дўстим Нарзулло ўзини қўярга жой топа олмай, яккалик қилди. Яхшиямки, маҳалла оқсоқоли Зухриддин aka маросимга ўзи бош бўлиб, майитни сўнгги йўлга кузатишда фаоллик кўрсатди. Аммо Ҳамидулла отанинг тобутини ошиб борса, ўн беш нафар эркак елкасига олишди, холос. Тобутни мозорга олиб борганларнинг барчаси Ҳамидулла отанинг тенгқурлари десам, хато бўлмайди. Мозорга боргунча, отахонлар тобутни бир неча марта ерга қўйиб аранг манзилга етиб олишди. Бундан олдин мен тобут елкага олингач, уни бир неча марталаб ерга қўйишганини, майит бунчалик хор бўлганини кўрмаган эдим. Ҳамидулла отанинг тобути хўрланди, марҳум сўнгги манзилга жуда қийинчиликлар билан кузатилди. Хўрликларим келиб кетди. Нарзулло дўстим ўзини қўярга жой топа олмади. Бунаقا хўрликни, ҳатто тирноққа зор эркак ҳам кўрмаган бўлса керак.

Эй фалак! Дунё ташвишлари нега бунчалар бешафқат? Тўрт ўғилни дунёга келтирган отанинг тобути шунчалар хор бўлиши мүмкинми? Ахир бунчалик хўрликка сабаб нима? Эҳ, қадр топмаган Ҳамидулла ота, фарзандларингиз сизни шунчалар хорликка ҳукм қилишганини сиз қандай қилиб енга олдингиз?

Саволларимга маҳалладошларим кўзларига қараб жавоб топгандекман. Яъни “ҳизбут-таҳрир”чи Абдулло, Файбулло, Файзуллоларнинг қилмишларидан куйган маҳалла аҳли “ҳизб”дан нафратланишини яна бир бор намойиш этди.

Яна қанчалар инсонларнинг уйини, оиласини, келажагини вайрон қиласанлар, сен “ҳизбчи”лар? Наҳотки, сенларни ҳам она түқсан?

Инсонлар күнглини зада қилган “Хизбут-таҳрир” ва унинг ёлғон ғоялари маҳаллани, дўстларни, ака-укаларни, ҳатто ота-онани фарзандларига душман қилиб қўймоқда. Сенларнинг касрингга қолиб, бокира қизларимизнинг умри хазон бўлмоқда, алдовларингга ишонган йигитларимиз оиласидан ажраб қолишмоқда. Тобути хор бўлганлар сони ортмоқда.

“Хизбут-таҳрир”чилар! Сенлар кўзларида меҳр тўла оталар, оналар ва меҳрга зор гўдакларнинг нафратига учрагансан. Сенларга бизнинг орамизда жой йўқ!!!”

“ҚИЗИМНИ БАХТЛИ ҚИЛОЛМАДИМ...”

“Пойтахтдаги нуфузли олий ўқув юртларидан бирида дарс бераман. Икки қизим ва бир ўғлим бор. Раҳматли турмуш ўртоғим оламдан ўтгандан сўнг фарзанд тарбиясидан тортиб, барча рўзғор ташвишлари ўзимга қолди. Яхшиям, яқинларимиз, маҳалла-кўй, қўни-қўшинилар бор экан, кўнгил сўрайди, вақти келса, ёрдам беради. Уларнинг оиласизга кўрсатайтган ғамхўрлигини кўриб, ўзбеклардай меҳр-оқибатли халқ бўлмаса керак, деб қўяман ўзимча.

Бизда тўй-маъракалар ҳам ўзгача-да, айниқса, тўйдан олдин келин танлашни айтмайсизми, аммаю холалар, опаю сингиллар, борингки, узоқ-яқин барча қариндошлару дўст-дугоналар бу ишга жалб этилади. Институтга талабалар, яъни бўлғуси қелинларни қидириб, кунига камида икки-учта аёл келади. Кўпинча уларга сиз ўқувчиларингизни яхши биласиз, деб мени рўпара қилишади. Тўғриси, бундан ўзим ҳам суюниб кетаман, ҳа, кимнингдир баҳтли бўлишига ҳисса қўшишнинг нимаси ёмон?!

Институтда олдин ўқиб кетган талабаларимни кўча-кўйда жажжи боласини ўйнатиб юрганини кўрсам, беихтиёр қувонаман ва уларни институтга сўраб келган совчиларни эслайман.

Шу-шу ўқувчиларимни сўраганларга мақтаб юраверибман-у, қизим Мадина ҳам балоғатга етиб қолганини сезмай қолибман. Мадина коллежни тамомлаши билан ўйимиздан совчиларнинг кети үзилмай қолди. Бошқаларнинг фарзандлари ҳақида bemalol, ишонч билан гапирадим.

Үз қизимнинг тақдирини ҳал қилиш вақти келганда, ўйланиб қолдим. Кимга маслаҳат солишини ҳам билмасдим! Шундай пайтлари раҳматли турмуш ўртоғимнинг қадри жуда билинди. У киши ҳаёт бўлганида, маслаҳатлашиб, бир қарорга келардик. Қизимизни биргалашиб узатардик.

Қўшни маҳалладан келган совчилар “қизингизни ўғлимиизга бермагу-нингизча келаверамиз”, деб уч-тўрт марталаб келаверишди. Куёв бўлмиш бозорда савдо қилас экан. Совчиликка келган аёлларнинг гап-сўzlari ва ўзларини тутишидан ўзига тўқ одамларга ўхшади. Уйимизга келганлар куёвнинг опаси ва аммаси бўлиб, улар иккаласи ҳам ҳижобда эди. Бармоқларитилла узукларгатўла бу икки совчи гапирганда, ишонч билан, бироз кибрланиб гапирарди. Бўлғуси куёвнинг исми Аброр бўлиб, қизимдан тўрт ёш катта экан. Совчиларга “олдин қариндошлар билан маслаҳатлашайлик, кейин ёшлар бир-бирлари билан кўришади”, дедим. Қариндошларнинг битта-иккитаси “уларни овора қилавермай, берсанг бер-да, қиз болани ҳавас қилганга бергин”, деди.

Аброрнинг оиласини биладиган кишилардан суриштирсан, ўзига тўқ, бадавлат, яхши одамлар дейишди. Шундан сўнг ёшлар кўришди. Қизимдан “нима бўлди қизим?”, деб сўрасам, “ойижон сал шошмаяпмизми, ўқишига топширсан бўлармиди”, деди. Эртаси куни совчиларга қизим ўқишига кирмоқчи эканлигини айтдим. Улар “у ёғини ўйламанг, опа ўзимиз ўқитиб оламиз”, дейишди. Мадинага ётиғи билан тушунтирдим, қизим мени тушунди ва тўйга рози бўлди. Бир дунё орзу-умидлар билан ёшларни унаштирдик.

Бир куни ишдан келсан, Мадина йиғлаб ўтирибди. Нима бўлди, десам, “ойижон, куёвингиз ҳижобга кирасан, бўлмаса, сен билан ора-ни очиқ қиламан, деяпти, унинг ҳамма қариндошлари ҳижобда экан”, деди. Унга нима деб жавоб қайтаришни билмай қолдим. “Ҳаммаси яхши бўлади қизим”, деб уни овутишга тушдим. “Майли, унинг талабини ба-жар, ҳар ҳолда бўлажак турмуш ўртоғинг, сендан ранжимасин”, дедим. Мадина ўша кундан бошлаб ҳижоб ўраб юрди, лекин нимагадир кўнгли ёришмас, ҳорғин бўлиб қолди.

Тўй куни белгиланди, қизимнинг сепини бошқаларнидан кам қиласликка, отасининг ўрнини билдириласликка, кўнглини ўкситмасликка ҳаракат қилдим. Қуда томон нималарни айтган бўлса, қарз кўтариб бўлса ҳам олдим. Күёвнинг талаби билан унга кийимларни Туркиядан, атирларни Дубайдан олиб келтирдик. Нима бўлса ҳам, қизим баҳтли бўлса бўлди, қарзлардан бир амаллаб қутуларман, деб ўйладим.

Мадинанинг тўйи куни үйимизга карнай-сурнай садолари остида куёв навкарлар келишди. Қизимнинг тўйи бўляпти-ю, мен эса йиғлаб сиқиламан. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди. Бу кунларни отаси кўрмади-да! “Дадаси, қизимизнинг тўйи бўляпти, ишқилиб, борган жойида тош қотиб, баҳтли-саодатли бўлсин!” деб пичирлайман.

Қизимизни узатиб кетишди. Тўйда икки ёшнинг баҳти учун дўст-ёрлар тилаклар билдириб, йиғилганлар дилтортар наволарга рақсга тушиб маза қилиб хурсандчилик қилишади, деб ўйлагандим. Аммо бошқача бўлиб чиқди, фақатгина биз томондан борган меҳмонлардан ташқари қолгандар ҳаммаси диний либосда, эркаклари соқол қўйган, аёллари ҳижоб ўраган. Бу тўй ўзимизнинг ўзбекона тўй эмас, худди қандайдир диндорларнинг йиғилишини эслатарди. Тўғри, иймон-эътиқодли бўлиш яхши, лекин гап либосда эмас, эътиқод даражаси кийим билан белгиланмайди, аввало инсоннинг кўнгли тоза бўлсин.

Кўнглим нотинч, турмуш ўртоғимнинг бу кунларга етмаганини ўйлаб бир эзилсан, тўйнинг мотам сингари ўтаётганига баттар эзиламан. Тўйни тўхтатиб, қизимни ўйга олиб кетиш фикри хаёлимга келди-ю, гап-сўзларни ўйлаб, журъатим етмади. Ўшанда олиб кетмаганимга бир кун келиб афсусланишимни ўйламабман мен аҳмоқ!

Кўнглим нотинчлиги бежиз эмас экан, қизимнинг баҳти атиги ўн кунга татиди, холос. Тўйдан ўн кун ўтиб, кечки соат олтиларда эшигимиз қўнғироғи жиринглади, эшикни очсан, Мадина кўзида ёш билан ҳўнграб йиғлаб турибди. “Нима бўлди, нима қилиб юрибсан, кеч бўлганда?” дедим. “Ойи, күёвингиз олдин ҳам ўйланиб, ажрашган экан”, деди қизим. “Йўғ-е, унақамасдир, сенга ким айтди буни қизим, кел ўйга кир, бироз тинчланиб ол, кейин уйингга борамиз, ҳаммасини ўша ерда гаплаша-

миз”, деб уни үйга киргаздим. Қизимнинг айтишича, Аброрнинг тўрт ёшли жияни Шавкат унга “олдинги Озода келинойим сиздан чиройли эди”, деган. “Қайси Озода келинайнингиз?”, деб сўраса, “Аброр тоғамнинг аввалги хотини-да, кенайи нега тусинмайсиз”, жавоб берган у. Бу ҳақда қизим күёвга гапирса, “Ҳа тўғри, олдин үйланганман, энди сенга үйландим, нима бўлибди шунга, Ислом динида тўрттагача үйланиш мумкин. Хоҳласам, яна үйланаман, чидасанг шу, чидамасанг, катта кўча”, дебди.

Қизимни олиб, қайнонасининг олдига бордик, бўлган гапларни айтсак, у ҳам “нима қилибди қудажон, нима кераги бор ваҳима қилиб, ўғлим ўзи сал эркароқ, келин сиз оғирроқ бўлинг”, деди. Ўша куни алдаб-сулдаб қизимни үйида қолдирдим. Мадина бир ойда бир марта үйимизга келарди. Озиб-тўзиб кетган, ҳорғин бир аҳволда. Нима бўлаётганини сўрасам, мени сиқилмасин дейдими, кўпам айтавермасди.

Бозорда уларнинг қўшнисини кўриб қолдим. Унинг айтишича, Аброр Мадинани кўп калтаклар эмиш. Тўғриси, бунга ишонмадим, қўшниси уларга ҳасад қиляпти, дедим ўзимча. Бир куни қизимни кўргани борсам, не кўз билан кўрайки, юзи кўкарган, бир оёғи оқсанб юрибди. Нима бўлди десам, йиқилиб тушдим, дейди. “Яқинда она бўласан қизим, ўзингни эҳтиёт қил”, деб тайинлаб келдим. Кун келиб, қизимнинг кўзи ёриди, боласи носоғлом туғилди. Шифокорлар Мадина ҳомиладор пайти кўп сиқилгани боис фарзанди соғлигига нуқсон билан туғилганини айтишди.

Қудаларим “бизга бунақа бола ҳам, келин ҳам керакмас”, деб ҳатто касалхонага ҳам бормай қўйди. Қизим ва набирамни ўзим үйга олиб кетдим. Уларга инсоннинг қадри бир тийин экан. Ҳатто набираларидан ҳам осонгина воз кечиб юборди. Ўзларини иймон-эътиқодли, тақводор қилиб кўрсатган бу кимсалар аслида, разил ва жоҳил одамлар бўлиб чиқди. Одамларга ташқи кўриниши, кийимлари орқали баҳо бериб бўлмас экан.

Мен уларнинг бойлиги-ю, кийим-бошлари ва ширин гап-сўзларига учиб, яхшилаб суриштирмай, қизимни бериб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйдим! Қизимга бахт тиладим-у, бахтли қилиш қўлимдан келмади! Нима қиласай?!”

Насиба Пўлатова, Тошкент шахри

БОЛА БОШИДАН, НИҲОЛ ЁШИДАН...

“Самарқанд вилоятининг чекка қишлоқларидан биринча яшаймиз. Турмуш ўртоғим қўли гул уста, ўзим туманинг издаги бозорчада кийим-кечак сотиш билан шуғулланаман. Уч нафар фарзандимиз бор. Каттамиз қиз, ундан кейин икки ўғлимиз дунёга келган. Тўнғичнинг қиз бўлиши яхши экан-да, онага ёрдамчи, тайёр дастёр бўларкан. Қизим Саида укаларини кўтариб катта қилди, улғайгани сари менга кўмаклашиб, уй ишларини қўлимдан олди. Кун кетидан кун ўтиб, қизимнинг камолидан хурсандчилигим ичимга сиғмас эди.

Гул топиш илинжида асосий вақтимни бозорда ўтказиб, фарзандларим, айниқса, қизимга вақт ажратиш эсимга ҳам келмабди. Ундаги ўзгаришларни пайқамабман. Қачонки ҳижобга кирмоқчилигини айтганда, ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Тўғриси, замонавий кийим кийишга анчагина ўч бўлган қизим нега бирдан ўзгариб қолганига ақлим етмади. Ундан бу ҳақда сўраганимда, шунча пайт гуноҳга ботиб замонавий кийиниб юргани, энди эса ўзини динга бағишлиш нияти борлигини айтди. Саидага ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдим, лекин у билганидан қолмас эди. Турмуш ўртоғим менга ҳам, қизимга ҳам танбеҳ берди.

Икки-уч кун, узоғи билан бир ҳафта қизимизнинг ҳаракатлари, ўзини тутишидан хавотирланиб юрдик. Кейин эса мен ҳам, дадаси ҳам бу ҳақда тўхталмай қўйдик. Мен бозорда, турмуш ўртоғим бирорларнинг уйида устачилик қилиб кун ўтказиб, яна аввалгидай яшашда давом эт-

дик. Сайданинг ҳижобда юриши, беш маҳал намоз ўқишига кўнишиб қолдик. Қайтага бундан ғурурланиш ҳисси уйғона бошлади. “Биз қилмаган ишларни қизимиз бажаряпти”, деб бошқаларга мақтаниб юрдим. Ҳар куни кечки пайт Саида нималарнидир дафтарига ёзар ёки бўлмаса ёзилган нарсаларни ўқирди. Бир куни ундан дафтардаги нарсаларни ким ўргатадигани ҳақида сўраганимда, китоблардан кўчириб ёзаётганини айтди. Дафтарини очиб, ўқиб кўрдим, диний дуолар экан, бирортасига ҳам тушунмадим.

Аста-секин Саида бизга иймон-эътиқод, дин, ота-она ва фарзандларнинг бурчлари ҳақида панд-насиҳатлар бера бошлади. Бундан дадасининг жаҳли чиқди. Ундан диний амалларни кўр-кўронга бажаришни бас қилишни қатъий талаб қилди. Унга ким таъсир ўтказаётгани ҳақида суриштира бошлади. Сайданинг телефонини олиб қўйди. Шунда ҳам қизимиз уйга қамалиб олиб, диний китоблар ва дафтарига ёзилган диний маълумотларни ўқишни тўхтатмади. Унга ким, қандай таъсир ўтказаётгани ҳақида ўйлардик. Мен-ку, бунга унчалик эътибор бермай, бозордаги ишларимни битириб юравердим. Лекин турмуш ўртоғим қизимизнинг ҳаракатларидан қаттиқ сиқилди. Ҳатто ичкилик ича бошлади. Буни кўрган Саида отасига янада кўпроқ насиҳат қиласар, баъзида иккаласи жанжаллашиб ҳам қоларди. Шу-шу, ота ва қиз ўртасига совуқчилик тушди. Турмуш ўртоғим қизимиз насиҳат қилган куни атайлаб кўпроқ ичиб келадиган одат чиқарди.

Бир куни бозордан эртароқ уйга келсан, не кўз билан кўрайки, уйимиздан бегона эркакнинг овози эшишилди. Сумкамдан калитимни олдим-да, дарвозани аста-секин очдим ва яна қулфлаб қўйдим. Овоз чиқаётган томонга юрдим. Деразадан қулоқ солсан, кимдир араб тилида дуо ўқияпти. Унинг кимлигини билиш учун эшикни бориб очишга сабрим етмади. Шартта деразани очиб, ичкарига қарасам, Саидага соқол қўйган ёш бир йигит дарс ўтирибди. Улар мени кўриши билан бир чўчиб тушиб, ўринларидан туриб олди. “Мана энди билдим, қизимизга ким таъсир қилаётганини, миясини заҳарлаётганини”, десам, “ундай деманг, опа, биз Аллоҳ йўлида билим ўрганяпмиз”, деди ҳалиги йигит.



Улар ҳам кимнингдир
фарзанди...

Овозим борича бақириб уришай десам, қўни-қўшнининг орасида шарманда бўламан. Қизимнинг номи қора бўлади. Сассиз йиғлардим. Йигитнинг кимлигини сўрадим, қўшни қишлоқдан экан. Қарийб бир ойдан буён уйга келиб, қизимга диндан дарс бериб юрган экан. На мен, на турмуш ўртоғим бундан хабардормиз. Эътиборсизлигимиз шу ерда билинди. Саида ва қўшни қишлоқлик бу йигит телефон орқали танишгани, улар бир-бирлари билан дин борасида суҳбат қуриши ҳақида менга маълум қилишди. Қизимга бошқа телефон қилмаслиги ва бу ерга қадам босмаслигини, акс ҳолда милицияга арз қилишимни айтиб, йигитни уйдан ҳайдаб солдим. Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида турмуш ўртоғимга билдирамадим.

Орадан уч кун ўтиб уйимизга участка нозири ва яна уч нафар киши келди. Улар Сайдани туман ички ишлар бўлимига олиб кетишаётганини маълум қилишди. Нима учун олиб кетаётгани ҳақида ўша жойда тушунтириш беришини билдиришди. Дадаси билан шоша-пиша туман ички ишлар бўлими идорасига бордик. Йўл-йўлакай турмуш ўртоғимга икки-уч кун олдинги воқеани чала-чулпа гапириб бордим. У ерга борганимизда, уйимизга келиб Сайдага диндан дарс бериб юрган йигит ва

унинг бошқа шериклари динни ниқоб қилиб, давлатга қарши ноқонуний ишлар билан шуғулланиб юрган нопок кишилар экани ойдинлашди. Қизимиз ҳам уларга аралашиб қолибди. Бу гапларни эшитдим-у, кўз олдим қоронғилашиб кетди. “Қизимда айб йўқ, ўрнига мени жазоланглар, ҳамма айб менда, унинг тарбиясига вақт ажратолмадим”, дея пицирлайман. Бозорга чиқиб, озгина пўл топганимга хурсанд бўлиб, фарзандларимга вақт ажратишни ўйламабман, мен аҳмоқ! Бу дунёда ҳеч бир нарса билан ўлчанмайдиган, пулга сотиб олиб бўлмайдиган омиллар борлигини англаб етдим!Faқат энди жуда кеч! Бошим деворга тегди-ю, кўзим очилди. Фарзанд тарбиясида адашганим қимматга тушди...”

Феруза Очилова, Самарқанд вилояти

“Ё АСЛИНГ КАБИ КЎРИН...”

“Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳалқимиз тўкин-сочинликда баҳтли кун кечирмоқда. Ҳар бир соҳада улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида аҳолининг эътиқод эркинлиги қайта тикланиб, қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Мамлакатимиз бўйлаб кўплаб масжиду мадрасалар қад ростлади. Ҳар йили юзлаб юртдошларимиз умра ва ҳаж зиёратларини адo этмоқдалар.

Kўп қатори мен ҳам 2010 йилда ҳаж зиёратини амалга оширдим. Нанафақат мусулмонлар, балки бошқа динлар вакиллари ҳам ўз эътиқодига амал қилиб, тинч-тотув яшаб келмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиизда диний бағрикенглиқ, эътиқод эркинлиги таъминланган шарофатидир.

Тўғриси, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Ўқиб-изланиш, спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Улар замонавий таълим даргоҳларида билим олмоқда. Телевидение орқали Ўзбекистон ёшлари орасидан ҳалқаро фан олимпиадалари ғолибларини, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришаётган ёшларни кўрганимда, беихтиёр фахр туйғусини тұяман. Ўз-ўзидан ғурурланиб кетаман. Лекин, афсуски, бугун айрим ёшларимизнинг юриш-туриши, кийинишини кўриб, дилим хира бўлади. Баъзи ёшлар борки, соқолини кўриб, одам кўрқади, уларнинг ота-онаси қаерга қарайпти ҳайронман!

Ёшларнинг бундай ҳолга тушишига бевосита ота-оналар сабабчи бўлмаяптими? Яқинда бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигига ўзим ишонч ҳосил қилдим. Маҳалла фаоли бўлганим учун тез-тез турли масалаларда маҳалла идорасига чақириб маслаҳат сўраб туришади. Бир хонадонда жанжал



*«Бугун юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо...»*

бўлган экан. Мен, маҳалла раиси ва бир-икки нафар фаоллар билан у ерга бордик. Ҳали дарвозадан кирмасимиздан бақир-чақир овозларни эшитилиб турарди. Дарвоза очиқ экан: жанжални тўхтатиш учун шошганимиздан на қўнғироқни босдик ва на тақиллатдик. Тўғри кириб бора қолдик. Отахон ва онахон ҳовлидаги сўрида ўтиради. Ҳовлининг бир четида супурги кўтарган, ҳижоб ўраган келин тинимсиз бўлар-бўлмас сўзларни айтиб қарғанаар, эшик олдидаги пиллапояда ўтирган, соқол қўйган, бошига оқ тақяни қия қўндириган 35-40 ёшлардаги эркак эса унга қаратса тинимсиз сўкинарди. Сўридаги онахон сассиз йиғлаб ўтиради. Чол эса уятдан бошини эгганча сукут сақлаб турарди. Мўйсафиддан келишмовчилик сабабини сўрадим. “Билмайман, болам, ҳар куни шу аҳвол. Ўғлим билан келиним уришгани-уришган. Буларни нима қилишга ҳам ҳайронман. Тўрт фарзанди бор. Каттаси коллежда иккичи курсда ўқийди. Бу иккаласи бўлса, на ота-онани билади, на болаларни, охири маҳалла идорасига мурожаат қилишга қарор қилдим”, дейди отахон.

Шу пайт келин бор овозда бақира бошлади: “Ўзимиз ҳал қиласиз муваммолизни, буларни нега чақирдингиз?! Бориб ишларини қилсин!”

Чолнинг ўғли қўшимча қилди: “Дада, сизга неча марта айтганман, бош-

қалар устимиздан кулишини хоҳлайсизми, қариганда нима бўлди сизга? Нега уйдаги гапларни маҳаллага чиқиб айтяпсиз?”

Тўғриси, у ерга борганимизга пушаймон бўлдик. Эр-хотин бизни беҳурмат қилиб кўчага ҳайдади. Ўз ота-онасини ҳурмат қилмаган бу кимсалардан яна нимани кутиш мумкин? Маҳалладан яхшилаб суриштирасам, улар иккаласи ҳам ўзларини инсофли, диёнатли, тақводор қилиб кўрсатиш учун диний либос кийишни бошлаган. Эри соқол қўйиб, хотини ҳижоб ўраб юришни шунчаки, кўр-кўрона одат қилган экан.

Ота-онаси ва айниқса, фарзандлари олдида сўкиниш, қарғаниш ва турли уят сўзларни айтишдан ор қилмаётган, уялмаётган юқоридаги каби кимсалар билиб қўйсин: диний эътиқод даражаси либос, соқол ёки ҳижоб билан белгиланмайди. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг дуосини олиш, фарзандларга тўғри тарбия бериш, менимча, ҳар қандай шаклу шамойилдан кучлироқ ва фойдалироқдир.

Минг афсуски, бугунги кунда аҳоли айниқса, ёшлар орасида кўр-кўрона соқол қўйиш, ҳижобга кириш ҳолатлари кўп учрамоқда. Уларга қарата айтмоқчиманки, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, кўпроқ ўқиб-ўрганишга, илм олишга ҳаракат қилинг! Сизга кераги ва фойдалиси фақат билим олиш ва яна билим олишдир. Кийинганда ҳам ҳар ким ўзига ярашган, қулай, тоза, озода кийимни кийгани яхши. Соқол қўйган ёки ҳижоб ўраган билан диёнатли, ҳалол бўлиб қолмайди инсон.

Мана кўриб-билиб, эшитиб юрибмиз-ку, тилла, доллар олди-сотдиси билан ноқонуний шуғулланувчи айрим “ўранган” аёллар пул учун динини ҳам сотиб юбориши, муюмала борасида фақатгина қарғаш ва сўкини биладиган “ҳижобдаги фаришталар” ҳақида ёки ўзини тақводор қилиб кўрсатиш учун соқол қўйган айрим эркакларнинг бирорларни алдаб пулинни олаётгани, аслида ғирт муттаҳам қаллоб эканлиги ҳақидаги мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Аввало, ҳар бир кишининг қалби тоза бўлсин. “Аслинг каби кўрин ёки кўринганингча бўл”, деб бежиз айтишмаган ахир. Биринчи навбатда ўзлигимизни унутмайлик! Юриш-туришимиз, кийинишимиз ҳам шунга мос бўлсин!”

Абдунаби Турғунов, Тошкент шахри

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	3
ГАФЛАТ БАЛОСИДАН АСРАСИН	5
БИРИНЧИ ҚИСМ:	
ПАНЖАРА ОРТИДАН МАКТУБЛАР	
АДАШГАН ИГНАНИНГ ҚИЙШИҚ ЧОКЛАРИ	14
РҮЁГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР	20
“ФИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧГАНДА”	34
ЖАҲОЛАТНИНГ СЎНГИ БЕКАТИ	50
“ЎЗИМДАН ЎТГАНИНИ ЎЗИМ БИЛАМАН!”	64
НОШУКУРЛИК БАЛОСИ	82
ЖАҲАННАМДАН ҚОЧГАН АЁЛ	93
ҚАЛЬ КЎЗИ КЕЧ ЁРИШГАН “ХИЗБЧИ”	140
“БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...”	144
“МЕН ОЗОДЛИҚДАН ҚЎРҚАМАН...”	147
“ЎЗИМ ЎТИРГАН ШОХГА БОЛТА УРДИМ...”	151
ИККИНЧИ ҚИСМ:	
ОГОҲЛИК — БАРЧАМИZNИНГ БУРЧИМИЗ	
ЗУЛМАТ ИЧИДА СЎЛГАН ГУЛЛАР	164
ХЎРЛАНГАН ФАРЗАНД ИЗТИРОБИ	169
ПАРВОЗ КЎРМАГАН ҚАНОТЛАР	172
“СИЗДАН НАФРАТЛАНАМАН, ОТА!”	177
“ЎҒЛИМ ДИЁНАТЛИ БЎЛСИН, ДЕГАНДИМ...”	180
ТОБУТИ ХОР БЎЛГАН ОТА	183
“КИЗИМНИ БАХТЛИ ҚИЛОЛМАДИМ...”	187
БОЛА БОШИДАН, НИҲОЛ ЁШИДАН...	191
“Ё АСЛИНГ КАБИ КЎРИН...”	195

Ж - 13 Саробга алданганлар қисмати / Түплөвчи ва масъул мұхаррир:

Рустам Жабборов. – Тошкент: «Zamon Press Info nashriyot uyi»

ISBN 978-9943-4865-0-8

УУК 821.512.133-31

КБК 84(5ұ)

Адабий-бадиий нашир

САРОБГА АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ

Лойиха раҳбари: Ф. Абдухоликов

Масъул мұхаррир: Р. Жабборов

Дизайнер: Т. Монченко

Кичик мұхаррир: М. Ўроков


Мусахих: А. Рустамов

Сахифаловчи: А. Варламов

Нашриёт лицензияси AI № 289. 04.11.2016. Босицига рухсат этилди 24.02.2017. Хажми 12,5 босма табоқ. Адади 10000 нусха. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қофози. "Virtec Peterburg Uz" гарнитурасида оғсет усулида босилди. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №17-421.

"ZAMON PRESS INFO NASHRIYOT UYI" МЧЖ. Тошкент шаҳри, 100060, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кӯчаси, 53-үй, Телефон (371) 215-51-97, 215-51-93.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди. 100129, Тошкент шаҳри А. Навоий кӯчаси 30.



A close-up photograph showing a person's hands writing on a lined notebook with a pen. The hands are positioned as if holding a pen, and the notebook has horizontal ruling lines.

ISBN 978-9943-4865-0-8



9 789943 486508